


37

О. ҲАСАНБОЕВА, Ж. ҲАСАНБОЕВ,  
Ҳ. ҲАМИДОВ

# ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

*Республика таълим маркази  
ўқув қўлланма сифатида  
нашрга тавсия этган*



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1997

Хар қандай жамият тараққиеті таълим-тарбия билан бевосита боғлиқдир. Айниңса, ёшлар онғыга миллий тарбия анъанааларини сингдириш, улардың тарбия борасидаги ота-боболаримизнинг тажрибаларидан баҳраманд әтиш мұхым ақамиятта әгадір.

Құлғындағы ушбу мүқобиға құлланмада Узбекистондаги таълим-тарбия тарихи тадқиқ әтилади. У ўрта маҳсус ва олий ўқыу мурасында талабалари учун мүлжалланған.

Такризчилар: тарих фанлари доктори, профессор М. ИСАКОВ,  
педагогика фанлари номзодлари К. М. ХОЛИҚ-  
БЕРДИЕВ, Б. ЭГАМОВ, М. РУЗИҚУЛОВ



X 4302000000—106 151—97  
353(04)—97

© «Үқитувчи» нашриети, 1997 й.

ISBN 5—645—02865—1

## КИРИШ

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим-тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика фанидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда атрофлича ўрганишни тақозо этади. Педагогика тарихи фанини ўзлаштириш — маънавий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш инсон камолоти ҳақидаги ғояларни ниҳоятда пухта билишни талаб этади. Педагогика тарихи фанини ўрганиш — кишилик жамияти тараққиёти йўлидаги тарбия пиллапояяларининг тажрибаларига суюнган ҳолда ҳар бир ўқитувчидаги педагогик маданият ва маҳоратни, дидактик ва тарихий асарларни таҳлил қилиш ва уларга муносабат билдириш каби малакаларини шакллантиради.

Педагогика тарихи ижтимоий фан бўлиб, унинг методологик асоси ёш авлодни тарбиялаш анъаналарини, жамиятнинг тараққиёт босқичларидағи ўқитиш ва камол топтириш тизимларини, уларнинг қонун-коидаларини, қомусий мутаффакирлар, маърифатпарвар адиллар ва педагогларнинг таълим-тарбия, маърифатга доир ғояларини ва уларнинг ривожланишини мукаммал ўрганадиган фандир.

Педагогика тарихи фани умумжаҳон, шу жумладан Марказий Осиё халқлари тарихидаги маънавият ва таълим-тарбия фанига оид фикрларни ўзлаштириш учун хизмат қилас экан, бу фан ўтган авлодларимиз қолдирган бой педагогик манбаларни ва уларнинг миллый асосларини ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, «Педагогика тарихи» бўлажак ўқитувчиларга билим берибина қолмай, уларда миллый ўфтихор ва ғурур ҳиссини ҳам тарбиялайди. Чунончи, юртбошимиз таъкидлаганидек, «Халқимиз таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий месроснинг узи бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим<sup>1</sup>.

Демак, истиқлолнинг маънавий хазинаси ҳисобланган миллый бой маданиятимизни чуқур ўрганиб, уни жаҳонга кўз-кўз қила бошлашимиз лозим. Шу ўринда ҳинд адиби Робинранат Тхокур, ҳар бир миллат дунё олдида ўзининг миллый моҳиятини намоён этишга мажбур, деган фикрларни айтган эди.

<sup>1</sup> И. Қаримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1993 й. 85- бет.

Дарвоқе, ҳар бир миллатда ибрат олса арзийдиган улкан маърифий ва маданий мероси мавжуд экан, уни умумий мулкка айлантириши даркор. Зеро, бу ҳаёт давр тақозоси сифатида хусусий тор манфаатлар доирасидан чиқиб, бутун дунёни ўзининг маънавий маданиятига жалб қила билишdir.

Қўлланмада Марказий Осиёда яшаб ижод этган маърифатпарвару, мутафаккирлар, адилар ва тарихчиларнинг ёш авлодни ўқитиш, умуман олганда баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга доир таълимотлари, ғоялари, шунингдек, мактаб ва мадрасалар ҳақидаги маълумотлари, ҳалқ педагогикасининг намуналари жамланган. Булар бўлажак педагоглар учун ниҳоятда зарур бўлиб, уларга республикамиз ўғил-қизларини давр талаблари асосида тарбиялашиши катта кўмак беради. Бинобарин, мазкур таълимотлар ва ғояларни ўтмишдаги таълимтарбия масалаларини чуқур таҳлил қилиш, улардан аниқ хуласалар чиқариш талабаларнинг фикрлаш доираларини кенгайтиради.

Шундай қилиб, ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази томонидан маъқулланган бўлиб, педагогика тарихи дастури асосида ёзилган.

«Қадимги Шарқ ва Farb ҳалқлари педагогикаси» деган бобида таълим-тарбия муаммолари, уларнинг пайдо бўлиши, тарихий ривожланиши, Марказий Осиёда ибтидоий қулдорлик давридаги тарбия, мифологиянинг яратилиши, шунингдек, қадимги Греция ва Римдаги таълим-тарбия масалалари ўрганилади.

«VII—XIV асрларда Мовароуннаҳр маданияти ва педагогикасининг яратилиши» бобида эса, VII—XII асрларда вужудга келган ҳалқ педагогикаси кенг ёритилади, Ислом дини ва шарқ машойхларининг таълим-тарбия хусусидаги таълимотлари хам батафсил ифодаланади.

«Шарқ Ўйғониш давридаги таълим-тарбия ва маданият» деб номланган бобда Шарқ Ўйғониш даврининг ўзига хос хусусиятлари: ижтимоий-иқтиносий ҳаётдаги ўзгаришлар илм-фан ва маданиятнинг ривожланиши, араб, форс, турк тилларида ижод қилган адиларнинг асарларидағи таълим-тарбия ҳамда маърифатпарварлик ғоялари ўрганилади. Жумладан, Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадгу билиг», Ахмад Юғнакийнинг «Хибатул-ҳакойиқ». Ахмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» каби асарларидағи таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, инсон камолоти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинади ва уларнинг шу кунлардаги аҳамияти баён этилади. Булар қаторида буюк мутафаккирларимиз Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Фирдавсийларнинг ҳам маърифий-педагогик қарашлари ўз аксини топади.

«Темурийлар давридаги маданият ва таълим-тарбия масалалари» бобида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-иқтиносий, маданий-маърифий юксалишни ёритишга, талабаларни Амир

Темурнинг шахси, салганатининг вужудга келиши тарихи билан таниширишга бағишиланган. Унда Темур давридаги санъат ва меъморчилик асарлари (Табриздаги масжид, Шероздаги сарой, Бағдоддаги мадраса, Аҳмад Яссавий мақбараси), Темур даврида туркий тилнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар, «Темур тузук»лари асаридаги тарбиявий ғоялар байён қилинган, Уша даврнинг улкан намояндаларидан Сайфи Саройи, Ҳусайн Воиз Кошифий, Насриддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий, Жалолиддин Давоний, шунингдек, туркигўй мутафаккирларимиздан Навоий, Бобур, Улуғбекларнинг ҳам таълимтарбиявий қарашлари ифода этилган.

«Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинини даврида мактаб ва педагогик қарашлар» бўлимида эса, Россиянинг Туркистонни босиб олиши, Туркистон ўлкасидаги таълим-тарбия ишлари, Н. Ильминский ва В. Наливкин ташкил қилган мактаблар, туркистонлик маърифатпарвар шоирларнинг илм олиш, саводхонлик, тил ўрганиш хусусидаги фикрлари, Аҳмад Донишнинг хаёти, маънавий меросининг аҳамияти ҳақида гап боради. Бобда XIX асрнинг 80—90-йилларида Туркистон ўлкасида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ўзбек демократик маърифатпарварларидан Муқимий, Завқий ва бошқаларнинг ижтимоий-маърифий қарашлари, Фурқатнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фикрлари, асарларининг тарбиявий аҳамияти, илм-маърифатни тарғиб қилиши ва ҳоказолар ҳам ўрин олган.

«Туркистонда жадидчilik ҳаракати ва унинг маориф ривожланишидаги ўрни» деган бобда Исмоилбек Гаспирали, Мунаввар қори, М. Беҳбудий, И. Ибрат, Қори Ниёзий, А. Авлоний, С. Айний, О. Шарафиддиновларнинг педагогик фикрлари ҳақида Узбекистонда ташкил қилинган мөҳнат тажриба мактаби ҳақида тўхталади.

«Чет эл ва Россиядаги илғор педагогик ғоя намояндалари» бобида Ян Амос Каменский, Йоганни Генрих Песталощи, К. Д. Ушинский, Лев Толстой, А. С. Макаренко, каби олимларнинг таълим-тарбия ҳақидаги педагогик таълимотлари ҳақида ҳикоя қиласди.

«XIX асрнинг 60-йилларигача ва ундан кейинги даврларда Ўзбекистонда педагогика фанининг тараққиёт ийналишилари» деган бобда Ўзбекистонда миллий давлатни ташкил топишида маданият ва ҳалқ маорифининг тараққиётни ҳақида фикр юритилади.

### Мустақил иш:

Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодини ва Марказий Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбия масалаларига доир адабиётлар рўйхатини тузиш.

**І БОБ. ҚАДИМГИ ШАРҚ ВА ФАРБ ҲАЛҚЛАРИ  
ПЕДАГОГИКАСИ ҚИШИЛИК ЖАМИЯТИ  
РИВОЖЛАНИШИНГ ТУРЛИ ДАВРЛАРИДАГИ  
МАКТАБ, ТАРБИЯ ВА ПЕДАГОГИҚ ФОЯЛАР.  
ТАРБИЯНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА ТАРИХИИ РИВОЖЛАНИШИ**

Тарбия — ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидағи энг мукаммал зот булиши учун аввало тарбияланиши зарур. Абу Лайс Самирқандий «Бустонул-орифин» асарида тарбия ва тарбиялашнинг маъносини таърифлаб: «Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан олдин ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оиласда баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади», — деган эди. Ибн Сино ижодиётида ҳам бу ғоя алоҳида ўрин тутади. «Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил», — дейди аллома. Шарқ мутафаккирлари, педагог олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳияти ва мазмунини асослаб берганлар. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк», Юсуф Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойик», Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматлари, ибн Синонинг «Тадбир-ал-манозил, Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мұхсиний» ва бошқа асарларида фарзанд ота-онанинг бахти, унинг түғри тарбияланиши эса ҳамманинг бахти, деган умумий хулоса чиқарилади. Утмишдаги мутафаккирлар тарбия атамасининг маъносини, тарбиялашнинг мазмунини алоҳида баён қилмаган бўлсалар ҳам ўз асарларида тарбиянинг қирраларини ифодалаганлар.

Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асарида тарбияният кути ва шарофатини қуидагича таърифлайди:

*Итка тааллумда чу бўлди камол,  
Сайд аниң ағзидин ўлди ҳалол,  
Олим ул итким најасул айн эрур,  
Ўғлинг жаҳл ўлса, ажаб шайн эрур.*

(Ит үрганиш билан комил бўлгац, унинг оғзи билан тутган овени ейиш мумкин бўлади. Энг ифлос маҳлук ҳисобланган ит олим бўлганида (овлашни үрганганида) ўғлингнинг жоҳил қолиши жуда хунук ишдир<sup>1</sup>.)

Алишер Навоий тарбиянинг асосий белгиларидан биро, болага яхши исм қўйиш, илму адаб үргатиш, ота-онага, умуман катталарга ҳурмат ҳиссини сингдиришдан иборатлигини уқ-

<sup>1</sup> М. Ҳусанхўжаев. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. Т, 1963. 130- бет.

тиради. К. Д. Ушинскийнинг «Педагогика адабиётининг фойдаси» номли рисоласида: «Тарбиялаш иши, шубҳасиз, инсоннинг ақлий ва онгли фаолиятларидан биридир: тарбия тушунчасининг ўзи тарихан вужудга келган ва у табиатда йўқ нарсадир... Тарбиялаш фаолияти фикр юритишни, ҳақиқатни англашни ҳам ўргатади»<sup>1</sup> — дейилган.

Мустақил Ўзбекистонимизда миллий мафкура яратилмоқда ва бу хайрли иш албатта ёш авлод онгида миллий фурур ҳамда ифтихор туйғусини вужудга келтиришни талаб қиласди. Бунга эришиш аввало, тарбияга боғлиқдир. Ҳар бир инсон, хусусан эндиғина ҳаётга қадам қўйган ҳар бир ўғил ва қиз ҳар қандай мақсадга эришиши аввало ўзига, ўзининг событқадам ғайрат-шижоатига, ишдаги фидокорлигига ва меҳнат-севарлигига боғлиқлигини англаши керак. Худди шу нарса давлатимиз ва ҳалқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАСТЛАБКИ ТАРБИЯ

Марказий Осиёнинг ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган маданий-маърифий фикр ва ғояларни, тарбия масалалари бўйича ҳалқ яратган жуда кўп манбаларни ўрганиш ниҳоясига етказилмаган. Ҳозир уларни муфассал ўрганиш учун мустақил республикамизда кенг имконият яратилди. Бир қанча шарқшунос олимларимиз Ҳиндистон, Хитой, Англия, Фарангистон ва Араб мамлакатларидаги талайтина қўлёзмаларни ўрганишга мусассар бўлдилар ва ҳозир ҳам давом этирмоқдалар. Жумладан, Т. Н. Қори Ниёзий, Ҳ. Сулаймон, Б. Аҳмедов, С. Фаниева, О. Усмонов, Н. Маллаев, Ф. Сулаймона, Ш. Турдиев, М. Хайруллаев, И. Мўминов ва бошқаларнинг бу соҳадаги хизматлари жуда каттадир.

Марказий Осиё ҳалқларининг, шу жумладан, ўзбек ҳалқининг маданияти, маърифати, миллий қадрияти осори-атиқаларини ўрганиб, шулар ҳақида ўлмас асарлар яратган тарихшунос, шарқшунос олимлар — Геродот, Херман Вамбери, А. Ю. Якубовский, С. П. Толстов, Е. Э. Бертельс, В. В. Бартольд, Е. Березиков ва бошқаларнинг машаққатли меҳнатларини алоҳида эътироф этиш лозим. Уларнинг ҳаммалари ҳам ибтидоий жамоа давридаги маърифий тафаккурнинг дастлабки куртаклари фольклорда ўз аксини топган, — деган хулоса га келишган.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида, яъни ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар инсоннинг камолоти тўғрисидаги ғояларини жуда кўп ривоятлардан фойдаланиб бахшилик йўли орқали авлоддан-авлодларга етказганлар, Е. Э. Бертельс мазкур ривоятларда, кишиларни тарбиялаш, ахлоқий баркамоллик, шахснинг маънавий юксаклиги масалалари асосий ўрин олганини таъкидлаган.

<sup>1</sup> Педагогика тарихидан хрестоматия. Т., 1993, 97- бет.

Шунингдек, айрим тадқиқотларда ибтидоий даврда инсонлар тарбиянинг таъсир кучи орқали түғри ҳаёт кечирганлиги маданият ва санъат соҳасида ҳам мисли кўрилмаган кашfiётлар юзага келгани қайд этилган.

Грек тарихчиси Геродот (эр. ав. V аср) «Тарих» китобида ёзишича, Марказий Осиёning ибтидоий жамоа тузуми шароитида яшаган халқлари асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуфулланган. Уларда никоҳ муносабатларининг умумий (тартибсиз) шакли ҳукмрон бўлган. Оиланинг гуруҳли шакларида боланинг отаси номаълум бўлса ҳам, лекин онасининг ким эканлиги маълум бўлган ва шу сабабдан боланинг тарбияси она зиммасига юклатилган. Аста-секин одамларнинг ижтимоий онг фаолиятининг такомиллашуви, хусусий мулкнинг дастлабки куртакларининг пайдо бўлиши — якка тартибдаги оиласларни вужудга келтирган.

Якка оила пайдо бўлгандан сўнг меҳнат тарбиянинг энг асосий қурулнига айланган. Қадимги Эрон қабилаларида мис ва темирдан уй-рӯзғор буюмлари ясала бошланганди. Ана шу меҳнат жараёнида болалар ҳам иштирок этарди. Ибтидоий даврдаги тарбия асосан оиласда, жамоа ва меҳнат масканларида кишилар орттирган тажрибаларни болаларга ўргатишдан иборат бўларди. Болаларга ўргатиладиган кундалик меҳнат малакалари уларни яшащ учун курашишга тайёрлар, ақл-идрокли, одобли бўлиб ўсишларига хизмат қиласди. Минг йиллар мобайнида моддий неъматлар яратиш учун ҳамкорликда қилинган меҳнат кишилар ўртасидаги ахлоқ-одоб муносабатларининг меъёрини келтириб чиқарди. Қадимги одамлар тафаккурининг ожизлиги сабабли ўз ақл-идрокларига ишонч ҳосил қилиш учун самога сифина бошлаганлар.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги кишилар меҳнат жараёнида, борлиқдаги нарсалар ва ҳодисаларга муносабатлари асосида ўз дунёқарашлари ва ақидаларига таяниб халқ оғзаки ижоди асарларини яратганлар. Уларнинг бир-бирига, атроф-муҳитга, касб-корига муносабат борасидаги илк фикр ва тасавурлар, мифологик асарлар тимсоли бўлмиш — «Авесто»да ифодаланган Митра, Анахита, Ардивиссура, Вараҳрана, Ийма сингари маъбуда ва маъбуллар сиймоси орқали аждодларимиз инсонларга яхшилик қилиш, ерларни обод ва серҳосил қилиш, экин экиш, лараҳтларни устириш учун жамоа харакати хусусидаги мулоҳазаларини мужассамлаштирганлар.

Қулдорлик тузуми даврида ва феодализмнинг бошларида яратилган «Тўмарис», «Широқ», «Эр ҳубби», «Чистониялик бек», «Гершасб», «Сиёвуш», «Рустам» сингари қатор афсона ва қаҳрамонлик достонларида меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, мустаҳкам эътиқодлилик, эл-юрт манфаати учун фидойилик каби ижобий фазилатлар тараним утилган ва ана шундай фазилатларга эга бўлиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар тарғиб ва ташвиқ қилинган. Муҳими шуки, мазкур асарларда инсонни ёшлигидан ақлий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаб,

сабот-матонатли, халқ удумларига, аждодлар анъанасига бўй-сунадиган, ахлоқан пок қилиб камол топтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналарининг, шу жумладан, «Сиёвуш», «Зарина ва Стрингей», «Спарстра» достонларининг қиммати, тарбиявий аҳамиятини машҳур шарқшунослардан Е. Э. Бертельс, С. П. Толстов, И. С. Барагинский, В. Снесарев, профессор Н. М. Маллаев ва бошқаларнинг асарларида алоҳида таърифланган. Ҳақиқатан, ўзбек халқ педагогикасининг илк куртаклари мазкур манба-ларда кўзга ташланади. Халқ педагогикасидаги таълим ва тарбияга доир фикрлар Марказий Осиёдаги барча туркий халқлар учун муштарак лирик шеърлар ва қўшиқларда яхши ифодаланган.

Маълумки, туркий халқларнинг ўзигагина хос қадимий шеърларнинг намуналари Маҳмуд Кошгариининг «Девону луғотит турк» (XI аср) китобида келтирилган. Муаллиф Шарқий Туркистондан Қаспий денгизи соҳиллари гача бўлган худудларда яшовчи туркий халқларнинг лаҳжаларига хос сўз, атама ва ибораларни шарҳлар экан, 300 дан ортиқ қадимий халқ қўшиқлари, лирик шеърлари ва ҳикматлари мисол сифатида келтирилган. Уларда ўтган авлодларимизнинг касб-хунар дехқончилик, чорвачилик, табиат манзараси, фасллар, маросимлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ифодаланган, ижтимоий тузумнинг иллатларидан, ёмон кишилардан, зулм-зўравонликлардан нолишлари акс этган, севишганларнинг руҳий кечинмалари foятда самимий, тимсоллар орқали тасвирланган. Шунингдек, ота-боболаримизнинг ватанпарварлик, чинакам дўстлигу меҳнатсеварлик хусусидаги қарашлари, инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари ҳам ёритилган. Қатор шеърларда ёшлиарни бир-бирига меҳр-оқибатли, ҳар қандай ҳолатда ҳам халқ билан бирга бўлишга, Ватанини ҳимояси йўлида фидойи-лик кўрсатишга, улуғлар ўғитига қулоқ солишга даъват этилади:

Унданб улуг чақирса,  
Тезлик билан чопиб кел.  
Очликда бирга бўлгил,  
Не ҳолда бўлса, юрт, эл.

Қадимги Юнонистонда мифология ва халқ оғзаки ижодиёти ниҳоятда ривожланган. Бахшилар қадимги грек анъаналарини узлуксиз давом эттирганлар, турли афсоналарга куйлар басталаб баҳодир ва қаҳрамонларнинг мадҳини куйлар эдилар. Гомер қадимги грек афсоналари асосида иккита достон яратган. «Илиада» ва «Одиссея» деб номланган ўша достонларда грекларнинг жанглардаги жасоратлари, ватанпарварлиги, жисмоний чишиққанлиги, мардлик фазилатлари шеърий мисраларда теран ифодаланган.

Қадимги Юнонистоннинг илк қўлдорлик даврида иккита катта давлат — Афина ва Спарта пайдо бўлди, уларда ўзига

хос таълим-тарбия тизими ҳам вужудга келди. Масалан, Афинада мактаб тизими уч типдаги мактаблардан, яъни мусиқа мактаби, гимнастика мактаб ва гимназия мактабларидан иборат эди.

Мусиқа мактаби хусусий мактаб бўлиб, унда пул тўлаб ўқитилар эди. Мусиқа мактабларига фақат 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган бой қулдорларнинг ўғил болалари ўқирдилар. Бу типдаги мактабда мусиқий тарбия ҳам бериларди («муза» сўзидан олинган, қадимги Юнонистонда «музи» — санъат, адабиёт ва фан худоси ва ҳомийси) мусиқий таълимотнинг мазмуни хат-савод, адабиёт, ҳисоб, декламация, ашула ва мусиқа дарсларини ўқитишдан иборат эди. Гимнастик мактаби — палестра (кураш мактаби) дейиларди. Бу ҳам маълум бир тоифадаги кишиларга қарашли мактаб бўлиб, унда 12 ёшга кирган ва айни вақтда мусиқа мактабида ўқиётган ўғил болалар пул тўлаб ўқир эдилар. Бу типдаги мактабда ўсмирлар югуриш, сакраш, диск иргитиш, наиза санчиш ва кураш машқини бажардилар. Шу билан бирга, сузиш машқларини ҳам ўтказар эдилар.

Гимнасий давлатга қарашли мактаб бўлиб, унда асосан, Афинадаги катта ер эгалари — киборларга мансуб номдор оиласлардан чиқсан, мусиқа ва гимнастик мактабини тамомлаган аслзода ёшлар ўқирдилар. Бунда улар 16 ёшдан 18 ёшгача жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбия олишларини давом эттирас эдилар. Бундан ташқари, аслзодаларни давлатни идора қилишга лаёқатли қилиб тайёрлаш мақсадида уларга фалсафий таълим ва сиёсий тарбия берилар, ҳамда нотиқлик санъати ўргатилар эди. 18 ёшга тўлган аслзодалар эфеблар гурухига мансуб бўлиб, улар 20 ёшгача маҳсус ҳарбий тайёргарлик кўрас, айни вақтда ижтимоий-сиёсий тарбия ҳам олар эдилар. Мана шу таълим-тарбия тизими фақат ўғил болаларгагина тегишли эди. Кизлар эса ёшлигиданоқ уй-рӯзгор ишлари билан шуғулланар эди. Спарта давлатида жисмоний камолотга катта эътибор берилиб, аёллар ҳам бу ишга жалб этилган. Чунки, соғлом, бақувват аёлларгагина соғлом авлодни вужудга келтириши мумкин эди. Қулларнинг болаларига эса, ота-оналарининг касб-ҳунарлари ўргатилган.

### ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОНДАГИ ФАЙЛАСУФ ОЛИМЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФОЯЛАРИ

Қадимги Юнонистоннинг машҳур файласуфлари Суқрот, Афлотун, Арасту, Демокрит ва бошқалар ўз фаолиятларида ёшларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш вазифаларига ҳам жидий эътибор берганлар.

Платон (427—343 эрамиздан илгари) объектив идеализм назариясининг асосчисидир. У «Идеялар дунёси» бирламчи, ҳис қилинадиган нарсалар дунёсини иккиламчи, деб ҳисобла-

ған. У ғояларни ўзгармас, абадий деб билган: «Сиёсат» номли асарида давлатнинг абадий ҳукмронлиги ҳақидаги назарияни олға сурди. У идеал абстракт давлатни З гуруҳга; файласуфлар (давлатни бошқарувчилар), жангчилар (давлатни ҳимоя қиливчилар), ҳунарманд ва деҳқонлар (давлатни боқувчилар)-га бўлган ва давлатни мустаҳкамлаш, юксак ғояларни амалга оширишнинг бирдан-бир воситаси тарбия эканлигини қайд қилган. Платон тарбиянинг мақсадини, файласуф ва жангчиларга хизмат қилишини назарда тутиб, қуйидаги педагогик тизими яратган.

### 7 ёшгача бўлган болалар учун мактабгача тарбия

Болалар уч ёшгача дастлаб давлатнинг умумий назорати остида тарбияланадилар. З ёшдан 7 ёшгача эса маҳсус ташкил қилинган болалар майдончаларида болаларга бериладиган тарбия ҳар хил ўйинлар уюштириш ва ҳимоя қилиш йули билан амалга оширилади. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар давлат томонидан очилган бошланғич мактабда ўқиш, ёзиш, ҳисоб, ашула ва мусиқа илмини ўрганаар эди. 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар эса гимнастик мактабда — палестрада ўқидилар. Палестрани тамом қилган ёшлар ақлий таълимнинг иккинчи босқичига ўтиб, бунда арифметика, геометрия ва ва фалакиёт фанларидан сабоқ оладилар. Бу фанлар асосан ҳарбий ишда қўлланиши туфайли ўқитилар эди. 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигитлар эфебга ўқиб, унда ҳарбий-жисмоний тайёргарлик оладилар, 20 ёшга тўлган, аммо ақлий фаолиятга мойил бўлмаган йигитлар ҳарбий хизматга ўтадилар, ақлий фаолиятга лаёқатли йигитлар 30 ёшгача таълимнинг учинчи— юқори босқичида илм оладилар. Бу босқичда улар арифметика, геометрия ва фалакиётни чуқур ва ҳар томонлама ўрганаадилар. Шунингдек, мусиқа назарияси ва фалсафа фани билан шуғулланадилар. Таълимнинг учинчи юқори босқичининг мақсади давлат хизматига лаёқатли ва тұла маълумотли ёшларни тарбиялаб вояга етказишидир. Таълимнинг ана шу учинчи босқичида катта истеъододли ва қобилиятли йигитлар ўқишини 5 йил (30 ёшдан 35 ёшгача) давом эттириб, фалсафий тайёргарликни такомиллаштирадилар, сұнгра улар 35 ёшдан 50 ёшгача давлатни бошқарадилар. Йигитлар 20 ёшдан бошлаб жангчилар қаторига ўтказилган. Қобилиятли йигитлар 30 ёшгача фалсафа, арифметика, геометрия ва фалакиётни, мусиқа назариясини ўрганиш билан шуғулланган. Ўта қобилиятлилари эса 35 ёшгача ўқиши давом эттириб, фалсафа илмини пухта ўрганиб, 50 ёшгача давлатни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган.

Платоннинг инсон камолотида ижтимоий тарбиянинг роли ва унинг асоси, мактабгача тарбияда вужудга келиши хақи-

даги ғоялари педагогика фаны тараққиётіда алоҳида аҳамиятта эга бўлди.

Арасту (эр. ав. 384—322). Эрамиздан аввалги VI асрда Юнонистон ниҳоятда тараққий этган мамлакат эди. Уша жамиятда яшаган Аристотель бутун инсоният маданияти тарихи нинг абадий муаммоси бўлган давлат тузуми, унинг халқ, фуқаролар ҳақидаги қонунлари инсон баҳт-саодатига мувофиқ бўлишини орзу қилди. Унинг фалсафаси шунчалик бойки, унда давлат тузуми, қонунлари, инсон камолоти масалалари ҳам атрофлича ўрин эгаллаган.

Арастунинг ёзишича, давлатнинг битта муҳим вазифаси бор, яъни у ҳамма фуқароларига бир ҳил тарбия берилишини таъминлаши лозим. Тарбия хусусий ташаббус эмас, балки давлатнинг энг долзарб вазифаси бўлмоғи лозим.

Арасту болаларга таълим-тарбия беришнинг маълум тизими бўлиши керак, деб ҳисоблаган, ва биринчи бўлиб, болалар ёшини даврларга бўлиб ўрганиб чиққан. Сўнгра, таълим-тарбия тизимиға мувофиқ, ана шу даврларни қўйидагича тавсия қилган:

— ҳар бир бола 7 ёшгача оиласда тўғри овқатланиши, жисмонан чиниқиши ва яхши одатларни ўрганиши керак;

— 7 ёшдан 14 ёшгача давлат мактабида таълим олиши: гимнастика, ўқиш, ёзиш, расм чизиш ва мусиқа фанларини ўрганиши, ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаши лозим;

— 14 ёшдан 21 ёшгача адабиёт, тарих, фалсафа, математика ва фалакиётга доир билимларни ўзлаштириши шарт.

Арастунинг фикрича, болалар ёшини ана шу даврларга бўлиш уларнинг табиатига жуда мос келади. Шунингдек, Арасту таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор берди ва уни кенг кўламда ёритди. У асосан ўзининг фалсафий таълимотида иродавий фаолиятга асосланди. Иисоппинг иродаси ундаги барча эзгу хулқатворларининг шаклланиши ва ривожланиши учун замин бўлиши кераклигини таъкидлади.

Қадимги Фарб давлатларида, шу жумладан, Афина ва Спартада ҳам қулдорлик жамияти ривожланиб аҳолининг табақаланишига олиб келди. Халқнинг мол-мулки ва насл-насабига кўра табақаларга бўлиниши мактабларга ҳам ўз таъсирини курсатди. Натижада қўйидаги таълим тизими вужудга келди:

Аҳоли табақалари	Мактаби	Таълим мазмуни
Эркин оиласда туғилған аҳоли Бой, аслзодалар Имтиёзли кишилар	Пулли, хусусий бошланғыч мактаб Уй мактаблари Грамматика	Үқиш, ёзиш, ҳисоб Лотин, грек тиллари үқитилади, адабиёт, тарих Риторика, фалсафа, хуқуқшунослик, грек тили, математика ва мусиқа үргати- лади
Аслзодалар	Риторлар	

### ҚАДИМГИ РИМДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Қадимги Римда (эрэмиздан ав. II аср) грек маданияти тез ривожланған, грек тили аслзодалар тилига айланған. Христиан дини қабул қилинған. Ўша даврдан бошлаб мактаб ва маданият диний түс олган.

**Марк Фабий Квинтилиан** (эрэмизнинг 42—118-йиллари) Рим педагогларининг энг машҳури эди. Унинг «Нотиқ тарбиялаш тұғрисида» номли асарининг анчагина қисми гарчи бизгача етиб келмаган бұлса ҳам, аммо бу асарнинг сақланиб қолған баъзи парчалари Квинтилияннинг педагогика соҳасидаги асосий қарашлари тұғрисида фикр юритишга имкон беради. Квинтилиан ўз замонидаги Грек ва Рим фалсафий ва педагогика адабиёти билан яхши таниш эди. Айни вақтда у Римдаги риторлар мактабининг үқитувчиси бўлиб ишлаб, ортирган катта тажрибасини ҳам умумлаштириди. Унинг бу асари педагогика тарихида биринчи марта мактаб практикаси билан чамбарчас бошланған дастлабки асарнинг бириди.

Квинтилиан болаларнинг қобилиятига юксак баҳо беради. Унинг фикрича, бефаҳмлик ва қобилиятсизлик камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Бола мактабда тарбияламмоғи лозим. Үқитувчи ўзи тарбиялаётган ҳар бир болага әхтиёткорлик билан ва эътибор бериб муомала қилиши керак. Үқитувчининг ўзи үқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини яхши тута билиши, болаларни бўлар-бўлмасга мукофотлай бермаслиги ёки жазолай бермаслиги, ўз шогирдлари учун ўрнак бўлиши лозим. Ҳар бир үқитувчи үқитишининг ҳамма босқичларини ўтиши керак. Чунончи, юқори типдаги мактаб үқитувчиси аввало, бошланғыч мактабда үқитувчилик қилиши лозим.

Квинтилиан ўзини «нотиқ тарбияловчى» киши деб ҳисоблаганлиги учун ҳам болаларнинг нутқини ўстиришга катта эътибор берди. У болаларнинг нутқи ёшлик чоғидапоқ соғ бўлиши учун курашди ва шу сабабли болаларни уйда тарбияламоқ учун олинадиган энагалар ва мураббияларнинг талаффузи яхши бўлиши керак, деб уқтириди. Квинтилиан мусиқий таълим бериш

масаласига ҳам боланинг нутқини яхшилаш нуқтаси назаридан қаради. Мусиқа ва тилни ўрганиш талаффузнинг яхшиланишига ёрдам беради, нутқининг услубини яхшилади, уни ифодали нутқа айлантиради. Шунингдек, боланинг бирга ўйнайдиган ўртоқларини ҳам танлаб олишни тавсия қилди. Бундан ташқари, у ибратнинг тарбиявий ролини ҳисобга олиб, болаларнинг теварак-атрофидаги кишиларнинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб туриш ва ёмон ўртоқларни эса ундан четлатиш кераклигини айтди. Болани мантикий тафаккур қиладиган, мунтазам ва изчил фикр юритадиган қилиб тарбиялаш мақсадида математика (арифметика ва геометрия) фанларини ўргатиш зарур. Назарий насиҳатлар, тақлид ва машқлар ўқитиш ишида катта роль ўйнаши керак. Айниқса, болага билим асосларини мустаҳкам қилиб бериш, бу ишда шошмаслик зарур.

Квентилияннинг бу маслаҳатлари унинг тажрибакор ўқитувчи эканлигини курсатади. Унинг Уйғониш даврида янгидан кашф қилинган асарларини кўп педагоглар қимматбаҳо манба сифатида қизиқиб ўқидилар.

Қулдорлик тузуми эрамизнинг III асрдан бошлаб емирила бошлаганлиги натижасида маориф ва педагогика илми пасайиб кетди.

## II БОБ. VII—VIII АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲРДА МАДАНИЯТ ВА ПЕДАГОГИКАНИНГ ЯРАТИЛИШИ

### Халқ оғзаки ижодиётида тарбия.

Халқимиз ўз тарихий-ижтимоий тараққиёти мобайнида бой оғзаки ижодий мерос яратган. Халқ оғзаки ижодиётида таълим-тарбияга оид илғор педагогик фикрлар илгари сурилган.

Халқ оғзаки ижодиёти асрлар бўйи меҳнат жараённида инсонни орзузи негизида шаклланиб борган, баркамол инсонга қаратилган халқ оғзаки ва ёзма ёдгорликларида, яъни эртак, достон, қўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, масал, матал, мақол, ривоят ва ҳикоятларда ўз аксини топган.

Халқ оғзаки ижодиёти аста-секин кенг тус олиб, ривожланниб борган. Натижада ҳар бир инсонда педагогик маданият ва меросга ихлос ва инилиш вужудга келган ва унга амал қилина бошланган.

Халқ оғзаки ижодиёти аввало комил инсон учун илм ва ҳунар зарурлиги таъкидланади. Қуйидаги «Бойликдан илм афзал» эртагидаги ота билан фарзандлари ўртасида сухбат эса фикримизни исботидир.

Кенжә ўғил отасига: — Отажон, мен давлат эмас, илм афзал дейман. Мени мактабга беринг, ўқийман. Насиҳатингизга амал қиласман. Қўзингиз очиқлигига илмли булиб қолай. Барি бир мол-давлат менга тегмайди! — дебди.

Мўйсафиднинг димоги чоғ бўлиб: — Баракалло, ўғлим, —

деб ўғлининг пешонасидан ўпибди. Сунг яна: — Менга молдавлат тегмайди, деганинг нимаси? — деб сұрабди.

Шунда эшик орқасида акалари билан отасининг баҳсу жавобларини тинглаб турган қизи: — Э, отам, қиблагоҳим, рухсат беринг, саволингизга жавоб берайин. Агар ҳурматсизлик бўлмаса, энди навбат менини, — дебди.

Ака-укалар бир-бирига қараб қолибдишлар. Мўйсафид хушвақт бўлиб навбатни қизига берибди: — Қани, қизалогим, сенга навбат, гапир болам, бу сўроққа сен нима деб жавоб қиласан?

Қизи гап бошлабди: — Э, отажон, авваламбор айтай, энг кенжা ўғлингизнинг берган жавоби тўғри жавобдур. Давлат эмас, илм афзалдур. Лекин илмнинг афзалигини айттолмади. Негаки, кичик акаларим катталарига тақлид қиласидилар. Яқинда катта акаларим маслаҳат қилиб, отамдан сунг мол-мулкни бўлиб оламиз, кичик укаларга ҳеч нарса бермаймиз, улар меҳнатимизни қилиб юради, деганлар. Кенжা ака бу гапни эшитиб, энди менга молу давлат тегмас экан, ўқиб бир кунимизни кўрадиган бўламиз, деб ўйлаб, илм олиш афзалигини тўғри айтятди. Давлат, бебаҳо нарса, бугун бор, эртага йўқ бўлиб кетади. Давлат албатта ширин кўринади, аммо азоби бисердир. Кунингиз битиб қазо қилсангиз, акаларим давлат деб бир-бири билан жиққамушт бўлишади, нарсаларимизни аккатька қилишади. Акаларимнинг еттоби ҳам давлат зўр, дедилар. Бу нотўғри! Отанинг моли фарзандга сира буюрмайди. Мен бўлсам илмни афзал деб айтаман...

Халқ яратган ҳикояларда донишмандлик, ақл ва заковат алоҳида ўрин эгаллади. Масалан, «Нон билан Китоб» эртагидаги қўйидаги жумлаларга дуч келамиз:

— Ҳаётда энг зўр ҳам, азиз ҳам сенсан. Мени ҳам сен дунёга келтириб, вояга етказдинг. Шу боисдан бир умр сенга таъзим қилишни ўзим учун бурч деб биламан, — деди Ақл Китобга.

— О дўстгинам, менга келганда зеҳнингни жиловлай олмай сал бўшаштириб юбординг. Билмасанг билиб, қулоғингга қўйиб ол. Мендан ҳам кўра азизроқ нарса бор. Бу — Нон! Мен ион олдди қарздорман, — жавоб қилди Китоб.

— Нон?! — таажжубланди Ақл.

— Ҳа, Нон мендан улуғ. Зоро, оч қоринга сўз кирмас. Сен раҳматни мендан аввал Нонга айт. Халқимиз яратган жуда кўп шеърларда меҳрибонлик, меҳмондўстлик, ширинсұханлигу камтарлик сингари эзгу фазилатлар тарғиб қилинади, кишиларни сахий бўлишига, соғдилликка даъват этилади; касб-хунар эгаллашга, илм ўрганишга чорлайди;

*Кулса киши юзингга  
Кўрклик бўлиб кўрингил.  
Ширин, очиқ сўз сўйла,  
Еқмоқ учун үрунгил.*

Үрган унинг билимин,  
Тез боргил унинг сари.  
Қутлуғ ишга бўйсунгин,  
Кибрни қувгин нари.  
Олим кишин эзгу тутиб, сўзин эшишиб.  
Ҳунарин ўрганибон амал қилгин.

Маълумки, ота-боболаримиз қадим замонлардан яхшилик-ни ёмонликка, маърифатни жаҳолатга, нурни зулматга қара-ма-қарши қўйиб, ҳамиша маърифату зиёни, адолату эзгуликни олқишилаб келган. «Девону луғотит турк» китобидаги шеърларда баҳиллик, мол-дунёга хирс қўйиш, ўзи оч бўла туриб, сахийлик қиласман дейиш, фирромлик ва ҳоказолар қаттиқ қо-раланганд, ота-она, қўни-қўшниларнинг панду насиҳатларига қулоқ солиш, оғиздан ёмон сўзлар чиқармаслик, доимо кам-тар, ғамгинларнинг дардига малҳам булишга ундалган:

Меҳмон келса ўтқизги,  
Хордиқ олиб тинч бўлсин,  
Оти ҳам ёруғликда,  
Арпа, сомонга тўйсин,  
Ота-онанг сўзларин  
Эшишиб кўп қадрла.  
Молу мулкинг кўпайса,  
Мағрурланиб қутурма.  
Келса бирор йўқлашиб,  
Бергил яхши озиқ, нон.  
Қарғаб кетар меҳмонлар,  
Қутар бўлсанг гар ёмон.  
Қўни-қўшни, қариндош,  
Қўрсин сендан яхшилик.  
Бўлса оғир ишларинг,  
Ўзгаларга буюрма.  
Ўзингни оч қолдириб,  
Бошқага озиқ берма.  
Ез кўркингга ишонма,  
Сувлар уза таянма.  
Ёмонликка отланма,  
Тилдан чиқар эзгу суз.

Хуллас, Махмуд Кошғарийнинг девонида ота-боболаримиз-нинг инсон хулқи, одоби, хатти-ҳаракати, турмушдаги уринишларига доир жуда кўп панд-насиҳатлар, маърифий фикрлар мужассамланган.

Марказий Осиё халқарининг дастлабки ёзма ёдгорликла-рида, масалан, «Авесто»да аждодларимизнинг қадимги ахло-қий-дидактик қарашлари, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари у ёки бу даражада ўз аксини топган.

«Авесто» таълимотига кўра, икки куч: яхшилик (яхшилик кучларига Ахура Мазда) ва ёмонлик (ёмонлик кучлари Ангра Манью) мавжуд бўлиб, улар бир-бирларига абадий муросасиздирлар. Яхшилик кучларида инсонларни юксак фазилатларига асосланиб жисмоний, ахлоқий, ақлний, табнатни ҳимоя қилиш каби гўзалликка доир жуда кўп муаммолар мужас-самлашган. Жўмладан, зардушт муножотларида Яздондан ерда деҳқончилигу чорвачиликни ривожлантириш учун кишиларнинг соғлом, бақувват бўлишини таъминлаши илтижо қилинган, яхши иш, яхши хулқ, яхши одат уларда барқарор бўлиши тилашган.

«Авесто»да оила гигиенаси, атроф мухитни, аҳоли яшайдиган жойларни тоза тутиш, кучга, ҳовли, сув ҳавзалари, ариқ ва ҷашмаларни ифлос қилмаслик ҳақида маҳсус боблар мавжуд. Чунопчи, кўча эшиги ёнига ахлат тўплаб қўйган хонадон соҳибига жамоанинг ҳукми билан 25 дарра, ҳовуз ёки ҷашмадан нопок кўза ёки ҷелакда сув олган шахсга 5 дарра урилган. Сувнинг устига уч марта ёмғир ёғиб ўтгач, у олдингидек одам ва ҳайвонлар ичадиган сувга айланади, деб ҳисобланган. Ерни ифлос қилган, уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 марта қамчи уриш» жазосига маҳкум этилган.

«Авесто»да беморларни даволашнинг турлї усули курсатилган. Улардан оила, шахсий гигиена, ҳамда қиз ва ўғил болаларни парваришлаш, тарбиялаш қоидалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Туркӣ ҳалқлар тарихи, маданияти, тили, ёзуви ва адабиётини ўрганиш учун энг нодир манба — Ўрхун-Энасой ёзуви ёдгорликлари қадимги аждодларининг таълим ва тарбия ҳақидаги фикрлари тарихини ўрганишда ҳам мухим аҳамиятга эга. Улар орасида «Тўнюқуқ битиги» (712—716 йилларда ёзилган) ҳамда «Кул Тегин битиги» (732 йилда ёзилган) айниқса қимматлидир. Ҳар икки битик-тахта тошларга ўйнбўзилган ва қабрлар устига ёдгорлик сифатида ўрнатилган.

Мазкур ёдгорликларда, бир томондан, бизга турк ҳоқонлигининг пайдо булиши, мустаҳкамланиши, атрофдаги элатлардан ҳимоя қилиниши, ҳудудини кенгайтириш учун олиб борилган курашлар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Ана шу жангу жадалларнинг тафсилотларида ҳалқнинг ҳамжиҳатлиги, бирлиги, жўмардлик фазилатлари ёритилган бўлиб, кишиларни жасоратга, Ватан ўюлида фидойилик кўрсатишга чақирилган. Тўнюқуқ фаолияти ҳушёрликка, тадбиркорликка, билимдонлика: эл-юрт учун, Ватан ҳимояси учун жонни фидо қилишга чақиrsa, Кул Тегиннинг ҳаёти, мустақилликни, марказий ҳоқимиятнинг бутунлигини сақлаб қолини ўлидаги шижаоти ва матонати ватанпарварлик ҳиссини тарбиялайди. Мазкур битиклардаги «Илмсиз кишининг сўзига ишониб, унга яқинлашиб кўп киши ўлди», «Эй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар», «Ундан кейин тангрим ёрлақасин, баҳтим бор учун, насиба бор учун,

улаётган халқни тирилтириб, тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камбағал халқни бой қилдим» каби жумлалар ҳамон ўзининг тарбиявий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Умуман, Ўрхун-Энасой ёзувларида туркий халқларнинг ўзига хос жасурлиги, матонати, ер юзида яхшилик уруғини кўпайтириш, юртининг осойишталиги йўлидаги фидойилиги сезилиб туради.

## ИСЛОМ ДИНИДА БАРҚАМОЛЛИК ФОЯСИ

VIII асрда Марказий Осиё араб халифалиги томонидан бошиб олинди ва бу ердаги халқларга ислом динини зўрлик билан қабул қилдирди.

Марказий Осиё ерларини эгаллаш ҳаракати 704 йилда Кутайба ибн Муслим Хурносон ноиби этиб тайинланганидан сўнг авж олди. У 705 йилдан бошлаб Марказий Осиё ҳудудига бостириб кириб, бирин-кетин Бухоро, Самарқанд, Сўғд, Фарғона, Сирдарё ва Еттисув вилоятларини эгаллади. Арабларнинг яшashi учун Афросиёб қисман бўшатиб берилди. Араб зодагонлари катта-катта ўлжалар талаб қилиб, халқни анчагина оғир аҳволга солди. Арабларнинг исломчилик сиёсати хусусан халқ ўртасида ислом динини ёйиш ва унга итоат эттиришда кўпроқ намоён бўлди. Араб босқинчилари ислом динини тарқатиш учун халққа солиқларни жорий этдилар. Одамлар ўз даромадининг ўндан бир қисмини уларга солиқ сифатида тўлашга мажбур бўлдилар.

Араблар Марказий Осиёда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузвилкларни амалга оширидилар. Шулар ҳақида Беруний «Осорул боқия...» номли асарида жуда кўп ва аниқ маълумотларни ёзган.

Араблар Марказий Осиё халқларини ислом динига бўйсундириш мақсадида уларни араб тилида ўқиш ва ёзишга мажбур этган, деярли ҳар бир хонадонда биттадан араб оиласини жойлаштирган. Бундай оилалар уша хонадонда унинг эгаси ва Фарзандлари араб тилини ва ислом дини ибодатларини тұла ўргангунича яшаган. Араблар ташкил этган масжид ва мадрасаларда асосан «Қуръони Карим», «Аш Шурут», «Ҳафтияқ», «Ақоид» каби китоблар мутолаа қилинган.

«Ақоид» рисоласи Аҳмад Ибн Мұхаммад Абу Жаъфар Таховий (858—933) қаламига мансубдир.

Таховий фозил зотлардан бўлиб илму маърифатга доир жуда кўп асарлар яратган. Масалан, «Ахкомул Қуръон», «Мұхтасар» (ислом ҳуқуқшунослиги), «Аш Шурут», «Тарих», «Ихтилофул уламо», «Ақоид» ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Ақоид исломнинг асосларини ўргатувчи энг муҳим диний Фанлардан биридир. Бу фан орқали Оллоҳнинг зоти ва сифат-

лари, таҳвид, дунё ва охират тӯғрисидаги исломий таълимот фоялари, гуноҳ ва савоб, жаннат ва дӯзах, илоҳий китоблар ва пайғамбарларга қандай муносабатда бўлиш қоидалари, хуллас, ҳар бир мўмин-мусулмон учун энг зарур диний маълумотлар талқин этилади.

### «ҚУРЬОНИ ҚАРИМ»ДА ИФОДАЛАНГАН ТАРБИЯВИЙ ФОЯЛАР

Қуръони Карим—мавжуд динларнинг энг сўнггиси булган Ислом динининг асоси ва дастуруламалидир. Қуръон бундан қарийб 1500 йил буруп териларга, тахталарга, сопол парчаларига ёзилиб ёдда сақланган фикрлар мажмуасидир. Унда қадимий хилма-хил ривоятлар, (исломдан олдинги диний китоблар Забур, Таврот ва Инжилдан олинган ажойиб ҳодисалар,) тарихий воқеалар, ислом динига амал қилувчилар учун катъий курсатмалар, турли йўл-йуриқлар баён этилган.

Кўпчиликка маълумки, Қуръони Карим мусулмон мамлакатларида мўминлар ҳаётининг мазмунидир. Шунга кура, Қуръоннинг таржимаси ҳам халқнинг маънавий бойлиги ҳиболанади. Қуръони Карим—ислом динининг дунёда энг кўп тарқалган ва энг кўп ўқиладиган китобидир. Унинг ҳақида ҳозиргача, мингдан ортиқ китоблар, мақолалар, тафсир ва таржималар ёзилган, жаҳондаги тилларнинг деярли барчасига таржима қилинган.

Қуръони Карим, турли вақтларда туркӣ (уйғур, турк, татар) тилларига ва ниҳоят, 1990 йилда Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди.

Қуръони Карим мусулмонларнинг ҳаётидаги ягона инсонийликни шакллантирувчи йўлбошчига айланди. Оллоҳ таоло ўз хоҳиши билан тӯғрини нотӯғридан, ҳақни ноҳақдан ажратиб, одамларга тушунтириш учун пайғамбарлар юборди ва одамларга тӯғри йўлдан юриш ихтиёрини берди. Қуръони Каримдаги «Инсон» сурасида шундай дейилган: «Биз инсонга тӯғри йўлни кўрсатиб қўйганимиз. Хоҳлагани шукр келтирувчи бўлсин ёки куфр келтирувчи бўлсин» (3-оят). Қуръоннинг кўпчилик оятларида инсонни ихтиёри ўзи билан бўлиб у қилган яхши ва ёмон ишларига ҳам ўзи жавобгардир. «Шуро» сурасида эса: «Сизларга бирор мусибат етса, унга ўз қўлингиз билан қилган гуноҳингиз сабабчидир», — дейилади (30-оят). «Фуссилат — Муфассал баён қилинган сурा» деб аталади. Ушбу сурада: «Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик килса, ўз зиёнига қилур» (46-оят) дейилади.

«Қуръони Карим»да келажак авлодни доимо яхши йўлга йўналишини, уни ўз ихтиёрига қўйиб бериш муҳимлигини кўриб турибмиз.

«Қуръон»да ҳар бир инсон борлигидан ғурурланмоғи лозим, лекин ўзидағи сифатларидан ғурурланмаслик керак, дейилади. «Ҳадид» сурасида шундай ёзилган: «Билки бу дунё

ҳаёти ўйин-кулгу, зеб-зийнат ўзаро фахрланиш, күп мол ва фарзанд билан мақтанишдан ўзга нарса эмас. Бу худди бир ёмғирга ўхшайдыки, у ёғиб ўтгандан сұнг ўсімліклар, коғирларни ажаблантиради, сұнг ўсімліклар қурийди, сарғаяди. Охиратда эса қаттиқ азоб ёки Оллоқнинг мағфирати ва розилиги бор. Бу дунё ҳаёти алдагувчи матодир (20-оят). Лекин инсон ғурурини безатувчи, уни ахлоқий фазилатларга амал қилиши алоҳида таъкидланилади Қуръони Каримдаги «Ол-и-Имрон» сурасида. Инсонни яхши фазилатларидан яна бири қилган гуноҳлари учун тавба қилишдир. Тавба дегани — қайтиш деганидир. Инсон тавба қилди дегани хатолардан, гуноҳлардан қайтди дегани. «Ким зулм қилганидан сұнг тавба қилиб, яхши ишларга тутинса, албатта. Оллоқ унинг тавбасини қабул қиласи. Албатта, Оллоқ гуноҳларни кечувчи ва раҳмидиллер» («Моида» сураси, 39-оят).

Тавба қилиш инсонни яхши ишларга етаклади. Бунда муомала, сузлаш одоби, сахийлик, иффат, сабрлилик, камтарлик, ҳамжихатлик каби улуғ фазилатлар мужассамланади. Исломда сабр ахлоқий фазилатлардан бири бўлиб инсоннинг руҳий таянчидир. Сабрли киши қийинчиликларни сабот билан енгади. Сабр барча фазилатларнинг онасидир. Чунки у инсон қалбини эзгулик сари йўллайди. Ҳар бир фазилат сабрга муҳтождир.

Инсон иффати эса шаҳватларга сабр қилишдир. Қуръони Каримнинг «Юсуф» сурасининг 90-оятида инсондаги сабр ва ундаги юксак фазилатлар алоҳида таъкидланган:

«Улар: — Сен Юсуфмисан? — деб сўрадилар. «Ҳа, мен Юсуфман, бу эса биродаримдир. Оллоқ бизга марҳамат кўрсатди. Дарҳақиқат, кимда-ким Оллоҳдан қўрқиб, сабру қаноат қилса, албатта Оллоқ бундан чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажрим — мукофотини зое қилмас».

#### ПАЙГАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙХИССАЛОМ ИНСОН ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хешу-ақраболарини, авлод-аждодларини мукаммал билмак, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг биринчи галдаги одамийлик вазифасидир. Чунончи, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг болалар таълим-тарбияси, ахлоқ-одоби ҳақида айтган ҳадиси шарифлари ҳар бир инсон учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди.

Пайғамбаримизнинг туғилган жойлари Макка шаҳридир. Оталари Абдулла 18 ёшда, оналари Омина 14 ёшда оила қуришади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Абдулла сафарда вафот этадилар. Пайғамбаримиз оталарининг вафотидан сұнг Рабиъ ул-аввал ойининг 9 инчиси, душанба кунининг тонгига Макка шаҳрида дунёга келдилар. Улар чақалоқнинг исмини

Мұхаммад деб қўйиши (Милодий ила 571 ичи йил, Фаранги ҳисоб ила 20 ичи ва румит-русий ҳисоб ила 17 апрелга тўғри келади).

У замондаги шаҳарлик (арабларнинг одати янги туғилган болаларни) саҳролик бадавлат қабилаларга эмизишга берар эдилар. Атрофдаги бадавийларга, ҳар йили кузда, кўкламда, эмизишга бола олиш учун Макка шаҳрига келиш одат эди. Шунинг учун Бани Саъдли уруғидан Ҳалима исмли аёл ҳам шаҳарга кирди. Эмизишга бола сўроқлаб юрганида пайғамбаримизнинг боболари — Абул-Мутоллиб уни кўриб қолиб Оминанинг уйига бошлаб келди. Ҳазрат Омина Ҳалимани кўриб айтдиким: — бизни камбағал, болани етим демасанглар, эмизишга берайин, деб оқ жун йўргакка ўролгон пайғамбаримизни Ҳалимага курсатдилар. Ҳалима хотун бу муборак ўғилни олиши билан уларнинг уйлари хайру баракага тўлди. Шундай қилиб, Ҳалима хотун пайғамбаримизни тўлиқ икки ёшга етгунча эмизди. Энди одоб бўйинча сутдан чиқар вақти яқинлашди. Шундан кейин болани онасига қайтариш расми бор эди.

Болага чексиз меҳр қўйган Ҳалима хотун Оминадан пайғамбарни беш-ўп ёш бўлгунча тарбият қилишни суради. Ҳазрати Омина Ҳалимага розилик бердилар. Ҳалиманинг қулида яна икки йил туриб ёшлари тўртга тўлди, бешга қадам қўйғон эдилар оналари бағрига қайтдилар. Оналари ҳам вафот этдилар. Ота-онасиз қолган Мұхаммад Абу Толиб тарбиясида қоладилар.

Мұхаммад пайғамбар ўз умматларини яхшиликка, имон ва инсоғга чорлагувчи исломия йўлига бошлади. Уларга, оллоҳ таоллодан етиб келган ваҳийларни одамларга сўзлаб ёддан айтиб бера бошладилар. Ҳар бир кимсага маълумдирки, оламда инсоннинг энг севган қадр қимматли тўрт нарсаси бор деган эдилар:

1. Ҳар бир одам ўз эрки ва ихтиёрига эга бўлиши.
2. Шаърий ва қонуний касблар орқали топган молу дунёси унинг ҳақиқий мулкидир.
3. Ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси, у миллатнинг туғилиб ўсан ота-бобосидан мерос қолган Ватани борлиги.
4. Ҳар бир инсонни эътиқодидаги дини мавжуддир.

Ислом динига мансуб бўлган мусулмонларни ақл-заковат билан иш кўриши, иродали, ўз сўзига қатъий бўлишиликка, ҳалол меҳнат эвазига яшаш, <sup>уза</sup> она Ватани ва авлод-аждодларини эъзозлашга чорлайди. Шунингдек, инсонда уч сифат борлигини кўрсатган эдилар: 1. Ҳайвонийлик. 2. Шайтонлик. 3. Фаришталиқ. Бу сифатларни энг юксаги фаришталиқдир. Бу сифат эгасида илмлик, дўст-биродарини тушуна биладиганлик, тақводорлик, раҳмдиллик, олийжаноблик, кўркам ахлоқийлик мужассамланади. Агар инсонларда фаришталиқ сифатлари тарбия топса ҳақиқий мўмин инсонлар кўпаяди.

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ахлоқий тарбия-

ни ҳам ёмон ва яхшилик тушунчалари орқали асослаб берган эдилар.

Яхшилик — адолатли бўлиш, савоб ишларга қўл уриш. Сабр, меҳнат ва ҳунар эгаси бўлиш, қаноат, иффат, ҳаё каби-лардир.

Ёмонлик — инсонлар ўртасидаги ўзаро уруш-жанжаллар, беҳуда қон тўкишлар, дилозорлик, қаноатсизлик, миннат қилиш, баҳилликда ўз аксини топади. Одамларни бундай иллат-лардан қутқарувчи илмдир.

Илм одамларни нодонлик ва гуноҳкорликдан сақлагувчи, жаҳолат ботқогидан асраргувчи восита сифатида берилади. Илмга эътиборли бўлиш имондандир. Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йигиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баравардир. Илм ҳосил қилиш — бу энг олий фазилатдир. Илмни эгаллагандан кейин эса ўзи ва жамият кишилари фойдаланиши керак. Нафсиз илм ва амалсиз олимдан фойда йўқ, деб уқтирилади.

Пайғамбаримиз болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериб, бу соҳадаги ота-онанинг бурчи ва вазифасини белгилаб берганди.

Кун ботгандан кейин болаларнинг кўчаларда дайдиб юришидан кўпгина кўнгилсиз воқеалар юз беради. Махсус машғулотларга қатнашиш учун ота-онадан рухсат сўраб тайинли жойларга бориб келишлари мумкин. Ота-оналар болаларини кечаю кундуз назорат қилишлари шарт, деган эдилар.

Пайғамбаримиз вафотидан сўнг, мусулмонлар уларнинг ҳаётига ва фаолиятларига доир жуда кўп қимматли маълумотларни, мингдан ортиқ ҳадисни Ойша онамиздан әшитишга муваффақ бўлганлар.

### АТ-ТЕРМИЗИЙ ҲАДИСЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Мұхаммад Абу Исо ибн Савра ибн Мусо ибн за Заҳҳок-ас-Сулламий-ал-Буғий-ат-Термизий (824 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Уларнинг оиласи фақирона ҳаёт кечирган. Абу Исонинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтган ва у дастлабки маълумотни ҳам уша ерда олған. Ат-Термизий ёшлигидан ўта заковатли, зехнили бўлиб, турли илмларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан урганган. У узоқ йиллар Йроқ, Ис-Фаҳон, Хуросон, Макка, Мадинада яшаган ва ижод қилган.

Ат-Термизий яратган асарлар унинг сермаҳсул олим бўлганлигини кўрсатади. Манбаларда айтилишича, ат-Термизий илм-фанинг турли соҳаларига оид ўндан ортиқ асар ёзган. Афуски, уларнинг кўплари бизгача етиб келмаган. Ат-Термизий асарларининг энг машҳури, шубҳасиз, «Ал-Жомеъ»дир. Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳадиси шарифлари жамланган бу йирик асар «ал-Жомеъ ус-саҳиҳ», «Ал-Жомеъ ул-Кабир», «Суннан ат-Термизий» номлари билан ҳам аталиб, ислом

дунёсида, Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб деб тан олинган олтита ҳадислар тұпламининг бириди. Ат-Термизий-нинг ўзи ҳам ушбу асарининг аҳамияти ҳақида гапириб: «Ал-Жоме»ни ёзіб тугатиб Ҳижоз, Ироқ ва Ҳурсон олимларига күрсатғанимда, улар уни бир овоздан маъқұл топдилар. Ростдан ҳам кимнинг хонадонида бу китоб бұлса, гүёки бу уйда Мұхаммад алайхиссаломнинг ўзлари сұзлаётган мисоли» деб езганди.

«Аш-Шамол-ан-набавийә («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») номли бошқа бир асари «ал-Ҳасоил ал-мустафавийә», «Аш-Шамоил фи шамол Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам» номи билан ҳам машҳурдир. Бу асар Мұхаммад алайхиссаломнинг сийрат ва сувратлари ҳамда алоҳида фазилатларига доир 408 та ҳадиси шарифни ўз ичига олган қимматли манбадир.

Ат-Термизийнинг «ал-Илал» асари ҳам эътиборга лойиқ. У, асар «ал Илал ал-муфрад-ал-Қабайр», «ал-Илал фил-ҳадийс» номлари билан ҳам аталади. Устоднинг «Рисоли фи-ли-хилоф ва л-жадал», «Китоб ат-тариҳ», «Китоб уз-Зуҳ», «Асма уссаҳоба», «Китоб ал Асмо ва Қуна», «Китоб фил-л-осар илмавқұфа» каби асарлари ҳам маълумдир. Бизгача эса уларнинг бир қисмігина етиб келган.

Ат-Термизий асарларыда учрайдиган ҳадис илмиға оид ислоҳотлар ўша даврда яшаган олимлар, мұхандислар ва бошқа уламолар ҳақидағы талайгина маълумотлар мазкур асарларға мұхим манба сифатида қарашни тақозо қиласы. Муаллиф ўз асарларыда көлтирган ҳадисларни турли гурухларға бұлиб, уларнинг ишончли бўлишига алоҳида эътибор берган.

### АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

Ислом оламидаги әңг етук ва машхур муқаддис олим Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий 809 йилда Бухорода таваллуд топған. Ўша ерда таҳсил олиб, 16 ёшида онаси ва акалари билан бирга ҳажга сафар қилиб, 4 йил Мakkада яшаган. Сұнг, Расулуллоҳ ҳақидағы ҳадиси шарифларни ўрганиб тұплаш мақсадида Ҳурсон, Ироқ, Шом, Ҳижоз, Миср ва бошқа мамлакатларда бўлиб, машҳур уламолардан күплаб ҳадислар тинглаган. Ривоятга кўра, 600 мингга яқин ҳадис тұплаган ва унинг ҳадис бобидаги билимлари бениҳоя күпайған, кейин ҳадис илмини ўрганиш учун ҳар тарафдан минглаб кишилар унинг ҳузурига кела бошлаган. Бухорий кўп шогирдлар етиштирган. Муслим ибн Ҳажжож, Йсо ат-Термизий, Иасоий, Абу Зуръя, Юсуф ал-Форобий ва Абу Бакр ибн Ҳувайма каби машхұр муқаддислар ана шулар жумласидандыр.

Имом Бухорий она юрти Бухорога қайтиб келгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади. Аммо унинг бу иши ҳукмдорға хуш келмайды, шу боис Бухорони тарқ этиб, Самарқанд яқи-

нидаги Ҳартанг қишлоғига күчіб боради ва үша ерда истиқомат қилиб қолади.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас саҳих» («Ҳаққоний тұплам») деб номланған 4 жылдан иборат ҳадислар тұплами башқа мұҳаддислар тузған ана шундай тұпламлар орасыда әңг ишонарлы ва мұкаммалидир. Үнда пайғамбаримиз ва унинг сахобалари ҳақидаги ҳадислардан ташқари фиқх (ислом ҳуқуқшунослигі), ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда үша давр тарихи ва этнографиясига доир ҳадислар ҳам мавжуд. Мазкур тұплам Миср ва башқа бир қанча мамлакатларда жуда күп марта чоп этилған, унга уламолар томонидан шарқлар битилған.

Имом Бухорий бир қанча асарлар тасниф этғанлар. У зоттинг «ал-Жомеъ ас-Саҳих» («Ишончли тұплам»), «ал-Адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдоналары»), «ат-Тарих ас-Саҳир» («Кичик тарих»), «ал-Тарих ал-Қабир» («Катта тарих»), «ал-Қироату-халфа-ал-Имом» («имом ортида туриб үқиши») «ат-Тарих ал-Авсат» («үрта тарих»), «ат-Тафсир ал-Қабир» («кетта тафсир»), «ал-Жомеъ ал-Қабир» («Катта тұплам»), «Китоб-ул-Ҳиба» («ҳадия китоби») кабилар.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» китоби маънавий қадриятларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳаоллик, ростгүйлик, поклик сингари фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда мұхым аҳамиятта әгадир.

#### «АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД»ДА («АДАБ ДУРДОНАЛАРИ») ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Ибн Исмоил ал-Бухорий үзининг бу нодир асарида пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом айтған әңг сара ҳадисларни тұплашға мұяссар бұлдылар. Ҳадислар — пайғамбари мизнинг одоб-ахлоқ ва умуман мұсылмон кишининг күндалиқ ҳаётида амал қыладыған ахлоқий қоидалар ҳақида айттылған муборак сұздардир.

Пайғамбарамизга садоқатли бұлған Имом ал-Бухорий одоб-ахлоқа бағишилаб «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» ҳамда «Ал-адаб ал-Муфрад» асарини ёзған эди. Бу асарда инсон учун зарур бұлған ахлоқ-одоб фазилатларининг мөніншіліктерін мазмұни кенг ёритилған. Асар 267 бобдан иборат.

Асардаги асosий ғоя яхшилик қилиш, ёмонликни олдини олиш булыб, дастлабки сағиғалари яхшиликни кимга қилиш керак, деган маслағатлари билан бошланади. Асардаги I боб ота-онаға қарастылған булыб, ким ота-онасини рози қылса, унга тубо (жаннатда учадыған дараҳт номи) насиб булыб, Оллоҳ таоло унинг умрени ҳам зиёда қылур, дейилади. II бобнинг: З- ҳадисида эса Мусовия ибн Ҳаййида (розиёллоҳу анҳу) айттыларки, Расулуллоҳдан: «Әй Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қылсам бұлади? дегандарыда — «Онанғга», — дедилар.

Мен шу саволни З марта қайтардим. Расулуллоҳ: «онангра» — деявердилар. Тўртинчи марта сўраганимда: «Отангга ва яқин қариндошларингга», — деб жавоб бердилар. Яхшиликнинг эвази фақат яхшилик бўлиши керак дейилади. Бу яхшиликни сабр ва машаққат билан болаларни тарбиялаётган аёлларга, етим болаларга, уйда хизмат қилувчиларга қаратилиши таъкидланади.

Имом Бухорий болаларни ёмон қилиқлардан асрашга эътибор беради. Биронинг юзига урмаслик, қўлингизга қарам одамларга зулм қиласлик, кишиларнинг гуноҳини кечира билишлик, баҳиллик кабилар. Асардаги юзлаб ҳадисларда инсонга хос бўлмаган ёлғон гапириш, биронинг ҳақига хиёнат қилиш, ғийбат ва бошқа ноўрин хатти-ҳаракатлар қораланади. Ҳуллас, қўйида муҳаддис олимнинг ижодиётидан, таълим-тарбияга доир Ҳадис намуналаридан келтирдик.

### Бола тарбияси, ота-она ва фарзанд бурчи

Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз.

Оила нафақасидаги тежамкорлик тирикчиликнинг ярмига тенг.

Бола-чақа кўп бўлиб, моддий маблағнинг оз бўлиши катта балодир.

Сизларнинг яхшиликларингиз ўз аҳлу аёлига, яъни оила-аъзоларига хушмуомалада бўладиганингиздир.

Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккаласини ёки бирни бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

... Ота-оналарингизга қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга шундай муомалада бўлади.

Болаларингизни сузишга ва ўқ отишга ўргатинглар. Қиз фарзандларингиз уйда тикиш, бичиш ишлари билан шуғуллангани яхши.

Агар ота-она бирданига чақириб қолишиса, аввал онага жавоб қил.

Ота-онаси қарғаганни тангри қарғайди.

Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга гўдакларча қилиқ қилиб эркалатсин.

Тангридан қўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар. Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди:

1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига.

2. Ёмон қўшнига.

Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради.

Құшниларингиз сизни яхши одам дейишадиган бұлса, демак, сиз яххисиз. Агар улар сизни ёмон дейишаётган бұлса, демак сиз ёмон одамдирсиз.

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашиб туриш — бу савоби тез тегидиган хайрли ишлардандир. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.

Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи унинг онасидир.

Тангри биродарларига қовоини солиб қарайдиган кишиларни ёқтирумайди.

Тангри ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дүст тутади.

Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир.

Қачонки, эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашиб юрса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайдай.

Аёлларга эркаклар ўз туғишигни опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

Уч хил сифат бордирки, кимда-ким уларга эга бўлса, Тангри қиёмат куни уни ҳимоя қилиб, ўз жаннатига киргизур:

1. Заифалар билан хушмуомала бўлиш.

2. Ота-онасига шафқатли бўлиш.

3. Қўлостидағиларга ҳимматли бўлиш.

Уч хил дуо бордирки, улар шаксиз мустажоб бўлгай:

1. Ота-онанинг фарзанд ҳақига қарғаб туриб қилган дуоси.

2. Мусофирининг дуоси.

3. Мазлум кишининг дуоси.

Уч хил киши бордирки, Тангри қиёмат куни уларга раҳмат назари билан боқмайди:

1. Ота-онасини норози қилиб, уларга оқ бўлган киши.

2. Ўзини кийим ва пардозини эркакларга ўхшатиб олган аёл.

3. Ўз хотинига рашк қилмайдиган эр.

Хотиннинг эрга нисбатан ҳақлари:

Эр ўзи овқатланганда хотинини ҳам овқатлантириш, ўзи янги кийим олиб кийса, унга ҳам олиб кийдириш, ҳақорат қилиб сўқмаслик, аразлаганда узоққа кетмасдан, фақат бўлак ётишлигидир.

Отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш — Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

Кимнинг олдига узилиб кетган биродари узр сураб келса, у ҳоҳ ҳақ бўлсин, ҳоҳ ноҳақ бўлсин, узрни қабул этсин. Агар қабул этмаса, жаннатдан Қавсар ҳавзасининг сувидан маҳрум бўлур.

Одам фарзанди учун намоз, муросасозлик, ҳушхулиқидан афзал иш йўқдир.

Хеч бир ота үз фарзандига ҳулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

Инсон фарзанди яратилганда, ёнида үлимнинг 99 сабаби ҳам бирга яратилади.

Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши? Тангри унинг умрини узайтиради.

Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир.

## Илм ва билимдонлик

Илмнинг офати — эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кеткизмоқлиқидир.

Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларини фақат тўғри йўлдан боришликка бирлаштиради.

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишидан.

2. Нафсоный ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан.

3. Илму маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишидан. Гарчи, Хитойда бўлса ҳам, илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарзидир.

Садақанинг афзали мўмин кишидан илм ўрганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ўргатишидир.

Тангри тўрт тоифа одамларни яратгандир:

1. Ҳар кишига Тангри ҳам бойлик, ҳам илм ато қилган бўлса, у шу бойлигидан фақат ўзигина фойдаланмай, балки қавм-қариндошларига ҳам иноят қилиб турса ва илм сабабли, Тангрининг ҳақини ҳам адо этса, бу мартабаларнинг энг афзалидир.

2. Кимгаки фақатгина илм берилиб, бойлик ато қилинмаган бўлса, «менга ҳам давлат бўлганда эди, фалончи каби ишлар қилур эдим» — деб соғ ният айтса, у шу нияти билан саҳий бойнинг савобига эга бўлур.

3. Агар кимгаки молу дунё берилиб, илм ато қилинмаган бўлса, қавм-қариндошларига муруватда бўлмай, Тангрининг ҳаққини ҳам адо этмаган бўлса, бу мартабаларнинг энг ёмонидир.

4. Кимгаки илм ҳам, молу дунё ҳам насиб этмаган бўлса, «Молим ва илмим бўлганда эди, мен ҳам фалончилар каби яхши амалда бўлур эдим», — деса, бу нияти ила улар билан савоблари баробар бўлади.

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган рўзадан афзалдир.

Ёшликлда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидур.

Илм ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи (устун)дир.

Илм икки хилдир: бири қалбаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси, тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурида банда зарарига далил бўлади.

Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғвор айтадилар.

### Мустақил иш

*Қуръондаги инсон камолоти мавзудаги 44 сурани ўрганиш.*

#### ШАРҚ МАШОИХЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАРИ

IX—XIII асрларда Марказий Осиёдаги мусулмонлар яшайдиган худудларда диний-фалсафий оқим — тасаввуф, сўфийлик таълимоти кенг тарқалди. Қуръон ақидаларига ута садоқатли илк сўфийлик намояндалари Абу Йазид (Боязид) Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуллоҳ Рометоний (Азиzon), Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Жунайд Бағдодий, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий, Ҳожа Аҳрор Вали каби йирик олим ва мутафаккирлар ана шу оқимга мансуб эдилар.

Сўфийлик таълимотининг назарий жиҳати оллоҳ ишқи учун фидоийлик бўлса, амалиёти эса унга садоқатлиликдир.

Абу Ҳамид Газзолий таълимотича, сўфийлик, ҳамма вақт худога сифинувчи кишилар билан totuv яшаш, ниҳоятда мулоҳим муомалада бўлиш, ўз манфаатига берилиб, ўз юкини ўзгалар гарданига юкламаслиkdir.

Сўфийлик қонун-қоидасига кўра, камбағаллик унинг ҳусни, саор-тоқат, унинг безаги, қаноат унинг оти, ишониш эса унинг фазилатидир<sup>1</sup>. Сўфийликда руҳий камолотга эришишнинг асосий йўллари 4 босқичдан иборат бўлган ва булар: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларидир.

Мовароуннаҳрда сўфийлик ғояларининг тарқалиши Юсуф Ҳамадоний мактабидан бошланган. Абдулҳолиқ Фиждувоний ва Ҳожа Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадонийнинг издошлиари сўфийлик оқимидағи турли йўналишларинг йирик вакилларидир.

Сўфийликнинг иккинчи мактаби Аҳмад Яссавийдан бошланган. Сулаймон Боқирғоний ва Сайд Ато Яссавий унинг шогирдлариандир.

XV асрда Мовароуннаҳрда сўфийликнинг янги оқими Нақшбандия тариқати пайдо бўлган. Бу тариқатда сўфийларни дарвешликдан меҳнат қилишга ва ғаллоҳга содик бўлишга даъват этилади.

<sup>1</sup> И. Жумабоев. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари. Тошкент, «Ўзбекистон» н. 1980, 40-бет.

## ХҮЖА АБДУҲОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ (1103—1179)

Хўжа Абдуҳолиқ 1103 йили Фиждувонда таваллуд топиб, 1179 йилда ўз ватанида вафот этган. У Шарқ фалсафий тасаввуф тарихида ўзига хос нуфузга эга бўлган. Фиждувонийнинг таълимоти тасаввуф силсиларидан бири — Хожагон (Хожалар) ҳалқасида шаклланган. Бироқ, Фиждувоний фақат Хожагон силсиласининг эмас, балки кейинчалик шу ҳалқада пайдо бўлиб, оламшумул равнақ топган Нақшбандия силсиласининг ҳам асосчилариданdir. Тасаввуф тарихида нақшбандийликни Хўжагон шажарасининг шохчаси деган қараш ҳам бор. Фиждувонийни мўътабар китобларда «шайхушшуюқ» (шайхлар шайхи) деб ҳам таърифланади. Бу улуғвор унвон Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар томонидан Хўжа Фиждувоний сингари пирларга нисбатангина қўлланилган.

Фиждувонийдан «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Хўжа Юсуф Ҳамадоний» каби асарлар ёдгорлик бўлиб қолган.

Жаҳон ҳўжалари сарвари қандай каромат ва фазилатлар соҳиби эди? Ушбу саволга жавоб беришда мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг «Нафахотул унс мин ҳазоротул құдс» ҳамда Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват» асарларига таянилади. Асл манбаларнинг кафолат беришича, «аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур». Бу баҳони тушуниш учун тариқат нималигини қисқача изоҳлаш шарт. Маълумки, ислом таълимотига кўра, инсоннинг маънавий-руҳий камолотга эришиши шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларидан иборатdir. Ислом ёҳуд художўйлик йўлига кирган киши, яъни йўловчи, изловчи мана шу босқичларни босиб ўтиши зарур. Бу учала босқич бир-бирини қатъий тақозо этади.

Шариатсиз тариқатга кириб бўлмайди ва тариқатсиз ҳақиқатга эришилмайди. Тариқат шариат қонун-қоидаларини бажариш ва Оллоҳ муҳаббатига мусассар бўлиш йўлидир. Шариат — назария, тариқат амалиётдир. Ҳақиқат — мақсад, тариқат, услугуб, фаолият шаклидир. Таълимотда: «шариат ёнроқнинг пўчоғи бўлса, тариқат пўчоқ ичидаги пўстлоқдир, ҳақиқат эса пўстлоқ ичидаги мағиз», «шариат — ер, тариқат мазкур ерда унган дарахт, ҳақиқат эса шу дарахтнинг меваси», «тариқат — фано, яъни ўзидан кечиш, ҳақиқат — бақо, яъни ботил (бузилган, беҳуда ишлардан кечиб ҳақ ишларга боғланмоқ), «шариат — қонун, тариқат — йўл», «Қонун» вужуд ва калбни тарбиялайди. «Йўл» кўнгилни поклаб, руҳни нурлантиради» каби турфа таърифлар ҳам мавжуд.

Фиждувонийнинг инсониятга ибрат бўлган фазилатларида яна бири шуки, Фиждувоний «пок рвишларин ағёр кўзидан яширибтурлар». Бундан шу нарса англашиладики, одам фақат ўз айбини яшириб юрмасдан, пок хислатини ҳам пинҳои

тутгани маъқул. Бу, биринчидан, покиза, сийратини ёмон кўздан асраш, иккинчидан, душманинг бошқалар ғашини қўзғатмаслик, учинчидан, камтарларлик, яъни ўз фазилатини кўз-кўз қилиб мақтанишдан сақланиш учун зарур.

Нақшбандия таълимотидаги «ботинан ҳақ бирла, зоҳиран ҳалқ бирла» бўлмоқ равиши ҳамда ҳуфя зикр усули Фиждувонийнинг «пок равишини ағёр кўзидан яшириш» фазилатидан вужудга келган. Мавлавийя сулукидаги ошкора овоз чиқариб зикр тушиш, зикри самоъ бу услугга мувофиқ келмас эди. Фиждувоний жаҳрия усулидаги бундай зикрнинг оғатидан огоҳлантиради:

*Эй сўфи соф, ки куни майли самоъ,  
Ҳосил зи самоъ чун нифоқ асту видоъ.  
Ё тарки самоъ кун, ки соф гарди,  
Ё он, ки ҳаёти дили худ соз видоъ.*

Маъноси: «Эй софликни шиор этган сўфий, зикри самоъ усулини ихтиёр этган экансан, ҳушёр ва огоҳ бўлгилки, самоъ зикридан нифоқ, низо, ажralиш, ҳайрбод ҳосили унади. Баҳоланки, сўфий зикрининг асл моҳияти-муддаоси қарама-қаршилик, яккаланиш ва булинниш эмас. Аксинча, муросаю мадора, ваҳдат — бирлашишдир. Шунинг учун ё зикри самоъни тарк этгилким, то ғурурдан поклангайсан. Ёки ўз ҳаёtingу дилинг билан видолашавер».

Фиждувонийнинг бу сабоги тасаввуф тарихидаги талаблардан чиқарилган оқилона хулосадир. Бу фикрга машҳур Мансур Ҳалложнинг аянчли қисмати далил бўла олади. Маълумки, Мансур Ҳаллож «Анал ҳақ» — (Мен — худоман) дея баралла айтгани учун дорга осилган. Навоийнинг изоҳлашича, Мансур Ҳалложнинг устоди Абу Амир бинни Усмон Макий тавҳид илмилада ўзига хос янгича маъно кашф этган. У маъно ниҳоятда нозик ва сўзи яширин бўлган. Мансур олиб ошкор этган. Маъно бениҳоя нозиклигидан эл уни тушунмаган ва Мансурни ҳалок қилган. Аслида унинг «Мен — ҳақман» деганида «Мен — ҳақ билан биргаман» деган нозик маъно мужассамланган эди. Аммо, бу назокатни зикри самоъ сақлаёлмас эди. Шунинг учун Хўжа Али Рометоний: «Агар ер юзида Абдуҳолиқ фарзандларидан бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дор остига бормагай эрди», дея ҳуфя зикрнинг афзаллигига имон келтиради.

Фиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбандий тариқатларида иккита бир-бирига яқин шиор бор. Масалан, Фиждувоний «Хушдар дам» шиорида Инсонни ичидан чиқадиган ҳар бир нафас огоҳликдир ва бу ҳузур-ҳаловат юзасидан яхши, ғафлат унга ҳеч йўл топмаслиги керак, яъни ҳар бир нарса ё улим ё ҳаёт давомийлигини белгилайди. Уларнинг бу тариқатида илм инсонни маърифат ва адаблиликка чорлайди.

Эй, илм денгизига кирмай, булоқ  
 соҳилида қолган киши,  
 Денгизда фароғат бор, соҳилда  
 эса баҳтсизлик.  
 Дунёниг мавжланишига хуш назар  
 билан боқма,  
 Ҳар икки нафас ўртасида денгиздан огоҳ бўй!

Ҳожи Абдуҳолиқнинг ёзишларича «Йигирма икки ёшим-да уйғоқ қалбларимнинг хожаси — Ҳожа Хизир алайхиссалом мени шайхи раббоний Юсуф Ҳамадоний қўлига топширдилар ва мени тарбият қилишга валият этдилар, улар Мовароуннаҳрда эканлар, мен уларнинг хизматларида бўлдим ва кўп фойдали амалларни ўзлаштириб олдим». Фиждувоний тариқат оқибатида насиҳатномалар битдилар. Унинг «Фаслул ҳабиб» китобидан ахлоқ-одобга доир айrim намуналарни келтирамиз:

«Васият қилурман мен сенга эй фарзанд, барча ҳолатда илм, амал ва тақвода бўл, илм, амал суннат ва жамиятни маҳкамам тут. Шуҳрат қидирмагил, шуҳрат офтобдир. Мансабда ўтирма, доимо панада бўл... Оз сўзла, оз е, оз ухла. Аҳли аёлинга эҳтиёт бўл.

Дунё аҳли билан мағрурланма.  
 Либосинг оддий, дўстинг дарвеш.  
 Дастмоянг фиқҳ (ҳуқуқ) илми,  
 Уйинг масжид ва мунисинг ҳақ  
 Субҳона ва таъоло бўлсин.

Абдуҳолик Фиждувонийнинг иккинчи шиори «Назар ба қадам» дейилган бўлиб, унда Назаринг доимо панжаларинг устида бўлсин, токи, кераксиз жойга тушмасин, дейилади.

Бу тариқатни Абдураҳмон Жомий «Тұхфатул-аҳрор» китобида «Назар ба қадам»ни назм билан шундай таърифлаган:

Ҳүшёрликсиз бирор нафас ҳам олмаган,  
 Назари қадамда ўзга ерда бўлмаган  
 У ўзлигидан суръат билан сафарга  
 Яъни узоққа кетмаган.  
 Ҳар бир қадами назоратдан ҳоли бўлмаган.

Фиждувонийнинг кейинги шиори: «Сафар дар ватан» деб номланади.

Бунинг маъноси шуки, одамнинг табиатида сафар қилиш эҳтиёжи мавжудлигини уқтириб ўтади. Ҳамда Сафарни 4 та ибтидоси мавжуддир — деб ёзган эди аллома.

- 1) Сафар қилиб бирор азизнинг хизматида бўладиганлар.
- 2) Умуман сафар қилишни хоҳламовчилар.
- 3) Доимий сафар қилувчилар.
- 4) Сафарда бўлиш бу юракка сайқал бериш ва уни тозашдир.

## АҲМАД ЯССАВИИ

Ислом оламининг тасаввуф шоири ва дину шариат пешвоси Хўжа Аҳмад Яссавий XI асрнинг ўрталарида Сайрамда Иброҳим ота оиласида дунёга келади. У гудаклигига ёқ онасидан, 7 яшарлигига отасидан ажралади. Уни бобоси Арслон бобо (Арслонбоб) тарбиялайди. Балоғатга етгач, у отаси Шайх Иброҳимнинг мурид—халифаларидан бири Мусо Шайхнинг қизи Ойшага ўйланади. Унинг Иброҳим отли ўғли, Гафхари Шахноз отли қизи бўлган. Аҳмад дастлаб Яссида ўқийди, сўнгра бобосининг тавсияси билан Бухорога бориб, мадрасада таҳсил курди. Бу ерда у фиқҳ илмининг устози Шайхулислом, тасаввуф фалсафасининг донишманди Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган.

Устози асли Эроннинг Ҳамадон вилоятидан бўлган Юсуф Эрон ва Ҳиндистонда ўқийди. Имом Газзолийнинг устози Шайх Абу Али Фарюмадийдан таълим олади. Сўнгра Хуросону Мовароунаҳрга келиб Марв, Самарқанд, Ҳирот, Балх, Бухоро шаҳарларида фаолият кўрсатади. Умрининг охирида Марв сафарида Бомиёнда вафот этади, шогирдлари жасадини Марвга элтиб дағи этадилар.

Аҳмад Яссавий устози вафотидан кейин бир оз вақт Бухорода унинг ишини давом эттиради. Яссавий фаолиятининг дастлабки йилларида ёқ ўз дунёқарашини халқ орасида кенгроқ ёйиш мақсадида туркӣ қўшиқларга яқин шеърлар ижод кила бошлайди. Кейинчалик, Яссига қайтиб кўплаб тарафдорлар, шогирдлар орттиради. Ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавий 63 ёшга, яъни Пайғамбар ёшига киргач, ер остига — ертўлага кириб, умрини тоат-ибодат, худо йўлида риёзатда ўтказиб, 125 ёки 133 ёшида, 1166—1167 йиллар орасида вафот этган. Шарқда ўтган аксарият художўй, ҳақ йўлида фидойи сўфи—донишмандларнинг 100—120 йил умр кўрганларини инобатга олсак, Яссавийнинг шунча ёшга киргани ҳам айни ҳақиқатdir.

Бизга қадар Яссавийда «Девони ҳикмат» номли шеърлар китоби сақланиб қолган. Бу асар ҳамма замонларда, барча туркӣ забон авлодларга манзур ва мақбул бўлиб келган. Зероки, у инсонни асл комилликка элтадиган дин, имон, худо йўлида фидоийлик, эътиқодда собитлик, ҳалоллик, покликни тарғиб-ташибиқ этди. Кишиларни асл мақсад — Худога эришмоқ — пайида машаққаи — риёзат чекмоққа, маърифат касб этмоққа, исломий ва дунёвий аҳкомларни эгалламоққа чорлади. Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов Хўжа Аҳмад Яссавий **Масжиди** пештоқига ҳазрати Расулуллоҳнинг «Талабул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин» — илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз», деган ҳадис битилганини қайд этган. Яссавий ҳикматларида тўғрилик, меҳнатсеварлик, мўминларга меҳрибон бўлиш, инсоф, муруват фояларини илгари сурган. Айрим ҳикматларда биз ижтимоий адолатсизликка қарши кескин фикрларни, дилозор, муфтхўр бўл-

маслика даъватни кўрамиз. Айни пайтда, Яссавий нодонлик, жаҳолат ва разолатни қаттиқ қоралаган. Шунинг учун ҳам ўтмишда Яссавий ҳикматлари сингари унинг шахсияти, шуҳрати ҳам Туркистонда кенг тарқалган. Ҳалқ орасида Яссавийни до-нишманд, башоратчи ва нозик — бин аллома — Ҳаким сифатида воқиғ этувчи кўплаб ривоятлар яратилган.

Аҳмад Яссавий яратган ўлмас ҳикматларини девон тариқасида келажак авлодга мерос қолдириди. XI—XII асрларда Хурросону Мовароуннаҳрда юз берган қаҳатчилик, мӯғуллар истилосининг асоратлари танқид этилади: адолат, инсоф, раҳм-шафқат ўринини диёнатсизлик, такаббур эгаллаганидан нолийди, ҳимоясиз қолган ҳалққа ҳамдардлик изхор этади. Бу ҳикматларда маънавият ҳақидаги фикрлар теран ифодаланади.

*Ахли дунё ҳалқимизда саҳоват йўқ,  
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ.  
Дарвишиларни дуосида ижобат йўқ.  
Турлук бало ҳалқ устига ёғди, дустлар.*

Яссавий ҳикматларида жаҳолат ва разолатни қоралаш, нодонлик, дустга ҳилофлик қилиш, манманликни ҳам танқид қиласи:

*Дуо қилинг, нодонларнинг юзин кўрмай,  
Ҳақ таоло рафиқ бўлса, бирдам турмай.  
Бемор бўлса, нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.  
Аё дўстлар нодон бирла улфат бўлуб,  
Бағрим куюб, жондан тўюб, ўлдим мано.  
Тўғри айтсан эгри йўлға бўйин тўлғар,  
Қонлар ютуб, ғам заҳриға тўйдум мано.  
Қайда кўрсанг қўнгли синук ҳамдам бўлғил,  
Андоқ мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлғил.  
Уммат бўлсанг гарибларга тобеъ бўлғил,  
Оят, ҳадис ҳар ким айтса, сомеъ бўлғил.*

Шоир бир талай ҳикматларда кишиларни қадрдон, ҳалолу поқ, илм-денишли, диёнатли, имон-эътиқодли, раҳм-шафқатли бўлишга даъват этади.

*Суннат эрмиш коғир бўлса, берма озор,  
Қўнгли қоттиғ дилозордан худо безор.*

Сабру қаноат, жавонмардлик, эзгу мақсад йўлида фидонийлик қилмоқ ҳам ҳақиқий ошиқнинг фазилати: у йўлдан озган гумроҳларни йўлга солмоғи даркор: эътиборлиси шундаки, ҳар бир сўз, ибора ниҳоятда содда, айни пайтда мазмуни нағис, ундан кузатилган ғоявий ният, умумбашарий моҳиятга моликдир.

*Нафсдин кечиб, қаноатни пеша қилгон,  
Ҳар ким топса, рози бўлиб, бўйин сунғон.*

*Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олғон,  
Андоқ ошиқ маҳшар куни армонаң ийүк.*

Мутакаббир, манманликка берилган одамни, үз қадрини билмаган, ўзгалар қадрини эъзозламаганларни инсон сифатида санаң бўлмайди:

*Хайфи одам үз қадрини ўзи билмас,  
Манманлик қиб яхшиларни кўзга илмас.*

Бу дунёда кимда-ким нафснинг гапига кирса, нафс йулида югуриб-елса, охир-оқибат расво бўлур:

*Нафс йулига кирган киши расво бўлур.  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур.  
Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай,  
Дин уйини ғорат қилиб, адo килғай,  
Оқил эрсанг нафси баддин бўлғил безор.*

Ҳақиқатда ҳам орифликнинг асосий белгиси, комилликка эришмокнинг йули икки нафсдан ҳам пархезкорлик, саховат-пешалик, жавонмардлилик, ҳақгўйликдир.

Ҳикматларда ёлғончилик, икки юзламачилик, товламачилик, ҳирс, таъмагирлик сингари чин ошиққа, орифларга номусиб файриинсоний хислатлар лаънатланади, мунофиқлар қораланади.

*Тўғри юрган ошиқлардин худо рози,  
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози.  
Ёлғончилар ошиқ мен, дер, оллоҳ қози,  
Имонини пучак пулга сотар эрмииш.*

«Девони ҳикмат» таркибидаги қўйидаги фикрлар китобдаги бутун ахлоқий, маърифий, ишқий, инсоний мулоҳазаларнинг умумлашма якунига ўхшаб кўринади, чунки бу байтларда комил инсон учун мажбурий бўлган барча фарз ва суннатлар ғоятда ихчам тарзда үз ифодасини топган.

*Хайру сано қилғонлар, етим кўнглин олғонлар,  
Чаҳор ёрлар ҳамроҳи кавсар лабинда кўрдим.  
Андоғ олим жойини доруссаломда кўрдум.  
Муфти бўлғон олимлар, ноҳақ фатео берганлар.  
Андоғ муфти жойини сирот кўфругда кўрдум.*

Аҳмад Яссавий ҳикматлари нафақат ғоявий жиҳатдан, балки бадиийлик нуқтаи назаридан ҳам XII аср туркий шеъриятнинг мумтозидир. Бундан ташқари, биз ҳикматларда Фиръян; Қорун, Фариудун, Мусо, Исо, Вомиқ, Узро, Юсуф, Фарход; Мажнун, Од, Шаддод, Мансур, Шибли, Боязид, Жунайд, Зуннун, Яъқуб, Зулайҳо, Зол, Рустам сингари ўнлаб афсонавий, тарихий номлар билан боғлиқ ривоятлар, накллар, ҳикоят ва масалларга шноваларни кўрамиз. Бундан ташқари,

пули сирот, оби кавсар, салсабил, маҳшаргоҳ, арафот, арасот ва бошқа атамалар Расулуллоҳ, саҳобалар, чаҳорёйларнинг фаолиятлариға доир тафсилотлар ҳақидаги қайдларга ҳам дуч келамиз. Улар китобхонни ўйлашга, фикр юритишга ундаиди, тафаккур қирраларини чархлашга ёрдам беради:

*Юнусдек ҳам дарё ичра балиқ бўлсан,  
Юсуфдек ҳам қудук ичра ватан қилсан,  
Ёқубдек ҳам Юсуф учун кўп йиғласам,  
Бу иш бирла, ёраб, сени топғайму мен?  
Маъруфдек ҳам ушбу йўлга қадам қўйсан,  
Мансурдек ҳам жондан кечиб дорга қўнсан,  
Дор узра шавқланибон ҳақни айсан,  
Бу иш бирла, ёраб, сени топғайму мен?*

Кўриниб турибдики, Яссавий ҳикматларида инсоният пайдо бўлгандан бўёнги тарихий ҳақиқат, афсоналар, ривоятлар, турли диний арбоблар, диний-фалсафий оқимлар асосчиларининг ҳаёти, турмуш тарзи, комиллик йўлидаги тутган саъин-ҳаракатлари ғоятда нафис, тадрижий равишида ўз аксини тонган. Бундай ҳикматларни ўқинганда бизнинг билимимиз чуқурлашади, имонимиз бут бўлади, ҳаётга ва охиратга қарашимиз теранлашади, оллоҳга эришмоқ измида риёзат чекмоқ машаққатларини ҳис этамиз. Бу байтлардаги ҳар бир сўз, ибора, ҳатто изофа замирада нозик нуқталар қат-қат бўлиб ётиди.

Яссавий миллатидан қатъи назар ҳар бир одамни ҳурматлаш кераклигини уқтиради:

*Оқил эрсанг эранларга хизмат қилғил,  
Амри маъруф қилғонларни иззат қилғил.*

Шоирнинг «Девони ҳикмат» номли асари фалсафа, педагогика, руҳшунослик, мантиқ, адабиёт фанларининг ривожида алоҳида урин эгаллайди. Ўмуман, Яссавийнинг баркамол инсон ҳақидаги ғоялари ёш авлодни тарбиялашда муҳим дастур сифатида хизмат қилади.

### Мустақил иш.

*Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» китобини ўқиб таҳлил қилиши.*

#### НОСИР ХИСРАВ

Маърифатпарвар адид, оташқалб шоир ва олим, атоқли давлат арбоби Носир Хисрав (1044—1088) ҳозирги Тожикистаннинг Қабодиён шаҳрида туғилган. Балх ва Марв мадрасаларида таълим олган. Салжуқийлар салтанатида 20 йил солиқ йиғувчилар идорасида бошлилик қилган. Араб мамлакатларида 7 йил сафарда юрган адид тўрт марта ҳаж сафарини адо этган. Умрининг охирги йилларини тоғли Бадахшонда утказиб, Юмғон қишлоғида вафот этган.

Носир Хисрав наққош, олим, шоир, ёзувчи сифатида катта

мерос қолдирган. Адибнинг «Саодатнома», «Рўшноинома», «Сафарнома», «Мусофириларнинг йўл озиқаси», «Биродарлар хони», «Ванжҳидин», «Кушоши ва раҳоши» асарлари, араб ва форс тилларидаги шеърлари шарқдаги илм аҳли орасида жуда машҳурдир. Мазкур асарларда, хусусан «Саодатнома»да илм-маърифат саодатнинг калити, деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар жамиятнинг моддий неъматларини яратувчилар сифатида таърифланган. «Хунарманддан яхши касб йўқ жаҳонда» каби ибратли мисралар муаллифининг илм ўрганиш йўлида чеккан заҳматлари ҳам ибратлидир:

*Билим қидиришга урдим бошимни,  
Бекор ўтказмадим умримни бир дам,  
Қайдаки эшиксам илму донишни  
Эшиги тагида ўтиридим маҳкам.*

Носир Хисрав 15 йил давомида горни маскан қилиб Юмғон қишлоғида мактабдор бўлган. Табиатан хушхат ва хушхон адаб ўқувчиларга бир вақтнинг ўзида ёзишни ва овоз чиқариб ўқишини машқ қилдирган. Манбаларда қайд этилишича, Носир Хисравнинг талабалари хушнавис ва Қуръонни ширин овоз билан қироат қиласиган бўлиб чиқар экан. Шоир асарларидаги катталарга иззат, кичикларга шафқат, ота-онага хизмат, дўстлик, ҳар бир ишни илм ва ақл-заковатга суюнган ҳолда бажаришга даъват, жаҳолат ва разолатни лаънатлаш ғоялари кучлидир. Айниқса, илм олишнинг зарурлиги алоҳида таъкидланган:

*Кимки шогирдлигидан чин дилдан шод,  
Бир куни ўзи ҳам бўлғуси устод.  
Илм бирла етиш мумкин биродар,  
Заррадан тортиб то қуёшга қадар.*

Носир Хисравнинг ҳунар эгаллаш, илм ўрганиш йўлидаги сабот ва матонати, муаллимлик фаолияти, адолат учун кураш йўлидаги мардоналиги ҳамиша ибратлидир.

### БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Ислом дунёсидаги энг мўтабар шахслардан бири Баҳовуддин Нақшбанддир. Сайид Муҳаммад ибн Сайид Жалолиддин Нақшбанд 1318 йилда Бухорода туғилган. Гўдаклик чоғидаёқ атрофдаги одамларни ҳайратда қолдирган, лекин келаётган одамни бир қарашда тўхтатиб қўйган. У етти ёшидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёд олган. Устози Самосий берган илмлар Баҳовуддинга олам сирларини билиш, дунё эшигини очиш калити сифатида хизмат қилган.

Баҳовуддин ёшлигига ёкиза, одобли, устозларига меҳрибон ва зукко бўлган. Ҳалқ орасида у устозларининг бомдод намози учун керакли таҳорат сувини, яъни обдастани эшик ор-

қасида тонг отгунча бағрига босиб ўтириб, танасининг ҳарорати билан иситганлыги ҳақидаги ривоят мавжуд.

Баҳовуддин 11 ёшида Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларини, шайх Азизон (Рометоний) рисолаларини ўрганган.

Саййид Мир Кулол ёш Баҳовуддинга зикр қилиш сирларини ўргатган ва Баҳовуддин ёш бўлишига қарамай, ҳалол меҳнат қилиш, ҳар бир инсон учун зарурлигини англаган. Руҳий мўъжиза ва кароматлар кўрсатиш билан бирга ҳунар ўрганган, яъни қалин ипакли мато — кимҳоб тўқиши билан тирикчилик қилган.

XIV асрдан кейин Марказий Осиёда Хожа Баҳовуддин асос соглан Нақшбандия тариқати шаклланди ва ривож топди. Хуҷа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам ана шу тариқатга мансуб эдилар.

Баҳовуддин бутун ҳаёти ва фаолиятини ислом динини тарғибот қилишга қаратган буюк шахс сифатида «Баҳовуддин Балогардон», «Девонаи Баҳовуддин», «Шайх Баҳовуддин», «Ҳазрати Эшон», «Хожаи бузург» каби номлар билан инсоният тарихида барҳаёт қолган.

Баҳовуддин Нақшбанднинг таълим-тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва панду насиҳатлари ғоят қимматлидир. У баркамол инсонни тарбиялаш дастлаб одобдан бошланишини таъкидлаб шундай деган эди: «Адаб хулқни чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир... Адаб сақлаш — муҳаббат самараси, яна муҳаббат дараҳтининг уруғи ҳамдир. Агар адабдан озгина нуқсанга йўл қўйсанг ҳам, нимаики қилсанг, беадаблик кўринади. Одам ўзини бир хил сифат ва кўринишида олиб юриши лозим, токи одамларда унга тасарруф (таъсир қилиш) таъмаси пайдо бўлмасин».

Нақшбандий дўстлик ва ўртоқликка катта эътибор берган ва агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас, деган пурҳикмат сатрларини қолдириб кетган. У шунингдек, яхшиликка чорловчи фикрларни ҳам баён этган: «Ният — касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди». Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз адабига хилоф овоз чиқармайди».

Нақшбандий меҳнат ва ҳунарга алоҳида эътибор берган. Мадрасага қабул қилинадиган болалардан энг олдин: «Сиз қандай ҳунарни биласиз?» — деб сўраган. Ҳунар билмаганларни бирор ҳунарни эгаллашга, сунгра ислом илмини ўрганишга даъват этган. Бу ҳақда у шундай ёзган:

*Денгиздан ҳамиша изламагил дур,  
Одамга бир ҳунар бас, эзгу туур.*

«Нақшбанд» Баҳовуддиннинг таҳаллуси бўлиб, матога нақш (гул) босувчи касбини билдиради. Бинобарин, Нақшбанд ўзининг мато тўқиидиган дўкони борлигини ҳам ёзган. Мазкур

сүзнинг рамзий маъноси муриднинг қалбига Оллоҳ мұхаббатини англатади. Нақшбандия сулуки қўл меҳнати билан шуғулланиши, тер тўкиб ҳаёт кечиришни тарғиб қиласди. Баҳовуддин Нақшбанднинг «дил ба ёру даст ба кор» деган шиори роят машҳурдир.

Баҳовуддин Нақшбанд инсон ақлини, идроки ва қобилиятини ўстириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди: «Камолотда инсон аҳлиниң йули шундай: бу йулнинг чақалоғини тариқат бешигига белайдилар ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб, висол чегарасига етказадилар, сўнг бирор усул билан уларни ўзликдан қайтарадилар. Улар Оллоҳдан файз оладилар ва вояга етадилар».

Баҳовуддин Нақшбанднинг ижоди ҳар бир ўқувчи ва талабани яхши йўлларга бошловчи муқаддас билим хазинасидир.

### III БОБ. ШАРҚ УИГОНИШ ДАВРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МАДАНИЯТ

#### УИГОНИШ ДАВРИДАГИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

V аср охирига келиб Рим империяси қулайди. Шундан сўнг мамлакатда сиёсий-иқтисодий ва маданий тушкунлик юз беради. Ўрта асрга келиб, Оврӯпода ижтимоий, маданий тараққиёт, дин таъсири ниҳоятда кучайди. Айниқса, VII—VIII асрларда Шарқда аниқ фанларнинг ривожланиши улкан ютуқларга эришилди. Маданият ва маърифат марказларидан бири бўлган Марказий Осиёда яшаган халқлар жуда қадим замонлардан бери Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари билан савдо, сиёсий ва маданий алоқа қилиб туарар эдилар.

Осиёда фан ва маданият жуда оғир тарихий шароитда — халқ оммасининг маҳаллий ва чет эл золимларига қарши олиб борган курашлари шароитида тараққий этди.

XII аср охири, XIII асрнинг биринчи ярмида араблар жуда катта ҳудудларнинг — Ҳиндистоннинг шимолий ғарбидан тортиб, Африканинг шимолий қирғоқларигача бўлган ерларни босиб олдилар ва катта давлат — халифалик туздилар. Бу халифаликнинг пойтахти Бағдод шаҳри эди. Араблар ҳукмронлигининг биринчи давларида, босиб олинган ерлардаги халқларнинг маданий меросларини ва фан арбобларини йўқотиш сиёсати юргизилди. Марказий Осиё халқларининг фан ва маданияти араб кўрсатмалари асосида ривожлантирилди.

IX аср охирларига келиб, синфий курашлар маълум бир халқларнинг озодлик ҳаракатлари туфайли Марказий Осиёда маҳаллий киборлардан чиққан сомонийлар (874—999 й.) ҳукмронлиги үрнатилди. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро эди.

Савдо ва ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш борасида карвонларнинг кечалари чўлларда адашмай юришлари учун шарқ, ғарб, шимол, жануб томонларини билиш, юлдузлардан, яъни қўтб юлдузидан йўлни аниқлаш каби эҳтиёжлар туғилди. На-

тижада, фалакиёт, математика, тиббиёт ҳамда ижтимоий фанлар ривожлана бошлади. Бу фанларни марказлаштириш мақсадида Маъмун ҳукмонлиги даврида Боғдод шаҳрида «Дорул-Ҳукамо» («Донишмандлар уйи») барпо бўлиб, унинг ҳузурида кутубхона ва расадхона ташкил этилди. Бу «Донишмандлар уйига» бир қанча мамлакатлардан истеъодли олимлар чақирилди. Бу илм масканларида Маъмун буйруғига биноан, Хоразмдан Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ҳам таклиф қилинди. Ўрта асрларда фан ва маданият тараққиётида ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, Аҳмад бин Муҳаммад Фарғоний, Умар Ҳайём ва бошқалар фаол қатнашдилар.

IX—XII асрларда Марказий Осиёда араб истилосидан сўнг жуда ҳам кўп шаҳар ва қишлоқлар вайронга ҳолда бўлиб, халқларни ислом динини ўрганишга ва унга амал қилишга даъват этилар эди. Берунийнинг «Осорул боқия...» асарида араб истилосидан сўнгги манзара шундай таърифланган: «Қутайба Хоразм ёзувини, ривоятларини яхши билган, хоразмликлардаги мавжуд илмларни ўргатувчи кишиларни қийратган ва уларга турли йўсинла азоб берган. ~~«Қутайба Хоразм юкотни~~ иукотди, руҳонийларни қирди, уларнинг китобларини ва ӯрама ҳаҷларини ўтда куйдирди<sup>1</sup>. Бундай қабиҳ ишлар халқ маданиятига занжир бўлиб қолмади. Аста-секин Марказий Осиёда маданий ҳаёт вазияти вужудга келди. Айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги маданий ҳаётда қўйидаги ўзгаришлар рўй берди.

Араб тили фақат мусулмон ақидаларига хос бўлиб қолмай, балки, форс, хоразм, сўғд аслзодалари орасида, ижтимоий фанлар доирасида ҳам қўллана бошланди. Олимлар араб графикасини ўзлаштириб форс-тоҷик тилларида ёза бошладилар. Илм-фанни ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Бухоро амири саройида кутубхонанинг ташкил этилиши маданий ҳаётни юксалишига ёрдам берди.

Шарқ ўйғониш даври маданияти фанларнинг ривожланиши, қомусий олим, мутафаккирлар етишиб чиқиши билан бутун кишилик жамияти ривожланишининг юксак босқичи бўлди. Ўша даврда ижодкор олим, маърифатпарвар, шоир ва педагоглардан Рӯдакий, Фирдавсий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Замахшарий, Абдушукур Балхий, Аҳмад Юғнакий ва бошқалар фоят самарали фаолият кўрсатдилар.

### АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ДИДАКТИҚ ҚАРАШЛАРИ

Буюк олим, алжабр фанининг отаси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий 783 йилда Хоразмнинг Замахшар шаҳрида туғилган. Унинг ёшлиги ва илм олиш дав-

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент, Фан, 1992, 99-бет.

ри, асосан Замаҳшар ва Қиёт шаҳарларида ўтган. Хоразмий Абу Бакр ар-Розийдан табобат ва кимё, Абу Наср Форобийдан фалсафа, Аббос ибн Муҳаммад Ибн Касир ал-Фарғонийдан илми нужум, география, риёзиёт ва бошқа фанларни ўрганган. У Ҳурросонда яшаб вазир Абдул Ҳасан ал-Утбий ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилган. Ўша давр олим ижодининг чўқиси эди.

Хоразмийнинг фалсафий дунёқарashi ўша даврда кенг тарқалган қадимги юон фалсафа ва маданиятига мансуб эди. Ўнда дунёга муносабатнинг шаклланишида шарқ файласуфлари Ёқуб ибн Исҳоқ, ал-Киндий, Форобий ва Розийнинг таъсирни кучли бўлган.

Хоразмий «Ал-жабр ва ал муқобала» («Тенгламалар ва қаршилантириш»), «Ҳисоб ал-ҳинд» («Ҳинд ҳисоби»), «Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати ҳақида китоб»), «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби»), «Китоб ал-амал бил устурлабат» («Устурлоб — юлдузларнинг ҳаракатини кузатиш») номли асарлар яратган.

Хоразмий ўзининг фалсафий-маърифий қарашларини «Муфотиҳал улум» («Илмларнинг калмалари») номли асарида баён этган. Ана шу асарни академик И. Ю. Крачковский «ўша давр билимларининг барча соҳаларини ўз ичига олувчи изоҳли терминологик луғат бўлиб, ўз моҳиятига кўра жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга» деб таърифлаган.

Г. Сарбон мазкур асарни ўрта асрлардаги фанларни ва маданиятини ўрганиш учун асосий манбалардан бири деб қайд қилган.

Хоразмий ўзининг «Ал-жабр вал муқобала» номли асари билан математика фанига асос солди. Шу билан бирга у «Фалакиёт жадваллари», «Қуёш соатлари тўғрисида» каби рисолалар ҳам ёзган. Хоразмийнинг таълим борасидаги фикрлари ҳар бир фаннинг қонун-қоидаларини ва уларни ўқитиш йўлларини асослагани билан муҳимдир. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай деб ёзга: «Мен арифметиканинг содда ва мураккаб масалаларини ўз ичига олган «Ал-жабр вал-муқобала» китобини ёздим. Чунки бу китоб васиятнома ёзиш, ҳуқуқ ишлари, савдо-сотик, ариқ қазиши, геометрик ҳисоблашлар учун жуда зарур деб, ҳисобладим».

### Хоразмийнинг йирик асари «Китоб ал-Мухтасар»

Бу асар уч бўлимдан иборатdir.

1- бўлим алгебра масалаларига бағишлиланган.

2- бўлимда геометрия ўрганишга доир масалалар ва алгебранинг баъзи бир қонунлари баён этилган.

3- бўлим мерос тақсимлаш масалаларига бағишлиланган. Бу китоб асосан, 1- ва 2- даражали тенгламаларни «ал-жабр ва ал-муқобала» усули билан ечишга бағишлиланади. Бу иккала усулдан фойдаланиб, 1- даражали тенгламаларнинг ечиши кўрсатилган ва бунга қўйидагича таъриф берилган: тенглама-

ларни ечиш учун ишлатиладиган амаллар «ал-жабр» ва «ал-муқобала» деб айтилади.

Ал-Хоразмийнинг умуман фан ва маданият тарихида жуда катта аҳамият касб этган асари арифметикадир. Бу китоб орқали ўнли саноқ тартиби Ўрта Шарқ мамлакатларига, Европага тарқала бошлаган. Бу саноқ тартиби ўша даврда ҳукм сураётган ҳарфли саноқ тартиблар рим саноқ тартибига нисбатан жуда мукамаллашган бўлиб, турмуш эҳтиёжлари учун тез орада қабул қилина бошлаганди.

Хоразмий ўзининг арифметикасида ҳиндларнинг түқиз рақам 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва ноль ёрдами, яъни ўнли позицион тартиб билан исталган 0 сон ва қисқача ифодаланишини баён этиш мақсадида ёзган эди. Шу билан бирга сонларни кўпайтириш, қўшиш ва айриш ҳамда бўлишни осон йўллари қайд қилинади.

Хоразмийнинг арифметикаси математика ва саноқ тартиби тарихида янги бир давр очди. Хоразмий IX асрнинг 20-йилларида «Зиж» (фалакиёт жадваллари)ни тузиб чиқди. Бу асар матни ҳозирга қадар араб тилига таржима қилиниб фан оламида фойдаланилмоқда.

Асар Шарқ ва Фарбда фалакиёт фанидан сабоқ берувчи асосий асар бўлиб хизмат қилди. Хоразмий «Астролябия» («Устурлоб») ва «Қуёш соати» ҳақида ҳам асарлар ёзган эди. Хоразмий Марказий осиёлик олимлар Муҳаммад Косир, Фарғоний, Аҳмад Марводий кабилар ҳамкорлигига меридиан ёйини ҳисоблашда илмий изланишлар олиб борганлар.

Уларни таълимотича меридианнинг бир градусли ёйнинг узунлигини қайта-қайта ўлчаш воситасида 11815 м эканлиги топилганки, бу меридиан градуси ёйнинг ҳақиқий узунлигидан фақат 977 м фарқ қиласди.

Ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий термини «алгоритм» («алгорифм») «Ал-Хоразмий»нинг лотинча транскрипциясидан келиб чиққани кўпчиликка маълум.

Хоразмий тарихга доир китобида Марказий Осиёнинг XII—IX асрлардаги ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар берган. Олимнинг «Ҳинд ҳисоби», «Ал-жабр вал-муқобала» китоблари фаннинг шу соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилган.

### Мустакил иш.

*Мусо ал-Хоразмийнинг дидактик фикрларини ўрганиб ҳозирги мактаб шароитига таққослаб чиқинг.*

### ФОРОБИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган мутафаккир, Ўрта сенёлик машиҳур файласуф, алломадир. Ў879 йилда Мовав-

роуннахрнинг Фороб вилоятида туғилган. Дастлаб Марвда таҳсил кўрган. Кейин Бағдодга бориб, Абу Башир Матт ибн Юнусдан юон тили ва фалсафаси бўйича сабоқ олган. Юҳанна ибн Ҳийлондан мантиқ ва табобатни ўрганганд. Юон файласуфларининг, айниқса, Аристотелнинг асарларини синчилаб ўқиган. Исломий илмларни ҳам яхши ўзлаштирган. Кейинчалик ўзи ҳам анчагина фалсафий асарлар ёзган. Баъзи асарларни тушунишни енгиллаштириш учун шарҳлар битган. Бир оз вақт Шом (Сурия)га ва Мисрга кетади.

Форобий 950 йилда ҳаётдан кўз юмган. Ундан бизга жуда кўп ўлмас асарлар мерос булиб келган. Ўз замонасиning етук олими бўлган Форобийнинг фалсафа, мантиқ, психология, мусиқа, математика ва ҳоказоларга доир 160 дан зиёд асарлари маълум булиб, уларнинг кўпи жуда кенг, ҳатто, дунё миқёсида шуҳрат қозонган. «Ал-Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим»), Арастудан кейин, «Шарқ Арастуси» номларига сазовор бўлган Форобийнинг мазкур фанларга доир асарларидан ташқари, ижтимоий ҳаёт, билишнинг шакллари, босқичлари ва усуллари ахлоқ, тарбия, тилшунослик шеърият ва ҳоказоларга бағишланган асарлари ҳам бор. Масалан, «Калом фил ақл ал-қабир» («Қатталарнинг ақли ҳақида суз»), «Китоб фил ақл ас-сағир» («Ёшларнинг ақли ҳақида китоб»), «Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф» («Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи»), «Калом фи шеър вал қавофи» («Шеър ва қофиялар ҳақида суз»), «Рисола фит танбиҳ ала асбоб ас-саодат» («Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола»), «Ас-сийрат ал-фазила» («Фазилатли хулқлар») ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Форобийнинг ижтимоий-фалсафий дунёқараши узига хос булиб, у илк бор Аристотель таълимотини неоплатонизм таъсиридан тозалашга, соф аристотелизмни тиклашга ҳаракат қилди. Форобий ижодидаги бош масала дунёning абадийлиги, жоннинг ўлмаслиги, ақл ва идрок ҳақидаги таълимотдир.

Форобийнинг ижтимоий-фалсафий концепциясига кура, олам ягона мавжудоддан иборат. Оллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, барча вужудлар унинг хоҳиши асосида яратилади, бунинг сунгги поғонаси материядир.

Форобий ўзининг фалсафий қарашларида инсонга билим ва тарбия беришни асослаган. У инсон — ақлли мавжудот лейилганда, унинг ақлли булишга лаёкатлилиги, лекин ёмон хатти-ҳаракатларга ҳам қобиллиги тушунилишини уқтирган. Инсонларга доимий билим ва тарбия беришни зарур деб ҳисоблаган. Форобий ўзининг идеал жамоасида одамларни турли белgilарга қараб гуруҳларга бўлган. Қишиларнинг диний мазҳабига эмас, балки табиий ҳусусиятларига, аввало ақлий иқтидорига ҳамда илмларни урганиш ва ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият берган.

Форобий фалсафасида инсонпарварлик ғоялари алоҳида

ўрни олган. Унинг фикрича, ҳар қандай феодал зулм, урушлар бартараф бўлган тақдирда ҳамма миллатлар тинч, озод, хушчақчақ, баҳтиёр ҳаёт кечиришлари мумкин. Кишилар ўртасидаги самимий дўстлик, ҳамкорлик уларнинг кундалик ҳаётни мазмундор бўлишига ёрдам беради.

Форобий замонасининг пешқадам билимдони сифатида тинимсиз ижодий ишлар билан шуғулланган айни пайтда муаллимлик ҳам қилган. Масалан, Абу Сироҳиддиндан фалакиёт ва математикани ўрганиб, унга мантиқдан дарс берган. Форобий олий мадрасаларда талабаларни ўқитиб камтарона ҳаёт кечирган. Форобий ўқитишнинг мазмуни ва қонун-қоидаларини ўзининг амалий фаолиятида синааб кўрган. Ў инсоннинг баҳтсаодатга эришуви учун зарур билимларни ўрганадиган фанларни этика ва сиёсий гуруҳларга ажратган. Этика—ахлоқшunoslikdan иборатлигини, сиёсий фанлар эса давлатшунослик, психология, педагогика муаммоларини ўз ичига олишини, ана шундай билимларни ўрганиш инсонни хушахлоқ: садоқатли, ақлу идрокли қилишни таъкидлаган. Форобийнинг фикрича, ҳар бир шахс муносиб одам бўлиши учун унга таълим ва тарбия зарурдир. У таълим орқали назарий камолотга эришади, тарбия орқали эса кишилар билан мулоқотни, ахлоқий қадрқимматни ва амалий фаолияти ўрганади.

Форобий болаларнинг феъл-авторига қараб тарбия жараённида «қаттиқ» ёки «юмшоқ» усуллардан фойдаланиш керак, деб ҳисоблаган:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойил бўлса, таълим-тарбия жараённида юмшоқ усул қўлланади.
2. Тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлса, қаттиқ усул қўлланилиши лозим.

Форобий фанларни таснифлаш билан бирга, уларни қандай ўрганиш масаласига алоҳида тұхталган. Унинг фикрича, ҳар бир фанни ўрганувчи олдин ўзини шу илмни ўзлаштиришга тайёрлаши, сұнгра ҳақиқатни излаши ва ўзининг саломатлигига, одоб-ахлоқига жиддий эътибор бериши лозим. Қимки илм-ҳикматни ўрганишни истаса, бу ишни ёшлигидан бошлаши, саломатлигининг яхши бўлишига инилиши, ахлоқли, одобли бўлиши, сўзининг уддасидан чиқиши, ёмон ишлардан сақланиши, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ юриши керак.

Форобий дидактик қарапашларидан устоз-ўқитувчининг масъулиятини алоҳида ифодалайди. «Устоз, — дейди у, — шогирдларига қаттиқ зуғум ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зуғум шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади.

Форобийнинг таълим-тарбия ҳақидағи ғоялари аввало Оллоҳни билишга, инсоният яратган илмий билимларни ўзлаштиришга қаратилган. У таълим-тарбиянинг восита ва усулларини асослаб берган. Олимнинг ўқитишга доир ғоялари узидан

кейинги асарларда таълим-тарбия ва инсон камолоти хусусидаги фикр-мулоҳазаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган.

Форобийнинг ахлоқий қарашлари ҳам ғоят қимматлидир. У қомусий билимлар соҳиби сифатида бу муаммони илмий нуқтаи назардан асослашга интилди. У ўзининг «Идеал шаҳар кишиларининг ахлоқий қарашлари», «Рӯҳ маданияти ҳақида рисола» асарларида инсонни баркамол булиши учун, аввало, юксак ахлоқли булиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Профессор И. Жумабоев ўз тадқиқотларида Форобийнинг ахлоқий ғояларини ҳар томонлама ўрганиб хулоса сифатида шундай ёзади: «Ахлоқий тарбия масалаларини ва этиканинг назарий муаммоларини ишлаб чиқиш — мутафаккир ижтимоий қарашларининг энг муҳим қисмидир»<sup>1</sup>. Форобийнинг фикрича, этика инсондаги хатти-ҳаракатларининг асосий нормалари ва қоидаларини ўрганса, сиёсий фан бутун жамиятдаги жами аъзоларнинг одоб-ахлоқини, хатти-ҳаракатини бошқариш ҳақида билим беради.

Форобий ахлоқни икки гуруҳга бўлган эди: эзгулик — яхши сифатларга ва ёвузлик ёки ёмон сифатларга ажратган. Инсоннинг энг олижаноб фазилати бахтга интилишdir. Олимнинг талқинича, асосий бахт — шу дунёда, реал ҳаёт шароитида эришиладиган бахтdir. Чинакам бахтга эришиш кишилардан юксак ахлоқий муносабатни, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни, ахил-иноқ яшашни талаб қиласди.

Форобий ахлоқий фазилатни ўзлаштириш ва шакллантириш масаласини таҳлил қилишда Аристотелнинг ғояларига таяниб қўйидагиларни ёзган: «Арасту ахлоқий фазилатларни қандай ўзлаштириш мумкинлигини тушунтиради. 1. Адолатли, пок, жасур булишга одатланиш шу билан бирга ёмон қиликлардан қутулиш учун ҳам маълум муддат ўтиши керак. Бу вақт давомида инсон ўзининг ёмон қиликларидан воз кечади. 2. Агар одамда туғма, кучли ғурур туйғулари булмаса, у ҳолда уша одам уз руҳини машқ ила гарбиялаши зарур. Арасту айтадики, тарбияли одамлар уз руҳларини доимо кувониш, ортиқча кулиш, қаттиқ хафа булиш, ортиқча қайғуриш каби холатлардан сақлай олишлари керак.

Форобий раҳбарлар учун зарур турли фазилатларни тушунтиради. Энг биринчи фазилат — очиқкунгиллик, иккинчиси меҳр-шафқат, учинчиси — келажаги порлоқлик, турғинчиси обрў-эътибор қозониш...

... Донишманд кишилар айрим нарсаларни кузатишлари пайтидагина аҳамиятга молик фикрлар ва мулоҳазаларга таянадиган туғма қобилиятли одамлар эмас, балки тажриба орқали ҳақиқатга етишган оқил инсонлардир.

... Жасурлик, қўрқоқлик ёки инсон табиатининг бошқа би-

<sup>1</sup> И. Жумабоев. Урта Осиё этикаси тарихи очерклари, Тошкент, «Ўзбекистон» н. 1980, 95- бет.

пор жиҳати муҳокама қилинса, доимо ҳар ким үз фикрини билдиради.

Форобийнинг инсон камолотига доир ғоялари асрлар оша үз қимматини сақлаб келди. Унинг ахлоқий ғоялари ҳозиргача ёшлар учун тўғри йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Форобийшунос олим М. Хайруллаев олимнинг келаҷакни кўра билиш истеъодига алоҳида тўхтадади: «Форобийнинг фикрича, баҳт — ақл ва фан ёрдамида маънавий маданиятнинг шундай даражасига эришиш мумкинки, бу маданият инсон ўлиб кетгандан кейин ҳам инсониятга хизмат қилаверсин. Баҳт маънавий маданиятнинг аста-секин жамланиб бориши жараёнидан, унинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтиши, тобора янги-янги ютуқлар билан бетўхтов бойиб боришидан далолат беради».

### Мустақил иш.

*Форобийнинг ҳикматларини ўрганиши ва таҳлил қилиши.*

## БЕРУНИЙНИНГ МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими, беқиёс ақл-заковат соҳиби Беруний фанларнинг ва ижтимоий ҳаётнинг жуда кўп жиддий муаммоларини тўғри ҳал қилиб шулар асосида жуда кўп илмий асарлар яратган улкан донишманддир. У фалсафа, ижтимоёт, тарих ва бошқа фанларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Абу Райҳон ибн Аҳмад Беруний 973 йилда Марказий Осиёнинг йирик маданият маркази — Хоразмнинг Кот (ҳозирги Беруний шаҳри) атрофида туғилган. У үз юртида таҳсил кўрган. Бир неча тилларни ва фалсафа, фалакиёт илми, математика фанларини мукаммал ўрганган, ботаника, минералогия ва бошқа табиий фанларга ҳам қизиқкан. Беруний Марказий осиёлик буюк математик ва фалакиётшунос олим Абу Наср ибн Ироқни устоз деб билган. У ёшлик чоғиданоқ фанда, айниқса, фалакиёт илмидаги катта муввафқиятларга эришган. Масалан, 16 ёшида мустақил ҳолда фалакиётшуносликка оид кузатишлар олиб борган ва маълум натижага эришган. 21 ёшида эса ўзи ясаган асбоб ёрдамида эклистиканинг экваторга оғиш бурчагини аниқлаган.

995 йилда Кот шаҳри Гургонж амири Маъмун I томонидан босиб олинди. Хоразмда ҳукмронлик қилаётган афригийлар сулоласи қулатилиб, шаҳар вайрон қилинди. Бундай шароит Берунийни ватанини ташлаб кетишига мажбур этган. У паноҳ қидириб аввал Райга (ҳозирги Төхрон ўрнида), сунгра Журжонга боради. Журжон ҳокими Қобус ибн Вашмгир Берунийни олим сифатида ғоят қадрлаган. Бир ривоятга кўра, у Берунийни катта мансабга таклиф қилганида Беруний бу мансаб ўзини илм-фандан четлатиб қўйишини айтиб, таклифни қабул қилмаган.

Журжонда Беруний үзининг машҳур «Ал-осорул боқия ан ил қурун ул ҳолия» номли («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини ёзди. Унда юонлар, форслар, араблар, сўғдийлар, хоразмликлар ва бошқа халқларнинг тақвим тизими муфассал баён қилинган. Шунингдек, фалакиёт ва математикага оид масалаларга ҳам катта эътибор берилган. Марказий Осиёning тарихи ва маданияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

1004 йилда Беруний уз ватанига қайтиб, Урганчда илмфанга ҳомийлик қилаётган Хоразмшоҳ Маъмун II (1009—1017) атрофида машҳур олимлар, жумладан, Сино, Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ, табиб Абу Саҳл Масихийлар сафиға қушилади. Улар фаннинг турли соҳаларида иш олиб борарадилар. Беруний ана шу илмий доирада муҳим роль ўйнаган. 1017 йилда Хоразм йирик феодал истилочи Маҳмуд Фазнавий томонидан босиб олинди. У курол кучи билан йирик салтанат барпо қиласи, уз пойтахти Фазнага Хоразмшоҳ саройидаги олимлар билан бирга Берунийни ҳам олиб кетади.

Махмуд Фазнавий ўз атрофида шоир, ёзувчи ва олимларни тұплаб, уларни давлат ҳомийлигига олади. Беруний турмуш зиддиятлари ва қийинчиликларига қарамай, илмий изланишларини тұхтатмаган, фаннинг турли соҳалари бүйича катта натижаларга еришган.

Тұхтовсиз урушлар натижасыда Маҳмуд Фазнавий Шимолий Ҳиндистоннан босиб олиб, унинг аҳолисини қирғин қилди. Беруний бу ҳарбий юришларда султонға ҳамроҳлик қилишга мажбур бўлди. Буюк олим күп йиллар давомида Ҳиндистонда бўлиб, унинг тарихи, маданияти ва фанини ўрганди. У қадимий ҳинд тили — санскритни узлаштириб, шу тилга бир неча қадимги юон мумтоз асарларини, шу жумладан Евклиднинг «Негизлари» ва Птолемейнинг «Алмагест»ини, үзининг астролябий ҳақидағи рисоласини таржима қилган.

Беруний ҳиндларнинг ҳаётини синчковлик билан күзатди ва уларнинг адабиётини, маданий бойлигини мукаммал ўрганиб, «Ҳиндистон» асарини яратди. Унда шу мамлакатнинг фалсафаси, тарихи, географияси, аҳолисининг этник таркиби, урф-одати, эътиқодлари ҳақида бой маълумотлар тұпланган. «Ҳиндистон» бутун үрта аср фанидаги мислсиз асардир. Шу асар орқали Беруний күз олдимизда фақат тарихчи, географ, фалакиётшунос, лингвист ва файласуф олим сифатидагина эмас, буюк инсонпарвар педагог ирқий ва диний хурофотларга қарши курашган маърифатпарвар сифатида ҳам гавдалаңади.

Абу Райҳон Беруний 1048 йилда вафот этди. У үзидан кейинги авлодларга ғоят бой илмий мерос қолдирди. Үрта аср араб тарихчиси ва географи Ёқут Ҳамавийнинг (XIII аср) айтишича, Беруний фалакиётшунослик, мантиқ, фалсафага ва бошқа фанлар бўйича ёзган асарлари номларининг узи олтмиш саҳифани ташкил қилган. Унинг турли ҳажмдаги 150 та

асарлари ҳозирги кунда аниқланган, лекин шулардан 30 тасигина бизгача етиб келган. Улуғ олимнинг турли фанларга доир асарлари орасида унинг ижтимоий таълимотлари, дунё-қараши ифодаланган асарлари алоҳида ўрин тутади. Масалан, «Қитоб фи ахборотил мубаййизот вилқаромита» («Оқ кийимликлар ва қараматийлар хабарлари ҳақида китоб»), «Қитобул мақолот вал-арз вад-диёнот» («Мақолалар, эътиқодлар ва динлар ҳақида китоб»), «Геодезия», «Минералогия» номлари билан таржима қилинган асарлари ҳам ана шулар жумла-сидандир.

Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари муайян диний чекланишларига қарамай, уша пайтдаги ҳукмрон ислом ақидаларидан бирмунча юкори туради. У фаннинг қайси соҳасига мурожаат этса, унинг мустақил мавжудлигини тушунишдан келиб чиқди. Олим «Минералогия» номли асарида инсон ер юзидағи барча мавжудотларга қараганда масъулиятлироқ вазифаларин бажарishi кераклигини қўйидагича ифодалайди: «Инсон табиатнинг энг олий зоти камолотидир, инсон зоти барча ҳайвонлардан юкори туради... Инсонга катта шараф курсатилган — унга ақл-заковат ва куч армуген этияран. Шу сабабдан, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг олдига қўйилган вазифаларга мос булиши учун у юксак ахлоқли, билимли, маърифатли бўлмоғи даркор».

Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашида одам танасидаги аъзоларнинг бир-бирига зидлиги, уларда бир-биридан фарқ қилувчи турли-туман хатти-ҳаракат ва феъл-атвор мавжудлиги асосланган. «Одам — дейди Беруний, — табиати жиҳатидан бир-бирига зид аъзолар қўшилмасидан таркиб топган мураккаб танага эга ва шунинг учун унинг ҳолати ўз феъл-атворига кўра хилма-хил булади. Берунийнинг фикрича, одамларнинг қиёфаси бир-бирига ўхшаса-да, улар айни чоқда бир-биридан фарқ қиласди. Бу фарқ уларнинг мижози, феъл-атвори ва табиий хусусиятларида намоён булади».

Беруний ирқий тафовутларидан қатъи назар, одамлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг кучи инсоният баҳт-саодатининг пойдевори, деб ҳисоблади. У жамоатчилик, ахлоқ-одоб, гўзаллик қоидаларига риоя қилиш ҳар бир одамнинг бурчи эканини таъкидлади.

Беруний ўз асарларида таълимнинг курсатмали, изчил, мақсадга мувофиқ булиши кераклигини, шахснинг баркамоллиги, кишилар ўртасидаги ижобий ахлоқий муносабатлар ва олижаноблик каби юксак фазилатларнинг моҳиятини асослаб берған.

Беруний ўз дунё-қарашида худога ишониш ҳар бир мусулмоннинг вазифаси, деб тушунган ва олижаноб инсоннинг бурчи ислом қонун-қоидаларига риоя этишдангина иборат эмас, балки яхшилик қилишдан ҳам иборатлигини уқтирган. «Яхшилик қилиш.— деган эди Беруний,— умуман ҳаммага ва хусусан ўз қариндошларига заифлик ҷоғида — яхши истак билан, иложи бўлганда эса амалий иш билан яхшилик тиляшдир».

Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида кишиларга беғараз хизмат қилиб, ёрдам кўрсатиш, одамлар ўртасида келишмовчиликларни вужудга келтирадиган пул ва молу дунё нафсини тийиш ҳақидаги ғоялар алоҳида ўрин олган.

Беруний илм-фанинг муҳлиси ва буюк ҳомийси сифатида мамлакатнинг ободончилиги илм-фанинг гуллашига боғлиқ, одамларнинг баҳти эса унинг маърифатида деб билган. Маърифат душманларига, ёмон урф-одатларга, адолатсизликка қарши бўлган. Инсон камолоти ўтмишдаги файласуф-мутафаккирлар томонидан ифодаланган бўлса-да, Беруний уни янада ривожлантирган ва тўғри асослаган. У инсоннинг камолотга эришувин тажрибага таянувчи ақл-идрокка амал қилишдан бошланишини, инсон ташқи дунёни билишга қобиллигини, шу асосда билим олишни, ҳақиқатни излашини, ҳақиқат эса унинг тўғри ҳис-туйғуларини тақозо этишини ва шуларнинг ҳаммаси инсон шахсини камол топишининг бош йўли эканини баён қилган. Шунингдек, инсон катта нуқсонлардан доимо йироқ бўлиши зарурлигини, бундай нуқсонлар билимсизлик, ёлғончилик, молу дунёга ҳирс қўйиш, мунофиқлик, хушомадгўйлик, нафси тиймасликдан иборатлигини уқтирган. Инсон ахлоқини шакллантирувчи восита меҳнат деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ақл-идрок ва меҳнатнинг жамланишигина кишиларнинг тўғри ҳаёти ва пок ахлоқини белгилаб беради. У ўзининг «Митериология» «Феруз», «100 ҳикмат», «Аёл макри» ва бир қатор ёзган ҳикматлар, нақллар ва шеърларида ахлоқий тарбиянинг бош мезони меҳнат тарбияси эканини асослаб берди.

Меҳнат инсон қалбida мурувват ҳиссини уйғотади. Берунийнинг мурувват ҳақидаги ғоясида хайриҳоҳ бўлишлик, ҳалол, ҳақгўй ва бойлик ортиришга интилмайдиган ўз меҳнати ҳамда ўзгаларни меҳнатини ҳурматлайдиган сифатларни назарда туттган эди. Беруний болаларни ахлоқий баркамоллиги ва ёмон фазилатлардан сақлашда қўйидаги тарбия усусларини олға сургани эди:

1. Ўрнак олиш: Донишманд ва олимлар хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни ривожлантиради, ёмон одатларни йўқ қиласди. У кўпроқ ота-оналарни фарзандларига ўрнак булишга чорлайди.

2. Панд ва насиҳат. Беруний панд-насиҳат орқали болалардаги айрим нуқсонларни англатиш зарур деб ҳисоблади: Ва у қўйидаги фикрларни баён қилди: «Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага қаршилик кўрсатмасдан ўрганиш керак». Яхши хулқлар яхшилик аломатидир, ёмон хулқлардан болаларни сақламок лозим. Айниқса, мақтаниш, бузук ниятилк, чақимчилик, бесабрлик, нафс балоси, ёлғончилик ва бошқалар.

Беруний ёлғон доим ростдан енгилади, деган эди. Шунинг учун ростгўйлик фазилатини ҳамма ўзига мужассам қилишни орзу қилган эди. Лекин у ўзини нақлларидан бирида шундай ёзган эди:

— Ёлгончиликка шу қадар ўрганганлар борки, агар улардан ногаҳон: — Рост гапириб қўйишдан қўрқмасам йўқ дер эдим, — деган жавоб эшитасиз. Бундай кишилар адолатдан четга чиқиб ўзларини хавфга ташлаган бўладилар. Ростгўйлик баркамол инсоннинг юксак фазилатидир.

### Берунийнинг дидактик ғоялари

Ниҳоятда кенг билимли ва ўткир мушоҳадали, илмнинг турли соҳаларини мукаммал эгаллаган Беруний ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш масалаларига ҳам жиддий эътибор берган. У педагогика буйича маҳсус асар ёзмаган бўлса-да, фалсафа, психология, ижтимоий масалаларни таҳлил қилишда таълим-тарбия, илм-маърифат ва одоб-ахлоқ ҳақидағи фикрларини асосли равишда баён этган. У энг аввал инсоннинг баҳти ва фазилати илмдадир, деган ғояни илгари сурган.

Беруний илмлар инсоннинг эҳтиёжидан пайдо бўлганини айтиб, уларни қўйидаги гаърифлаган: «Мусиқа — инсонга кучли таъсир этиб, ёқимли кайфият бағишилади; тил — шутқининг тарозиси ва муомала қуролидир; геодезия — ҳаракатсиз юлдуз ва қуёш орқали шаҳарларнинг жойлашишини мукаммал ўргатади; геология, география ва гидрология — ер ҳақидағи фанлардир; геометрия — жисмларнинг шаклларини фалакиёт — коинот спрларини, минералогия — жавоҳир ва лъялларни ўргатади; доришунослик — тиббиёт илмларидан хабардор қиласи. Беруний фанларни таърифлаш билан бирга уларни ўқитишининг қўйидаги муаммоларини баён этган.

Таълимда ўқувчини зериктирмаслик учун ўрганиладиган фанларни алмаштириб туриш керак. Ўқувчи фандан-фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди. Бирини кўриб ултурмай, бошқаси бошланади ва у «Ҳар бир нарсада ўзига яраша лаззат бор» дейилганидек, уларга қизиқади ва ўқишини истайди. Бир хил нарсанинг баёни болани чарчатади ва хотирасида ҳеч нимани сақлай олмайди. Беруний илмни қўйидаги уч йўл билан ҳосил бўлишини алоҳида ўқтирган:

1. Ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланниш жойи бор. Шуни тўғри бошлаш зарур.

2. Илм бошланиш жойига яқинлашган сари то ўзига бориб етгунча соддалаштириб бориши.

3. Илм ўрганиш вақт ва сабрни талаб этади. Шошилини керак эмас.

Беруний илм аҳлини ҳурмат қилинсагина, илмлар янада ривожланиб кетишини қайта-қайта ўқтирган эди. Ўзи эса жуда кўп олим ва подшоҳларга сабоқ ҳам берган. Берунийнинг толмас заковатидан Султон Масъуд ҳам баҳра олган, яъни ундан фалакиётшунослик илмини ўрганган. Беруний таҳлилидаги дарслклар ғоят тушунарли, содда бўлиб, илмга чекиз мұҳаббат ўйғотган.

Беруний шоҳ Масъудга болалар учун китоблар яратишида қўйидагиларга эътибор бериш зарурлигини айтган:

1. Китоб ёзган муаллиф уни ўқишили қилиб ёза билиши керак.

2. Бундай китоблар кўп илмларни ўзида жамлаган ва мутолаа учун қулай, енгил уқиладиган булиши лозим.

3. Ҳозирги мунажжимларнинг китоб битишларида бошка усул ва ибораларни қўллаш зарур.

Беруний «Ҳиндистон» номли асарида хиндаларнинг урф одатлари билан бирга, уларнинг ўқитиши усуслари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтирган.

Беруний илмсиз кишиларнинг кунгли хурофотга мойил булишини, ёлғон худди сув юзидағи кўпикдек йўқ бўлиб кетишини таъкидлаб, ана шу фикрларнинг түғрилигини қатор асарларида турли воеа ва ҳодисаларни баён қилиш орқали исботлаган.

Берунийнинг фикрича, инсонлар ҳаётидаги зарурат ва эҳтиёжлар уларда илм олиш учун талабларни келтириб чиқарди. Шу талабларга кўра, илм ҳар хил тармоқларга бўлинади. Илм инсонга бойлик орттириш учун эмас, балки ўзи қизиқкан ва зарур нарсаларни билиш учун керак.

Беруний илмни кейинги авлодларга етказувчи восита тил деб, хисоблаган ва унинг аҳамиятини асослаб берган. «Тил—сўзловчининг истагини эшитувчига етказадиган таржимондир... Агар инсондаги сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол сингари ёйилмагандан ва замонларга нарсалар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармагандан ўтмиш замон ҳарларини кейинги авлод қаердан билар эди», деб ёзган.

Беруний хат ёзиш тарихини қўйидагича баён этган: Исломшунос алломалар дастлабки пайтларда ислом қоидаларини ошланган териларга ёзганлар. Масалан, ҳайбарли яҳудийлар билан тузилган шартнома, пайғамбарнинг Эрон подшохи Хисравга ёзган мактублари ҳам шундай териларга ёзилган. Шунга ухаш, Қуръон ва Таврот ҳам кийик терисига ёзилган эди. Асл коғозни самаркандлик бир асир олинган олим кашф этган».

Беруний «Ҳиндистон» асарида кишиларнинг хатларига қўйидагича муносабат билдирган эди. Ҳиндларнинг хатлари эскириб унунтилган, ҳеч бир киши бунга аҳамият бермаган. Ниҳоят, улар саводсиз бўлиб қолганлар. Натижада улар илмдан узоқлашганлар. Оқибатда Въёса ибн Парошара улар ишлаётган элликта ҳарфни ижод этган. Уларга акшара деб ном берганлар. Асезас ва хикмат (дунёда)ни абадий қолдириш учун олтита рақам шаклини курсатди. Бу Бани Исроилнинг ҳукмронлик даврига тўғри келган эди. Кейинроқ Комуш ва Лгенон ҳалиги ҳарфларни юононларга олиб келди. Улар унга 4 ҳарф қушиб жами 20 ҳарфни етказган. Олим Симонидес бу ҳарфларга яна 4 ҳарф қушибди. Афиналиклар эса 24 та ҳарфдан фойдаланганлар. Ҳиндларда (алифбеда) ҳарфларнинг сони

апча кўпдир. Унинг сабаби: биринчидан, ҳар бир товушнинг унли товушдан кейин келиши. Иккинчидан бошқа тилларда ишлатилмайдиган товушларнинг уларда мавжудлигидир.

Умуман айтганда, Беруний илмни инсон ҳаётининг мазмани ва келажакнинг меваси, деб юқори баҳолаган.

### АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Тўла номи Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Синодир. Унинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур (976—997) даврида Бухоро томонга кўчиб келади ва ўша атрофдаги Рометан қишлоғига амалдор этиб тайинланади. Кейин у Афшона (ҳозирги Бухоро вилоятининг Рометан туманида) қишлоғида истиқомат қиласди ва шу ерлик Ситора исмли қизга уйланади. Унинг икки ўғли бўлиб, каттаси Ҳусайн (Ибн Синонинг болаликдаги исми) 980 йилда дунёга келган.

Ҳусайн 5 ёшга киргач, унинг оиласи пойтахт — Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишига берадилар. Ибн Сино аввал Қуръон ва адаб, у вақтларда саводли киши билиши зарур бўлган тил қоидалари баён, маоний, аruz ва қофия дарсларини ўқииди ва 10 ёшга стар-етмас бу фанларни тўлиқ ўзлаштиради. Айни вақтда арифметика ва алгебра билан ҳам шуғулланади. Булардан ташқари, уйда Абу Абдуллоҳ Ботилий раҳбарлигига мантиқ, геометрия ва фалакиётшунослик фанларини ҳам ўқииди. Шу билан бирга, Ибн Сино табиий фанлар билан ҳам жиддий шуғулланади, хусусан табобатни севиб ўрганади. У ўзининг туғма истеъоди ва фавқулодда меҳнатсеварлиги туфайли дарсларни осонлик билан ўзлаштирган, ҳатто, муаллимлари билмаган нарсаларни ҳам китобдан мустақил ўқиб ўрганган. Айниқса, тиббиётни мукаммал эгаллай бошлаган. «Тиб илми, — деб ёзди Ибн Сино ўз таржи-май ҳолида, қийин илмлардан эмас, шунинг учун мен қисқа бир муддатда бу фанда жуда илғорлаб кетдим, энди, ҳатто, билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда тиб илмидан дарс ола бошладилар. Касалларни ҳам кўра бошладим ва (шу йўсида) ортирган тажрибаларим натижасида муолажа эшниклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдикни, уни тасвирлашдан ожизман».

Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқаради. Уша кезларда Сомонийлар давлатининг бошлиғи Нуҳ ибн Мансур касал бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Бухорода янги чиққан ёш табибининг овозаси саройга этиб боргач, уни амирни даволашга таклиф қилганлар ва у бошқа табиблар билан биргаликда тез фурсатда беморни оёққа турғизган. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Бу кутубхона уша вақтда Ўрта ва Яқин Шарқда энг катта, бой кутубхоналардан саналган. Бир неча йил давомида кечакундуз тинмай мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино

Ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтирганки, ўша пайтда шу қадар билимга эга бўлган бошқа бирон кишини топиш мушкул бўлган.

Ибн Сино мантиқ, табииёт, табобат ва бошқа фанларни чуқур ўзлаштиргач, ўша давр фалсафасининг асосий қисмларидан бири — метафизикани ўрганишга киришган. Бироқ ёш олим бу фаннинг айрим томонларини ўзлаштиришга Форобий томонидан Аристотелнинг метафизикасига ёзишган шарҳи мутолаа қилгандан кейингина муваффақ бўлган.

999 йилда Қорахонийлар Бухорони забт этиб Сомонийлар давлатини қулатди. Шунингдек, айрим феодал ҳукмронларнинг ўзаро урушлари давом этар ва бу воқеалар Бухорода илмий ишлар билан хотиржам шуғулланишга имкон бермасди. Бунинг устига 1002 йилда ибн Синонинг отаси вафот этади. Оқибатда ёш олим ўз юрти Бухорони тарк этиб, Хоразм (Урганч)га кетади.

Хоразм ҳам Марказий Осиёнинг қадимий бой ва маданий вилоятларидан бири бўлиб, XI аср бошларида у ерда илмий ҳаёт анча ривожланган эди. Хоразмшохлар Али ибн Маъмун (997—1009) ва Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) лар даврида Урганчда анчагина таниқли олимлар яшар ва ижод этарди. Иирик математик ва фалакиётшунос Абу Наср ибн Ироқ (Берунийнинг устози), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масихий, Абул Хайр Ҳаммор ва ниҳоят, буюк Абу Райхон Беруний шулар жумласидандир.

Ўз сиёсатида кўпроқ мутаассиб руҳонийларга таянадиган ва ҳар қандай ҳур фикрни бўғувчи Фазна ҳукмдори Султон Маҳмуд Хоразм ерларини ўз давлатига қўшиб олиш учун ҳаракат қиласди. Унга тобе бўлишини истамаган Ибн Сино тахминан 1010—1011 йилларда Хоразмдан мажфий равишида чиқиб Хурросон томон йўл олади ва Каспий денгизининг жануби-шарқидаги Гургон амирлигига боради. У ерда Абу Убайд Жўзжоний билан танишади, шундан бошлаб у йигит Ибн Синога энг яқин ва содиқ шогирд бўлиб қолади ва устозининг охирги нафасигача ундан ажралмайди.

1014 йилда Ибн Сино Гургонни ҳам тарк этади ва бир қанча вақт Рай ҳамда Казвин шаҳарларида турганидан кейин Ҳамадонга келади ва бувайҳийлар ҳукмдори Шамсуд давла (997—1021) хизматига киради. Олдин сарой табиби бўлиб ишлайди, сунгра вазирлик мансабига кутарилади. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илмий ишларини давом эттиради ва қатор асарлар яратади, узининг машҳур фалсафий қомуси «Китобуш шифо»ни ҳам шу ерда ёзишга киришади. 1023 йилда Исфаҳонга кўчади ва «Китобул шифо»нинг қолтани қисмларини ёзишда давом этади. Яна бошқа бир неча асарлари қаторида фалсафий «Донишнома» китобини ёзади.

Жўзжонийнинг таърифлашича, Ибн Сино жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват киши бўлган. Бироқ шаҳарма-шашар дарбадарликда юриш, кечалари ухламасдан тинимсиз иш-

лаш ва бир неча бор таъқиб остига олиниши, ҳатто ҳибсда ҳам ётиши олимнинг саломатлигига салбий таъсир этмай қолмаган. У йўғон ичакда бўладиган қулунж касаллигига чалиниб қолган. Бунинг устига тутқаноққа ҳам, йўлиққан. Шулар на-тижасида у 1037 йилнинг июнида 57 ёшида Ҳамадонда вафот этган.

Ибн Сино ҳақиқий аллома олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, узоқ вақт ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 240 та асари етиб келган.

Ибн Синонинг ижодий фаолияти ўзбек олимлари У. Каримов, С. Раҳимов, А. Қаюмов, А. Ирисов, Й. Жумабоев, И. Муминов ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилиб, унинг асарлари нашр эттирилган.

Ибн Сино ижтимоий-фалсафий қарашларининг такомиллашувига қадимги грек олимларининг фалсафий таълимотлари ижобий таъсир этган. Шарқшуносларнинг фикрича, Ибн Сино Арастунинг бутун асарларини араб тилига таржима қилиб, чуқур ўрганиб, ҳатто унинг таълимотига қарама-қарши фикрларни баён этиб, уларни асослаган. Арасту таълимотининг баъзи жиҳатларини танқид ҳам қилган.

Ал-Кинди, Закариё, ар-Розий, Форобий, Беруний каби мутафаккирларнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари Ибн Синонинг дунёқарашида муайян роль ўйнаган.

Олимнинг фалсафага бағишлиланган энг йирик ва муҳим асари «Китобуш-шифо»дир. Уни ўз даврининг фалсафий қомуси деса бўлади. Бу асар нисон руҳиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, у 4 қисмдан иборат: 1) мантиқ; 2) табиий фанлар; 3) математика; 4) метафизика ёки илоҳиёт.

Унинг «мантиқ» қисми 9 та бобдан иборат:

1. Мантиққа муқаддима.
2. Ал-Мақулот — категориялар.
3. Ал-иборот — интерпретация.
4. Ал-Қиёс — силлогизм.
5. Ал-Бурҳон — исбот, далил.
6. Ал-жадал -- диалектика.
7. Ас-Сафсата — софистика.
8. Ал-Хитоба — риторика.
9. Аш-шеър — поэтика<sup>1</sup>.

Шу тариқа «Китобуш-шифо»нинг табиий фанлар қисми, 8 бобдан иборат булиб, бунда фалсафанинг асосий қисми булган табиатдаги ҳодисаларни, яъни осмон ва олам, борлиқ ва бузилиш, таъсир ва таъсирланиш, жон ҳақида, ўсимликлар, ҳайвонлар тўғрисида илмий муаммоларни асослаб берган.

<sup>1</sup> А. Ирисов. Абу Али ибн Сино. «Фан» нашриёти. 1980-й. 173—174 бетлар.

Китобнинг З-қисми, «Математика» бўлиб, унга бағишилаб 4 китобни ҳада этади.

1. Геометрия илмининг ўқитиш усуллари.
2. Арифметика.
3. Музика.
4. Илм ал-фалақ, яъни астрология.

Ибн Сино илоҳиёт илмига бир асар бағишилган эди.

Фалсафага оид иккинчи асари «Китобун нажот» бўлиб, унда «Китобуш шифо»нинг мазмуни қисқача баён этилган. Ибн Синонинг энг сўнгги йирик фалсафий «ал-Ишорот ва-ват танбиҳот» («Ишоралар ва танбеҳлар») номли асарида фалсафанинг асосий масалалари қисқа ибораларда ифодаланган.

Алломанинг тиббиёт соҳасидаги хизматлари айниқса буюқдир. У энг қадимги фанлардан бири — тиббиётнинг минг йиллик ривожини якунлаган ва уни янги, юқори босқичга кўтарган. Ҳатто бу фаннинг кейинги асрларда эришган қатор ютуқларини ҳам олдиндан кўра билган. Олимнинг бизгача етиб келган тиббий асарлари: «Уржуза фит тибб», («Тиббий уржуза»). Ибн Сино табобат илмини ўрганувчиларга мўлжаллаб дарслек сифатида тузган бу асарини шеър билан ёзган. Туққизта табиий достон шаклидаги бу асарнинг ўзбекча таржимаси 1972 йили Тошкентда босилиб чиқди.

«Адвият ал-қалбия («Юрак дорилари»), «Китоб ал-қонун фиттибб» («Тиб қонунлари китоби») ва ҳоказолардан иборат.

«Тиб қонунлари китоби» кўп ўтмай, Оврӯпога ҳам етиб келади. XII асрдаёқ Герард уни арабчадан лотин тилига таржима қиласиди ва шундан кейин Оврӯпо университетларида тиббиёт фани Ибн Синонинг ана шу асари бўйича ўқитила бошлиди. Мазкур асар ўзининг асосий қўлланма ва дарслек сифатидаги қимматини 500 йилдан ортиқроқ вақтгача сақлаб қолди.

Ибн Сино ахлоқ тўғрисидаги фикрларида ахлоқий фазилатларни улуғлади ва ахлоқий иллатларни, ёмонликни кескин қоралади. У инсонларнинг кундалик амалий ишларидаги энг зарур ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҷурмат, жасурлик, тўғрилик, соғдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор берган. Инсоннинг кишилар орасида ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамият турли табақаларининг муносабатлари Ибн Сино асарларида маҳсус ёритилган<sup>1</sup>.

Олим таълим ва тарбия масалаларига жиддий ва ижодий ёндашган. Олимнинг болани тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги кўп фикрлари ўзининг чуқурлиги, инсонпарварлиги ва терандилиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Ибн Сино ўзининг ўрта аср «етти озод санъати» тизимидан фарқ қиласидаги тарбия тизимига одоб, фалакиётшунослик, тиббиёт, мантиқ, фалсафа, табиатшунослик, тил ва унинг грамматикаси, мусулмон

<sup>1</sup> Ўзбек совет Энциклопедияси. I- том, 60- бет.

қонуншунослиги фанларини киритган. У тавсия қилган таълим ва тарбия тизими қуидагиларни ўз ичига олган:

1. Ақлий тарбия.
2. Жисмоний соғломлаштириш (даволаш) тарбияси.
3. Эстетик тарбия.
4. Ахлоқий тарбия.
5. Мәхнат тарбияси (ҳунар үргатиш).

Ибн Сино болани мактабда үқитиш ва тарбиялаш масаласига катта аҳамият бериб, «Тадбир ул манозил» асарининг маҳсус бўлимини ана шу масалага бағишилаган. Китобнинг «Болани мактабда үқитиш ва тарбиялаш» бўлимида болани мактабга жалб қилиш ҳақида тўхтатланган. Унинг таъкидлашича, мактабга барча кишиларнинг болалари жалб этилиши ва ҳамма болалар бирга үқитилиши ва тарбияланishi лозим. У болани уй шароитида якка үқитишга қарши бўлган, болани мактабда жамоа билан үқитишнинг фойдасини қуидагича ифодалаган:

1. Агар болалар бирга ўқиса, зерикмайди, уларда фанни эгаллашга қизиқиши юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобакалашиш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишининг яхшиланишига ёрдам беради.

2. Ўзаро суҳбатда болалар бир-бирларига китобдан ўқиб олганларини, катталардан эшигларини ҳикоя қиладилар.

3. Болалар бирга тупланганларида бир-бирларини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини узлаштиришда бир-бирларига ёрдамлашадилар, бир-бирларидан яхши одатларни ўрганадилар.

Ибн Сино 14 ёшгача бўлган болаларни үқитиш дастурига алоҳида аҳамият берган. Бундай болаларга Қуръон, тил ва унинг грамматикасини, шеърнинг тузилишини үргатиш, улар билан мазмундор ахлоқий суҳбатлар ўтказиш, бадантарбияни амалга ошириш, уларга ҳунар үргатиш керак, деб таъкидлаган.

Айрим кўнгилларига ёқадиган нарсалар билан шуғулланиш учун ҳам бўш вақтлари қолиши керак. Кўнгилларига ёқадиган нарсалар билан шуғулланиш деганда, ҳар хил ўйинларни назарда тутган. Бу ёшга мўлжалланган жисмоний тарбия тадбирларига пиёда саф тортиб юриш, сакраш, отда чопиши, тўп ўйнаш, кураш, қиличбозлиқ ва бошқаларни киритган.

Ибн Сино ўзининг «Донишнома» асарига қадимий ҳикмат фанларидан бештасини киритиб, моҳияти ва мазмунини асослаб берган эди:

1. **Мантиқ** — билимларни тарозуси.
2. **Физика** — бу хисга алоқадор ҳаракат ҳамда ўзгаришга доир билим.
3. **Коинотнинг тузилиши ва жойлашуви тўғрисидаги билим.**
4. **Мусиқий билим** — товушларнинг оҳангдорлиги ва ноҳоҳангдорлиги ҳақидаги билим.
5. **Табиатдан ташқарида бўлган нарсалар тўғрисидаги билимлар.**

Үқитиши жараёнида ҳар бир фандан фойдаланишда унда берилган нарсаларнинг исботини топа олмасанг, унда айтилган фикрларни ҳам рад этма, тахмин қилиб хуоса чиқарма, китоб ва ақлингга мурожаат қил деган эди «Донишнома» китобининг якунида.

Ибн Сино үқитиши жараёнига катта аҳамият берган ва уни тубандаги тарзда ташкил қилиниши зарур, деб ҳисоблаган:

1. Болани бирдан китобга жалб қилиб қўймаслик керак.
2. Үқитиши аста-секин, осондан қийинга ўтиш йўли билан олиб борилиши лозим.
3. Үқувчилар билан амалга ошириладиган тарбия уларнинг ёшига мос бўлиши шарт.
4. Үқитиши жамоа тарзида уюштирилиши даркор.
5. Үқитиши боланинг майли ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.
6. Үқитиши жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши зарур.

Ибн Сино тарбия масалалари ифодаланган асарларида үқитувчининг ролига катта эътибор билан қараган. Тарбиячи ташлашни муҳим масала деб ҳисоблаган. Ў бола 6 ёшга тұлиши билан уни үқитувчининг тарбиясига беришни тавсия қиласди. Тарбиячи «Ростгўй, доно, одил, озода кийинадиган, хушмуомала» бўлиши зарурлигини уқтиради ва ёш авлодни үқитадиган ҳамда тарбиялайдиган кишилар олдига бир қанча талаблар қўйган. Унинг фикрича:

1. Тарбиячи болалар билан муомалада босиқ бўлиши керак.
2. Муаллим үқувчилар таълимни қандай ўзлаштираётганини кузатиб бориши зарур.
3. Үқитиши жараёнида муаллим ҳар хил усуулларни қўллаши даркор.
4. Тарбиячи үқувчининг хотираси ва бошқа ақлий қобилиятини билиши лозим.
5. Тарбиячи болаларни тарбиялашда тегишли жазо чораларини қўллаши, ўтилганларни такрорлашга мажбур қилиш орқали уларни фанга қизиқтириши керак.
6. Тарбиячи ўз фикрини үқувчига баён қилишдан олдин ундан масаланинг моҳиятига ўзи тушуниб олиши, кейин уни қисқа, аниқ, адабий тилда тушунтириши, бунда кўп гапиришдан қочиши лозим.
7. Ҳар бир фикр ҳақиқат билан тасдиқланиши, болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур.

Ибн Синонинг фан ва таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари унинг ана шу масалалар бўйича чуқур билим ва катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради. Мазкур фикрларда Ибн Синонинг назарий билимларни ургатишни амалиёт билан бирга олиб боришга алоҳида эътибор бергани диққатга сазовордир.

Ибн Синонинг ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари рўкуда қимматлидир. У ахлоқ илмини янада ривожлантирган. У «Ак-

сомул улум вал ахлия» номли асарида қўйидагича таърифланган: «Бу фан кишига унинг ахлоқи қандай бўлиши кераклигини ва нимага интилиши лозимлигини ўргатади...» Шунингдек, у яна бошқа асарларида ахлоқ инсоннинг ўзини-ўзи рефлекслаши ҳақидаги фан эканлигини ва у хулқ-атворни ўргатишни таъкидлайди. Ибн Сино ахлоқни икки қисмга: «яхшилик» ва «ёмонлик»ка бўлади. Яхшиликнинг бош мезони адолат деб уқтирган. Адолатни эса инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлаган ҳолда қўйидаги З қисмга ажратган:

1. Инстинкт воситаси билан пайдо бўладиган сезги истаги. Бунга жинсий сезги, орзу-ҳавас, яхши овқат ва кийим-кечак кабилар киради.

2. Қаҳр-ғазаб ва бошқа кучли руҳий сезгилар воситаси билан пайдо бўладиган истак. Бунга: тушуниб етмаслик, ғамҳасрат, нафрат, ичиқоралик, кўра олмаслик, баҳиллик, рашк кабилар киради.

3. Оқилона истак ва майл. Бунга камтарлик, адолатлилик, умумий юксак инсоний фазилатлар киради.

Ибн Сино тарбия масалаларида ахлоқий тарбияга алоҳида ўрин ажратган Унинг фикрича: «Агар инсон ақлий ва жисмоний жиҳатдан қанчалик етук бўлса ҳам, ундаги билим ахлоқ нормаларига мос бўлмаса, у киши жамиятнинг ҳақиқий аъзоси бўла олмайди». Олим ахлоқийлик кўпроқ ватанпарварликда ўз аксини топади деб тушунган.

У она-Ватани Туронни Ҳинд, Эрон ва Чин каби йирик давлатлардан ортиқ ҳисоблаб, унга хизмат қилишни ўз бурчи деб билган. Ватаннинг фани, маданиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган.

Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол», «Хайй иби Янзон» фалсафий қиссалари бўлиб, унда ахлоқий фазилатлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Покиза хулқ — одамийлик жавҳари, кишини инсон сифатида улуғлайди, тубан ахлоқ эса одам умрининг заволидир. Ибн Сино одамларни дўстлик, ўзаро чинакам ахлоқий муносабатда бўлишга ҷақирган: «Эй, биродарлар! Ҳақиқатни очиб ташланглар, бир-бирингиз билан самимий дўст бўлинглар. Ҳар бирингиз ўз биродарингиз учун холис дилингиздаги пардаларни очиб ташланглар...»

Ибн Синонинг ахлоқ тўғрисидаги ҳикматларидан умуман қўйидагича хulosалар циқариш мумкин:

Ота-онани ҳурматлаш зарур.

Ота-оналарни ғанимат тутиш керак.

Ҳар ким ўз қадрига лойиқ гапларнигина айтиши, тилини сақлаши, гапирганида қўлини силкитмаслиги лозим.

Одамларнинг сахийлигидан таъма қилмаслик керак.

Пасткашдан вафо кутмаслик лозим.

Ибн Сино ахлоқ ҳақидаги насиҳатларини қўйидагича якунлаган: «Насиҳат бобида уч мингта сўз ёздим, уч мингтадан уч калимани танлаб олдим. Бу уттадан иккитасини эсда сақ-

ла ва бирини унубиб юбор: Худони ва ўлим ҳақлигини ёдингда тут, қылган яхшиликларингни унубиб юбор.

Ибн Сино инсонларнинг сабрли ва ҳар қандай қийинчиликка чидамли бўлишининг оқибати уларни юксак ахлоқийлик ва баҳтга етаклайди, деб уқтирган.

Мутафаккирнинг ахлоқ ва ахлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун бир дастур сифатидаги қимматини сақлаб келмоқда.

Ибн Сино оила тарбияси масалалари бўйича маҳсус «Тадбир ал-манозил» номли асарини ёзган. Унда олим ота-онанинг болаларни тарбиялашдаги вазифаларини ёритган ва ўзининг таълим-тарбия ҳақидаги ҳар томонлама мукаммал мулҳозаларини баён қилган.

Асарнинг «Муқояса дар ахлоқ» бобида ота-оналар ва тарбиячиларга қуидаги маслаҳатлар берилган: Отана болаларни тарбиялашда уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари керак. Айниқса, боланинг хулқидаги камчиликларини унинг шахсиятига тегмасдан бартараф этилиши лозим. Асарнинг энг катта боби оила ва ота-оналарнинг тарбиядаги фаолиятини шарҳлашга бағишланаб, бу хусусда бир мутафаккир сифатида йўл-йўриқлар курсатган Ибн Синонинг уқтиришича, оила тарбияси ҳам амалий, ҳам назарий иш эканлигини ота-оналар яхши билишлари зарур. Отана бола тарбиясида турли усуслардан фойдаланса, у оила баҳтли бўлади. Шунинг учун «Насиҳат йўли» бобида ота-оналарнинг вазифалари ифодаланиб, бу вазифаларни бажариш учун ота ва она да қандай фазилатлар бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Оналар фазилати ҳамда бурчлари ҳақида китобнинг алоҳида бобида фикр юритилган.

Хотинларнинг яхши фазилатлари:

1. Хотин киши билимли бўлсин. У динга ишонсин. Уятчан, шарму ҳаёли, иболи, табиатан жасур, ўз эрини қаттиқ севадиган, туғиши ва бола тарбияси ҳакида ўйлайдиган бўлиши, эзма бўлмаслиги ва ўз эрига буйсуниши, туғри, камтар, фаросатли бўлиши керак. Ўз вазифаси ва бурчини англаши, тежамкор, эри билан итоаткорона муомалада бўлиши, уни ҳурмат қилиши лозим<sup>1</sup>.

Ибн Сино ўзининг илмий ва бадиий асарлари, серқирра ямалий фаолияти билан жаҳон маланияти тарихида чукур из қолдирган буюк сиймолардандир. Унинг «Ал Қонун», «Донишнома», тўққизта достондан иборат «Уржуза фит. табб» ва бошқа асарларида ўз аксини топган, баён этилган таълим ва тарбияга, ахлоқ-одобга доир фикрлари бадиий асарлари таркибидаги юксак ғоялар, хикматлар йўғрилган пандлар ҳамма замонларда ҳам комил инсон тарбиясида асқотган. Айниқса, жумҳуриятимиз истиқлолга эришган ҳозирги замонда Ибн Си-

<sup>1</sup> С. Раҳимов. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Тошкент. 1967, 93- бет.

нонинг ёшларни ҳар жиҳатдан—маънавий ҳамда жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш хусусидаги фикрларидан таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш катта самара беради.

### Мустақил иш.

Абу Али ибн Синонинг «Тадбири ал-манозил» асарининг оиласда бола тарбиясига бағишланган бўлимини ўрганиш.

### РУДАҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

X—XII асрларда Марказий Осиёда марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши ва аста-секин равнақ топиши натижасида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ҳам ривожланди, маданий ҳаёт, илм-фан гуркираб тараққий этди. Сомонийлар, қораҳонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ҳамда хоразмшоҳлар даврида ҳукмрон доираларнинг бевосита ҳомийлиги туфайли форсий ва туркӣ тиллар ҳамда шу тиллардаги бадиӣ адабиёт ўзининг янги юксак ривожланниш палласига етди.

Маҳаллий зодагонлар санъат ва адабиётни ривожлантиришга ҳам əлоҳида аҳамият бердилар. Чунки улар маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини яхши англар эдилар. Ўша даврдаги Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳалқлари адабиёти форсий, араб ва туркӣ тилларда яратилди. Форсий тилдаги адабиёт мавзу доираси нуқтаи назаридан ҳам, ғоявий йўналиши, тимсоллар тизими, санъаткорлик жиҳатидан ҳам янги тараққиёт чўққисига кўтарилди. Кўплаб достонлар, қиссалар, саргузашт романлар, ҳикоятлар тўпламлари, шеърлар девони, махсус қасидалар яратилди. Адабиётда ватанпарварлик, инсонпарварлик, илм-фани, қасб-ҳунарни, маърифатни тарғиб қилиш етакчи ғояга айланди. Фирдавсий, Носир Хисрав, Унсурий, Фарруҳий, Анварий, Абдушукур Балхий, Низомий, Хоқоний, Низомулмулк, Кайковус, Асади Тусий ва бошқалар форсий тил ва ундаги адабиётнинг равнақига катта ҳисса қўшдилар. Рӯдакий форсий тил ва ундаги адабиётнинг асосчисидир.

Шарқ адабиётида «шоирларнинг Одам атоси» деб ном олган Абу Абдулло Рӯдакий (858-941) ҳозирги Тожикистоннинг Панҷакент туманига қарашли Панҷрудак қишлоғида туғилган. Дастробки маълумотни ўз қишлоғида олган. Қейин Самарқандда ўқиган, мадрасани ҳатм қилган. Табиатан мусиқа ва шеъриятга майли кучли бўлган ёш Рӯдакий машшоқ, ҳофиз ва шоир сифатида шуҳрат қозона бошлаган. Унинг овозасини эшигтан Сомоний ҳукмдорлари уни Бухорога таклиф этиб, сарой шоири ва олимларига сардор — маликушшуаро қилиб тайинлайдилар. Муродий, Дақиқий, Абушукур Балхий сингари ўнлаб ижодкорлар қуршовида ижод ишларига шўнғиб кетади. Шоир Сомонийларнинг барча урушларию базмларида қатнашади, қайноқ ҳаёт қўйнида бўлади. 70- йилларга

келиб сомоний феодаллар ўртасида ұзаро келишмовчилик, сарай атрофида фитна-иғволар кучаяди. Рұдакий бундай шароитдан безиб, қишлоғига келади, шу ерда вафот этади.

Утмишдаги тазкиранавислар Рұдакийнинг еттита достон ва катта шеърлар девони яратганини, унинг асарлари 300 минг байтдан зиёд эканлигини ёзғанлар.

Рұдакий үзини илмий ва бадиий ижодиёти билан фан тараққиётiga катта ҳисса құшди. У шеъриятида тибиёт, фалақиёт, адабиёт, мусиқа, ҳандаса фанлари билан ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эттибор берди.

У бир рубойисида одамларни эзгуликка чақириб шундай ёзған:

*Шу оддий күз билан боқмагил, балки  
Билим күзи билан боққул жаҳонга.  
Жаҳон дарё әрүр, яхши ишингдан  
Кема ясад ўтгил нари томонга.*

Бошқа бир байтида эса атрофдаги воқеликни сезгирилек билан кузатиши, инсон камолоти учун ҳаётий тажрибалар муҳимлигини үқтиради: чунки ҳаётий тажриба — илм, кишиниң әнг мураккаб масалаларни ҳал этишга үргаттган.

*Хар киши олмаса ҳаётдан таълим,  
Үнга үргатолмас ҳеч бир муаллим.*

Шоир инсон камолоти билан боғлиқ жуда күп масалалар ахлоқиЙ, ақлий, жисмониЙ, меңнат тарбияси исломий фарз ва суннатларни бажариш ва бошқалар хусусида бир мутафаккир сифатида фикр юритади. «Тұрт нарса, яъни чиниқан — соғлом аъзо, яхши хүлк, яхши ном, илм кишилардан ғам-ҳасратни аритади», — дейді Рұдакий. Санъаткор илмни «дүнёдаги барча бойликларнинг әнг аълоси» деб таърифлаган. Агар моддий неъматлар инсоннинг яшаши ва жисмониЙ камолотиниң таъминласа, руҳий камолот ва маънавий балогат учун эса илмий замин лозим. «Олтин, ер ва бойлик туфайли танам ором олди, қалбим эса илму маърифатдан юксалди».

Рұдакий оиласда бола тарбияси, ёш авлод камолотида отаннанынг бурчи ҳақида ҳам муҳим фикрларни илгари сурған. Чунончи, бир рубойисида замонасидаги аксарият одамлар, ҳатто, маърифатли зоттар ҳам фарзандларнинг тарбиясига эттиборсизлик билан қараб «донишманднинг боласи жохил» бұлиб қолаётганидан афсусланади.

Рұдакий бир қатор шеърларыда мәрдлигу жасоратни, шириңсұханлигу меҳрибонликни тарғиб қылған, бадқаҳр, бағри тош, такаббур, зиқна одамларни қаттық танқид қылған. Шоир назаридә «Қоқылғанни суюб құйған» одамларгина мәрд ҳисобланади. Рұдакий түрли ирқ ва эттиқоддаги халқлар, әлатларнинг бирлиги, ҳамкорлиги, бир-бiri билан ҳамжиҳатлиги, дүстлигини күйлаган санъаткордир:

*Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,  
Дустлар дийдоридан бўлолмас устун.*

Бундан ташқари, Рӯдакийнинг инсоф, адолат, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик ҳақидаги қўйма байтлари ҳам борки, улар шоир ижодидаги таълим ва тарбиявий фикрларнинг яхлит тизимини ташкил этади.

### **Мустақил иш.**

*Ш. Шомуҳамедовнинг «форс-тожик адабиёти классиклари»,  
1963 китобидан «Рӯдакий» мақоласини ўрганиши.*

#### **ФИРДАВСИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА**

Абулқосим Фирдавсий 941—1025 йили Эроннинг Табарон вилоятига қарашли Бож қишлоғидаги дехқон оиласида дунёга келади. Хусусий муаллим ва мадрасада таълим олади. Ёшлигидан қадимги тарих, ҳалқ оғзаки ижодига қизиқиб, ноёб китобларни ўқиб ўрганади, фольклор асарларини нотиқлар ва бахшинилар оғзидан ёзиб, тўплаб юради. Отаси вафотидан сўнг у Тус шаҳри ҳокимининг боғига боғбон этиб тайинланади ва ана шу боққа — ота касбига нисбат берилиб «Фирдавсий» таҳаллусини олади.

Сомонийлар ҳокимият тепасига келгач, шоир Дақиқийга қадимги аждодлар тарихи ҳақида «Шоҳнома» ёзишни топширадилар. У минг байтдан иборат «Гуштасп ва Аржасп» достонини ёзгач, фожиали ҳалок бўлади. Шундан сўнг бу муҳим вазифа Фирдавсийга юкланади. Фирдавсий 35 йил меҳнат қилиб, 60 минг байтдан иборат «Шоҳнома»ни тугатади.

Фирдавсий қатор достонларида донишманд мураббий, меҳрибон устоз қиёфасини яратди, турли билимларни ўрганиш, касб эгаллаш, ҳарбий ҳунарларни билиш зарурлигини уқтириди. Унинг айрим достонларида бола тарбияси масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилганд. Золи Зар, Рустам, Ануширвон, Ҳумай, Баҳроми Чўбина, Хисрав Парвизлар ота-оналари ақлий ва жисмоний жиҳатдан тўғри тарбиялаганликлари учун тадбиркор, жасур қаҳрамонлар бўлиб етишадилар. «Шоҳнома» ўзига хос панднома ҳамдир. Ҳар бир достон хотимасидағи насиҳатномалар, ақл ҳақидаги маҳсус боб ана шу фикрнинг далилидир:

*Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,  
Нолойиқ ишлардан олисга кетгил.*

Баҳром Гўр достонида шоир боланинг жисмоний жиҳатдан бақувват, ҳунарманд қилиб тарбиялаш ҳақида қимматли фикрларни баён этган:

*Ҳунар бирла ақлинг бириккан ҳамон,  
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.*

*Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,  
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.*

Шоир яхшилиқ, ахиллигу дүстлик, ростгүйлиқ, ҳалоллик, шириңсуханлиғу меҳрибонлик, ҳалқ, она юрт, ота-она наздида фидойи булиш ҳақида ҳам күплаб ибратомуз мулоҳазаларни баён этганки, улар барча замонларда инсоннинг камолоти учун хизмат қилиб келмоқда.

Фирдавсий ҳалқнинг қаҳрамонлиги ва ватанпарварлигини юқсак санъаткор сифатида ўзининг маърифий қарашларида инсоннинг руҳияти масаласига алоҳида аҳамият берган ва уни турли ҳолатларда жозибали тасвирилаган. Инсоннинг дард-ҳасратлари, изтироблари ёки шодлиги, кўз ёшлиари, қувончлари шоир учун тарбияловчи восита сифатида хизмат қилган. У бундай руҳий кечинмаларни Рустам, Сиёвуш, Судоба ва бошқа қатор тимсоллар орқали баён этган. «Шоҳнома» асаридаги бош қаҳрамон учун икки нарса энг муқаддас булиб, булар Ватан ва ҳалқдир. Фирдавсий эл-юртнинг барча зодағонларини бир ёқадан бош чиқариб ҳамкор ва ҳамжихат булишга, ҳалқ бошига келган оғат ва ҳужумларнинг барини даф этишга чорлайди.

Мамлакатни душманга толширгандан кўра ҳаммамиз ўзимизни ўлимга тикканимиз яхшироқдир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида дидактик насиҳатлар ҳам алоҳида ўрин олган.

«Инсонни хайру саховатли булишга етакловчи куч илм ва ҳунардир, — дейди шоир. — Илмни инсонга сингдирувчи нарса эса ақлдир». Ў ақлни қуидагича таърифлайди:

*Ақл бир тирик жон, билмайди завол,  
Ақл турмуши асли, буни ёдлаб ол.  
Ақл ийл кўрсатиб дилни этар шод,  
Ҳар нечук илмдан эшитсанг, бир сўз.  
Ўни тинмай ўрган кечаю кундуз.*

Меҳнат ва ҳунарни юқсак баҳолаган, уни гавҳардан ҳам юқори қўйган шоир ҳунар ва меҳнатнинг чироий инсоннинг ақли ва ахлоқида деб хисоблайди ва доимо ақл билан иш қилиш зарурлигини уқтиради. Ақлсиз ҳаракатлар оқибатида ахлоқсозликни кужудга келиши кўнгилсан ҳолат деб таъкидлайди. Шунингдек, «Шоҳнома»да ножӯя ахлоққа номувофиқ ҳаракатларнинг оқибати ҳам кўрсатилган. Кайковуснинг ўзбошимчалиги эл-юрт бошига кўп кулфатлар келтиради. Жамшид манманлик ва кибру ҳавога берилгани учун салтанатдан ажралади:

*Манманлик, такаббур келтирди ташвиш,  
Шундан сўнг орқага кетаверди иш.*

Фирдавсийнинг таъбири билан айтганда, эзгу, ният, яхшилик кишининг фазилатларини тўлдиради, уни баркамоллаш-

тиради. Чин инсон булиш баҳт ва шарафдир. Шу сабабдан у: «Кел, жаҳонни ёмонларга топширмайлик, ҳаммамиз ҳаракат қилиб қўулларни яхшиликка чўзайлик, яхшилик ва ёмонлик бир хил эмас, яхшилик ёдгорлик бўлиб қолади», — дейди.

Фирдавсий ўшларни тарбиялаш учун бой мерос қолдирган адид. Ўз замонасидаёқ буюк олимлар унинг ижодиётига катта баҳо берган эдилар: «Фирдавсий маснавийда устоди фандир».

Алишер Навоий.

Фирдавсий шеъриятнинг «султони»дир, биз эса унинг камтарин муҳлисларимиз.

Анварий XII аср.

### Мустакил иш.

X. Ҳомидовнинг «Шоҳнома»нинг шухрати» китобини ўқиб таҳлил қилиш. Тошкент, Ўзбекистон, 1991.

### АБУШУКУР БАЛХИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Араб халифалигининг ҳукмронлиги барҳам топиб, Хуросон ва Мовароунаҳрда маҳаллий Сомонийлар давлати вужудга келгач, амиру умаро, вазиру вузаро она тили ва ундаги адабиётни ривожлантиришга, аждодларининг қадимий қутлуғ удум ва анъаналарини қайта тиклашга аҳд қилдилар. Шу мақсадда шаҳар ва қишлоқлардан олиму фозилларни, шоиру ҳофизларни марказга — Бухорога йиғиб, маҳаллий тилда ижод қилишга даъват этилди. Улар давлат ҳомийлигига олиниб, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб турилди. Сарой доирасидаги ана шундай ижодкорлардан бири Абушукур Балхийдир.

Шоирнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий келиб чиқиши тұла маълум эмас, әронлик олим Саид Нафисий ва профессор Холиқ Мирзазоданинг аниқлашларича, Абушукур 915—16 йилларда Балхда туғилган, Нуҳ ибни Наср саройидаги адабий доирага яқин бўлган. Буни шоирнинг ўзи айрим байтларда қайд этган. Унинг вафот этган йили ҳам номаълум.

Абушукур Балхий истеъоддли лирик шоир ва достоннавис бўлган. У лирик турнинг барча жанрларида шеърлар ёзган, ишқий, фалсафий мавзуларда тўртта достон битган. Аммо устод Саид Нафисийнинг таъкидлашича, бир қанча қитъя ва рубоийлари, 947 йили ёзган «Офариннома» достонининг маълум қисмигина сақланиб қолган, холос.

Шоир ўз рубоий ва қитъаларида, маснавийларида баркамол инсонни улуғлайди, унинг гўзалликка, ҳаётга, яшашга муҳаббатини куйлади, лирик қаҳрамоннинг ишқ-севги борасидаги нозик кечинмаларини нафис ўйноқи байтларда тасвирлайди, юксак инсоний фазилатларни эъзозлаб, кибру ҳаво, танбаллигу бадхўрликни, дилозорлигу таъмагирликни, жоҳил-

лигу аччиқзабонликни қаттиқ қоралайди. Адиб меңнат ва меңнаткашни алохидә меҳр билан тасвирлайди. Шарқда кенг тарқалган «Хотами Той ва Утинчи» ҳикояси илк бор «Офариннома»да келтирилген. Унда бироннинг миннатли эҳсонидан кўра, дейди шоир, ҳалол меңнат эвазига кун кечириш афзал, деган гояни тарғиб этади.

«Дўстнинг дийдорию донишманднинг сўзи,—дейди шоир,— инсон Қалбидаги ғам-андуҳни аритади. Қимда-ким фойдаю манфаатни кўзлаб дўстлашса, шубҳасиз, уни ўзингга душман, деб бил».

«Офариннома»да адид инсоннинг турмушдаги уринишлари, мавжуд ижтимоий тузум билан боғлиқ сиёсий, маънавий, маишӣ масалалар хусусида, ахлоқий-таълимий муаммолар ҳақида мутафаккир файласуф сифатида мушоҳада юритади ва улардан ибратли хулосалар чиқаради, ўзининг назарий мулозазаларини мӯъжаз ҳикоя билан исботлайди, таъсирли панд-насиҳатлар беради, адолатли ҳукмрон гоясини илгари суради. Хусусан, достоннинг ҳунар ва илм ўрганишнинг фойдасини, яхшилик ва хайру эҳсоннинг шарофатини, адолатнинг нағини, зулмнинг касофати ва ҳоказоларни ёритишга бағишиланган бўлимлари катта тарбиявий аҳамиятга эга. Улардан умуман «бу дунёга яхшилик уруғини сеп, ўзинг ўтиб кетсанг ҳам, но-мингни кишилар яхшилик билан зикр этсинлар» — деган хуносча чиқади.

Умуман, Абушукур Балхий шеъриятидаги панд-насиҳатлар X аср адабиётига хос ахлоқий-таълимий йўналишдаги саҳифаларни ташкил этади. Унинг ҳаёти ва ижодий мероси шарқшунослар томонидан етарли даражада ўрганилмаган, кўпчилик асарлари ҳали ҳам топилмаган.

### УНСУРУЛМАОЛИЙ ҚАЙКОВУС ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Унсурулмаолий Кайковус Каспий деңгизининг жанубий қирғоғида яшаган Гилон қабиласидандир. У 1021 ёки 1022 йилда майда феодал оиласида туғилган ва «Қобуснома» асарини 1082—1083 йилларда яратган. Кайковус уни ўз ўғлига бағишилаган бўлса-да, аммо китоб ёш авлодни гарбиялаш, уларнинг камолотини таъминлашнинг муҳим муаммоларига доир илк шарқ пандномасидир.

«Қобуснома»нинг 44 бобидаги фикрлар бир-бирини тўлдириб ва ривожлантириб боради. Мазкур асар ўтмишда мактаб ва мадрасаларда «Гулистон», «Бўстон» каби асарлар билан бир қаторда дарслек вазифасини ўтаган.

«Қобуснома» машҳур шоир ва таржимон Оғаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Уни таниқли олим Субутой Долимов ҳозирги ўзбек тилида сўз бошиси, айрим шарҳлари ва лугати билан нашр эттирган.

«Қобуснома» қомуси дидактик асар бўлиб, бошидан охи-

Мулойим сүзга баҳил бўлмағил, ҳалқ мулойим сўз эшиг-  
маса, мол ва дунёга мағур бўлур (32—33- бетлар).

### Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида

Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анга яхши от қўйғил,  
нединким, отадан фарзанд хулқларидан бири, унга яхши от-  
қўймоқдур. Яна бири улдурким, фарзандни оқил ва меҳрибон  
дояларга топшурғайсан. Суннат қилур вақтида суннат қил-  
ғайсан ҳамда ўқиши үргатгайсан... унга ҳунар ва касб үргат-  
гайсан (83- бет).

Фарзандга адаб, ҳунар үргатмакни мерос деб билғил. Агар  
сен хоҳ унга адаб үргатғил, хоҳ үргатмағил турмуш машақ-  
қатларининг ўзи унга үргатур. Үндоқким дебдурлар, ота-она  
тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур (85- бет).

### Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ зикрида

Киши сухандон, сухангўй нотиқ бўлиши керак. Аммо, эй  
фарзанд сен сухангўй бўлғил ва лекин дуруғўй ёлғончи бўл-  
мағил, ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токим бирор вақт  
зарурат юзасидан ёлғон сўз десанг қабул қилғайлар. Ҳар сўз  
десанг ҳам рост дегил ва лекин ёлғонга үхшағон ростни де-  
мағилким, ростга үхшаган дуруғ дуруғға үхшағон ростдин ях-  
шидур, нединким ул дуруғ мақбул бўлур, аммо ул рост мақ-  
бул бўлмас, (41- бет).

Ҳар бир сўзни андиша била бошлиғил, токи айтғон сўзинг-  
дан пушаймон бўлмағайсан. Андишани илгари тутмоқ ҳам бир  
нав кароматдур. Ҳар сўзни эшитишдан дилтанг бўлмағил. Ул  
сўз ишинингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшиғил, то юзинг-  
га сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт бўлмасин.

Совуқ сўзлик бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдур, ундан  
душманлик ҳосил бўлур (45- бет).

Кайковус ўз пандномаларида оилавий, яъни турмуш муам-  
моларини ҳам баён этган эди: Мол жам этмакдан ғофил тут-  
мағил, токи ҳалоллик била жам бўлсун, у ҳамиша сенга бо-  
қий ва ёқимли бўлади. ... Ҳар нарса қўлингга тушса: бир тан-  
гадан икки хиссани ўз оиласигга ҳарж этгил, бир хиссани қа-  
рилиғ ва ожизлиғ вақтини зарурӣ ишларга эҳтиёт қилиб қўй-  
гил.

Эй фарзанд, агар сен жавонмарлардан инсонпарвар, са-  
хий ҳаракат қилмоқ тиласанг инсонга хос уч сийратга эга бў-  
лишинг зарур: ақл, ростлик ва инсонпарварликдир. Булар се-  
ни яхши йўлга бошлайди.

Бу асарда илм фанни үрганиш, саводхонлик алоҳида ўрин  
эгаллайди.

...Ҳар киши ҳар ишни қўлга олса ул ишни яхши билсин ва  
уни қўп машқ қилсин шунда бу ишдан қўп манфаат кўради.  
Бироқ одам наф ва ҳунарни талаб қилур. Қасб ҳунарлар ба-  
ғояг кўпдир. Ўни үрганиш учун илм даркор. Илм сифати уч

ригача таълим-тарбиядаги муаммоларни ҳал қилишга қараштилган. Асадаги бош масала инсон ва унинг камол топишидир.

Кайковус ўз фарзандини баркамол, ҳар томонлама билимдон, заковатли ва юксак ахлоқли бўлишини таъминлаш учун инсон тарбиясига зарур бўлган ҳамма томонларини асослаб беради:

Ота-онани фарзанд тарбиясидаги вазифа ва бурчи, фарзандни ота-оналарга муносабати, уларни қадрлаши, инсонлар орасидаги муомала, одоби, уларни ўзаро ахлоқий муносабатлари, илм ва билимни инсон учун зарурлиги, давлат раҳбарларининг вазифаси, тижорат ишлари, хўжалик юритиш, меҳнат завқи шу билан бирга инсон учун заарли ҳисобланган ичиш, сўкиш, қўпполлик каби ёмон одатлардан сақлашни ҳам баён этади: «Эй фарзанд, сенга замона ситамининг қўли етмасдан бурун ҳушинг қулоқи била менинг сўзимни эшиитғил ва пандлар била икки жаҳонда яхши ном чиқарғил. Менинг сўзимни эшиитмоқдин ибо қилмағил. Агар менинг сўзимни қабул қилиб, ундан баҳра олсанг, ўзгалар янада қабул қилурлар ва унга яраша иш қилмоқни ғанимат билурлар деб ёзган эди — Кайковус.

Ота-она ҳақини билмак зикрида: — Эй фарзанд, билғилки, ақл юзасидан фарзандига ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кунглингга келтурмагил, билғилки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадурлар.

Ҳар фарзандки, оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмоқдан ҳоли бўлмағусидур.

... Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сени ҳақингдаги дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур.

Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанг ўлимини тила-мағилки, уларнинг ризқи била сенинг ризқинг етишур» (30—31- бетлар).

### Хунар афзунлиғи. Баланд қадр ва олий таъб бўлмоқ зикрида

Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишиига наф еткурмас...

Агар киши ҳар қанчаки олий наасаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур...

Барча ҳунардан сўз ҳунари яхшироқдур, нединким... ҳамма маҳлукотдан одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардан одам ўн даража зиёдадур... Беши ташида зоҳирдур, беши ичина пинҳондур... Ул пинҳон нарсалар: бири, бир нарсани ёд олмоқ, бири ҳамиша эсда сақламоқ, бири таҳайюл, бири таҳаввур, бири такаллум. Аммо ул бешаласи ҳам ташида зоҳирдур: бу завқ, яъни эшиитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпаламоқ, яъни сезув...

хилдир: бирор касб-ҳунар билан боғланган илм, табиблиқ, мунажжимлик, шоирлик... илм билан боғлиқ касб-ҳунар, ер ўлчови, музика асబолари устида ишлаш, бинокорлик кабилар, буларни ҳар бирисида шундай қоида борки, агар уни сен тартибли чуқур билмасанг, ҳар қандай устомон десанг ҳам но-чордирсан, дейилади. Ҳар бир инсон илм ўрганиш учун кўпроқ машаққат чексин, чунки илми аҳком ҳукумлар, қонунлар, фалсафа яхши илмдур уни батамом билиб бўлмайди. Аҳком илми мунажжим юлдузшунослик ва фалакиёт, тақвим сайёralарнинг ҳаракати ва жойлашишини билдирувчи фан, ҳандаса геометрия каби фанларни урганишга имкон яратади. Илмларни чуқур ўрганиб дабир иш юритувчи котиб бўлсанг ёзма нутқни яхши эгаллағил, хатни яхши билғил ва кўп ёзмоқни одат қилғил, токи яхшироқ моҳир бўлсанг.

Кайковус ёшларни илм ўрганишига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, илм-фан инсонни ҳар томонлама камол топтиради: илмларни ўрганиш ҳар бир ёшнинг вазифаси деб билади.

### Мустақил иш.

Кайковус «Қобуснома»сини ўрганиш.

## УМАР ХАЙЁМ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

(1048—1131)

Фиёсидин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопур шаҳрида 1048 йил 18 майда чодир (ҳайма) тикувчи косиб оиласида туғилди.

Умар Хайём яшаган давридаги ижтимоий ва сиёсий тараққиёт салжуқийлар ҳамда сомонийлар давлатини ҳукмронлигига тўғри келди. У туғилган Нишопур ва Машҳадни ўз ичига олган Xуросоннинг катта қисми ҳозирги вақтда Эрон бўлиб, Хайём даврида Xуросоннинг шимолий қисмиди Ашхобод, Марв ғарбида Ҳирот ва Балх шаҳарлари жойлашган эди. III—VII асрларда Xуросон сосонийлар Эрон давлати ихтиёрида бўлиб кейин арабларга ўтди. IX асрда Xуросон билан Мовароуннаҳрнинг маркази Марв шаҳри бўлган. X асрда эса Xуросон ва Мовароуннаҳр Сомонийлар давлатига кирди. У ўз даврининг қомусий олимларидан саналарди. Шунинг учун ҳам, у ҳар доим инсонни фан ва маданиятдан баҳраманд бўлишини истарди.

Умар Хайём ва унинг ижодий дунёқараси Ибн Синонинг фалсафасига моликдир. Чунки Умар Хайём ўзини Ибн Синонинг устози деб ҳисоблар эди. У Ибн Сино ёзган «Хутба» асарини 1079 йилда арабчадан форсчага таржима қилди. У ёзган фалсафий асарларида бош масала Ибн Синонинг фалсафаси турагар эди. У 1123 йилда Ибн Синонинг «Қитоб-аш-шифо» асарини чуқур ўрганиб чиқкан. Хайём дунё фалсафаси билан шуғулланиш

билин биргә рубоийлар ёзиб, унда олам сирлари, инсон камолотини тимсоллар орқали ўз тўртликларида баён этади.

Умар Хайём рубоийларида ёвузлик, ёмонлик сингари Инсон тарбиясига тамоман зид иллатларни таңқид қилиб инсонлар тарбиясида юксакликни орзу қилган эди.

Умар Хайём рубоийларидаги май бадиий тимсол булиб, у орқали инсонлар ўртасидаги ижобий, салбий фазилатларни куйлади:

*Ичкилик кексайган бошни қилур ҳам,  
Майдан ечилмаган бирор тугун ҳам,  
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон  
Минг сажда қиласарди одамга ул ҳам.*

Бунда у инсонни ниҳоятда улуғлади. Уни фалсафий қарашларида материянинг абадийлиги унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ўлик ва тирик табиат ўтиб бўлмас чегараларнинг йўқлигини эътироф қиласар эди.

### Умар Хайёмнинг дидактикаси

Умар Хайём дидактикасида математика илми ривожлантирилиб қўйидагича фоялар ишлаб чиқилган:

1. Миқдорларни чексиз равишда бўлиш мумкинлиги.
2. Тўғри чизиқни чексизликкача давом эттириш мумкинлиги.
3. Ҳар қандай кесишувчи икки тўғри чизиқ очилиб ва кесишиш бурчаги учидан узоқлашган сари узоқлашиб бориши.
4. Икки яқинлашувчи тўғри чизиқ кесишиади ва бошқалар. Юқоридаги қоидаларни асослаб берган Умар Хайём Евклид геометриясидан фарқ қиласиган янги геометрия — «Ноевклид геометрия»га асос солди.

Умар Хайём алгебра фанининг ривожига катта ҳисса қўшиб, тенгламаларни тавсифлаштириб берди:

1. Сон илдизга тенг ( $X=a$ )
2. Сон квадратга тенг ( $X^2=A$ )
3. Сон кубга тенг ( $X^3=a$ )
4. Илдизлар квадратга тенг ( $x^2=b$ )
5. Квадратлар кубга тенг ( $ax^2=x^3$ )

Умар Хайём тенгламаларнинг шакллари ва уларнинг ечинини ҳам ифодалаб берган эди, шунингдек у математика, алгебра, фалакиёт фанларига алоҳида эътибор бериб, булар инсоннинг ақлий камолотининг асоси деб ҳисоблайди:

*Қимдаки ақлдан бирор сабр бор,  
Умрин бир лаҳзасин ўтказмас бекор...  
... «Илоҳиёт илмин ўрган» деди дил,  
Агар ўзинг билсанг менга баён қил.  
«Алф» деган эдим «бас» деди менга,  
«Бир ҳарф ҳам етади» ким бўлса оқил.*

Умар Хайём баркамол инсонга хос ахлоқий фазилатларни ўз рубойларида акс эттирган.

Умар Хайёмнинг таълим-тарбияга доир ғояларини қўйида-гича тафсирлаштиридик:

Ота-онага муҳаббат.

Узаро муносабат.

Дўстлик ва қариндошлик.

Меҳнат ва ҳунар.

Ёмон ва яхши ҳаракатлар.

Савоб ва гуноҳ.

Яхшилик.

Нафс балоси.

Устод ва шогирд каби насиҳат усулидаги тўртликларни қу-йидагича баён этган:

Бу замонда ақлдан фойда йўқ зинҳор

Ақлсиз кишига жаҳон унумдор.

Ақлимни олгувчи нарсани келтир

Шунда зоро, замон менга бўлган ёр.

\* \* \*

Ҳар ким ақл сўзига соларкан қулоқ

Чиндан оқибатда бу ҳўқиз соғмоқ!

Ғур ақлинг зўр келиб май сотаяпсан

Аблаҳлик тўнини кий, шу маъқулроқ!

\* \* \*

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,

Бир сир қолмадики, мағҳум бўлмабди.

Туну кун ўйладим етмиш икки йил

Англадим — ҳеч нарса маълум бўлмабди:

\* \* \*

Бегона ҳам вафо қилса, жигар менга

Кариндошим жафо қилса дигар менга.

Дўстлар иноқликни қилсангиз одат

Тез-тез дийдор кўриб ўзни айланг шод.

\* \* \*

Молу дунё ҳасрати қилмасин афгор,

Мангу яшар киши қани қайдা бор?

Бир неча нафасинг танда омонат

Омонатга омонат бўлмоқлик даркор.

\* \* \*

Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар

Бир бўлак лойни тепиб пиширап.

Лой инграб айтади: «Ҳой секинроқ тен

Мен ҳам кулол эдим сендек биродар».

\* \* \*

Бұлғыл доим оқыл кишига ўртоқ  
Ноақлдан буткүл қочавер йирор.  
Доно сенга заҳар тұтса ҳам ичгил  
Күл үйзмагил шарбат тұтса ҳам аҳмоқ

Умар Хайём ижодий фаолияти, уни фанларга құшган ҳиссаси ва одоб-аҳлоққа бағишиланған рубоийлари катта тарбия-вий аҳамияттада касб этади.

Хаётдан ўқигил жаҳон баҳсини  
Ўндан топажаксан жаҳон нақшини.  
Ақлинг әлагидан ўтказиб бир-бир  
Ўзинг ажратиб ол ёмон-яхшини.

### Мустақил иш

Умар Хайём рубоийларини ўрганиб таҳлил қилинг. Умар Хайём. Рубоийлар. Тошкент, 1991.

### ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Юсуф хос Ҳожиб XI асрда яшаб ижод этгандың буюк олим, забардаст достоннавис, табдиркор давлат арбобидир. Уннинг хаёти ва ижодий фаолияти ҳақыдаги маълумотлар жуда кам. 1070 йилда ёзиб тугатылған ва бизга қадар сақланиб қелған «Қутадғу билиг» достонидаги маълумотларға қараганда, Юсуф хос Ҳожиб 1020 йилда Болософунда туғилған. У мадрасада таълим олиб замонасидаги барча билимларни пухта әгаллаған, қорахоний ҳұммодор Буғрахон саройида хос ҳожиблик мансабида ишлаган. Шоир умрининг охирги йиллари муҳтожлик ва зорликда үтган.

Юсуф хос Ҳожиб форс ва араб тилини, бадий адабиёт, тарих, фалакиёт, геометрия, табииёт, география фанларини пухта ўрганиб, ўз даврининг улуғ донишманларидан булиб етишган.

Алломанинг 73 бобдан иборат «Қутадғу билиг» номлы асарыда сұзлаш одоби, илм ўрганишнинг фойдаси, олимларнинг жамиятдаги үрни, мәҳмандорчилікта үзини тутиши, ҳалоллик, поклик, ростгүйлик, меҳр-оқыбат, садоқат, дүстлик, раҳмашафқат, адолат, имон, әзтиқод ва қаноат шунингдек, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси түғрисида қымматли фикр-мулоҳазалар берилған. Достон туркii ҳалқлар адабиётидаги илк дидактикасардир. Үндаги аҳлоқ-одоб, таълим-тарбия, илм-хунар ўрганиш, ёшларни әл-юрт хизматига сафарбар этиш хусусидаги пандлар ҳамон ўз қымматини сақлаб келмоқда. Юсуф хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарининг бошидан охиригача комил инсон тарбияси ҳақида фикр юритилған: даставвал, тарбиянинг боши оиласынан бошлилади. Бунда ота-она билан

боланинг муносабатлари мұхим урин эгаллады. Асардаги Угдулмишдай ақлли, билимли, доно Комилнинг ота тарбиясини Ойтұлди пандлари билан боғлады. Ота-онанинг тарбиясину олган фарзанд тұла маңнодаги комил инсондир. Асарда Қундуғди билан Элиг Угдулмишларнинг монологи берилади. Бунда отанг ўлғанда сен ёш бола әдинг, аммо үзингдаги бунча санъат-хұнарларга қандай әришдинг деганда у:

— Эй Элиг, отанинг олқиши ўғилга тегиб туради, отам менга күп әзгу дуолар айттан эди. Шуларнинг мадади үз күчини күрсатди, деб жавоб берган эди.

Ота-онанинг бола тарбиясидаги әထтиборсизлигини адіб қүйидаги мисраларда баён этган эди:

Кимнинг ўғил-қизи әрка бұлса,  
Үнга шу кишининг үзи мүнгли бўлиб йиғлайди.

Ота болани кичиклигидан  
бебои қилиб қўйса,

Болада гуноҳ йўқ,  
барча жафо  
отанинг үзида.

Ўғил-қизнинг ҳулқи-автори ярамас бўлса,  
Бу ярамас ишни ота қилган бўлади,  
ундан бошқа эмас.

Ота-онага кўрсатилган түгри йўллардан бири билимдонлиkdir. Билимдонлик кишини ҳар қандай нолойиқ ишлардан сақлады. Билимдон инсон күп фанлардан хабардор бўлади. У ер-осмон сирларини ўрганишга қодирдир.

Сен уни билайн десанг, ҳандаса — геометрия фанини ўқи. Бу туфайли ҳисоб эшиги очилади. Кўпайтириш ва тақсимни ўқи, қусур каср ҳисобларни тугал бил. Тугулга тугал имтиҳон тадбир қўлла. Ё тазъиф карра, кўпайтириш бўлсин, ё тасниф (бўлиш) тақсимлаш бўлсин үзинг етарли бил. ... Етти қават фалакни ич сирларини ерда ётган хас каби енгил билиб ол. Тағин истасанг жабру муқобил алгебра ўқи ҳамда Уқлидус эшигини тушуниб қоқ, яъни Эвклиднинг математик назариясини чуқур билгин. Шу сабабдан ўқиш-ўрганишга доир ғоялари муҳимдир.

Ўқув қут беради, билим шараф-шон  
Шу икков туфайли улуғдир инсон.

... Донолик йули билим олиш, турли соҳадаги маълумотларни ўрганишдир. Билимга эришиб доно бўлганларнинг элга ҳам нафи күп тегади. Туғилган пайтида уқуви бўлмаса, унинг тилаклари ҳам амалга ошмайди.

Болам тўссин десанг донолик йўлинг,  
Кичикликдан тегиши билимга қўлин.

Агар бола кичикликдан билим ўрганса, унинг идроки ҳам яхши бўлади, заковати ортади. Лекин билим билан уқув-идрок

бир хил нарса эмас. Уқув-идрок киши миясига жо этилган, бошнинг азизлиги шундан.

Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди:

*Уқувли тирикдир, уқувсиз — ўлик,  
Келу, эй уқувсиз, уқув ол улиг.*

Юсуф хос Ҳожиб тилни билишни муомала манбаси деб ҳисоблайди. Унинг назарида фақат икки тоифа одам ундан фойдалана олмайди, биринчиси туғма соқовлар, кейингиси эса билимсиз кишилар. Билимлининг сўзи оқиб турган сув кабидир.

Юсуф хос Ҳожиб инсонни кўп сўзлашини одобсизлик ва тарбиясизлик аломати, деб ҳисоблади.

*Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим  
Яна такрор сўзлашдан наф топмадим.*

Юсуф хос Ҳожиб ахлоқ-одобга доир таълимотни насиҳатномалари орқали баён этган. Мехрибон киши нима дейди, эшитгин, инсонликнинг бош белгиси меҳрибонликдир.

Кишиларнинг энг самимиyиси меҳрибон кишилардир.

Золимлик ва зўравонлик ўрнига яхшилик қил, қўлинг-ла инъом қилиб, тилинг-ла ширин сўзлаб, халқингни хурсанд қил. Эй, саховатли улус, баҳил бўлма, бу одатдан, саховатли деган ном ҳеч ўлмайди, мангу қолади. Адолат қил, қатъий бўл, зулмга йўл берма. Тангрининг тоатини қил.

Сабр қилган одам тилагига етади, сабр билан турган киши оққуш тутади.

Мен сенга сузлаганларим ота васиятдир, сен бу сўзларни унутма, дилингга жойлаб ол.

Шундай қилиб, Юсуф хос Ҳожиб атоқли олим-педагог сифатида тарбиядан кўзланган мақсадни аниқ ифодалаган. Тарбия кишини эзгуликка ўргатмоғи керак. Эзгунинг ҳар иши чирайли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгулик асло қаримайди. Ёмон юзга кирса ҳам эзгулик қила олмайди. Эзгу ҳар куни янгидан янги тилак-истакларга эришаверади. Ёмонларнинг эса кундан кунга обрўси кетади.

Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достони билан педагогика тарихида ўчмас из колдирган.

### Мустақил иш

Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарини ўрганиб, ундан мактаб ҳаётига нималарни олиб кириши мумкинлигини аниқлаши.

### АҲМАД ЮГНАКИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Х асрда Марказий Осиё ҳалқларининг ҳаётидаги иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан катта ўзгаришлар бўлди. Араб ҳалифалигининг емирилиши мустақил давлатларнинг келиб чи-

қишига сабаб бўлди. Мамлакатнинг шарқий қисмида Қораҳонийлар, Мовароунаҳрда Сомонийлар, ғарбий туманларда эса Фазнавийлар давлати вужудга келди.

Марказий Осиё X—XI асрларга келиб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий томондан ривожлана бошлади.

Қораҳонийлар давлати маъмурний ва хўжалик ишларини мустаҳкамлаб олгач фан ва маданият тараққиётига алоҳида эътибор берди. XII—XIII асрларда ёзилган асарлардан адаб ва тарихчилар реал ҳаётни ифодалашга, дунёвий ғояларни тарғиб этишга интилганлар. Шу даврнинг энг ҳаммабол асари Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») эди.

Аҳмад Юғнакий XII аср охири ва XIII аср биринчи чорагида яшаб ижод этган туркигўй шоирдир. У Самарқанд атрофидаги Юғнакда адаб Маҳмуд оиласида дунёга келган. Шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар жуда кам. Аҳмад Юғнакийнинг фақат бизгача етиб келган ягона асари «Ҳибатул ҳақойиқ»dir.

«Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») достони 14 бобдан иборат бўлиб, унда шоир Худо, пайғамбар, тўрт ҳали-фалар мадҳидан сўнг тил одоби, сир сақлаш, илмнинг фойдаси, сахиийлик, камтарлик, шукроналик, таъзим-тавозе, инсонпарварлик, касб-корга меҳр қўйиш, ризо ва қаноат, ҳалоллик ҳақида панд-насиҳатлар берилган. Айни пайтда муаллиф жоҳиллик, дилозорлик, ачиқиқзабонлик, очкӯзлигу ношукурлик, такаббурлик, мол-дунёга ҳирс қўйишини қаттиқ қоралаган. Қишиларни мардликка, ростгўйликка, бева-бечораларга меҳрибонликка чорлаган. «Тил яраси битмайди, тиф яраси битади», деб хушмуомала бўлишга даъват этган. Шунингдек, «Бугун атлас кийсанг, кечаги бўз қўйлагингни унутма», «Шоҳликка эришсанг, кечаги қўш ҳўқизинг эсингда бўлсин», «Битта нон топсанг, унинг ярмини ёнингдаги бир очга бер» деб, камтарликка ва саховатга ундалган. Ҳуллас, «Ҳибатул ҳақойиқ» жуда катта маърифий, тарбиявий аҳамиятга молик асадир.

Аҳмад Юғнакий ўз асарида табиат ва жамият қонунияতларига ҳам алоҳида тўхталиб, фалсафий дунёқарашда табиат ва жамиядаги нарса ва ҳодисаларнинг кенгайиши, қисқариши, узгириши ва дунёнинг бирлиги ҳақида фикр юритилган. Уни оламни яратувчиси Тангри таолоннинг мўъжизалари деб қўйидагини ёзган эди: «Тангрим тунни, кундузни яратди, (у) шарқдан ғарбга томон ўтиб, бир-бири билан алмашиб туради. Туннингни кундузга, кундузингни тунга ўзgartириб. яна тонг ота беради.»

Аҳмад Юғнакий фикрини давом эттириб йўқ эдим, яратдинг, яна йўқ қилиб қайта (иккинчи) вужудга келтирасан, бунга иқрорман, ёки тирикдан ўлик, ўликдан тирик чиқаради буни яхши англа. Бу улуғ қудратли бир тангридир, ўликларни тирилтиromoқ унга осондир. Унда адабни ижтимоий ҳаёти ҳам алоҳида ўрини эгаллайди.

Фил устига юкланган зар (каби) бўлса, сўзнинг ози унинг тенги бўлади.

Адиб туғилган ерининг оти Югнакдир, у жойнинг хавоси сафоли, унда кўнгиллар яйрайди. Отасининг оти Маҳмуд Югнакий, адиб Аҳмад ҳеч шаксиз унинг ўғлидир. Китобнинг оти «Ҳибатул-ҳақойиқ»дир. Бу ибора арабчадир. Асарнинг тили бошдан-оёқ қашқарча. Адиб бадиий тил билан айтган. Агар ҳар киши қашқар тилини билса, у киши адибнинг барча айтганларини англайди:

Киши тилни билса, унинг маъносига тушунади, тилни билмасдан биламан деса, айбdir. Кўп кишилар (эллар) адибнинг сўзини билиб-бilmай айтиб юрганларини учратаман. Яна ха-то маъно берib, Эл орасида айбга қўядир. Кўп кишилар са-бабли бу китобни ёздим (истасанг) ижобий равиша қабул қил, истасанг ташла.

Ҳар ким адибнинг сўзига тушуниб амал қилса, у эл ора-сида ўзини ҳурматга сазовор қиласди.

Саккиз юз саксон тўртинчи (бир минг тўрт юз саксонинчи) йили зулقاъда ойининг ўн еттисида, шанба куни (асар кучирилиб) тамом бўлди.

Шайхзода Абдураззоқ Бахши қутли бўлсин, давлат келса, меҳнат (машаққатга) кетсин деб Истамбулда кўчириб ёзди.

Бу китоб шунинг учун ҳам азиздирки, ҳар бир сўзни тўла-тиб ёздим, кераксиз юзаки сўзларни ташладим.

Қимматли сўз оз, ҳазил сўз кўп бўлади, бир парча атлас қиммат, бир жуфт бўз арzon бўлгани каби.

Эй, мендан кейин келувчи (авлодлар) бу китобни ўқисанг, менинг ҳақимга дуо қилишни унутма.

Бу нодир, тансиқ китобни ҳақимга дуо қилсин деб, сенга ҳадя қилдим.

Дунёда номи қолсин деб, Сипохсолорбек учун бу китобни ёздим.

Китобни ўқиган курган, эшитган киши шоҳимни дуо билан ёд қилсин, деб ёздим.

Келгуси авлодлар учун унинг номи мангу эсадалик бўлсин, деб ёздим.

Ўқимишли, саводли (кишилар) ундан фойдалансин, деб қулланма учун китоб безадим (ёздим). Бу асар дидактик ҳам бадиий бўлиб, унда инсон камолоти алоҳида ўрин тутади. Аҳмад Югнакий инсон камолотини асоси деб илм урганишга эътибор берди.

### Илм манфаати ҳақида

Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга қулоқ сол, илмли кишига ўзингни яқин тут.

Билим билан саодат йули очилади, шунга кўра, илмли бўл, баҳт йўлини изла.

Билимли киши (қиммат) баҳолик динордир, илмсиз жо-хил қимматсиз емишдир (мевадир).

Билимли киши билан билимсиз одам қачон тенг бўлади, билимли хотин киши — эр кишидир, билимсиз эркак — заифадир.

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакда эса қўл урилмайди. Илмли кишиларнинг (номи машҳур бўлди), билимсиз (кишилар) эса тириклайн үлди ҳисоб ва унга кўргуликдир.

Билимли киши үлса ҳам унинг номи ўчмайди, илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам, оти ўликдир.

Билимликнинг бири билимсизнинг мингига тенг, илмли кишилар илмнинг қадрига етади.

Энди ўзинг синаб, ўқиб, боқиб кўр, билимдан фойдалироқ қандай нарса бор.

Билим билан олим кўтарилди, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради.

Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, ҳақ расули (пайғамбар) ким илмли бўлса, уни сиз мақтанг, деб айтди.

### Илм ўрганиш ҳақида

Билимли киши илмни фарқлайди. Эй дўст, илм қадрини билимли одам билади.

Билимнинг қадрини кишига илм билдиради, билимни нодон, тубан киши нима қиласди.

Илмсизга тўғри сўз маъносиздир, унга ўгит-насиҳат фойдасиздир.

Билимли киши ўз ишини билиб қиласди, билиб қилган ишига кейин ўқинмайди.

Қандай иш бўлмасин билимсиз наздида ўнг кўринади, унта ташвиш, қайғудан бошқа чора йўқ.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўриб яширади.

Билимсиз киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди.

Молсиз фақир кишига унинг илми туганмас бойликдир, ҳисобсизга унинг билими ечилмас (очилмас ҳисобдир).

### Ахлоқнинг каромати, хасисликни ташлаш ҳақида

Кишиларнинг ҳамма феълини тугал тузатган, ким карамли, шафқатли бўлса, уни эр киши деб ҳисобласин.

Карамсиз, шафқатсиз киши мевасиз дараҳт кабидир.

Мевасиз ёғочни кесиб ёндиргин...

... Ёмонлик қилган кишига сен яхшилик қил, бу карам — шафқатнинг бошланишидир, буни яхши англа.

Агар бирор кишидан яхшилик кўрсанг, у кишини кўп мақта, дую қил.

Гуноҳкор кишининг гуноҳини кечир, адоват илдизини қазиб ташла, кес ва қўпориб ташла...

Одобли бўлишга ёндашиб (ўзингни) камтар тут, тартибли кишиларга озод жон қул бўлсин.

Эй, дўст, улуғларни иззат қил, фойдасиз ҳар нарсага аралашиш ва тортишувдан (ёмон одатлардан) сақлан...

Меҳнат, машаққат ўти сўнар, сўнг сабрли кишига савобга эришиш навбати етади.

Улуғлигингга яраша яхшироқ бўлиб, улуққа — кичикка сўзингни силлиқ, мулойим қил.

### Тилни тийиш одоби ҳакида

Тилингни тий, тишинг синмасин, агар (сузлаб юборсанг) тилинг чиқиб қолса, тишингни синдиради.

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

Сўзинг аччиқ, тилингни тийиб тур, эрк берилган тил бир кун бошингга етади.

Тили бўш, заҳар кишининг ақли етук бўладими? Тил ва сўз бўши кўп кишиларнинг бошини ейди.

...Яхши кўшининг қўлидан ёмонлик келмайди, ёмон киши эса яхшилик қайтириш учун жавоб топа олмайди.

Эй, ёмонлик қилиб яхшиликдан умидвор булувчи, тикан излаган (қидирган) киши ҳеч вақт узум узмайди (кесмайди).

Аҳмад Югнакий ёшларни жиноят йўлидан сақлаш учун юксак инсонийлик етишмаслигини шундай баён этган эди:

Бу дунёning шу кунларида кишилик нақадар азиз, қани у ҳақиқий инсонийлик! Қаерда йўқ бўлиб кетди. Қани аҳдга риоя, қани омонат, қани яхшилик тўғрилик (адолат) келгунча хайру ҳэсон кетади.

Аҳмад Югнакий ёмон жиноий йўллар билан топилган молу дунёning ҳаромлигини қўйидагича тасвиirlаган эди: Молинг ҳаромдан йигилган бўлса, аввалдан охиригача азобдир.

Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақоийқ» асари орқали инсонларни инсоф, иймонга, юксак инсоний сифатларни шаклланишига чорлайди.

Асарда илм олиш уни моҳияти, инсонни ақлий, ахлоқий тараққиёти учун зарурий насиҳатлар орқали таълим-тарбиянинг қоида қонунларини баён этган эди.

Аҳмад Югнакий орзу қилган баркамол инсон адабнинг сўзларини тушуниб, амал қилса, у эл орасида ҳурматга сазовор булади.

### Мустақил иш

Аҳмад Югнакий «Ҳибатул-ҳақоийқ» асарини ўрганиши.

### ЗАМАХШАРИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий — забардаст узбек олими, арабшунос, шоир ва ёзувчи. У 1074 йилда қадимги Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Отаси Умар ибн Аҳмад ўқимишли киши бўлиб, ўғлига дастлабки таълим-

ни ўзи беради. Унинг қобилиятини кўриб, уни Урганч мадрасаларидан бирида ўқитади. Маҳмуд Урганчда хаттотлик ҳам қиласди, таниқли тилшунос Абумузар Исфахонийдан дарс олади. Маҳмуддинг ўткир зеҳни ва тиришқоқлигини кўрган устози уни ўз ишининг давомчиси қилиб қолдириш учун моддий ёрдамини аямай тарбиялайди. Замахшарий Урганчда таҳсил кўргач, илмини ошириш учун Бухорога сафар қиласди. У ерда олимлар Шайхулислом Абумансур Наср Хорисий Абусаъд Шаққоний ва Абулҳаттоб ибн Абулбатирдан сабоқ олади. Кейин Хурросон ва Исфахонга боради, салжуқийларнинг саройларида хизмат қиласди. Сўнгра Бағдодда, Маккада, Шомда ва Дамашқда бўлади. Маккада «Ал-Кашшоф» («Ошкор қилювчи») номли асарини ёзиг тутагатди ва юртига қайтиб умрининг сўнгги йилларигача турғун ҳаёт кечиради. У 1144 йилда вафот этган.

Замахшарий араб тилшунослигининг ривожига катта ҳисса қўшган. «Асосул балоға» («Чечанлик пойдевори») деб аталган луғати билан араб луғатчилигини бир неча поғона юқори кўтарган. Ундаги сўзлар биринчи ҳарфи ва ундан кейинги ҳарфлари назарда тутилган ҳолда алифбо тартибида берилган ва бу усул сал ўзгарган шаклда ҳозирги замон лексикографиясида ҳам қўлланилмоқда. Замахшарийнинг «Ал-Фоик фи ғарибул ҳадис» («Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлашибирувчи») номли асари ҳам луғатdir. Унда ҳадис ва адабий асарларда учрайдиган маъносини англаш қийин сўзлар изоҳланган. Сўзларнинг маъносини очувчи шеърий ёки насрый мисоллар келтирилган.

Замахшарийнинг «Ал-жибол вал-амкина вал-миёҳ» ёки «Китобу асмо ил-адвия вал-жибол» («Тоғ, манзил ва сувлар») ёки («Дори-дармон ва тоғлар исмлари китоби») деб аталган ажойиб топонимик асари ҳам бор. Унда географик атамалар алифбо тартибида берилган. Замахшарий яратган «Муқаддаматул адаб» («Адабиёт муқаддимаси») номли асар араб тили учунгина эмас, бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Мазкур асар ёзилган давридан бошлаб ҳозиргача шарқшунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Замахшарий араб мақолларини йиғиб ўрганиш борасида ҳам кўп меҳнат қилиб «Алмустақсо фи амсолил араб» («Араб мақолларини ниҳоясига етказувчи») номли асарини ёзган. Унда уч ярим мингга яқин араб мақоли алифбо тартибида берилган.

Замахшарий синчков олим эканидан ташқари, моҳир ёзувчи ва шоир ҳам бўлган. Унинг араб тили, адабиёти ва услуби соҳасидаги билимлари бадиий асарларида яққол акс этган. Замахшарийнинг «Навобиғул калим» («Ҳикматли сўзлар»), «Мақоматул Замахшарий» («Замахшарий мақомлари»), «Атвокуз заҳаб фил мавоъиз вал хутаб» («Ўғит ва насиҳатларнинг олтин мунчоқлари») «Рабиал аброр» («Сахий ёз») каби

асарлари унинг турли жанрларда ижод этган нозик таъб адаб бўлганини кўрсатади.

Замахшарийнинг «Атвок-уз заҳаб фил мовоъиз ва-л-хутаб» номли фалсафий-дидактик асари тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Унда юзта мақола мавжуд бўлиб, улар ваъзнасиҳат, ҳикматли сўзлар, масал ва мақолалардан, олимнинг кўп йиллик саёҳати натижасида ва умрбўйи эшишган, курган ва бошидан кечирган воқеаларнинг тафсилотидан иборат.

Мутафаккир ўз давридаги золим подшоларнинг адолатсизлигини ноинсоф амалдорлар, фирибгар савдогарлар ва бошқа текинхўрларнинг бойлик йиғишга интилишини, очқузлигини қоралаган, уларни энг тубан шахслар деб ҳисоблаган. Пасткаш, иккюзлама, иғвогар, номард кишилардан узоқроқ юришни маслаҳат берган, «Аҳмоқ ҳикмат лаззатини топмайди, тумов киши гул ҳидини сезмайди» — дейди. Шунингдек, дўстлик муаммоларига ҳам тухталиб, кишиларни дуст ташлашда зинҳор янгишмасликка чақирган. «Сени хавф-хатарда, ночорликда қолишдан қўрқитувчига ёндош, «қўрқма, бу ишда зиён йўқ» дегувчидан сақла» — деб чинакам дўстликнинг асосий белгиси садоқат ва ишонч эканлигини таъкидлаган.

### Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари

Замахшарий кишиларни ҳалоллик ва ростгўйликка, тўғриликка, адолатли, инсофли бўлишга даъват этиб, «оғзингни мисвок (тиш ювгич чўп) билан пок қилдинг, кошки эди уни ёлғон, фийбат, чақимчилик, бўҳтон билан ифлос қилмасанг», — дейди. Шу билан бирга, инсоннинг қадрини оширувчи ҳам, пасайтирувчи ҳам тил эканлигини қайд этиб, «тилингни тиймасанг, жиловингни шайтонга бериб қўясан. Қиличининг ярқироғини занг ейди. Ёлғон сўз эса тифнинг зангидан ҳам ёмонроқдир. Ёлғон гапириб ғалаба қозонганингдан кўра, рост гапириб ёмонликка учраганинг маъқул. Ростгўй одамга унинг ростгўйлиги кифоя, ёлғончига эса унинг ёлғончилиги етарлидир», — дейди. Шунингдек, олим сўзлаш маданиятни, одоби ва нафосати инсон учун хушмуомалаликнинг воситаси эканлигини қайд қилиб, «биронни койимоқчи бўлсанг, хат билан койи, юзма-юз туриб койиш кўнгилни синдирур ва сўз ўлчовсиз кетар», — дейди. Замахшарий ўзидан катталарни ҳурматлаш, болани тарбиялаш ва унда ота-онаининг вазифалари ҳақида ҳам қимматли фикрларни баён қилган. Унинг фикрича, ота-она болани хушхулқ, одобли, меҳнатсевар, ақл-идрокли қилиб тарбияламоқчи экан, аввало уни меъёридан ортиқ эркаламаслиги, доимо назоратда тутиши керак. Ҳайвонни қашласа, шодланиб эгасини тепади, одам боласи эркаланса, ота-онасини азобга қўяди.

Мутафаккир Замахшарий баҳтга эришиш орзусида юрган кишиларни ўз билимларини ва кобилияtlарини оширишга,

ёмонликка, зўравонликка ва бошқа иллатларга қарши курашибашга чақиради. Илм-фанга интилувчи, муайян соҳага ўз умрини бахш этган олимлар ҳақида тұхталиб: «Ернинг зийнати олимлар билан, кўкнинг зийнати юлдузлар билан» ёки «Савдогарнинг шарофати чўнтағида, олимнинг шуҳрати китоблари дадир», — дейди. Шу гаплари билан болаларни инсонийлик руҳида тарбиялаб, аввало камтар одам, етук олим бўлишга ундаиди, уларга беҳуда ҳою ҳавасга берилишининг зарарини уқтиради.

### Замахшарий ҳикматларидан

Инсоннинг кийимиға қарама, билимиға қара.

Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб қўясан.

Уришқоқ ва жанжалкаш киши хафалик билан шодлик орасида яшайди.

Яхшилик билан инсон камоли,  
Ани қулургача йўқдир мажоли.  
Хатолар қилишда оворалардир,  
Хато алар тушиган харобалардир.  
Чайқовчи — овчи ити.  
Қўёш нури беркитилмайди,  
Ҳакиқат шаъми сўнмайди.

Замахшарийнинг инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, росттүйлик, ҳалоллик, яхши хулқ-одобли бўлиш, ота-оналарни, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш хусусидаги илғор маърифий-ахлоқий ғоялари Марказий Осиё ва умуман Шарқ ижтиёмоний-ахлоқий ва педагогик фикрларининг тараққиётидаги муҳим ютуқ бўлди. Ҳозирги кунда ана шу илғор ғоялар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Улар ҳамон ёш авлодни юксак инсоний руҳда тарбиялашда маърифатчиларга бевосита кўмаклашмоқда.

### Мустақил иш

#### 1. Замахшарий ҳикматларидан ёд олиш.

#### IV БОБ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАДАНИЯТ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

#### АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА САЛТАНАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Буюк саркарда, адолатли шоҳ Амир Темур Марказий Осиёда мўғулларнинг 150 йиллик ҳукмронлигини тутатиб, буюк давлат тузган ва уни дунёга танитган шунингдек, Мовароуннаҳрда фан ва маданият равнақининг асосини яратган шахс сифатида машҳурдир. У ўз даврининг энг қудратли шоҳларидан ҳисобланган Турк подшоси Боязид Йилдиirimни тор-мор қилиб, Болқон ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлилаган. Олтин Үрда хони Тўхтамишни енгигб,

Россиянинг мӯғуллар ҳукмронлиги асоратидан қутулишини қарийб 300 йилга тезлаштирган. Ўз даврида Мовароуннахрда ҳунармандчилик, қурилиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантирган.

Амир Темурнинг кўп қиррали фаолияти, мураккаб шахс эканлиги ўша даврда ёзилган қатор асарларда ифодаланган.

Ҳофизи Абронинг «Зубдатут таворих», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасиҳ Аҳмад Ҳаводийнинг «Мужмали Фасиҳий», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаус съдайн ва мажмаул баҳрайн». Ибн Арабшоҳининг «Ажойибал мақдур» номли асари уша даврнинг қимматли ёзма манбалидан ҳисобланиб, уларда Амир Темурнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти маълум даражада ҳикоя қилинади.

Амир Темур 1336 йилда Шаҳрисабзга яқин Хўжа илғор қишлоғида туғилган. Унинг отаси Амир Тарагай Қозон хонига тобе (Кеш ҳозирги Шаҳрисабз) ҳокими бўлган.

Ёш Темурнинг дастлабки саводи оилада чиқарилган ва 7 ёшидан мадрасада ўқий бошлаган. Бу ҳақда у узининг «Таржимаи ҳоли»да шундай ёзган: «Етти ёшга тұлғанимда мени мадрасага олиб боришиди ва қўшимча сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган мувваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим». Тадқиқотчи олим Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича, Темур мадрасага келганда ҳарф танийдиган бўлган. Шунинг учун ҳам жадвалдаги сўзларни ўқий билган. Мовароуннахр ва Ҳурросон мадрасаларидағи одат бўйича болани ўқишга ўргатишида қофоз ё терига ёзилган энг осон сўзлар жадвалидан фойдаланилган. Темур ҳам болалигида шундай жадвални ўқиган. Амир Темур болалик ва ўсмирик йиллари ҳақида шундай хотирлайди: «Мен 9 ёшга тұлғанимда намоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча талабалардан устун бўлиб олдим. Ҳар қандай йиғилишларда ҳам мен уламоларнинг ёнidan жой олишга ҳаракат қиласардим. Лекин ҳар доим уларнинг олдида тиз чўкиб ўтирас эдим. Катталарга шу тарзда ҳурмат билдиришни мен узимга қоида қилиб олгандим.

12 ёшимдан болалар билан ўйнашни ўргандим ва вақтими-ни ўз тентқұрларим ҳамда үспирийлар билан ўтказардим». Бу парчада шуниси дийқатга сазоворки, Темур болалигидаёт тентқұрларидан устун бўлиб, унда амирликка интилиш бўлган.

Темурнинг таржимаи ҳолида унинг фсъл-атвори, ахлоқи ва ижобий хусусиятларининг шаклланишидан далолат берувчи маълумотлар алоҳида ифодаланган. Амир Темур шахсида анчагина зиддиятлар мавжуд. У 16 ёшида отасининг васияти бўйича аскарларга бошчилик қилган. Шундай қилиш Барлос уруғининг анъанаси ҳисобланган. У ёшлигидан ҳарбий машқларга ниҳоятда қизиқсан, феодал урушларда бир неча бор қатнашиб, тажриба орттирган ва моҳир жангчи бўлиб етишган.

Амир Темур 1360—1361 йилларда Мовароуннахрнинг катта қисмини эгаллаган Муғулистон хони Тұғли Темур хизматидеги кирганида, шунингдек, унинг үғли Иллесхұжа 1365 йили ҳукмронлигига қарши үзлуксиз курашган.

Хусайн ва Темур 1366 йилнинг баҳорида Самарқандни эгаллайдилар. Хусайннинг хоинлик кирдикорларини сезиб юрган Темур 1370 йилда Балхни қамал қилиш пайтида үз иттифоқчиси Ҳутталион ҳокими Кайхусрав құли билан уни үз үйүлидан олиб ташлайды. Уша пайтдан Амир Темурнинг Мовароуннахрдаги якка ҳукмдорлик фаолияти бошланади. Бу эса унинг 35 йил мобайнидаги ҳукмронлик ва жаҳонгирилк ҳарбий юришлари учун қулай вазиятни вужудга келтирған.

Амир Темур қисқа муддат ичида Амударё билан Сирдарё оралығидаги ерларни, Фарғона ва Шош мулкларини бирлаштырган ва үзига бўйсундирган. 1372 йилдан 1388 йилга қадар Хоразмни тұла бўйсундириш учун 5 марта юриш қилиб, уни үз империясига қўшиб олган. 1395 йилда Шимолий Кавказга юриш қилиб, ғалаба қозонган. 1398 йили Ҳиндистонни, 1401 йили Суря ерларини, 1402 йили Анқарадаги турк ерларини босиб олган. Султон Боязидни снггач, Хитойга юриш одидан Үтрор шахри яқинида хасталаниб, 1405 йил 18 февраль куни вафот этган.

Темурзодалар — үғиллари: Жаҳонгири Мирзо, Мирон шоҳ, Умаршайх ва Шоҳруҳ Мирзо, набиралари: Пирмуҳаммад, Халил Султон, Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқалар темурийлар сулоласини идора қилишда давом этдилар.

Темурийлар даврида Мовароуннахрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт бир маромда давом қилди ва муайян ижобий үзгаришлар ҳам рўй берди. Чунончи, Самарқанд Шарқда мұхим савдо, маданият, илм-фан маркази сиғатида кўпдан бери маълум эди. Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Шарқ-Оврўпо билан савдо муносабатлари унинг иқтисодий ва маданий ҳаётида катта роль үйнади. Мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари старли даражада ривожланган бўлса-да, Темурнинг жуда кўп ҳарбий юришлари сабабли тўпланган ғоят катта бойликлар мамлакатнинг иқтисодий юксалишига маълум даражада ёрдам берди.

Самарқанд ҳунармандчилигида тўқимачилик, металлга ишлов бериш, бинокорлик, кулолчилик етакчи ўрин олган булиб, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги шу тармоқлар билан шуғулланаб келган.

XV—XVI аср ёзма манбаларида Самарқандда турли шаклдаги шиша идишлар: кўзачалар, қадаҳлар, дори солинадиган идишлар, пардоз ашёлари ва рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш ривожлангани қайд этилган. Мисол учун М. Е. Масоннинг аниқлашича, Гўри Амир мақбараасида ва Улуғбекнинг шаҳар ичкарисидаги саройида ҳам маҳсус тайёрланган рангли ойналардан фойдаланилган. Еғоч ўймакорлиги ҳам ривожланган.

Машхур тарихчи, А. Ю. Якубовскийнинг ёзишича, Амир Темур Самарқандда ҳунармандчилликни кучайтириш мақсадида Олтин Үрда, Хурросон, Озарбайжон, Арманистон, Форс, Қармана, Месопотамия ва бошқа жойлардан ҳунарманд усталиарни мажбурий равишда кўчириб келтирган. Шунингдек, ўз давлатини барпо этгач, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий ва маърифий ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берган. У бежиз соҳибқирон деб аталмаган. «Соҳибқирон» сўзи «баҳтиёр подни», «илмли подшо» деган маънони билдиради.

Амир Темур дунёга танилган ҳадисшунос олимлар, маданият арбоблари Абу Мұхаммад Абдаъ ибн Ҳамид ибн Насрал Қеший, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Дорамий Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорийларни Самарқандга таклиф этиб, мамлакатда илм-фанни ривожлантиришга ўзи бош-қош бўлган.

Машхур тарихчи Шарағиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида Амир Темур Шахрисабзда Оқ сарой, Самарқандда Боғишамол қасри, Жомеъ масжидини ҳамда бир қанча мадрасалар қурдиргани ҳақида маълумот берган.

### Темур салтанатининг таълим-тарбия тизими

Темур замонасида ўғил болалар учун бошланғич маълумот берадиган диний мактаблар кўп бўлиб, улар асосан масжидларда ва хусусий уйларда ўқимишли кишилар, домлагимомлар томонидан очилган эди. Мазкур мактабларда масжид имомлари ёки мваззинлар дарс ўтардилар. Ахолиси кўп шаҳарларда мактабларни маҳсус мактабдорлар очган. Кўчманчи ва чорвадор аҳоли орасида мактаблар одатда баҳор ва ёз ойларида очилар, уларда асосан масжид имомлари ёки мадраса толиблари ўзларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида ўқитувчилик киларди. Шахар мактабларидағи ўқувчилар 20—30 нафар, қишлоқ мактабларида эса 10—15 нафар, айрим ҳолларда ундан кўпроқ бўлган. Мактаб ўқувчиларининг ёшлари ҳар хил бўлган ва уларга 5 вақт намоз ургатилиган.

Мактабларда араб алифбосида савод чиқарилган, «Ҳафтияқ» китоби ўқитилган. «Ҳафтияқ» Қуръоннинг 7 дан 1 кисми ҳажмидаги материаллари танлаб олиниб, форс, тоҷик тилларида тузилган. «Ҳафтияқ»да кўпроқ диний маросимларда ўқиладиган суралар берилган. Уни ўрганишга 2—3 йил вақт кегган. «Ҳафтияқ»дан сўнг «Чор китоб», Сўфий Оллоёрнинг хикматлари ўқитилган.

Уша даврдаги таълим мазмуни ҳақида қўйидагиларни айтиш мумкин: Мактаб муайян ўқув дастурига эга бўлмаган. Ўқувчилар якка тартибда ўқитилган. «Синфдан-синфга кўчириш» ўқувчиларнинг ота-оналари ўқитувчиларга бериб турадиган «совға»ларига боғлиқ бўлган. Мактабга қабул қилиш-

нинг аниқ вақти ҳам бўлмаган. Мактабда ўқувчиларни кичик ва юқори гуруҳларга ажратиб ўқитилган. Кичик гуруҳ ўқувчилари Қуръон оялларини ўқиш билан чекланган, катта гуруҳ ўқувчилари эса улар ўзлаштираётган билимлардан ташқари ислом динининг асосларини ташвиқот қилиш билан шуғулланганлар. Шу билан бирга, форс шоирлари Хўжа Ҳофиз ва Саъдий Шерозийнинг ғазалларини ёдлаган.

Мактаб таълимининг сермазмунлиги ёки саёзлиги ўқитувчи-домланинг билими савиясига ва ўқитиш маҳоратига боғлик бўлган.

Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ибтидоий диний мактаблардан ташқари, шаҳзодалар, хонзодалар, бекзодалар ва йирик амалдорларнинг болалари учун саройлар ва хонадонларда алоҳида савод мактаблари ҳам ташкил этилган. Бундай мактаблар подшо хонадони учун маҳсус қиссанахон дейилар эди. Аста-секин йирик давлат арбоблари, руҳонийлар, амалдорлар болалари учун хонадонларида маҳсус мактаблар очган эдилар.

Шаҳзодалар, хонзодалар ва бекзодалар 4—5 ёшларидан бошлаб ўқиш ва ёзишни подшо қиссанахонларидан ўрганиб олганлар. Шу билан бирга, болаларнинг зеҳнини ўстириш мақсадида уларга ўзлари эшитган ва кўрган нарсалар, дунёнинг ажойиб ва фаройиб воқеалари ҳақида ҳикоялар қилиб берилган.

Шаҳзодалар савод чиқарганларидан кейин уларга «Гўзалликни нақл этиувчи» қаламдан фойдаланиш ўрнига «Нақшли ханжар ва ялтиллаб турган қилични ишлатиш, найзабозлик ва камон отни санъати ўргатилган, чунки «чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга туширилмаса, биљиш мумкинки, мамлакатни қалам билан муҳофаза этилмайди». Хонзода, бекзодалар отда чопиши ва чавгон ўйнашини ҳам ўрганишган. Шундан кейин «Сулукул мулук»ларда айтилишича, булајак ҳукмдор давлатни идора қилиши санъатини: турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақалар бериш тартиб-қоидалари бўйича кўнимкамларни ҳам эгаллаган.

Шаҳзодалар ва маликалар Темурнинг бой кутубхонасида мутолаа қилишган. У кутубхонада барча фанларга: илоҳиёт, ҳадис, тарих, география, фалсафа, фиқҳ, тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт ва ҳоказоларга оид китоблар бўлган. Жумладан, у ерда Хоразмий, Беруний, Саъдий ва Насриддин Тусийнинг китоблари сақланган.

Амир Темур даврида мадрасалар олий ўқув юрти вазифасини ўтаган. Улар диний ва кейинчалик дунёвий билимлар ўчоғи, тафаккур гулшани, кадрлар тайёрлаш маскани бўлган. Мадрасаларда мамлакатнинг энг атоқли донишманд шайхлари, олиму уламолари мударрислик қилишган, маърузалар ўқишиган.

Темурийлар давридаги мадрасалар Үрта Шарқ қурилиш режасига биноан энг күркәм қилиб қурилган. XV асрда мадрасалар түгри бурчакли режа асосида қурилиб, теварак-атрофи девор билан үралган. Хоналари ташқаридан қарапанды күринмайдыган булган.

Темурнинг ўзи Биби Хоним мадрасасини қуришда ташаббускор бўлган. Самарқанддаги Мұхаммад Султон мадрасасининг қурилишига ҳам алоҳида эътибор берган. Баъзи масалалар бўйича мурожаат этган кишиларни юқоридаги мадрасаларда қабул қилиб, уларнинг арзларини эшитган ҳамда диний масалаларни ўша жойда ҳал қилган.

Улуғбек 1417 йилда Бухоро мадрасасини қурдирган ва унинг пештоқига «Билимга интилиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир» деб ёздирган.

1417—1420 йилларда Самарқанднинг Регистон майдонида янги мадраса қад кўтарган. В. В. Бартольдинг фикрича, Улуғбекнинг ўзи ҳам бу мадрасада маъруза ўқиган. 1433 йилда Фиждувонда яна бир мадраса қурдирган. Мадрасаларнинг энг каттаси Самарқанд мадрасаси бўлган. Бир тарихчи бу мадраса ҳақида қўйидагиларни ёзган: «Мадрасанинг тоғ шукуҳли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигидин фалак биносидин тинчликни олғон, юксак жиҳати бўлмиш азаматнишон пештоқи оғирлигидин еру заминга зилзила солғон, аниг олий даражалик кунгираларини қудрат устаси фалак бир хилда ёсоғон, ложувард кошинларини қазо наққош фалакнинг чароғон юлдузлари бирлан бир тартибда нақш қилуб, аларга даҳлдор қилғон; қўёш каби жилваси, зарнигор нақшлари гўзал фалак гумбази бирла ҳамвазн эрди»<sup>1</sup>.

Мадраса икки қаватли бўлиб, элликта ҳужрадан, ҳар бир ҳужра З хона — қазноқ, ётоқхона ва дарсхонадан иборат бўлган. Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда, Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида 100 дан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Уида таниқли олим мавлоно Шамсуддин Мұхаммад Ҳавоий етакчи мударрис бўлган.

Мадраса мударрислигини тайинлаш ё��да қоларли тарихий воқеа бўлган. Бу ҳақда адаб Зайниддин Восифийнинг «Бадоевул вақоиъ» китобида қўйидагиларни ёзган: «Мадраса қурилиши итномига етгач, аниг саҳнида катта йифин бўлди. Йиғинга Улуғбек Мирзо ҳам ташриф буюрдилар. Йиғилғонлар андни «Мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлғай», деб сўрағонларида Улуғбек Мирзо: «Барча илмларнинг саромади бўлғон киши ушбу мадрасага мударрис этиб тайинланғай», — деб жавоб қилдилар. Ушбу йифинда ҳозир бўлғон ва фишт уюми устида жулдур кийимда ұлтурғон бир шахс ўрнидан даст туриб Мирзога таъзим қилди ва: «Ушбу мартабага мен муносибдурмен», — деди. Улуғбек Мирзо они имтиҳон қилди, илму камолотига ишонч ҳосил қилғоч, ани ҳаммомга олиб бориб, ювиб

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов Улуғбек. «Ёш гвардия» нашриёти, 1989 йил, 101-бет.

тараб кийинтиришни буюрдилар. Мадраса очилғон куни мавлоно Шамсуддин Мұхаммад Ҳавофий мударрис ўрина биринчи дарсни үқитдилар. Дарсда олимлардан тұқсон нафари ҳозир бұлғон әрдилар, лекин маъруза жуда юқори миллий савияда үқилгани учун дарснинг маъносига Улуғбек Мирзо бирлан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмади».

Бойсунқур Мирзо Ҳиротда катта маданий ишларни амалга оширган. У Ҳиротда бир нечта мадраса ва жуда катта кутубхона ташкил қилиб, қирққа яқын ҳаттот, саҳифе, мұқовачи, варақ, қоғоз тайёрловчи наққош, лаввах, лавҳа чизувчи ва бошқа ҳунар әгаларини шу ерга тұплаган. Улар хушнавис хаттот Мавлоно Жағдар Табризий бошчилигида құләзмаларни йиғиб күчириш, безаш ва тарқатиши билан шуғулланғанлар. Бойсунқур Мирзо «Шоҳнома»нинг 41 та нусхасини тузатған. У шоир сифатида ҳам машҳур бўлиб, мадрасада таълим ишларини ҳам ташкил этган. Унинг үқитиши соҳасидаги ва маърифий ишлари ҳакида М. М. Дъяконов: «Навоий, Жомий ва Беҳзод яшаб ижод этган давр XV асрнинг иккинчи ярми эди. Бунда Ҳиротни маданий юксалиши ва гуллаб-яшнашига сабаб бўлган шаҳзода Шоҳруҳ эди.

Ҳиротдаги мактаб ва мадраса ишлари 38 йил подшолик қиласи Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро подшолиги даврида бирмунча ривожланган.

Ҳиротдаги Бадиъа, Ихлосия, Халосия, Шифохия, Хусравия мадрасалари ўша даврдаги илм масканлари орасида машҳур бўлган.

Ҳирот шаҳрида XII асрда 359 та мактаб бўлган ва XV асрда янада кўпайгани маълум. Мактаб ва мадрасаларга шоир Алишер Навоий раҳнамолик қиласи. Булардан ташқари, шоҳ саройида шаҳзода ва маликалар учун алоҳида мактаблар ҳам очилган. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро билан бирга шундай мактабда үқиган.

Машҳур аллома Мұхаммад Зайниддин Восифий талабалик ийлларида сарой мактабида мударрислик қиласи. У Чигатой амирларидан бири Шоҳвали Ҳадича бегимнинг эмишган укаси оиласида 7 йил мударрис бўлган.

Амир Темур тузуклари фақат давлат бошқариш учун бўлмай, балки ҳар бир катта ва кичик жамоани бошқарувчи раҳбарлар учун ҳам зарурдир.

Тузукларда раҳбарга хос фазилатлар қўйидагича ифодалана:

1) Ишбилармон одам, адолатли раҳбар, яхши оилабоши бўлиши билан бирга, мард ва шижаотли фазилатларга эга бўлиши;

2) Ҳар бир тадбирда узоқни ўйлаб иш кўриш, сезгир бўлиши; Ҳар бир ишда маслаҳат олмоқ зарурлиги. Шунингдек, у маслаҳатни иккига бўлган эди — биринчиси тил учидан айтилган, иккинчиси юракдан чиққани. Ана шу юракдан чиққан маслаҳатга доимо қулоқ солиш керак, деганлар. Амир Темур ўз

авлод ва аждодлари ҳамда фарзандлариға юқоридаги сифаттардан келиб чиқиб салтанатни бошқариш ҳақида дастуруламал ёзиб қолдирди.

Амир Темурнинг бу дастурида давлатни бошқариш тузуклари алоҳида ўрин эгаллайди:

1. Дилемнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйган Муҳаммад, унга тангрини марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатни қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги яхши одамлар орасида ёйдим. Демак, мусулмончиликдаги илғор ғояларни ривожлантириб, унга амал қилдим.

2. Амир қиласманки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлинлар:

- а) асллик, тоза насллик;
- б) ақл-фаросат;

в) сипоҳу раият авлодидан хабардор ва уларга хушмуомалада бўлиш;

г) сабр, чидамлилик, тинчликсеварлик. Бундай фазилатли вазирларга ишонч, имтиёз, эътибор ва иқтидор бердим. Амир Темур тузукларининг бирида амирлик мансабини шундай шахсларга берилсин деган эди: асли тоза, пок насллик, ақл фаросатлик, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор каби фазилат эгалари.

Амир Темур муомала маданиятига алоҳида эътибор берган эди.

Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойттаҳт Самарқандда салтанат таҳтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан муомалада, бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, менга қарши қилич яланғочлаган баъзи амирлар қўрқувда эдилар. Уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб ўзлари шарманда булдилар. Кимни ранж этган бўлсан, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафарчиликни чиқардим ва мартабалар, имтиёзлар бердим.

Амир Темур ўз тузукларида ҳар бир саркарда, давлат ва жамоа раҳбарларини адолат ва юксак инсоний фазилат эгаси бўлишларини талаб қилди ва узи бунга намуна кўрсатса олди. У келажак авлодга қилган насиҳатларида бу ғоялари дастурламал бўлиб хизмат қилди.

### Амир Темурнинг ахлоқ ва одобга оид ўғит насиҳатлари

Амир Темур ўғит-насиҳатларида ахлоққа оид гаплар жуда кўпdir. Улардан: 1. Адолат ва адолатсизлик ҳақида: «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим». «Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсан, ўша ернинг обрў-эътиборини, кишиларини азиз тутдим, сайдилари, уламолари, фуқаро ва машойихига таъзим бажо көлтиридим ва хурматладим, уларга вазифалар бериб, маошларини белгиладим. Ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек курдим».

2. Сўз ва ишнинг бирлиги. Амир Темур «Белда камар ва тилда сано», яъни иш ва сўз бирлигини хуш кўрар эди. У узи ёзган, айтган ва шахсий ҳаётида қаттиқ амал қилган «агар лашкар боши ёмон кўнгил ва ақлсиз бўлса, қўшиннинг енгилмасдан иложи йўқ, деган панд-насиҳати жуда аҳамиятлидир. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, X. Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китобида анчагина маълумотлар бор.

Амир Темур дўстга содиқ эди. У имом Барака вафот этганда йиғлаб куз ёши тўккан. Соҳибқирон Амир Темур узининг «Тузуклари»да дўстлик ҳақида қуйидагиларни ёзганди: Дўстлик — синовда чиниқади. «Дўст-дushman билан муросаю мадора қилдим». «Шиддатли кишиларни дуст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлади. Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим. Дўст-дushmanдан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, дushmanларга эса шундай муносабатда бўлдимки уларнинг дushmanлиги дўстликка айланди.

Амир Темурнинг узи Гўхтамишхон унинг паноҳига сифиhib келганида унга яхшилик ва мурувваг курсатган.

У ўз дўстидан ранжимайдиган, дўстининг дushmanини ўз дushmanим деб биладиган дўстни содиқ ва вафоли дўст деб билган.

Ақлли дushman жоҳилу нодон дўстдан яхшироқдир.

«Ботирлик одам қалъаси деб ёзган эди, Амир Темур. Бу панд-насиҳатга соҳибқирон доимо амал қиларди. Шунингдек, у барча амирикларни, сипоҳиларни ботир, жасур бўлишга ундар эди. У жангу жадалларда ботирликни шиор қилиб «Ботирлик жангда билинур», деб такрорлар эди.

«Амир Темур» ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмади» деб ёзади ўз «Тузуклари»да. У ғазаб ва қаттиққўллиги билан қилинган муомалани Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлиш, ўз ҳолини танг қилишдир, деб таъкидлаган. Шунинг учун у ширинсўз айтиб фанимни имонга киритган. 1. «Бир қалима ширин сўз қилични қинга ниқтар», деб таъкидларди, соҳибқирон.

2. «Тил қиличдан ўткир». Бу ўғит Соҳибқироннинг ўз тажрибасида синалган. Амир Темурнинг панд-насиҳатлари ўшларни тарбиялашга хизмат қилган эди.

Шундай қилиб, XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVII асргача бўлган давр Мовароуннаҳрда иқтисодий, ижтимоий, маданий юксалиши даври бўлди. Марказлашган давлатнинг асосчиси Амир Темур ўз империясини тузиб, унинг иқтисодий ва маданий қудратини юксакликка кўтарди. Уни Оврупо ва Шарқда энг қудратли давлатга айлантиришга эришди.

## Мустақил иш.

«Амир Темур ўғитлари»ни ўқиб ўрганиши.

### АМИР ТЕМУР ВА ЗАМОНДОШ АЛЛОМАЛАР

**Сайфи Саройи.** 1321 йилда Хоразмнинг Қамишли деган жоғарыда ҳунарманд-қуролсоз оиласида дунёга келган. Дастрабки билимни ўз юртида олган Сайфи ўқишини давом эттириш учун Олтин Үрда давлатининг маркази Сарой шаҳрига борган. У ерда қунт билан ўқиб, шоир сифатида танилган. Бу ҳақда унинг ўзи қуйидагиларни ёзган:

Қамишли юрти менинг түвғон элимди,  
Билинг, ғурбатга келтурғон билимди.  
Келиб бўлдум саройда шеър фидойи,  
Саройнинг шоири, элнинг гадойи.

Лекин ўзаро феодал урушларнинг авж олиши, тож-тахт учун қурашнинг кучайиб кетганлиги, марказлашган давлат яратишиндаги интилаётган Амир Темурнинг Олтин Үрдага шиддатли зарбаси туфайли Сайфи Саройи юртини тарк этади. У аввал Эронга, сўнг Туркияга боради. Шоир сарсон-саргардонлик, муҳтожлика кечган кунларидан нолиб шеърлар битган:

Усиб тупроғум ўзра найзалар мен элдан айрилдим,  
Ватандан бенишон ўлдим-да, ўзга юртда эврилдим.  
Нечун менга фалак жавр айлади, қандаи гуноҳим бор,  
Илоҳо айла кам жавринг, мен элга содиқ ул эрдим.

Сайфи Саройи умрининг охирги йилларини Мисрда ўтказиб, ташминан 1396 йилда шу ерда вафот этган. Унинг ҳаёт йули ва ижодий мероси ҳали мукаммал ўрганилмаган. Бизгача шоирнинг бир қанча ғазал, қасида, рубоий ва маснавийлари, «Суҳайл ва Гулдурсун» достони етиб келган. Булардан ташқари, Сайфи Саройининг 1391 йилда Мисрда Саъдийининг «Гулистан» асарини ўзбек тилига таржима қилгани ҳам маълум. Саъдий асарининг туркий тилларга ана шу илк таржимаси алоҳида қимматга эга. Чунки таржимон асл нусха матнига эркинроқ, ижодий ёндошган: асар услубини ўзбек насрига, ҳалқ ҳикоятларига яқинлаштирган, бир хил мазмун ва foяга эга бўлган ҳикоялардан баъзиларини тушириб қолдирган, мұқаддима, хотима сифатида наср ораларида келадиган панд-ҳикмат тарзидаги шеърларни ихчамлаштирган, айрим ҳолларда ўзидан янги байтлар қўшган. Аммо бу ўзгартиришлар Саъдий асарининг асл моҳиятига зарар етказмаган. Таржима буюк санъаткорнинг ҳалқпарварлик, адолатсеварлик, касб-ҳунарга, илмга меҳр қўйиш, ҳалол, пок, диёнатли, хайр-эҳсонли бўлиш ҳақидаги юксак foяларини ўзбек ҳалқига яқинлаштириш учун хизмат қилган.

Сайфи Саройи ўз шеърларида яхшилик, гўзаллик ва чин

инсоний севгини, муҳаббатни күйлаган, маърифатни тарғиб этган, кишиларни реал ҳаётга, эл-юрт хизматига чорлаган. Шоир ўзига хос ранг-баранг бадиий-тасвирий воситаларни қўллаб, ҳалқнамо ибораларни ишлатган. Айрим ғазалларида мутлақо янги сўз ва иборалардан фойдаланган. Чинакам ҳаёт ошиғи бўлган шоир ҳалқининг марҳаматини, Ватанини, ҳаёт файзини ҳамма нарсадан афзал курган:

*Хабарсизман у дунё жаннатидан,  
Юз ўғурмам элимнинг раҳматидан.  
Иноман бўлгучи дорул вафоя,  
Еруғлик баҳрасин топсан кифоя.*

### ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

(1440—1505)

Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрнинг 30- йилларида Сабзавор вилоятининг Байҳақ туманида туғилган. Болалик ва дастлабки таҳсил йилларини ўз ватанида ўтказган бўлажак адаб Нишопур ва Машҳад мадрасаларида таҳсил олган. Ўта билимдон, нотиқ, ваъз айтувчи бўлгани учун у Ҳусайн Воиз Кошифий номи билан шуҳрат қозонган. У 1468 йилда Ҳиротга келиб кўп йиллар давомида Жомий ва Навоийнинг марҳаматидан баҳраманд бўлган. Ҳирот маданий, илмий, адабий ҳаётининг энг фаол вакили даражасига етган Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этган.

Ҳусайн Воиз Кошифий нотиқлик, адабиётшунослик, фиқҳ илми нужум, тарих, иншо битиш, ҳисоб илми, ўймакорлигу ганчкорлик ва ахлоққа доир 30 дан зиёд рисолалар ёзган. «Искандар ойномаси», «Анвори Сұҳайлий», «Жавоҳирнома», «Рисола дар илми эъдод», «Сонлар ҳақида рисола», «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолати хотамия», «Футувватномаи Султоний», «Равзат уш шуҳадо» («Шоҳидлик бобиғи») номли бадиий асарлар яратган ва улар Хуросон ҳамда Мовароунаҳрда мактаб, мадраса таълимими яхшилашда, дидактиканинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишда дастур сифатида хизмат қилган.

Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишлиб 1495 йили ёзилган асар 253 саҳифа 40 бобдан иборат. Асарнинг асосий мавзуси таълим-тарбия ва ахлоқдир. «Ахлоқи Мұхсиний» асарида адаб ибодат, ихлос, шукур, ризо, ҳаё, одоб, ҳиммат, адл, сабот, шафқат, марҳамат, таълим-тавозе, вафо, файрат, шижаат, сиёсат, ҳақ ва ҳуқуқ сингари инсон камолоти учун муҳим фазилатларни таърифлаган, уларга риоя қилиш меъёрини баён қилган, сўзлашиби одоби, меҳмондорчилик, саломлашиш, сафарга чиқиш қоидаларини, ахлоқ мезонларини ифодалаган.

Воиз Кошифийнинг ижодиётида одоб ва ахлоқий тарбиянинг назарий асослари яратилган эди.

У комил инсон тарбиясидаги одобни қуидагича таърифланган эди:

Одоб — бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножӯя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳам ҳурмат қила билиш, шу билан бирга ўзини ва ўзгаларнинг обрусини туширмасликдир. Воиз Кошифий одоб тушунчасини кенг маънода тушунади ёмон сўз атамаслик, хулқни тарбиялай олиш, ўзини бошқариш ва ўзгаларни ҳурмат қилиш ахлоқийлик деб ҳисоблаган эди.

Воиз Кошифий ахлоқий тарбияни қуидагича йўналишларга бўлган эди:

1. Олижаноблик, оққўнгиллик, ростгўй, софдил, сабитқадамлик.

2. Инсонпарварлик-халқчиллик ва инсонларни ўзаро бирбирини кечира билиш.

3. Муомала — яъни сўзлашиш одоби.

4. Дилозорлик, пасткашлик, туҳматчилик, ёлғончилик.

Воиз Кошифий юқоридаги ахлоқий тарбия йўналишларининг марказига инсонпарварлик хусусиятини қўяди.

Инсонпарварликнинг асосий қирралари илм-маърифатни эгаллаш, ҳунарли бўлишдир. Ҳунар инсоннинг саховати ва ҳазина эгаси эканлигини таъкидлаш билан бирга болани ёшликтан бошлаб мустақил фикр юритишга ўргатиш лозим деб ҳисоблаган эди.

Воиз Кошифий болаларни тарбиялашда қуидаги усулларни олға сурган эди: насиҳат, танбеҳ бериш, амру фармон, мажбурият қўиши.

Воиз Кошифий ота-она ва муаллимларни болаларни тарбиялашда бу усуллардан фойдаланишга қаратган эди.

Воиз Кошифий ҳар бир ота-она олдига масъулиятли вазифаларни қўяди. Ҳар бир ота-онанинг бурчи фарзандларини тўғри тарбиялаб улардаги яхши хислатларни купайтириб, ёмон хислатларни йуқотишдир. Воиз Кошифийнинг фикрича муаллимлар билимдон, доно, ширинсухан, адолатли бўлиши лозим.

Воиз Кошифий муаллим ва мураббийнинг педагогик маҳорати ҳақида шундай ёзган эли: мураббий болага насиҳат ва таълим беринча лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши керак. Кўпчилик олдидаги болага панд берилмайди, унга мулойимлик билан панд-насиҳат қилиш лозим.

Тарбиячилик санъатида устозни нихоятда улуғлаб шундай ёзади:

Фаромуш қилмагилсан хақи устод,  
Ки онингдиндурур илмингга бунёд.  
Агар устодинга меҳринг йўқ улди.  
Дегилким илмим мани мавқ үлди.  
Кишиким қилди устодига хизмат.  
Замони ўтмади тобти ул иззат.

Воиз Кошифий ота-она ва яхши устоздан олган панд-насиҳатга қулоқ солмай беҳуда йўлларда юрган фарзанд ўзини-ўзи

расво қилади. Ниҳоят ҳалокат ва фалокат дарёсига ғарқ бўла-ди, деган эди.

Воиз Кошифийнинг мероси бўлажак авлодни ахлоқий фази-латларининг шаклланишига дастур сифатида хизмат қилмоқда. Унинг ахлоқий тарбиядаги ғоялари комил инсон тарбиялаш йўриқномасини яратиш, ижодкор инсонлар ҳамиша адолатли ва инсонпарвар, ҳалқчил бўлишлари, тарбияда ота-она ва устод-мураббийларнинг бурч вазифаларини асослаб беришида-дир. Бу асарнинг ахлоқий-таълимий моҳиятини тушунган шоир-лар ва Абдулла Авлоний сингари маърифатпарварлар Коши-фийнинг меросидан ижодий фойдаланганлар.

## НАСРИДДИН БУРҲОНИДДИН ҮҒЛИ РАБҒУЗИЙ

Насриддин Бурҳониддин үғли Рабғузий XIII асрнинг охири XIV асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган ёзувчи ва шоирдир. У Хоразмнинг Рабожи ӯғузидан. Адивнинг отаси руҳоний оила-сидан бўлган. Ёзувчининг ҳаётси ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотлар етарли эмас. Унинг 1310 йилда ёзилган ягона «Қиссан Рабғузий» номли асари бизгача етиб келган. Асар тарихий шахслар, Муҳаммад пайғамбар, унинг авлодлари, са-ҳобалари ва бошқа пайғамбарлар, афсонавий сиймолар ҳақидаги қиссалардан, ҳалқ оғзаки ижодидан олиб ёзилган, қайта ишланган ҳикоя ва нақллардан иборат.

«Қиссан Рабғузий»даги асосий ғоя худога итоат қилиш гу-ноҳ ишлардан сақланиш, бирорга зулм қилмаслик, ҳалқ ораси-да тўғри, одил ҳукм чиқариш, зино қилмаслик, шароб ичмас-лик, қон тўқмаслик, хиёнат қилмаслик, ота-онани ҳурматлаш, уларга хизмат қилиш, болани тўғри тарбиялаш, жамият ман-фаатини шахсий манфаатдан устун қўйиш, адолат учун кура-шиш, дўстлик ва биродарлик, яхшиликка интилиш, ёмонликдан кочиш каби эзгу фазилатларни тарғиб қилишдир.

Аксарият қиссаларда, жумладан, Довуд алайҳиссалом, Юсуф алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссалом қиссаларида юқсак инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, жасорат ва матонат, имоннинг бутлиги, виждоннинг поклиги, барча инсонларга бирдек муносабатда бўлиш сингари энг олижаноб хислатлар улуғланади. Ҳусусан, Юсуф тимсолида комил инсон, ҳақиқий ишқ фидойиси гавдалантирилган. Ёш Юсуф отасини деб, Олло-ни ёдда туттиб, акалари томонидан содир этилган мунофиқлик азобларига, ишқ куйидаги барча изтиробларга бардош беради, матонатлилик намунасини кўрсатади. «Қалдирғоч ва қовоқ-ари», «Отлар ҳикояси», «Момо Ҳаво ва Шайтон», «Луқмон ҳи-кояти» сингари қатор ҳикоя ва нақлларда инсон ҳақида ғам-хўрлик қилиш, ақл-заковат кучига суюниш, ҳалол меҳнат эва-зига кун кўриш, ёлғончилик ва мунофиқликка йўл қўймаслик, ер юзида ҳаётни асраш ғоялари илгари сурилади.

Қиссаси Рабғузий бадиий, тарбияшуносликка асосланган асар бўлиб, пайғамбарлар тимсоли орқали юксак инсоний фазилатларни мадҳ этади.

## ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ

Буюк маърифатпарвар олим, педагог Жалолиддин Муҳаммад Сиддиқий Давоний 1427 йилда Эроннинг Давон қишлоғида туғилган. У бошланғич маълумот олгандан сўнг Шероз шаҳридаги Дорулаттому мадрасасида илм-фан сирларини урганган.

Давоний мадрасани битиргач, Эрон ҳукмдори Султон Ёқуб Оқ Куйинли унинг билимдон ва истеъододлилигини ҳисобга олиб Шерозга қози қилиб тайинлади. Давоний Шерозда катта обруға эга бўлади. Ундан кўп шогирдлар сабоқ оладилар. Давоний умрининг охирини ўз қишлоғи Давонда ўтказиб, 1502 йилда вафот этган.

Давоний дунёқарашининг шаклланишига яқин ва Урта Шарқ халқларининг бой мероси ижобий таъсир этган. У олам ва инсоннинг яратувчиси Оллоҳга катта эътиқод билан яшаган.

Давоний кўп йиллик мударрислик тажрибасини умумлаштириб, ёш авлод таълим-тарбиясига доир «Ахлоқи Жалолий» асарини яратган. Унда қўйидаги педагогик ғоялар илгари сурилган.

Тарбияга алоҳида эътибор бериш ва у нозик иш эканини назарда тутиб, тарбия жараённида ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш керак. Бола ёшлигида ўта таъсирчан ва тақлидчан бўлиши сабабли яхши ва ёмоннинг фарқига бормай, унга эргашаверади. Боланинг қалби худди нақш солинадиган таҳтага ўхшайди ва суратларни осонликча қабул қиласди. Бунда Давоний инсон тарбиясида ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам назарда тутган.

Давонийнинг фикрича инсон камол топиши учун ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, касбий тарбия жуда ҳам зарурдир. У донолик фазилати деганда, аввало зукколикни — зеҳнининг ўткирлигини; фаҳмнинг тезлигини, яъни энг муҳим масалага эътибор беришни, билимни тез эгаллаш қобилиятини, хотиранинг мустаҳкамлигини тушунган. Олим ақлни ижтимоий ҳаётнинг бутун соҳаларида фаол қатнашадиган мўъжиза деб уқтирган.

Давоний инсоний фазилатларни тўртга бўлган. Булар: донолик, адолат, шижаот, иффатdir. Бу фазилатлар инсоннинг ижтимоий ҳаётida, ижодий фаолиятида ўз аксиини топиши шартлигини таъкидлаган, уларнинг меҳнат жараённида яққол кўринишини истаган. Давоний меҳнат жараённинг мазмундорлиги касбни тўғри танлашга боғлиқлигини айтган. Бу ҳақда жумладан қўйидагиларни ёзган: Бир кишини ҳамма касбни эгаллашга қобилияти бўлмайди, балки бир одамнинг муайян бир касбга қобилияти бўлади. Шунинг учун касб-ҳунарни эгаллашга ва камолотга эришишга ўз ихтиёри бўйича, ҳавас билан интилган одамлар ҳақиқий фазилат эгалари ва ҳақиқий санъет кишиларидир.

Давоний ҳамма касб ҳам эъзозга лойиқлигини ифодалаш учун уларни қуидаги ўзаро тенг тоифаларга бўлган: қалам аҳли — олимлар, ҳарбийлар, савдогарлар, хунармандлар, дехқонлар.

Давонийнинг ижодий фаолияти унинг ўз замонасидағи илғор илм аҳлига ва баркамол инсонларга мансублигини кўрсатади.

### ПОШШОХОЖА

Абдулваҳобхўжа ўғли Пошшоҳожа, тахаллуси Хожа XVI асрда ижод этган. У руҳоний оиласидандир. Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккирал ахбоб» тазкирасида ёзилишича, Хожанинг ўзи ҳам бирмунча вақт Балх ҳокими Қистон Қорасултон саройида Шайхулислом бўлган.

Бизгача Хожанинг «Мифтоҳул адл» ва «Гулзор» номли ҳикоялар тўплами баъзи тазкиралардаги маснавий, ғазал ва руబойлари, шунингдек, бошқа лирик шеърлари етиб келган. Уларда адаб ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, илм-фан, касбкорлик, имон-эътиқод масалаларини ифодалаган; жаҳолат ва разолат, зулм ва зўрлик, таъмагирлик, пасткашлик ва мунофиқликни қаттиқ қоралаган:

Кимки санинг айбинг айтур санга,  
Шафқат ила лутфу қарам қил анга.  
Дўстунг улдур, ани таҳқиқ бил,  
Ҳар не деса, сўзини тасдиқ қил.  
Рост сўз ар таъбиннга келса ар ёмон,  
Дема ёмонки: эрур ул нўши жон.

Хожа «Гулзор» ҳамда «Мифтоҳул адл» мажмуаларига кирган ҳикояларида Муҳаммад Авғий Саъдий Шерозий ва Абдураҳмон Жомий анъаналарини давом эттириб, маърифатпарварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ғояларини илгари сурди. Мазкур ҳикояларда наср билан наэм омухта бўлиб келган. Ҳикоялар таркибидаги шеърлар лирик муқаддима, қистирма ёки хотима йўсинида бўлиб, улар ўзига хос панд-насиҳатлардан иборат. Адаб ҳатор ҳикояларида Султон Маҳмуд, Ануширвон, Искандар, Султон Санжар, Баҳром Гўр, Улуғбек сиймолари орқали фуқаропарвар, адолатли, илм-фан аҳли, оддий меҳнаткаш ҳалқнинг ҳомийси, пушти паноҳи бўлган ҳукмдорларни мадҳ этган; бошқа зодагонларни уларнинг тақдирни, иши, фаолиятидан ибрат олишга, ҳамиша улуснинг арзодидига қулоқ тутишга, ҳар қандай мушкул масалани, чигал можарони тинчлик, вазминлик ва ақл-заковат билан ҳал қилишга ундейди. Ана шу жиҳатдан «Ажойиб вилоят», «Бир соатлик адолатнинг қиммати», «Султон Маҳмуд ва бойқуш», «Бева кампир ва Нўширвон» ҳикоялари муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳикояларида Хожа илм-маърифатни, дўстликни, ҳамжиҳатликини, тадбиркорликни, узоқни кўра билишни, кўлдан кетган нар-

сага ачинмасликни таъкидлайди. Китобхонни ҳушёрликка, улдабуронликка ундаиди. Чумчук ҳикоясидаги қуйидаги тўртлик катта тарбиявий аҳамиятга молик:

Икки иш қўймас бани одамда даҳр ичра маҗол:  
Бир — таассуф ўткон ишқа, бир доги амри маҳол.  
Одам эрсанг кўп таассуф ема ўтган иш учун  
Демагил сўзни маҳолу чекмагил андин малол.

Бу тўртлик халқнинг «Ўтган ишга салавот», «Дема маҳол, чекма малол» деган ҳикматли сўзларига ғоятда ҳамоҳангидир. Сулаймон ва обиҳаёт ҳикоясидаги Бутимор қуши, Искандар ва мўйсафид ҳикоясидаги чол тимсоллари орқали ёзувчи халқ донишмандлигининг энг нозик қирраларини очиб берган. Бутиморнинг насиҳатидан Сулаймон: «Ҳаёт ёру дўстлар, қариндошурӯғлар, умуман халқ билан файзли, якка умр бесамардир», деган фикрга келади, кўпни кўрган бир мўйсафиднинг маслаҳати туфайли Искандар қўшинлари билан мушкул ишни баҷаради.

Умуман, Пошшохожа ўз ҳикояларида Навоийдан кейинги давр ўзбек адабиётида ахлоқий-таълимий ғояларни ранг-баранг мавзуу ва тимсоллар орқали ифодалашга муваффақ бўлган, дейиш мумкин.

### МИРЗО УЛУҒБЕК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Улуғбек юонон, араб, немис, итальян олимлари қаторида жаҳон маданияти тарихида учмас из қолдирган. У. Гасс, Н. Коннерник, Т. Браге ва бошқа мутафаккирлар каби атоқлидир. У ўз даврида ё машҳури жаҳон бўлган. Шунга кура, Алишер Навоий: «Темурхон наслидан Султон Улуғбек, Ки олам курмади султон онингдек»,— деб ёзган эди.

Улуғбек фақат шоҳ сифатида эмас, балки илм-фан ва маданият тараққиётига бебаҳо асарлари билан қўшган ҳиссаси туфайли хам тарихда абадий ном қолдирди.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек 1394 йилда дунёга келган. Унинг болалик ва ёшлиқ ўйллари бобоси Амир Темурнинг Тўхтамишга, Хиндистон учун Боязидга қарши ва бошқа қатор ҳарбий юриш пайтларига тўғри келган. Унинг отаси Шоҳруҳ Мирзо ўқимишли, андишали ва вазмин киши бўлган.

Улуғбек Темур даврида асос солинган сарой мактабида Темур қиссаҳонининг жияни Ҳамза ибн Али раҳбарлигига бошланғич маълумот олган. У Улуғбекдан 12 ёш катта, саводи чиққан ва кўп нарсаларни ўқиб олган йигит эди. Ўрта асрлардан колган китобларда баъзи тадбирлар баён қилинган. Шулардан бири шаҳзодалар ва хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулукул мулк»—«Подшоҳларга қўлланма» китобидир. Бу китобда ёзилишича, подшоҳлар, хонлар ва иирик феодалларнинг саройида ёш шаҳзода ва бекзодаларни тарбиялаш, уларни муҳофаза қилиш ва аҳволини кузатиб бориши юқори остоноалиқ

ва давлат нишонлиқ амирларга топширилган. Улардан бири оталиқ деб аталган. Оталиқлар «тұла умидворлик билан шахзодаларнинг хизматида ғайрат күрсатыб, ҳамиша хайрихохлик ва хизматкорлик камарини белларига боғлаб уларни тарбиялаш аҳдини құлдан бермаганлар». Улуғбекка оталиқ қилиб туркларнинг билқут қабиласидан чиққан йирик амир Шоҳмалик тайинланган.

Улуғбек мактабда «Сулукул мулук»да битилган давлатни бошқариш — турли лавозимларга мос кишиларни тайинлаш, солиқлар йиғиши, рұхонийлар, мансабдорлар ва әлчилиарни қабул қилиш, хайру садақалар бериш тартиб-қоидаларини ўрганган.

Улуғбек ёшлигидан бошлаб китоб мутолаа қилишга киришган, айниқса, математика ва фалакиётта жуда қызықсан. Құпвақтнин бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан ўтказган, кечалари қор тиниб осмон ёришган пайтларда юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатган.

Мавлоно Бадриддин Улуғбекка ҳисоб ва тақвимдан дарс берган. Самарқандда бұлған вақтида Улуғбекни Құксаройдаги хос кутубхонасига бошлаб бориб, унға Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини, аллома Фарғонийнинг «Китобул тавомеъ илмал нужум ва усулат ҳаракатас самовия», «Юлдузлар ҳақидағи илм билан осмон ёритқиchlар ҳаракатининг асосини құшувчи китоб» номли асарини курсатган. Шу тариқа Улуғбек болалик йилларидаёқ Хоразмий, Бузждандий ва Насириддин Тусийнинг китoblари билан танишган. Умар Хайём ва Берунийнинг китoblарини Оқсулот ва Үтрорда «Зижи Маликшохий»ни

қылған.

Амир Темур набираси Улуғбекни зеҳни ўткирлиги, фаросатлилиғи учун жуда севарди. «Кузимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли» деб әркалатарди. Лекин Улуғбек Мирзо нозик бұлғын үсганды, бунинг устига күп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказған, давлат ишларига рағбати йүқроқ бўлған. Аммо Улуғбек ёшлигидәёқ бобоси ўтказған кенгашларда, ов ва бошқа кўнгилочар ишларда иштирок қилған. Ниҳоят 1409 йил кузизда Мовароуннаҳр ва Туркистонга ҳоким қилиб тайинланған. У ҳукмронлик қилған даврда бир томондан фан ва маданият юксалған, иккинчи томондан Темурийлар империясининг инқизорзи бошланған эди. Шоҳруҳ қанчалик ҳаракат қилмасин, ички ва ташқи зиддиятларни бартараф эта олмади, феодаллар ва шахзодаларнинг айрмачилик ҳаракатлари мазкур инқизорзни тезлаштириди. Шу билан бирга, Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида анча ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Темурнинг фикрича, Самарқанд ӯзининг катталиги ва гузаллиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устун бўлиши керак эди. Бу орзу Улуғбек даврида амалга оширилди. У Бухоро, Самарқанд ва Гиждувонда мадрасалар қуришни буюрди.

Самарқанд — фалакиёт мактабига айланди ва мусулмон шарқи фалакиёт илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Мадрасаларда диний илмлар билан дунёвий илмлар ҳам ўқитиларди.

Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид билан келишиб Самарқанднинг Сарди атик деб аталмиш жойида расадхона қурдирди. Унда олимлар Тарозу, Сухо, Насри Тойир, Сурайё юлдузлари ва бошқа сайдерларнинг ҳаракатини урганишга киришганлар. Илм-фан масканига айланган расадхона нинг бой кутубхонаси бўлиб, унда 150 мингта китоб сақланган.

«Академия» номи милоддан аввалги IV асрдан бўён маълум. Машҳур файласуф Платон асос соглан фалсафа мактаби шу ном билан аталган. Хорун-ар Рашид (786—809) ва Маъмун (813—833) даврида Бағдодда ташкил қилиниб «Байтул хикма» номи билан шуҳрат қозонган илмий муассаса ҳам ўша даврдаги академия эди.

Х асрнинг биринчи ярмида Мутсул шаҳрида таъсис этилган «Дорул илм», 1010 йилда Хоразмнинг қадимий пойтахти Гургандча ташкил топган «Донишмандлар уйи» ҳам ўзига хос академиялар бўлган. Худди шундай муассаса XV асрда Самарқандда ҳам ташкил қилинди. Бу ҳақда тарихчи олим Вальтер «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва фалакиётшунослик жадвалларини тузишда иштирок этди», деб ёзган эди.

1437 йилда Улуғбек бир умр орзу қилгани «Зижи жадиди Кўрагоний» «Кўрагонийнинг янги фалакиёт жадвали» асарини ёзib тугатди. Китоб Самарқанд расадхонасидаги кўпчилик олимлар меҳнатининг самараси бўлиб, шарқ фалакиётининг назарий ва амалий масалаларини мужассамлаштирган асардир. Уни яратишда Улуғбек бош-қош бўлган. Асар асосан 2 бўлимдан: кенг муқаддима ҳамда 1018 та юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқланган жадваллардан иборат. Унинг биринчи бўлимида фалакиётнинг муҳим пойдеворларидан — сана ёки йил ҳисоби, яъни юнонлар, араблар, эронликлар ҳамда уйғурлар қабул қилган йил ҳисоблаш усуллари уларнинг миллий байрамлари, шунингдек, бу саналарнинг келиб чиқиш манбалари; осмон буржларининг оғиши, ҳаракати, чиқиш ўрни, юлдузларнинг кўриниш ва ботиш жойлари; юлдуз ва сайдерларнинг Кўёш атрофидаги ҳаракати, астрология. Яъни юлдузларнинг ҳолати ва ҳаракатига қараб тақдирни белгилаш масалалари, фалакиёт ва тригонометриянинг амалий масалалари зўр билимдонлик ва маҳорат билан баён қилинган.

Турли манбаларда Улуғбек аниқ фанлар билан бир қаторда адабиётшунослик, тиљшунослик, мусиқа ва тарих фанлари ни пухта билган аллома сифатида таърифланади. Ҳақиқатан унинг раҳбарлигига яратилган «Тарихи арба улус» («Тўрт улус тарихи») китоби Улуғбек тарих ҳақида пухта билимга эга бўлганини кўрсатади.

Китобда дашти қипчоқ Олтин йўрда хонлик қилган Жўжи

Чингизхоннинг катта ўғлидан бошлаб Олтин Ўрданинг 29 хони ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Китобнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, ундан «ўзбек» тушунчасининг маъноси тӯғрисидаги материал бор. Ўзбек терминини баъзи олимлар Олтин Ўрданинг хонидан бошланган деб тушунтирасалар, баъзилари Оқ Ўрдадаги Олтин Ўрданинг Шарқий қисми турк-мӯғул қабиласидан бошланган, дейдилар.

Улуғбекнинг фикрича, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ XIV асрдан анча аввал қипчиқ даштларида яшаганлар, лекин улар ўзларини «ўзбек» деб атамаганлар. Ўзбекхон ўзбек улусининг шоҳи бўлган. Ислом дини кириб келгач 1320 йилдан бошлаб ислом динини қабул қилганларни «ўзбеклар», қабул қилмаганларни «қалмиқлар» деб атаганлар. Туркистон чегараларида кўчиб юрган кўчманчилар ўзбеклар деб аталган.

Умуман, «Тарихи арба улус» китоби Чингиз хонлигининг Улуғ юрт, Олтин Ўрда, Хулагунд ва Чигатой улусларининг тарихи ёритилган қимматли асардир. Унда ва Улуғбекнинг яна бошқа қатор асарларида болаларга бериладиган таълим-тарбиянинг мазмуни, ўқитувчининг вазифалари ифодаланган.

Улуғбек болаларни баркамол инсон бўлиб етнини учун уларни ўқитиш ва тарбиялаш зарурлигини, турли билимларни ўрганишга қизиқтириш кераклигини қайд қилган. Болаларнинг ўқишидан совишига сабаб аввало ўқитувчилардаги разолат эканлигини, бундай ўқитувчилар яроқсиз усууллар билан ёшлиарнинг билим олишга қизиқишини сўндириши мумкинлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, тарбиячи аввало ўзини тарбиялаши, яъни билим ва маҳоратини муттасил ошириб бориши лозим. У: «Билимларни эгаллаш жуда ҳам қийин ва машаққатлидир... бунга эришиш учун ҳаётни ўрганиш, ҳормай-толмай шуғуллашиш, ўз ақлини такомиллаштириш лозим»,— деган эди. У айниқса дарсликлар сифатига катта эътибор берган, мадрасалар учун мўлжалланган дарсликлар мазмундорлиги билан ажralиб туриши, уларда қандай воқеа ёки ҳодиса ёритилса-да, ҳаёт ҳакиқатидан заррача ҳам чекинмаслиги лозимлигини уқтирган.

Улуғбек муаллимлар турли вазиятларда ўзини муносиб тута билиши, ўз обрўсини сақлаши, дарсни қизиқарли ўтиши, мадрасада тартиб-интизом ўрнатиши кераклигини батафсил таърифлаган.

Қозизода Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси устозларининг раиси этиб тайинланган эди. Одатда, мударриснинг тўрт хонасида дарсларни тўрт мударрис олиб борарди. Хафтада бир марта ҳамма шогирдаларга Қозизода умумий бир маъруза ўқириди ва унда Улуғбек ҳам иштирок этарди. Кунлардан бир кун Улуғбек бир сабабга кўра устозлардан бирини ишдан четлатади. Қозизода бунга норозилик билдириб дарсларга чиқмай қўяди. Улуғбек Қозизода бетоб бўлиб колгандир, деб унинг хонадонига қадамранжида қилди. Уни саломат кўргандан сўнг нима сабабдан дарсларга чиқмаганини сўради. Шундай у Мирзо Улуғбекка шундай жавоб берди:

«Биз мударрисликни ҳеч бир кимсага муносабати йўқ мансаб деб ўйлардик, у жазо жорий бўладиган мансаб деб ўйламас эдик. Ҳолбуки, энди бу мансаб ҳам сultonнинг тасарруфи қабзасида эканлигини кўрдик. Бинобарин, энди биз ўзимизни мударрислик ишидан фориф айладик». Шундан сўнг мударрисни дарҳол ишга қайтарди ва устозидан узр суради.

Ўлуғбекнинг ўзи бошқаларга ўрнак булишга лойиқ олижаноб, муаллим учун зарур барча сифатларга — қомусий билим, фикрини маҳорат билан англата олиш, ташкилотчилик қобилиятига, раҳбарлик иқтидорига эга бўлган. «Шогирдларда мударриснинг қиёфасини ҳам кўриш мумкин», деб ёзган. Улуғбек шогирдларда мударрисларга ҳурмат туйғуларини уйғотишга ҳаракат қилган ва бунга эришган. У устози Қозизода Румий вафот этганида ўзимга савод ўргатган ва түғри йўл қўрсатган кишиларни ҳеч қачон унутмайман», деб уни темурийлар хилхонаси — хонақога дағи эттирган экан. Унингча, ҳар қандай мударрис ўзига хос тажрибага эга бўлиши, фикрларини ихчам, воқеа-ҳодисаларни мантиқан қизиқарли ифодалай олиши лозим. У мантиқизликтини, юзаки баён қилиш усулини заарали деб ҳисоблаган. Шу билан бирга, муаллимлар ўрганиладиган масалаларга тегишли мисоллардан, қўрсатмаликдан кўп фойдаланиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган.

Улуғбек болаларни тарбиялашда уй шароити муҳим ўрин тутишини улар саводхон ва маълумотли кишилар билан бирга бўлса, саводли ва маълумотли бўлишга қизиқишини, саводли ота-оналаргина ўз фарзандларига түғри тарбия бера олишини, чидамлилик ва меҳнатсеварлик сифатлари тарбия учун зарурлигини баён ва исбот қилган. Бунинг далили сифатида «Зиж...» устида ишлаш пайтидаги қийинчилклар ҳақида шундай ёзган: «Юлдузлар жадвалини тузиш мақсадида биз кечаю кундуз ишладик, уни ўз мақсадимизга етгунча ўзимизга қадар яратилган жадваллар билан таққосладик, қайта туздик ва шу тариқа юз қайталаб тузатишлар киритгач, ўн саккиз йилдан сўнггина кўзлаган ниятимизга етдик».

Ўлуғбек ўқув қўулланмаларининг ўқувчиларда математика, фалакиёт ва тиббиёт фанлари буйича қобилиятларни ривожлантиришдаги аҳамиятини юқори баҳолаган. Унинг ахлоқий-тарбиявий масалаларга доир илмий ишлари ҳам бағоят диққатга сазовордир. У ҳар бир кишининг ахлоқий камол топнишида унинг бошқалар билан узаро муносабатлари, ҳамкорлиги ва дустлиги етакчи роль ўйнайди, деб ҳисоблаган. Ҳаётда ҳақиқий дустликнинг аҳамияти бекиёслигини, сохта дустлардан қочиш кераклигини алоҳида таъкидлаган. Унинг дусти ва шогирди Али Қушчи умрининг охиригача устозига содик қолди. Улуғбек ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси бўлмиш «Курагонийнинг янги фалакиёт жадвали» асарици худди ана шу Али Қушчига ишониб топширган ва у ўз навбатида устозининг ишончини оқлаган.

Ўлуғбек ёшларнинг меҳнат тарбиясига жиддий эътибор би-

лан қараган. Шогирдлари мадрасани тартибга келтириш, шаҳарни кўкаламзорлаштириш каби ишларни бажарганлар. Али Қушчи берган маълумотларга қараганда, Улуғбек меҳнатда тобланган, чақон кишиларни ҳурматлаган. У одам соғлом ва кучли бўлиб ўсиши учун болалигидан жисмоний машқлар билан шуғулланиши кераклигини уқтирган. Хусусан, отда чопишни, кураш тушишини, қурол ишлатишни билган одам ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини ва бошқаларни ҳимоя қила олишига ишонгани.

Улуғбекнинг математика ва фалакиётга оид таълимотлари Афғонистон, Ҳирот, Эрон, Озарбайжон, Туркия, Миср, Жайҳун каби шарқ ҳамда Англия, Фарангистон, Польша каби гарб мам-катларида кенг тарқалган ва улarda математика, фалакиёт фанларининг ривожига салмоқли таъсир этган. Ёш авлод таълими ва тарбиясига доир фикр-мулоҳазалари, ахлоқий-дидактик қарашлари эса ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

### Мустақил иш

*«Мирзо Улуғбек. Туфт улус тарихи. Тошкент, 1994 й. Ўқиши ва таҳлил қилиши.»*

### АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Буюк ўзбек шоپри ва мутафаккири Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида түғилган. Адабиёт ва бадний ижодга муҳаббат унда болалигида уйғонган. Алишер шеър тинглашни ва айтишни жуда севган.

Алишер Ҳиротда ва Машҳадда ўқиган, мантиқ, фалсафа, мусиқа, ҳусниҳат ва бошқа фанларни, араб ва форс тилларини ўрганган. Алишер ўн беш ёшидаёқ истеъодди шоир сифатида ҳалқ оммасига танилган. Ўзбек туркий тилидаги шеърларига «Навоий», форс-тожик тилидаги шеърларига «Фоний» тахаллусларини қўйган. Унинг ўзбек тилидаги ҳамма шеърлари «Болалик ажойиботлари», «Ёшлиқ нодирликлари», «Ўрта ёш гузаликлари», «Қариликнинг фойдалари» тўрт қисмдан иборат «Хазойинул маоний», тўпламига, форс тилидаги шеърлари эса «Девони фоний» тўпламига жамланган.

Навоий ўзбек адабиёти ва адабий тилига асос солган. Бадний асар яратиш учун ўзбек тили ҳам форс ва араб тиллари каби имкониятга эгалигини, айrim ўринларда эса улардан ҳам устунлигини исботлаган.

Навоий лирикаси фалсафий мушоҳадаларга бой, чуқур хистайғу, табиатнинг гузал манзараси, ёрқин бадний тимсоллар билан тұла.

Навоийнинг бадний мероси жуда бой ва кўп қирралидир. У шеърий девонлар ва йирик достонлар яратиш билан бирга Марказий Осиёнинг XV асрдаги маънавий ҳаётини акс эттирадиган насрый асарлар ва илмий рисолалар ҳам ёзган. Улар орасида Навоийнинг устози, буюк тожик шоири ва мутафаккири

Абдураҳмон Жомийга бағишланган «Хамсатул мутаҳайирин», ўзигача ўтган ва ўзига замондош бўлган жуда кўп шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлардан иборат «Мажолисун нафоис», она тилини шарафловчи «Муҳокаматул луғатайн» асарлари алоҳида ўрин тутади.

Навоий умрининг охирларида кишилик жамиятининг равнақи ҳақидаги «Лисон-ут-тайр» («Қүш тили») достонини, «Насойим ул-муҳаббат» номли илмий-фалсафий асарини ёзи. Умуман, Навоий ижодидаги демократик йўналиш ва инсонпарварлик, инсон қадр-қимматини ҳурматлаш ва одамлар бахти учун, фаровон ҳаёти учун курашиш ғоялари унинг асарларини умрбокий қилди.

Навоий ўлмас асарларида табиат ва жамият қонунларига ўзининг муносабатини билдирган. Унинг дунёқаралиши шакллашибида файласуфларнинг ижтимоий фалсафий қарашлари алоҳида таъсир кўрсатган.

Навоий фалсафасидаги инсонпарварлик ғоялари шеърий шаклда берилган. Бинобарин, бундай усул кўп мутафаккирлар ижодида ғоят таъсирчан ва анъанавий тус олган. Навоий ўз замонасидағи ижтимоий-иқтисодий ва фалсафий руҳни гавдадантирган.

Навоий яратувчи Аллоҳга тасаннолар айтиб, ўзининг «Муножот» асарини ёзган. Муножот Аллоҳдан нажот тилаш, унга илтижо қилишдир. Унда жумладан: «Илоҳи, дунё майли риштасин кунглимдин уз ва нафсоният тийраганида ҳидояи шаъми била ўзунг сари йўл кўргуз»,— деб ёзади.

Навоий амалий фаолиятида ҳам, барча асарларида ҳам Қуръондаги ахлоқ қоидаларига риоя қилган. Пайғамбарларимизнинг энг мухим 41 та ҳадисларини назм риштасига осиб, «Арбайн» асарини яратган. Унда инсоннинг баркамоллиги масалалари алоҳида урин олган.

*Ким мусулмонлиғ айласа даъво  
Чин эрмас гар фидо қилур жонлар,  
Ўл мусулмон дуруркӣ, солимидур  
Тилию илгидин мусулмонлар,*

яъни қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина ҳақиқий ва мусулмондир.

Шарқ мутафаккирлари томонидан инсон камолотига бағишланган ва панд-насихатларга бой дидактик асарлар яратилган. «Маҳобхорат», «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Маҳсанул асрор», «Матлаул анвор», «Ахлоқи Мұхсиний» ана шулар жумласидандир. Ана шу анъанага кура яратилган «Маҳбуул қулуб» асарида Навоий ўз замонасидағи баркамол инсонга хос фазилатларни акс эттирган. У 39 хил ижтимоий турвұға мансуб кишиларнинг ахлоқу одоби ҳақида сүз юритган: бутун умрини илоҳиёт сирларини билишга бағишлиған мұхаддисларни, күч-ғайратини осмон сир-асрорини кашф

этишга бағишилган мунажжимларни, ишқ йўлида жонини фидо қилган кишиларни, эл-юртда обрў қозонган шахслар ва ҳоказоларни тасвирлаган. Лекин бирор гуруҳни бошқасидан ортиқ деб ҳисобламаган. Тарихчи олим Мирхонд «Равзатус сафо» номли асарини ёзишга киришар экан, Навоий унга «асарингиз шоҳга ҳам, гадога ҳам тушунарли бўлсин», дея маслаҳат берган.

Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида инсонга хос бўлган юксак фазилатларнинг мақсад ва моҳиятини асослаб берди.

Китобнинг II қисми, яъни «Хамида афъол ва замима ҳисол хосияти»да қаноат, сабр, одоб ишқ каби инсонни руҳий ҳолатига боғлиқ бўлган иродавий сифатларнинг моҳиятини очган.

— Қаноат чашмадурким, суви олмоқ била қурумас. Қаноат қилган одамни кўнгли очиқ, кўзи равшан бўлиб, обрў-эътиборга сазовордир:

*Ҳар кимки қаноат тарафи нисбати бор,  
Барча эл аро тавозуу иззати бор,  
Улким тамау ҳирс бирла улфати бор,  
Яхши-ёмон ичра заллату нақбати бор.*

Қаноатга куч бағишиловчи юксак инсоний фазилат сабрдир. Сабр қилиш инсонни муродга етаклайди.

*Кимки бир жиддат аро сабру  
таҳаммул айлади,  
Бахт аниг нишини нӯшу  
хорини гул айлади.*

Китобнинг III қисми «Мутафаррика фавойид ва амсол сурати» бир неча танбеҳлар байёнида ахлоқий сифатлар саодат-мандлик, худписандлик, такаббур, эҳсон, муруват, вафо, чин сўз, нодонлик ва бошқа инсонлар табиатида учрайдиган сифатлар моҳияти асослаб берилади. Вафо зайлida ва ҳаё зикридаги 17 танбеҳда шундай дейилади: Қарам ва муруват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд. Ҳар неча ул икковга нур Била сародур. Бу икковга иттисол била пайванд ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ — андин одамийлик келмак имони йўқ!<sup>1</sup>

Навоий инсоннинг сифатларини бири-бири билан нақадар туташганини кўрсатиб имони бор инсонда ҳамма юксак фазилатлар бўлмоғи лозим деб ҳисоблади.

Навоий ўз фалсафасида идеални кўрсатиб бериш билан чекланмаган, балки фикр-мулоҳазаларини янада ривожлантириб, шахснинг хулқ-атвори, ахлоқий хусусиятлари таълимтарбия орқали шакланишини ифодалаган. Инсоннинг феъл-атвори ўзича ҳосил бўлмаслигини, балки жамиятдаги маълум

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. 10 том. 52—53- бетлар.

кишилар жамоасида мұйаян ахлоқий қоидалар асосида шакланишини баён қылған.

Навоийнинг дунёқарашида чинакам инсонпарварлик ғояла-ри асосий ўрин олган. Навоий мактабдорлик ёки мударрислик қилмаган бұлса ҳам таълим ва тарбия борасида жуда катта ишларни амалға оширган. У жуда күп фозил кишиларни тарбиялаб етиштирган. Машхур тарихчи Ҳондамир Навоийнинг ёшларга билим ва тарбия бериш учун имкониятлар яратгани ҳақида жумладан шундай ёзған: «Атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ санъат аҳлиниң даражаларини кутаришда ва мартабаларини оширишда қулидан келган қадар ҳаракат қилиб, бундай ишларга катта ахамият берди. Ўқувчилар фақат ўқиш билан машғул бўлишлари учун уларга нафақалар тайин этиб, мадрасалар бино қилди»<sup>1</sup>.

Навоий фаннинг турли тармоқларини — адабиёт, тарих, тил билимларини: санъатнинг ҳар хил соҳаларини мусиқа, расм, хаттотлик, меъморлик ва ҳоказоларни ривожлантиришга ҳарарат қилиш билан бирга, ана шу соҳаларнинг ижодкорларига ёрдамлашган, қимматли маслаҳатлар берган, уларни рағбатлантирган.

Навоий илмий ва адабий асарларни яратишда ўз давридаги олимлар, адиллар ва шигирдларига намуна бўлған. Унинг деярли барча асарлари тарбиявий-маърифий ахамиятга эга. Шоирнинг беш достондан иборат шоҳ асари «Хамса»да инсон камолотининг барча масалалари қамраб олинган. Ундаги биринчи достон — «Ҳайратул аброр» ҳақиқат, ишонч, эзгулик, севги ва дўстликни улуғловчи фалсафий асадир. Унда ўша давр учун долзарб ахлоқий, тарбиявий, ижтимоий-фалсафий фикрлар баён қилинган. Адолат, муруват, сахийлик, одоб, камтарлик, қаноат, инсоф, ишқ-вафо, ростгўйлик, дўстлик, ўзаро ёрдам ва бошқа ажойиб фазилатлар, оддий меҳнаткашнинг жамиятдаги ўрни ифодаланган. Ана шу олижаноб фазилатлар таърифида алоҳида-алоҳида ҳикоялар берилган.

«Фарҳод ва Ширин» достонида санъаткор бош мавзу — севгини тасвирлаш билан бирга, юқсак инсоний фазилатларни ибратомуз ифодалашга ҳам алоҳида эътибор берган. Бош қаҳрамон Фарҳод — баркамол инсон, оқил, заковатли, енгилмас ботир, вафодор дуст, меҳнатсевар, билимдон ва халқ ҳурматига сазовор бўлган камтарини бир йигитдир Навоий Шопур қиёфасида дўстликнинг ажойиб кучини курсатади. Тўрт ёшидан кўп илм ва ҳунарларни, бир неча тилни ўрганган Фарҳод узининг билими, ҳунарини юрт нафи, халқ фойдаси учун ишлатишга интилади, күёш тафти остида арик очаётган жафокаш халқа ёрдам қўлини чўзади. Меҳинбону ва Ширин юқсак маданиятли, ахлоқли, пок қалбли, иффатли, ўз ватанини севадиган ва заковатли аёллар тимсолидир. Умуман, достондаги барча ижобий тимсоллар номусли, соф виждонли, ҳақиқий ин-

<sup>1</sup> Ҳондамир. Макоримул ахлоқ. Тошкент, УзФАН, 1941, 23-бет.

сонлардир. Достонда Навоий ёвуз кишилариинг ахлоқий чиркинлигини, адолатсизлиги ва қабиҳлигини ҳам тасвиirlайди, зулм ва ноҳақликка, алдамчилик ва фирибгарликка ғазаб-нафрат билан қарайди.

«Лайли ва Мажнун»да ҳам самимий севги, ақл-заковат, садоқат ва матонат мадҳ этилган.

Қайс — Мажнун — шоир, файласуф, ўзида ижобий фазилатларни мужассамлантирган инсон. Лайли эса вафодор, заковатли, пок қалбли қиз. Достонда бир-бирини самимий севган икки ёшнинг саргузаштлари, ғам-ғуссалари тасвиirlанган, ўша даврдаги ҳақсизликлар акс эттирилган.

«Хамса»га киритилган түртинчи достон «Сабъан сайёр» Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган Баҳром Гўр афсонаси асосида яратилган. Унда инсоннинг фаолияти ва кураши, ақл ва идрок кучи, кишиларнинг бир-бирига садоқати, вафодорлиги, самимий дўстлиги, муруввати ва ҳоказолар куйланади. Турли мавзулардаги ҳикояларда илм-ҳунар, ақл ва идрокни жодугарликка, қаллобликка ва ҳақиқий инсоний хислатларни жамият ичидаги энг қабиҳ иллатларга: фирибгарлик, ёлғончилик, тухматчилик, ифвогарликка қарши кўйилади.

Навоий ёш авлоднинг илм-ҳунар ўрганган ва энг яхши фазилатларга эга кишилар бўлишини орзу қилади ва достоннинг тарбиявий қиммати ҳам ана шундадир.

«Хамса»даги сўнгги достон —«Садди Искандарий»да Навоийнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари, таълим-тарбиявий қарашлари ифодаланган. Искандарнинг тарбияси, ўқитувчилари, олимлар ҳақидаги мушоҳадалар, файласуфларнинг машварати, Искандарнинг олимларга саволи ва уларнинг жавоблари баён қилинган.

Навоийнинг дидактикага оид асарларидан энг муҳими юқорида айтилган «Маҳбубул қулуб»дир. Китоб уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда жамиятнинг турли табақалари тўғрисида, иккинчи қисмда ахлоқ ва олижаноб фазилатлар тўғрисида сўз юритилади. Учинчи қисмда эса тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли сўзлар ва мақоллар берилган. Асарда мактабдорлар, мударрислар ҳақида ҳам яхши гаплар айтилган. Унинг «Дабиристон аҳли зикрида» деб аталган 18-фаслида ўқитувчиларнинг фазилатлари ва фаолиятлари таърифланган.

Навоий халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиш тўғрисида ғамхўрлик қилган. Унинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради, тўғри йўл курсатади, болаларни билимли қилади. Мамлакат, халқ учун мактаб ғоят катта аҳамиятга молик:

Бўйлур гум улуғларга мазҳаб йўли.

Чу ёшларга бошланса мактаб йўли.

Маъноси: болалар учун мактаб бўлмаса, катталар ҳам ўз йўлларидан адашадилар.

Демак, халқни маърифатли қилишда мактабнинг роли кат-

тадир. Шунинг учун Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро билан сухбатларида, унга ёзган хатларида маърифат масалаларига оид тадбирларни Эрон ва Туркистонда қуи мактаблар, савод мактабларини Эрон термини билан «Дабиристон» деб аталиб келганини курамиз, бу терминни эронликлар зароастрийлардан олган бўлиши ва бу термин ёзувда ва амалда савод анчагина ривож топган Эрондан Туркистонга ўтган бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.

«Дабиристон» терминини Навоийда жуда оз учратамиз. Унинг бошқа асарларида «мактаб» термини қўлланилади. Мактаб кейинги даврда, яъни VIII асрда ислом дини Марказий Осиёга кириб келиши билан унинг қуролига айланади ва мактабда бериладиган таълим-тарбия ислом динига бўйсундирилади. Мактаб ислом динини аҳолига сингдириш ўчоги ҳисобланади. Мактаблар, асосан, мачитлар ёнида ёки мачит имомининг ховлисисда очилар эди. Мактабда шу мачит қавмларининг болалари ўқир эди.

Мактаб давлат ва дин билан мустаҳкам боғланган эди. Диний муассасалар мактабларни гоявий жихатдан назорат қилилар эдилар. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннахрда қанча мактаб булганлиги маълум эмае. Аммо Ҳамидулло Қазванийнинг «Назхатул қулуб» китобида кўрсатилишича, XII асрда Ҳирот шаҳрининг ўзида 359 та мактаб бўлган. Шунга асосан, XV асрда Ҳиротдаги мактаблар сони бундан кам бўлмаса керак, деб тахмин этиш мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, хонлар, амирлар ва бошқа феодаллар ўз фарзандлари ва сарой атрофидаги амалдорларнинг болалари учун махсус мактаб очар ёки улар учун хусусий муаллим асрар эдилар. Улар мадраса муллаваччалари ёки муллаларидан бирини ўз ҳовлилари ёки саройларига таклиф этар, болаларини ўқитишни амалга ошириш зарурлигини ҳамма вақт уқтиради. У ўзининг ана шундай хатларидан бирида: «Ҳар масжиднинг имомига тайин қиласаларким, ул маҳалла аҳлиниң ўғил ушоғига мактаб тутиб нима ўқитсалар». Навоийнинг бу гапидан очиқ кўринадики, XV асрда Марказий Осиё ва Хуросондаги мактаблар масжидлар ёнида очишлиган ва уларга ўша масжид қавмларининг болалари қатнаган; мактабларни назорат қилиб турувчи давлат органлари бўлмаган, балки мактаблар бевосита шоҳнинг ҳар қайси масжид имомига фармон бериши ёки маҳалла аҳолисининг ташаббуси билан очилган.

Навоий асарларида ўз давридаги мактабларнинг таълим-тарбия ишларини яққол ифодалаган.

Болалар мактабга қабул килингач, ўқитувчи уларга савод ургатиш мақсадида аввало араб алифбеси ёзилган тахтачани берган. Бундай тахтачалар Навоий давригача ва ундан кейин ҳам, ҳатто, эски мактаблар тугатилгунича савод ургатиш учун ягона ўкув қуроли булиб келган.

<sup>1</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестане. Л., 1927. с. 49.

Навоий «лавҳ забаржад» ёки «лавҳ музаххаб» ёки «абжад тоши» деб атаган таҳтачага ҳар бир мактабдор томонидан қамиш қаламда йирик қилиб араб ҳарфларини тартиб билан ёэдирилган. Навоий ибораси билан айтганда, «лавҳ узра сабоқ нигор» қилинарди. Ҳарфларнинг сўзда талафуз этилишини ўргатиш мақсадида таҳтанинг иккинчи томонига, шу ҳарфларда ясалган сўзлар — абжад ёзилган.

Навоийнинг ёзишича, ўша давр мактабларида Қуръондан ташқари, форс-тоҷик адабиётининг забардаст сиймоси Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асрлари ҳам ўқитилган.

Ўша даврдаги ибтидоий таълим мактабларининг баъзиларида Қуръондан бошқа китоблар ўқитилса-да, лекин улардаги таълимнинг мазмуни ислом дини ақидалари билан суғорилган эди. Бундай мактаблар халқнинг саводли ва илмли бўлишида муҳим роль ўйнаган.

Навоий мадраса арабча — ўқув юрти деган маънони билдиришини, бу олий диний мактаб мусулмон дунёси тарихида даставвал Туркистонда будда монастирлари «Вихаралар» таъсири остида пайдо бўлганлигини, XI асрдан бошлаб ислом динини қабул қилган бошқа мамлакатларга ҳам ўтганлигини, бироқ Туркистон ва Эрондагина ўзининг дастлабки ўзига хос белгилари билан сақланиб қолгани ва мустаҳкамланганини баён қилган.

Улуғ шоир мамлакатни ободонлаштиришга, мадрасалар қуришга алоҳида эътибор берди. У Ҳирот шаҳридаги «Инжил» наҳри бўйинга нихоятда чиройли «Ихлосия» мадрасасини қурдирган. Үнга ном қўйилиши ҳақида бундай дейди: «Бу мадраса ким улуси ихлосдин ясалди, «Ихлосия» от қўйилди. Навоий чин ихлос билан қурилган бу мадрасани ўша замоннинг энг намунали ўқув масканига айлантириш учун маблағни аямай, маҳсус вақф мулки белгилаган. Ўз мадрасасидаги ўқувчиларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришга ҳаракат қилган.

Мадрасадаги ўқув ишларига бош мударрис раҳбарлик қилган, хўжалик ишларини эса мутавалли олиб борган.

Ўша даврда мадрасалардаги ўқиши муддати муайян бўлмаган, ўқиш ҳатто 20 йилгacha ҳам чўзилган. Мадрасага ўқиш ва ёзиши, дин қондаларини билган, диний китобларни бемалол мутолаа қила оладиган кишиларгина олинган.

Илмга иштиёқманд ўшлар ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, мадрасаларда таълим олишга ҳаракат қилган. Навоий «Ҳайратул аброр» асарининг II мақолатида бир илм толибининг катта умидлар билан ўз шаҳридан иулга чиқиб, бошидан кечирган кулфат ва машаққатларини тасвирлайди. Навоий ўша одамнинг саргузаштини ўзи «Самарқандга келганидан сунг дастлабки пайтлардаги саргузашти таассуротида ёзган бўлса керак<sup>1</sup>. Лекин мазкур саргузашт ўша даврдаги илм толиблари учун жуда характерлидир:

<sup>1</sup> Абдуллаев В. Алишер Самарқандда. «Улуғ ӯзбек шоири». Тошкент, 1948, 83-бет.

*Зулм дурур ушбуки бир нотавон,  
Илм тилаб шаҳридин ўлғай равон.  
Эгнида авроқу китоби анинг,  
Қилгали таҳсил шитоби анинг.*

Навоий замонида ҳалқ илм ва ҳунар ўрганишни истар, лекин ҳалқнинг бу истагини амалга ошириш учун хизмат қиласидан таълимий муассасалар оз эди. Мавжуд мактаб, мадрасалар эса талабга мутлақо жавоб берга олмасди.

Илмга ҳавас қўйган, ҳунар ўрганишни хоҳлаган ёшлар давлат томонидан ҳеч қандай мадад берилмаслиги ва ўқув юртлари ўз мақсадларини амалга оширишга имкон бермаслиги сабабли мамлакатдаги маърифатларвар кишилар ёрдамида ўз ҳолларича илм олишга, ҳунар ўрганишга киришардилар ёки мустақил ҳолда билим олардилар.

Навоий даврида шогирдлик йўли билан илм, ҳунар ва санъат ўрганиш анча кенг тарқалган эди. Шогирдлар ўша даврдаги фан ва санъат мутахассисларидан табиб, кимёгар, шоир, санъаткор, ҳунарманд, хаттор, меъмор ва шу кабилардан илм ёки ҳунар ўрганардилар. Ҳунар-санъат усталарининг шогирдлари, айниқса, кўп бўлар эди.

Ҳунар-санъат ўрганиш учун келган ёшларнинг камол топишими атайлаб кечикирадиган устозлар уларни ўз манфаатлари йўлида ишлатар, ёшлар эса кўп йиллаб «устоз» эшигига хизмат қилиб юрар эдилар. Бундан ташқари, руҳонийлар шогирдлик йўли билан таълим олишни, билимларни бевосита ўрганишга боғлаб қўярдилар. Дунёвий билимларни ўқитишига иккинчи даражали иш деб қараларди. Навоий эса таълим ва тарбияни, илм ўрганишни бевосита ҳаёт билан, дунёвий юмушлар билан боғлаб олиб боришининг тарафдори эди. Буни мутафаккир асарларидаги кўплаб далиллар ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, Навоий туркий, яъни она тилини ўргатишга ҳам алоҳида эътибор берди.

Алишер Навоий — мутафаккир тилшунос. Унинг «Муҳокаматул луғатайн» ва «Лисонут тайр» асарларида туркий ҳалқлар тилининг маънавий бойлиги қўйидагича таърифланади:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Бунда Навоийнинг туркий ҳалқларнинг янги ва юксак маънавий бирлиги ҳақидаги фикр ифодаланган. Навоий аждодлар тилини ҳурматлашга чорлайди. У она тили инсон руҳи ҳамда тафаккурида «Ўн саккиз минг» оламдан ортиқ мислсиз бир олам юзага келтиришини ва ундаги гўзаллик, фикрий қувват, ўтли оҳанглар бошқа ҳеч жойда учрамаслигини таъкидлаган эди.

Навоий ёш авлодга тилни тулиқ ўргатилса, уни акси уларни сўзлаш одобида ўз аксини топади деган эди, — «Ҳайратул аборр» асарида. Шу тариқа таълим-тарбия жараёни, муаллим-

ларнинг баркамоллиги ёш авлодга ўз она тилининг сеҳрли жо-  
збасини ўргатишга қаратилиши лозим.

Эски мактабларда ўқитган домлаларнинг билими ғоят чек-  
ланган, улар таълим-тарбиядан мутлақо хабарсиз, лекин диний  
билимлари етарли бўлмаса ҳам, диний расм-руссумларни бажа-  
ришга моҳир, руҳонийларга, феодалларга, амалдорларга таъ-  
зимкор ва давлатга садоқатли кишилар бўлган. Бундай муал-  
лимларнинг вазифаси кўпинча маҳалла масжидида имомлик  
ёки сўфийлик қилиш, мактаб жойлашган маҳалладаги ҳар хил  
диний маросимлар ва урф-одатларда қатнашишдан иборат эди.  
Улар ўқитишида асосан турли хил тан жазоси бериш усулини  
қўллаган. Шунинг учун ҳам Навоий ўз давридаги мактабдор-  
ларни баҳолашда айримларни бундай таърифлайди: «Мактаб  
тутувчи — гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир... У ёш  
болаларни азоблашга рағбатлантирган, уларни калтаклашга  
ўргатган, ўзи раҳмсиз, мияси пўлат ва кўнгли тошдир. Ғазаби-  
дан қоши чимирилган, гуноҳсизларга аччиқланишга одатлан-  
гандир. Уларнинг кўпчилигида кўнгли қаттиқлиги ва тамаъ  
касаллиги ошкор ва ўzlари ақл камлигига гирифтор»<sup>1</sup>.

Навоийнинг муаллимларга берган бу тавсифи уларнинг ҳа-  
қиқий қиёфасини очиб беради. Улар ғоят раҳмсиз, бағритош,  
башараларидан доим заҳар томиб турадиган кишилар бўлган.  
Улар болаларни нуқул қўрқитув ва калтаклаш йўли билан  
ўқитганлар.

Ўша даврдаги муаллимлар болаларни калтаклаш, ўқитиши-  
нинг зарур шарти деб ҳисоблаганлар, калтаклаш жазосисиз  
ўқитишини хаёлларига ҳам келтирмаганлар, улар болани урма-  
са-сўкмаса, у одам бўлмайди, деб ўйлаганлар. Калтакнинг кучи  
шу қадар зўрки, ҳатто, унинг зарбидан айиқ ҳам мулла бўлади.  
«Ҳирс мулла шавад аз зарби чўб» деган фикрга риоя қилган-  
лар. Нодон, жоҳил ва мутаассиб тарбиячилар қўлига тушган  
ўқувчилар кўп азоб-уқубатларга гирифтор бўларди. Муаллим-  
лар ўzlарининг жоҳилона усуслари билан болалар қалбига  
шикарет етказар, баъзан уларнинг қобилиятини ёш чоғларидা-  
ёқ сўндириб қўярдилар ва шунинг учун бу мактабларда ўқиб  
мукаммал билим олишга камдан-кам бола мұяссар бўлар эди.  
Кўпчилик болалар ўқишининг биринчи ва иккинчи йилларидаёқ  
таёқнинг зарбига бардош беролмай қочиб кетар, натижада  
ахоли савод ва маърифатдан маҳрум булиб қолганди.

Мактаблар учун маҳсус ўқитувчилар тайёрлаш, мавжуд ўқи-  
тувчиларнинг савиясини ошириш, ўқитиши усусларини яхшилаш  
масалалари билан ҳеч ким қизиқмаган ва бу ишлар билан  
шуғулланадиган муассаса ҳам бўлмаган. Устозларнинг ўzlари  
фақат мактабларда ўқитиладиган китоблар даражасидаги би-  
лимга эга бўлардилар. Муаллимлар билан мамлакатда халқни  
маърифатли қилиш амри маҳол эди, албатта.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб. Тошкент, 1939, 30-бет.

Навоий ана шуларнинг ҳаммасини билар, лекин у мактаблардаги ўқув-тарбия ишларини яхшилаш масаласини ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгаририш ва халқнинг иқтисадий аҳволини яхшилаш йўли билан эмас, балки мактабларга билимлироқ, инсофлироқ домлалар тайинлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин, деб тушунарди. Шунинг учун у ўзининг амалий ишларида ҳам, бадиий ва илмий асарларида ҳам фақат ўқитувчи қандай бўлиши кераклиги масаласига алоҳида эътибор берган. Навоийнинг фикрича, болаларга тарбия ва таълим берадиган киши маълумотли ва ўқитиш йўлларини биладиган бўлиши лозим эди.

Алишер Навоий Қайс билан Лайленинг домласини шундай таърифлайди: «У устоднинг дарс беришда шуҳрати жуда кетген эди. У ажойиб киши қабилада иззат-ҳурматли булиб, ҳар ишда қабила аҳлига ёрдамлашгувчи ҳам эди. Зур шаъни-шавкатга эга, мартабасининг юксаклиги кўкка тенг бир шахс эди»<sup>1</sup>.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, Навоий ёш авлодни тарбиялаш-ўқитиш ишини ҳар қандай тасодифий кишига топширишни қоралаган. У ўқитувчига энг юксак талаблар қўйган. Болани тарбиялаш ва унга илм бериш, унинг қобилиятини ўстириш учун ниҳоятда билимдон ва уста тарбиячи бўлиши кераклигини, болаларга таълим-тарбия берадиган ўқитувчилар ёшларга илм, одоб ўргатиш маҳоратига эга бўлиши, ўқитиш йўлларини яхши билиши лозим ва зарурлигини уқтирган.

Давлатимиз мустақилликка эришган ҳозирги даврда буюк бобомиз Навоий меросини ёш авлодга чуқур ўргатишимиш зарур. Зероки, у ўз асарларида миллий ифтихор, халққа, она тилига, Ватанга меҳр-муҳаббат билан қараш ғояларини тарғиб қилган. Улуғ мутафаккир ёшларни эл-юргатиши мурабба, оғизи-кишилар бўлиб етишиши учун сабот ва матонат билан билим эгаллашга, касб ўрганишга, эгаллаган илм ва ҳунарини ватан учун, халққа наф келтириш учун ҳаётга татбиқ эта билишга даъват қилган. Навоий асарларида мадҳ этилган халқлар дўстлиги, тинч-тотув яшаш учун кураш, камтарлик, меҳрибонлик, очиқкунгиллилик, ширинсуханлик, саховатпешалик, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, устозга иззат каби фазилатлар ҳамиша халқимизга тетик руҳ ва қувват бахш этаверади.

### Мустақил иш.

Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарини ўқиб ундан мактаб, муаллим ва ўқитиш усуслари ҳақидаги ўринларини билинг.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. 1960, 170- бет.

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Бобур ота томонидан Амир Темурнинг, она томонидан Чингизхоннинг авлодидир. Унинг томирида Марказий Осиёдаги иккى буюк фотихнинг қони оққан.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилда отаси Мирзо Умар Шайх ҳукмронлик қилган Фарғонада туғилган. 11 ёшида отадан етим қолган. У «Бобурнома» китобининг илк сатрларида шундай ёзган: «... сарвари қоинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сесланба куни рамазон ойининг бошида тарих секкиз юз тўқсон тўққузда, яъни 1494 йил июнида Фарғона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим».

Бобур ёшлик чоғлариданоқ жуда кўп мушкуллик ва қийинчиликларни бошидан кечиришга мажбур бўлган. Узининг бобо мерос мулки ҳисобланмиш Самарқандни икки марта забт этган ва икки мартасида ҳам қўлдан берган. Ниҳоят, у йигирма бир ёшида ота юртини тарқ этиб, Ҳиндикуш оша Қобулни ишғол қилган. 1511 йилда Бобур Самарқандни қайтариб олишга яна бир бор уринган. Бу гал ғалаба нашъасини сурган бўлса ҳам, келгуси йилдаёқ Самарқандни қўлидан чиқарган. Шу тариқа Бобур Самарқандни уч карра забт этиб, уч карра бой берган.

Бобур Ҳиндистонда йирик давлат тузган ва ўзи подшоҳ бўлиб, Жамна Ямуна дарёси бўйидаги Агра шаҳрида пойтахт қурган.

Бобур 1530 йил кузида қаттиқ хасталаниб, подшоликни катта ўғли Ҳумоюнга топширган ва 26 декабрда ўз қароргоҳида вафот этган.

Бобур ажойиб саркардалиги билан бирга маърифатпарвар шоҳ ва нозик дидли шоир ҳам бўлган. У ўз асарларида гўзалликни куйлаган, инсонларни яхшилик қилишга, ҳунар, илм-фани ўрганишга даъват этган.

Бобур асарларининг мавзуси ранг-баранг бўлиб, уларда инсоннинг маънавий қиёфаси, илм-фанинг фойдаси, муҳаббат, яхшилик ва ёмонлик тасвирланган. У яратган «Хатти Бобурий» асари араб ёзувини осонлаштиришга қаратилган. Бобур араб ҳарфларининг ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар зол-забар ўрнига ҳарфлар киритишини таклиф қилган. Буюк адид ҳалқни осонроқ саводли қилиш йўлини излаб яратган мазқур алифбо амалга ошмади. Чунки уни исломга шак келтириш билан баробар деб ҳисобланди.

Бобур Ҳиндистонда маданият ва маърифат ўрнатди. У жуда эрта ҳаётдан кўз юмган бўлса-да ўзининг ишлари билан «Бобурнома» деб аталган асари билан тарихда унтуилмас ном қозонди.

«Бобурнома» асосан Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатини барпо этган шоҳ Бобурнинг таржимаи ҳоли бўлиб, унда муаллиф оддий ва жонли тил билан ўзининг йўл қўйган хатоларини, қозонган ғалabalарини, юксак орзу-умидларини, тушкунлик

ҳолатларини ҳикоя қилган. Асар Авлиә Августино ва Руссонинг кашфиётлари, Гибон ва Ньютоннинг ёдномалари қаторидан ўрин олган. Мазкур китоб умри давомида кўпдан-кўп юксалишлар ва таназзулларни бошидан кечирган инсоннинг ибратли тарихидирки, унинг юксалишлари қанчалик сарбаланд бўлса, таназзуллари шунчалик тубсиздир.

Бобур қирқ етти йилу ўн ой умр кўрган бўлса, «Бобурнома» унинг ҳаётидан атиги ўн саккиз йилини қамраган. Китоб Бобурнинг ўз қули билан туркий тилда ёзилган. Унда Бобур ижодиётида таълим-тарбия, одоб-ахлоқ масалалари кенг ўрин олган. Бир асарида:

*Хулқингни рост қилғил ҳар соригаки борсанг,  
Ахсанта дер бари эл гар яхши от чиқарсанг,—*

деб ёзган Бобурнинг ўзи умр бўйи ана шу гапига риоя қилган. Кўп ғазалларида ахлоқнинг барча нормаларига риоя қилиш кераклигини ва шундагина киши эл ҳурматига, катта баҳтга сазовор бўлишини уқтирган. Инсонларга ҳурматни, меҳр-оқибат ва бошқа эзгу фазилатларни доимо улуғлаган. Қуйидаги рубойи Бобурнинг камтарлигидан, фикр-мулоҳазалилигидан далолат беради:

*Эй, ел, бориб аҳбобқа номимни дегил,  
Ҳар ким мени билса, бу қаломимни дегил.  
Мендин демагил, гар унутилган бўлсам,  
Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил.*

Бобур шеърларида ҳақиқий, баркамол инсон тимсоли мадҳ этилади, улуғланади. Энг аввало, инсоннинг қадр-қимматини юкори тутиш, амал ва давлатга эришиб фуурланмаслик, камтаринлик каби хислатлар тарғиб этилади. Бобур таълим-тарбия ҳақидаги ғояларини ўзининг «Бобурнома», «Мубаййан», «Рисолай волидия» каби асарларида баён этган.

Бобур инсон камолотининг биринчи остинаси оила эканлигини уқтириб, у жараён ниҳоятда кийин ва мураккаблигини ҳис этган эди. Болаларнинг ахлоқ-одоб қоидаларини урганиши кўп жиҳатдан атрофдаги шахсларга боғлиқлигини яхши билган Бобур ўз фарзандларини тарбиялашда тадбиркор, билимдоп одамлар билан маслаҳатлашиб, тажрибали фозил ва тарбия кўрган кишилар билан кенгашиб иш тутган. У узининг «Эътиқодийя» асарида болаларни ёшлиқдан бошлаб эътиқодли, имонли қилиб тарбиялаш масалаларига эътибор берган. Фарзанддаги баҳт-саодат келтирувчи бош фазилат иймонидир, деб бундай ёзган эди:

*Бобур, аввалига фарз қил таъриф  
Ким, бор инсонга аввал ул таклиф.  
Будир — иймон мен айтгайин, эшигине,  
Ҳарна дер — мен, ани кўнгулга битинг...*

У фарзанд тарбиясида құлланиши лозим бўлган усуулар деб:

1. Ота-онани фармони фарзанд учун вожиблиги.
2. Барча инсонларга яқинлигини ўргатиш.
3. Ҳар бир пайтда ўзингизни ибрат айлаб кўрсатиш.
4. Мустақиллик, қатъийлик ва уддабуронлик учун болага доимий талабларни қўйиш ва унинг ижросини кузатиш. Унинг бу иш услубини ўғли Ҳумоюнга қилган насиҳатида кўрса бўлади. У ўғли Ҳумоюнга доимо ақл-заковат ва билимга таяниб ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлаган: «..Яна улуғ иш устига борасен, иш кўрган, рай ва тадбирлиқ беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсан. Агар мени ризомни тиларсен, хилватнишилиқни ва эл била кам ихтилотлиқни бартараф қилгил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрига қўймай қошинга чорлаб, маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлат ҳалқларининг иттифоқи билан ҳар сўз унга қарор бергайсен»<sup>1</sup>.

Бобур фарзанди Ҳумоюннинг камчиликларини кўрган заҳоти уларни тузатиш учун огоҳлантирган. Унга ёзган мактубида: «Хатингни худ ташвиш бирла ўқуса бўладур, vale асрү муфлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас... Бундин нари бетакаллув ва равшан ва пок алфоз била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғонга»,— деб таъкидлаган.

Бобур шеърларида инсон камолоти учун илмнинг нақадар зарурлиги қайта-қайга уқтирилган:

Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ургангали илм толиби илм керак.  
Мен толибу илму толиби илм йўқ,  
Мен бор мен илм толиби илм керак.

Бобур илм толиблари «ҳамиша юксак фазилатларга эга бўлиши лозим» деб ҳисоблаган, уларнинг камтар, софдил, ҳалқни ҳурматлайдиган фазилатларга эга бўлишини истаган:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Бобурнинг таълим-тарбиявий қарашларидаги бош масала ватанга чексиз муҳаббатdir. Унинг шу мавзудаги шеърлари китобхонни она-Ватанни севишга, унга фидойи, содиқ бўлишга, ўз ҳалқига хизмат қилишга чорлайди, ўқувчининг қалбида юксак инсонпарварлик туйгуларини уйготади:

Толе йўқ жонимға балолиг бўлди,  
Ҳар ишини қилдим ҳатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйоб ҳинд сори юзландим.  
Ёраб, нетайин, не юзи қаролиг бўлди.  
Қўпдин бериким ёру диёрим йўқтурс,

<sup>1</sup> Бобурнома, 421- бет.

*Бир лаҳзау бир нафас қарорум йўқтур.  
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла  
Лек боруримда ихтиёрим йўқдур.*

Бобур таълим-тарбияга доир ғояларини ўз бошидан кечирган, кўрган ва билган воқеалардан хулосалайди. У ўз замонасидағи бадхулқ, бемеҳр уқубатсиз инсонларга қарата шундай ёзган эди:

*Қолмади ҳурмат аҳли оламда,  
Оlamу олам аҳлидин бу илик.  
Бобур икки подшоҳлигидин,  
Яхшироқ бу заминда бир беклик.*

Бобур ҳамма вақт ижобий инсоний фазилатларни юксак қўяди. Лекин шу инсонларга халақит берувчи салбий сифатларни у ўзининг маснавий ва рубоийларида танқид қиласди:

*Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзингни асрү тутма...  
Бекайд мену хароби сим эрмасмен...  
Ҳам мол йигиштирур лаим эрмасмен.*

Бобур рубоийларида нафс ҳоҳишлирига берилмасликка ундейди. Чунки нафс инсонни ёмон йўлларга олиб киради. Ўз нафсини тия олиши, ақлга асосланиб режали иш олиб бориш зарурлигини таъкидлайди:

*Нафсинг касби дур ҳавою ҳавас,  
Руҳ олдида дадир булар ярамас.  
Нафс душман дурур, яқин билгил,  
Дўстим бу сўзни чин билгил.*

Бобур ёш авлодни тўғрилик, меҳрибонлик, вафодорлик, эзгулик ҳамда яхши киши яхшилик куради, ёмон киши ёмонлик куради қондасига асосланиб шундай ёзган эди:

*Ҳар кимки вафо қиласа, вафо топқусидир.  
Ҳар кимки жафо қиласа, жафо топқусидир.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.*

Бобур табиатдаги муъжиза ва гузалликнинг шайдоси эди. Бобур ўз ватанини чуқур билганлиги сабабли ҳандаса илмига жуда катта янгиликлар киритди. У ўнлаб ҳайвонларни ўрганиб фойда-зиённи, инсон парваришига муҳтоҷлигини алоҳида уқтириди ҳамда уларни тавсифлаб берди. Қуруқликтаги ҳайвонлар, сув ва сув ёқаларида яшайдиган қушлар, сув ҳайвонлари, ҳатто дараҳтлар, мевалар ва гулларни табиатшуносларга хос илмий асослаб берган.

Бобур ўзининг буюк асари «Бобурнома»да Ватанинг табиати ва иқлимини чуқур билганлигини намойиш этган. Асарни

ўқир эканмиз, унда Мовароуинаҳр, Хурсон ва Ҳиндистоннинг ранг-баранг табиати, жойлашиши, ҳайвонот олами ғоятда мукаммал тасвирланганлигини курасиз. Мемуар китобхонга ўзбек, тоҷик, афғон, ҳинд ва бошқа ҳалқларнинг қасб-кори, урфодати, маданияти, дини, адабиёти оғзаки ижоди, турли-туман расм-руссумлари, ҳатто турмуш тарзи хусусида кенг маълумот беради: уни турли ҳалқларнинг эътиқодига, табиатига меҳр билан қараашга чорлайди. Китобдаги маълумотлар муаллифнинг буюк донишманд, маърифатпарвар, ҳалқсевар ҳамда ватанпарвар инсон бўлганини яна бир карра тасдиқлайди.

Э. Хемингуэй Бобур ижодини ўрганиб шундай деган эди: «...У туғилишдаёқ барча билимлар билан қуролланиб, доно бўлиб туғилгандек кўринади, чунки одий одам умрбўйи уриниб эгаллайдиган доноликларни ҳақиқий истеъдод гоҳо кўз очиб юмгунча тез эгаллайди. Бобур дид даражаси, талантининг кучи ва имкониятлари жиҳатидан ана шундай санъаткорлар тоифасига киради.»

### Мустақил иш.

«Бобурнома» асарини ўрганиш.

#### В БОБ. ТУРКИСТОННИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ ДАВРИДА МАКТАБ ВА ПЕДАГОГИҚ ФИКРЛАР

Марказий Осиёни Россияга қарам қилиш ғояси Петр I дан бошланган эди. 1712 йилдан Россия империя деб эълон қилинди. Империя бошқа давлатларни босиб олиб, ўз қоматини ростлаш эвазига бўлди. Унда 81 губерна, 20 вилоят, 931 шаҳар мавжуд бўлиб, уларда 100 дан ортиқ ҳалқлар, элатлар истикомат қиласиди. Шулардан 57 фоизини рус миллати ташкил қиласиди<sup>1</sup>.

Петр I вафотидан сунг Екатерина ҳукумати Марказий Осиё билан алоқани янада мустаҳкамлади. Бухоро амири Шоҳмурод Эрназарнинг Петербургга элчи қилиб юборилишидан ҳабардор бўлган Екатерина элчи шарафига Эрназар элчи мадрасаси қурилиши учун 134 минг сўм пул ажратган.

Николай II таҳтга ўтиргач, тезлик билан Марказий Осиёни ўзига бўйсундиришга интилди. Шундай қилиб, XIX асрнинг 60-йиллари бошида Чор Россияси Марказий Осиёни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлиди. 1864 йил бошида Верний (Алмати) қалъасидан чиққан 2500 кишилик Черняев аскарлари 4 июнь куни Авлиёта, сўнгра Туркистон шаҳарларини эгаллаб, бири Самарқандда, бири Туркистонда бўлган Амир Темур ва Яссавий мақбаратарини тўпга тутди. Чимкент, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари эса Русия билан тузилган битимга имзо чекиб, унга бўйсунди. Шу тариқа 1876 йилда бутун Марказий Осиё Россия тасарруфига ўтади.

<sup>1</sup> Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. Тошкент. «Нур» нашриёти. 1902, 5-бет.

Марказий Осиёда Руслар ҳукмдорлиги бошланиши билан халқ ўзининг миллый мероси, қадрияти ва ғуруридан маҳрум була бошлади. Туркистон генерал губернатори фон Кауфман императорга йўллаган бир мактубида Марказий Осиё халқларининг маданий-ижтиёмий тараққиёти уч юз йил орқага суреб юборилганини мақтаниб ёзган эди. Инқолобдан олдин масжид ва мадрасалардаги китоблар, ноёб қўулланмалар ёндириб ташланди, бир қисми Петербургга олиб кетилди. Шуни таъкидлаша керакки, ўша даврда таниқли олимлар раҳнамолигида этнография, тарихий ва археологик экспедициялар уюштирилди, музей, кутубхоналар ташкил этилди. Марказий Осиёда дунёвий билимларни тарқатиш мақсадида мактаблар ташкил этилди. Қатор забардаст олим, шоир ва маърифатпарварлар халқнинг руҳиятини кутариш учун унга мурожаат қилдилар. Чунончи, аллома А. Фитрат халққа қарата: «Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдур! Эй Темурларнинг, Ўғузларнинг оиласарининг шонли болалари! Қуллик чуқурларига недан тушдинг!» қабилидаги жанговар сатрларни хитоб қилганди.

Она Туркистонни мустамлакачилик зулмидан қутқариш маърифатпарварларнинг ижодий шиорига айланди. Муқимий, Фитрат, Аваз, Анбар отин, Дилшода Барно, Аҳмад Дониш, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат каби маърифатчилар ана шулар жумласидандир. Чор Россияси босиб олгунига қадар Марказий Осиёда қўйидагича мактаблар бўлган эди:

1. **Бошланғич диний мактаблари** (халқ болалари учун) Туркистонда кенг тарқалган мактаблардан бири бошланғич диний мактаб эди.

Шаҳар мактабларида ўқувчилар сони 20—30 тага, қишлоқ жойларида эса 10—15 тага етар эди. Ўқишига 6 ёшдан қабул қилиниб, 14 ёшда, болаларнинг ўзлаштиришига қараб 17—18 ёшларда ҳам тугатар эди. Оталар болаларни мактабга олиб келганда «Суяги бизники, эти сизники, яхши билимли бўлса бас» деб мактаб раҳбарларига мурожаат қиласар эдилар. Тальим мазмунида қўйилаги предметлар қўйилган эди:

Алифбе, Ҳафтияқ (2—3 йил ўқитилар эди) «Чор китоб», Суфи Оллоёр ҳамда Қуръони карим эди. Тарбиявий тадбирлар ҳадис ҳамда Қуръони каримдаги ғояларга асосланар эди.

2. **Қизлар мактаби**: қизлар мактаби отин-билилар хонадонларида ташкил қилинар эди. Қизлар мактабида аёлга хос ҳаёе, инфат, одоб ва юксак аёллик сифатлари шакллантирилар эди.

Отин билилар қўлида тарбияланган қизлар оиласавий ҳаётга мукаммал тайёрланар эди. Ёзиш санъати чуқурроқ мукаммал ўрганилар эди. Қолган таълим мазмуни эса ўғил болалар мактаби билан бир хил эди.

3. **Корхоналар** — корхона интернат шаклидаги мактаб бўлиб, унда турли ёшдаги кўзи ожиз болалар таълим-тарбия олар

А. Фитрат. Юрт қайғуси. «Ҳуррият» газетаси. 1917 йил, 28 июль.

эдилар. Таълим мазмунида асосан Қуръони каримни ёд олиш, Қуръони каримдаги сура ва оятларни халқ оммасига ўқиб бериш эди. 1882 йили Фарғонадаги бу мактабларда 252 талаба таълим олди.

4. **Далаилхона** — катталар мактаби бўлиб, талабалар домла раҳбарлигига араб тилини ўрганар эдилар. Бу мактаб учун асосий дарслер «Далаили-ҳайрат» (Муҳаммад пайғамбар ҳақида ёзилган тўплам) ҳисобланарди. Бу тўпламни ўқиш муддати бир йил эди. Аммо бундай мактаб жуда кам тарқалганди. Жумладан, Тошкентда 4—5 та, Фарғонада 2 та, Андижонда ҳам 2 та шундай мактаб мавжуд эди. Бу мактабни битириб чиқканларга маддиҳлар унвони берилар эди. Маддиҳ кўчаларда, базмларда, жамоатчилик жойларда ислом динини тарғиб ва ташвиқот қиласар эдилар.

5. **Мадраса** — олий маълумот берувчи мактаб эди. Мадрасалар асосан Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларида қурилган эди. 1420 йили Самарқандда Улуғбек мадрасаси, 1618 йили Шердор, 1646 йили Тиллакори, 1590 йили Тошкентда Қўкаaldoш мадрасалари қурилган эди. Булардан ташқари, амирлик даврида Қўқонда 34 та, Марғилонда 25 та, Самарқандда 22 та, Андижонда 18 та, Наманганда 14 та, Тошкентда 14 та, Хожикентда 10 та мадрасалар фаолият курсатиб турарди. Мадрасаларнинг таълим мазмунидаги асосий предметлари:

Шамсия (логика—мантиқ), Ақоид (ислом динига доир масалалар), «Мантиқ Таҳзиб»—грек фалсафаси бўлиб, араб тилида ёзилган эди.

Шариат — ҳуқуқ, «Аввали-илем» (илмнинг бошланиши, араб грамматикаси, математика кабилар).

Мадрасада инсон камолотининг сир-асорларини ўргатувчи китоб «Химия баҳти» XI асрда Ал-Фазоли томонидан ёзилганда кенг фойдаланилар эди. Бу китобда болани тарбиялашдаги педагогик маҳорат, ёшига қараб тарбиялаш масалалари чуқур ёритилган. Бу китоб орқали бўлажак мактаб домлалари педагогик билим ва малакага эга бўлар эдилар. Мадрасалардаги таълим-тарбия ишлари кўпроқ мустақил ишлашга тайёрлар эди. Муллаваччалар учун ажратилган ҳужра (якка яшашга мослашган хона) уларни мустақил ишлашдаги дастлабки шартшароит эди. Мадрасани тутагтганлар ўз билимларини ошириши мақсадида Бухоро, Қўқон, Туркия ва араб давлатларида таҳсил олар эдилар. Ана шу хилдаги мактаблардан иборат таълим тизими асосан мусулмонларнинг фарзандлари учун хизмат қиласар эди. Чор Россияси раҳбарлари халқни руслаштириш мақсадида турли типдаги янги мактабларни очишга мажбур қилди: 1871 йилда Сайд Азимбий Муҳаммадбоев, Кауфман номига янги ташкил қилган мактаби ҳақида маъруза ёзди. Унда бу мактабда фойдали билимлар ўқитилишини, унинг дастуринда биринчи ўринда рус тили ва грамматикасини ўрганилиши, ўзбек тилидаги дарслар рус алифбоси асосида олиб борилиши таъкидланган эди.

Сайд Азимбай мактабдаги ўқитиш мазмунига қуйидаги фанларни киритишни ҳам зарур деб ҳисоблади: Шариат, арифметика ва меҳнат (хунармандчилик кабилар). Ниҳоят, бундай мактаб 6 йилдан сўнг Тошкентда очилган эди.

В. П. Наливкин 1884 йилда Марказий Осиё бўйича биринчи рус-тузем мактабини очди. У Сирдарё губернасидағи 6 ойлик назоратчилик фаолиятида мадрасаларнинг ўқув режаларига рус тилини ҳам киритишга ҳаракат қилди.

1884 йили февраль ойида губернатор Розенбахнинг қилган маърузасида Туркистон маорифи тараққиётига доир қуйидаги маълумотлар берилган эди: 20 йиллик Чор Россиясининг ҳукмронлиги даврида мусулмон мактабларининг сони 4 мингга етиб, унда 40 минг бола таълим олар эди. Маҳаллӣй миллат болаларининг 600 таси мусулмон мактабларида, 86404 таси рус-тузем мактабларида ўқир эдилар.

Бу мактабларда ўқитиш тартиби жуда оғир бўлиб, ундаги асосий камчиликлар:

1. Шахар мактабларидаги ўқув дастурларининг ҳаддан ташқари кенглиги.

2. Бошланғич маълумот фақатгина рус тилида олиб борилиши, она тилида жуда оз маълумот берилиши.

3. Ўқитувчиларнинг рус тилини билмасликлари. Шу сабабли Кўқонда ва Намангандга бу мактабларни ёпишга рухсат берилди.

Россия раҳбарлари Н. И. Ильминскийнинг Повольже үлка-сидаги миссионерлар тайёрлаш учун монастр қошида ташкил қилган мактаб тажрибасини туркӣ ҳалқлар ўртасида ҳам амалга ошириш зарур деб ҳисобладилар. Н. И. Ильминский дастлаб қозоқ ҳамда қирғизларни ўқитишдан бошлади. Унинг мақсади: 1) ўқитиш — қозоқ, қирғиз тилида ўқитилса-да, таълим мазмунида ҳалқини улуғловчи ғояларини тарғиб қилиш; 2) юқори босқич синфларда қозоқ ва қирғиз болаларига рус маданиятини ўргатиш; 3) қирғиз, қозоқ ўғил болалари учун пансионлар очиб, уларга рус тилини мукаммал ўргатишдан иборат эди. Н. И. Ильминский ўзининг педагогик ғояларини ташвиқ қилиш ва амалга ошириш учун Туркистон үлкасига Н. П. Остроумовни юборди ва у Ильминскийнинг ғояларини ҳимоя қилди. Хусусан, диний мактабларда Россияга қарши ҳаракатларнинг олди олини

1896 йил 1 январда Туркистон үлкасида 1 та ўғил болалар гимназияси, 1 та аёллар гимназияси, 1 та реал ўқув юрти, 1 та ўқитувчилар, 28 та рус-тузем мактаби, 2 та хусусий билим юрти мавжуд эди. Мана шу мактабларда асосан рус болалари ўқир, маҳаллӣй миллатларнинг болалари рус-тузем мактабларидаги на таълим оларди. Үлкада асосий диққат-эътибор рус тилини ўқитишга қаратилганди. Мактабларнинг ўқув режаларида рус тилини ўқитишга катта аҳамият берилган эди.

Исмоилбек Фаспирали, М. Беҳбудий, Исҳоқҳон Ибрат, Фитрат каби бир гуруҳ маърифат дарғалари маҳаллӣй миллат

Фарзандлари учун янги усул мактабларини ташкил қилдилар. Сұнгра Абдуқодир Шакурий, Ҳамза, Саидрасул Азизий, Абдулла Авлонийлар бу мактабларни такомиллаштирудилар. Ұша даврда қатор маърифатпарвар шоирлар ва тарихчи олимлар мажбуран рус маданиятини кенг тарғиб қила бошладилар. Аллома Сатторхон Абдулғафуров үзининг Россия истилосига қадар Құқон хонлигининг ички аҳволи ҳақидағи қисқа очеркини рус тилида ёзған эди. Асар рус шарқшунослари учун Туркестоннинг тарихий тараққиётини үрганишга катта имконият туғдиди.

Фурқат маърифатчилек ҳаракатларини ёритишга бағишлилаб «Гимназия» шеърини, Завқий эса, «Қулоқ солинг ёронлар» асарини ёзиб, маҳаллий халқларни үзга халқлар билан дүстлашишга ва уларга ҳаммаслак бўлишга чақирилар.

Чор Россияси босиб олган шаҳарларидан бири Бухорода 365 масжид, 103 мадраса бор эди. Үқув-тарбия ишлари ислом динига асосланган булиб, дунёвий билимлар чекланган ҳолда ўқитиларди. Халқ орасида адолат учун курашган маърифатпарварлардан бири Аҳмад Дониш бўлди.

**Аҳмад Дониш** 1827 йилда Бухорода туғилди. Унинг отаси Носир Бухородаги кичик мадрасалардан бирида дарс берарди. Дониш 6—7 ёшларида ўқиш-ёзишни үрганиб олди. Унинг онаси ўқимишли аёл бўлгани учун ҳам ўғлининг саводини чиқаришга ҳаракат қилди.

Аҳмад 9 ёшида мактабга кирди, мактабни битириб қори бўлиши керак эди. Бироқ қорилик унга ёқмади, «маъносини тушунмай ёдлашни» жуда ёмон кўриб қолди. Шунинг учун ҳар куни дарсдан сўнг тариххонлар олдига бориб, Шарқ халқлари тарихига оид хикояларни қунт билан эшиштар эди.

Аҳмад мактабда 3 йил ўқигач, отаси уни мадрасага беради. У мадрасада ўқиб юрган чоғида мустақил ҳолда математика, геометрия, тасвирий санъат, тарих, фалсафа, фалакиёт каби фанларни чуқур үргана бошлади, шунингдек, Ибн Сино, Беруний, Үмар Ҳайём, Навоий, Фузулий, Бедил ва бошқаларнинг асарларини қунт билан мутолаа қилди. Натижада Аҳмад Дониш Шарқ халқларининг моддий, маданий ҳаёти ҳамда тарихини чуқур ўзлаштирган олим бўлиб етишди.

Аҳмад Дониш мадрасани тугатгач, Бухоро амири томонидан 1857 йилда Россияга юбориладиган делегацияга мирзо қилиб тайинланади. Делегация Александр II ни тахтга ўтириши муносабати билан табриклиши ҳамда Россия билан Бухоро ўргасида савдо алоқалари юзасидан музокаралар олиб бориши лозим эди. Делегация Петербургда икки ой бўлиб, унинг диққатга сазовор жойлари билан танишади. Унинг аъзолари рус операсини, театрини, циркни томоша қиласидилар, технология институтини, Исаакеев ибодатхонасини, чинни заводини, ботаника боғини, Император Фанлар академиясининг музейини, расадхона ва бошқа жойларни кўрадилар.

Аҳмад Дониш 1869 йили делегациянинг мирзоси сифатида

Петербургга боради. Делегация аъзолари император Александр II, унинг ўғли ва бошқа катта амалдорлар билан суҳбатлашади. Ана шу сафар пайтида Аҳмад Дониш ташқи ишлар вазирлигининг ходими Стремоуков ҳамда таржимон Козимбек Абеддинов билан танишади. Козимбек ўз даврининг донишмандларидан бўлиб, у туфайли Аҳмад Дониш ўша вақтларда Оврӯпа ва Россияда кенг тарқалган айрим илфор ғояларни билиб олади.

Аҳмад Дониш 1873—1874 йилларда учинчи марта Россияга сафар қиласди. Россияда уч марта бўлишадиб дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. У Бухоронинг ҳамма соҳаларда иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан жуда орқада қолиб кетганлигини яққол англади.

Рус ҳаёти ва маданияти билан танишганидан сўнг ўз ватанини тобеликдан қутқариш йўлларини қидира бошлади.

Аҳмад Дониш қаламига мансуб асарлар: «Мажмуаи ҳикоёти Аҳмади калла» (Аҳмад қалланинг ҳамма тарихий ва фалсафий асарлари (1877 й. қўллэзма), «Ин рисоланот ислоҳ миёни шеъба ва сун» (шиялар ва суннийларни яраштириш тўғрисида). Уни бизгача етиб келган буюк асари «Наводирул-вақое», «Бухоро амирлари тарихи» китобидир. Инсонни баркамол руҳда тарбиялаш ва билим бериш масалалари Аҳмад Донишнинг «Наводирул-вақое» асарида асослаб берилган. Бу асарда отоналарнинг ҳуқуқлари ва уларни ўз болаларини назорат қилиш масалалари, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, коинот тарихи, фоний ва боқий дунёни тушуниш, севги ва муҳаббат, руҳ ва жисмнинг моҳияти тўғрисидаги ўз ғояларини илгари сурган эди.

«Наводирул-вақое»да халқ учун дунёвий билимлар зарурлиги таъкидланади. «Доноларнинг баҳтсиз ва нодонларнинг баҳтли бўлишига сабаб» сарлавҳали бобда қўйидагиларни ўқиймиз: «Фан бўлмаса, моддий дунёни фаровон қилиб бўлмайди... Фан баланд руҳ ва идрок туфайлигина кўпаяди. Киши қасб-хунарга эга бўлсаю, бойлиги бўлмаса, у баривир ақлдан озган хисобланади.

Олимларга баҳтсиз бўлганликлари учун ёруғ йўл йўқ. Чунки, ёруғ ва сояни қилич билан ажратиб бўлмайди (198- бет). Қимда-ким ўз мақсадига етиш учун жасорат билан интилса, албатта унга етади, зотан кўп тақиллатилган эшик очилмай қолмайди».

Аҳмад Дониш келажак авлодни тарбиялашда фан сирлари ни ўргатишдан олдин ўз она ватанига садоқатли фарзанд бўлиши лозимлигини уқтиради: «Киши ўз ватанини ҳимоя қилсанга, ўз халқи билан бирга булсагина, у ҳар доим барҳаётдир».

Аҳмад Донишнинг мероси Узбекистонда фалсафа фанининг тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Унинг фалакиёт, математика, тарих ва фалсафа фанларининг ривожидаги ғоялари асос сифатида урганилмоқда.

Шундай қилиб Аҳмад Дониш комил инсонни тарбиялаш

борасида унга аввало, илм бериш ва ахлоқий баркамоллик зарурлигини ўз асарларида мукаммал акс эттириди.

### Мустақил иш.

Аҳмад Донишнинг «Наводирул-вақое» асарини ўрганиши.

### ФУРҚАТ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

XIX асрнинг иккинчи ярми Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи ижтимоий-сиёсий фикрларнинг ривожланиши тарихида алоҳида ўрин тутади. Ўша даврда халқ оммаси орасидан анчагина илғор фикрли намояндalar етишиб чиқди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Муқимий, Завқий, Фурқат, Садриддин Айний, Аваз Ўтар, Хамза Ҳакимзода ва бошқалар ажойиб фаолият кўрсатдилар. Ўзбек халқи ўзининг ана шу фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Фурқат ва унинг мазкур замондошлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берадиган бир даврда яшаб ижод этдилар. Зўрлаб сингдирилган рус халқи ва унинг маданияти маҳаллий аҳоли маданиятининг ўсишига салбий даражада сезиларли таъсир этди. 1870 йилдан «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлиши ҳам бунинг бир далилидир.

Шунингдек, рус-тузем мактаблари, гимназия, ўқитувчилар семинарияси каби ўқув юртлари очилди. Туркистондаги барча зиёлилар илмий жамиятлар ва тўғраклар ташкил қилдилар. Булар маҳаллий аҳолининг илғор вакилларини қизиқтира бошлиди, уларнинг дикқатини ўзига тортди.

Тошкентда очилган кўргазма маҳаллий кишиларнинг рус фани ва техникаси билан танишиши учун қулай восита бўлди. Маҳаллий халқнинг илғор намояндлари бу янгиликларнинг моҳияти ва аҳамиятига тез тушундилар. Уларнинг ўзлари ўрганиб қолмай, эшитган ҳамда кўрганларини аҳоли орасига ёйишга мажбур қилдилар. Шундайлардан бири оташин маърифатпарварлардан ўзбек халқининг шоири Фурқат ҳам ўз асарларида буни акс эттириди.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. Унинг отаси етарли даражада маълумотли бўлмаса-да, илм-фанини қадрловчи киши эди. Шу сабабли ўғли Зокиржонни олти ёшида мактабга берди. Ўтири зеҳнли Фурқат 8 ёшда ўқиши-ёзишини ўрганиб олди. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» китобини олти ойда, Абдулқодир Бедилнинг «Девон»ини беш ойда мутолаа қилиб чиқди. 9 ёшида Алишер Навоий асарларини зўр иштиёқ билан ўқишга киришди. Шу билан бирга, у шеър ёзишини машқ қила бошлиди. У ўзининг дастлабки шеърини қуйидагича бошлаган:

Менинг мактаб аро булдур муродим,  
Хатимдек чиқса, имлою саводим.

Фурқат 1889 йилнинг май ойида Тошкентга келиб, Кўкал-дош мадрасасидаги бир ҳужрада истиқомат қилиб, 1891 йилнинг май ойигача шу ерда яшайди. Бу эса, Фурқатнинг ижодий фаолиятидаги энг маҳсулдор давр бўлади. Қўқонга қайтгач ўз билимини ва хаттотлигини тақомиллаштириш устида зўр бериб ишлади. Айrim китобларга шарҳлар ёзи, наср билан битилган айrim китобларни назм билан кўчирди. «Чор дарвеш» ва «Нўх манзар» (ҳикоя ва шеър) китобларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Ўзи ёзган шеърларни ҳам бир китоб қилиб тўплади.

Фурқат жуда кўп жойларда бўлди. Бироқ ҳеч қаерда оддий меҳнаткаш халқнинг тўқ ва кўнгилдагидек ҳаёт кечираётганини кўра олмади. У ўша жойларда ҳам ўз ватанидаги каби меҳнаткаш халқнинг қисмати оғирлигига, ҳуқуқсизлик, эрксизлик ва кулфатга маҳкум бўлиб қолганига шоҳид бўлди. Элу юртдан узоқда, дарбадарликда фифон чекиб юрган шоир ўз ватанини бир дам ҳам унумтади. У 1909 йилда Ёркентда вафот этди.

Маърифатпарвар Фурқат илм ва ҳунар эгаллаш ҳақида фикр юритар экан, аввало шундай деб ёзган:

*Кишиким бўлса донишманд, оқил,  
Бўлар илм ва ҳунарга кўнгли мойил.*

У илм ва фанни тарғиб қилишга, халқ орасида маърифатни ёйишга катта эътибор берган. Маҳаллий аҳоли орасига билим тарқатиб, унинг ёруғликка чиқиб олишига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, илм-фаннынг, маърифатнинг кучини улуғлаган, билим олган кишининг ақл-идрокига катта умидлар боғлаган. Шунга кўра «Илм хосияти» шеърини қўйидагича бошлигар:

*Дейин сўз илмни(нг) хосиятидин,  
Баён айлаб анинг моҳиятидин.  
Бу сўзни гўши бор одам эшиитсун,  
Ўзидা ҳуши бор одам эшиитсун!  
Жўҳон бисту кушода илм бирла,  
Надур дилин(нг) муроди илм бирла.  
Кўнгилларни(нг) сурур илмдандур,  
Курар кўзларни(нг) нури илмдандур...*

Илму фаннинг канчалик улуг ва қадрли эканлигини ўқувчига тушунтириш учун шоир буюк ихтиrolарни мисол қилиб келтирган. Хусусан, унинг баён қилишича, телеграфнинг ихтиро қилиниши илмнинг хосияти ва илмга эътибор берилишининг натижасидир. Телеграф кишиликка тақдим қилинган қимматли бойлиkdir. Фурқат илм-фан, унинг фойдаси тўғрисида гапирав экан, кишилар учун унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам кузда тутган. Кўнгилларга сурур бағишловчи, жамиятни обод қилувчи илм кишини маънавий кўркам, бошқалар олдида ёқимли, қадрли ва эътиборли қилишни қайта-қайта уқтирган. «Одам-

зотнинг кўнгли мисоли бир маъданурким, ул маъдандан олтин ва кумуш чиқадур,— дейди Фурқат. Ва баъзи кўнгил бир маъданурким, андин мис ва қалай чиқадур». Шоир илм ва ҳунарга интилишнинг нодир фазилат эканлигини, бундай фазилатга эга бўлган кишилар албатта донишманд, ҳалқ учун фойдали инсонлар бўлиб етишувини таърифлайди. Фурқат ўқимишли бўлиш билан бирга, ҳунарли бўлиш зарурлигини ҳам жуда кўп таъкидлаган. Фурқат кўргазмани кўрмаган кишиларни уни бориб кўришга ундаган, у ерга боргандар кўп янгиликларни билиб, ўрганиб олишларини айтган. Бу билан, у қизиқтириш, тушунтириш ва ишонч ҳосил қилишнинг энг самарали воситаси ҳар бир иш ва ҳар бир ҳаракатни амалда бажарилишини назарда тутган эди.

Унинг ана шу хусусдаги шеърларида ўзбек ҳалқ педагогикасидаги «Бир йигитга етмиш ҳунар оз» ва бошқа маънодаги мақоллар ўз ифодасини топган. Шоир Фурқатнинг илм ва ҳунар эгаллаш ҳақидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Аксинча, уларни ёшлар онғига янада чуқурроқ сингдириш муҳим вазифадир.

Фурқатнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари замирида ватанипарварлик, кишиларга муҳаббат, ҳурмат, меҳрибонлик, дўстлик, ростгўйлик ғоялари туради. Булар шоир назарида юқори ахлоқий фазилатлардир ва уларни тарғиб қилиш унинг ижодида катта ўрин эгаллаган. У инсонни илм-фанинг, буюк ихтиrolарнинг эгаси деб ҳисоблайди ва унга чуқур ҳурмат билан қарайди.

Шунингдек, Фурқат дўстлик ҳақида ёзилган мухаммас, шеър ва бошқа мактубларида дўстни кўкларга кўтаради, унга яқин туришни, содиқ, вафодор, меҳрибон ва самимий муносабатда бўлишни таъкидлади. Кишиларга дўстликда иззат-нафсга тегмаслик, хиёнатга берилмасликни, «ҳирс лойиға» булғанмасликни ўқтириб, уларни номусни эҳтиёт қилишга чақиради. Унингча, киши учун энг қимматли нарса аввало унинг виждони, номуси, руҳий покизалигидир. Буни инкор этиб бўлмайди. Фурқат эзгулик, муруватлилик ғоят зарур фазилат эканлигини исботлаш учун ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан ҳам ўринли фойдаланган. Бу жиҳатдан унинг «Ўтар кетар», «Бежиз нест», «Ҳеч асар йўқ», «Жонлар кабоб эмасму?», «Оҳқим йўқтур мени(нг) таъбимга лойиқ улфатим», «Дўст», «Эсадаликлар» ва бошқа шеърлари муҳим аҳамиятга эга.

Маданиятпарвар шоир театр, концерт, клуб биноларини, маданият ўчон сифатида тасвирлайди. У кишиларнинг ана шундай маданий ҳордиқ олишлари, уларнинг хулқий кўркамликларига ёрдам беришини айтиб, буларнинг ҳаётй ва дидактик аҳамиятини ёритди.

Фурқат тарбиянинг мақсади, уни амалга ошириш шартлари ва услублари тўғрисида ҳам ажойиб фикрларни ёзган. Унинг таъбирича, киши ўз ватанининг содиқ фарзанди, инсонпарвар, ростгўй, маданиятли ва маълумотли шахс бўлиб етиши лозим

ва тарбия шунга қаратилиши керак. Тарбиянинг асосий усули ишонтиришдир. Фурқат болаларга мұхабbat вa меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини va бундай муносабатнинг таълим-тарбиядаги аҳамиятини баён қилган.

Шоир мактабда болалар ўзларини эркин, қувноқ тутишлари керак, деб билган. Уларга тазийқ кўрсатиш, зуғум қилишдек салбий муносабатлар ўқитиш, ўрганиш ишларида ниҳоятда заарали эканини асослаган.

### Мустақил иш.

Фурқатнинг «Илм ҳосияти» шеърини таҳлил қилиш.

### МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мунис Хоразмий XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган тарихчи, олим, педагог ва забардаст хаттот эди. Уни яшаб ижод этган даври феодализмнинг қулаб бораётган пайтига тўғри келди. Феодализм тузумининг разиллиги шу даражага етиб бордики, халқнинг тортган азоб-уқубатларининг ниҳояси йўқ эди.

Шермуҳаммад Авазбей ўғли Мунис ана шундай машъум замонда 1778 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келди. Мунис унинг адабий тахаллуси бўлиб, лугавий маъноси «улфат», «ҳамдам», «дўст» демакдир.

Мунис дастлабки таълимни ўз қишлоғидаги мактабда олди. Сўнгра мадрасада ўқиди. Мадраса таълимидан сўнг мустақил араб ва форс тилларини ўрганди. У шарқ классик адабиёти вакиллари Низомий, Хисрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфийларнинг ижодиётларини чуқур ўзлаштиргди. Муниснинг одоб-аҳлоққа доир ғоялари унинг ғазаллар, мустазодлар, мұхаммаслар, мусадаслар, қасидалар, қитъалар, рубоийлар, туюклар, чистонларида ифодаланган.

Мунис ўзининг «Саводи таълим» асарида илм-фан, мактаб, ўқув-тарбияга доир фикр-мулоҳазаларини батафсил ёритган. Бу асарнинг биринчи қисмida ҳарф машқ қилишга тайёргарлик масалаларини, иккичи қисмida эса хат машқи ва унинг усули ҳақида амалий ишларни баён қилади.

Мунис таржимон сифатида XV асрда яшаб ижод этган тарихчи Мирхондинг «Равзатус-сафо» асарининг биринчи ва иккичи жилдини ўзбек тилига таржима қилган.

Мунис маърифатпарвар шоир сифатида ўз замонасининг энг илғор маърифатпарвари эди. Шоир ўз шеъларида тарбия масалаларини зарурлигини уқтиргди. У инсонга хос юксак фазилатларни илм орқали тарбиялаш лозимлигини кўрсатиб берган. Мунис оғир касаллик туфайли 1829 йилда вафот этди. У қолдирган ўлмас адабий ва маърифий мерос ёш авлод тарбияси учун мұхим аҳамият касб этмоқда.

Мунис кишиларни ростгүйлик, мардлик, халқиллик, дүстлик, ватанпарварлик ва вафо руҳида тарбиялаш энг аввало илм орқали амалга оширилишини таъкидлаган. У билимнинг қудратли куч эканлигини кўрсатади. Мунис илмнинг афзаллиги тўғрисида мактаб ва мадрасаларда ўқитиладиган фанларнинг моҳиятини шеърий мисраларда шундай баён этган эди:

«Гоҳо талабалар бирла гулхан аро  
Суруб дардкашликка юз можаро,  
Гаҳи риндлар базмига йўл топиб  
Ҳамонки мақсадуга қул топиб,  
Гоҳи мактаб ичра кириб шодком,  
Мадраса сари аллаб ҳиром.  
Қаю ерда аҳбоб базм айласа,  
Тараб иртиқобига азм айласа  
Ўзимни олар ичра солур эрдим,  
Кўнгул қонғунча баҳра олур эрдим.

Мунис «Саводи таълим» асарида донишманднинг илмга бўлган эътиқоди унинг ўз хатида акс этишини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, хатни чиройли, ҳусндор ва хатосиз ёзилишининг тарбиявий аҳамиятини қўйидагича очиб беради.

Хаттидин ўлуб хужаста таълим,  
Таълим фани хатига таслим,  
Шарманда хати сабз хатлар,  
Хол офати хатида нуқталар.  
Таълим берур на бир рақамдин,  
Хат ёзмоқ иши ети қаламдин.

Шоир инсонларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишини, дўстлик ришталарини боғловчи номалар ёзиш ҳақидаги ғоясини, мақсади ва вазифаларини алоҳида баён этади:

Кўп муддат эрди гуруҳи муштоқ,  
Таълим сумакбағриға ушиоқ,  
Машқ этмак ишида хат битарга,  
Таълим вуқуфига етирга...  
Билганча суруб қаламни ҳар ёни  
Таълим ишин аллар эрдим осон.

Мунис ижодиётида одоб-ахлоқ масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ижодиётидаги асосий йўналишлар: ноҳақлик ва зулмга қарши адолат, сахийлик, халққа чексиз муҳаббат, илм-маърифат, жаҳолатга қарши курашувчи инсоний фазилатлар.

Мунис ўз замонидаги ўзаро урушлар, ҳирсу дунё одамларни бир-бирига нисбатан меҳрсиз бўлишга асос бўлди дейди:

Не натижа берур адаб, ҳунаринг  
на назарга кирад насаб гуҳаринг.  
Бас эрур бу замонда бисотинг аро  
қара Сийму заринг.

Мунис ўз асарларида меҳр-оқибат ҳамда дүстлик туйғула-  
рини теран сатрларда шундай ифодалаган эди:

Эй дүст, тани зарим аро жоним әдинг,  
Иқлими мұхаббат уза султоним әдинг.  
Хуш келдингү жонимда нишиман қилдинг  
Хуш борки, басе азиз меңмөнім әдинг.

Мунис ўз асарлари билан тарбия масалаларига катта эъти-  
бор берди. Үнинг дидактикаси инсонни юксак олижаноблик,  
ростгүйлик, ҳалол, илмга чанқоқ, меҳру оқибатли бұлишга  
қаратылған. Муниснинг адабий ва педагогик ғоялари мектап-  
ларда тұғри, чиройли ёзув тартиб-қоидаларини үргатып услуби  
сифатида хизмат қилған ва қымызды.

Муниснинг бой мероси келажак авлод тарбиясида мұхим  
үрін тутади.

### Мустақил иш.

Муниснинг «Саводи тағтим» асарини үрганиш. Мунис.  
Сайланма. 332—341- бетлар.

### XIX АСРНИНГ 80—90 ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР

XIX асрнинг 80- йилларида чоризмнинг халқ манбаатига  
қарама-қарши мұстамлакачилик сиёсати синфи жаңдайларни  
янада кескинлаштируди. 1886 йилда тасдиқланған «Туркистон  
ұлқасини бошқариш тұғрисида низом» халқни, айниқса, дең-  
қонларни аяңчыл ақволға солди. Бундай оғир шароитда Туркис-  
тонда илғор зиёлілар ижтимои қарапатларни бошлаб юбор-  
дилар. Бундай қарапатларда Ахмад Дониш, Фурқат, Мұқимий,  
Анбар отин, Дилшода Барно, Асирий, Аваз Ұтар ва бошқалар  
фаоллық құрсатдилар.

Ижтимои-маърифий қарапат вакиллари аввало халқни  
Россиянинг мәданиятыни үрганишга даъват этишінде үндалар  
эди. Лекин улар үзбек халқынинг камситилишига муросасиз  
курашдилар. Анбар отин «Нойибтұра аёли Екатерина»га сар-  
лавхали шеърида шундай ёзғанди:

Сингилжон ҳамсоя бүлдик сирни пинхон этмагил.  
Үзбеку ғайрия бу деб, миллат исён этмагил.  
Покиза усталда үлтирмоқ, ажаб бергай шуку,  
Бу фақат бизларға хос деб, фикри нодон этмагил.  
Ҳамнағас санға ноиб, насыхат айлағил,  
Сарт миллатларни хұрлаб, чашии гирён этмагил.

Маърифатпарвар шоиранинг юқоридаги шеъридан маълум-  
ки, у меңнаткашларни эзишга ва уларға құрсатилаётган зулм-  
га қарши исёнкор бұлған.

Марказий Осиё Россия мулкига айланганидан кейин Россия ҳукуматида унинг иқтисодий, ижтимоий ва маърифий тараққиёти учун илмий, маърифий иш олиб боришга зарурат туғилган. Натижада айрим иқтидорли олимлар бу ўлкадаги барча ишларни ўз қўлларига олганлар. Ўлканинг табиий географияси олим, сайдек Н. А. Северцов, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, тарихчи В. В. Бартольд, Н. И. Василевскийлар томонидан илмий тадқиқ қилина бошланди. Ўлкани ғурганиш ва тиббиёт жамиятлари маҳаллий характерга эга бўлиб, уларнинг кўпли Россия миқёсидаги жамиятларнинг бўлимлари эди. Туркистон ўлкасида ҳаммаси бўлиб 15 та илмий жамият ишлаган. Уларда олимлар тарих, шарқшунослик, археология, тиббиёт ва бошқа фанлар бўйича илмий кузатишлар олиб бордилар. Натижада Туркистоннинг тарихий тараққиёти, санъати, маданияти ва маорифига доир маърифий характерга эга бўлган кўплаб илмий ишлар яратилди.

XIX асрнинг 80-йилларида Чор Россиясиининг Марказий Осиё халқларини руслаштириш сиёсатига доир чора-тадбирлари халқнинг норозилигини кучайтирди. Ўша пайтларда ташкил этилган рус мактабларида қилеман ўзбек, тоҷик, қозоқ болалари ҳам ўқир, лекин уларнинг сони ниҳоятда кам эди. Ота-оналар мазкур мактабларда исломиядан таълим-тарбия берилмаганлиги сабабли улардан ўз болаларини олиб кета бошлаганлар. Шунга кўра, Туркистон маъмурлари мусулмон руҳонийлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун мактабларда янгича мазмунли таълимни жорий этишини маъқул кўрдилар. 1884 йилнинг декабрида янги ва эски шаҳар оралиғида янгича рус-тузем мактаби очилди ва аста-секин бундай мактаблар Самарқанд, Фарғона вилоятларида ҳам ташкил этила бошланди.

Мазкур мактаблардаги ўқитиш тартиби қўйидагича эди:

Рус-тузем мактабларида ўқиш одатда 1 сентябрдан бошланиб 20 майда тугар эди. Туркистоннинг барча мактаблари учун 1895 йилда машғулотлар жадвали тузилди. Барча рус-тузем мактабларида 4 соатдан дарс бўлиб, ўқиш эрта соат 9 дан бошланиб бир яримда тугар эди.

Бир босқичли рус-тузем мактабларида биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи бўлим («жамоа») бўлар эди. Бу бўлимлар ўз навбатида икки асосий группага бўлинади. I—II бўлим бир группа. III—IV бўлим иккинчи группа. Бу группаларни русча ва ўзбекча синф ўқитувчиси навбат билан икки соатдан ўқитар эди. Бу икки бўлимни бир хонага жойлаштириб бир ўқитувчи ўқитар эди.

Дарс жадвали икки бўлим болаларини бир вақтда ўқитишга мўлжаллаб тузилар эди.

Күнлар	Соатлар	I бүлим II бүлим	III бүлим	IV бүлим
Шанба	9—10 10 <sup>5</sup> —11 <sup>5</sup> 11 <sup>25</sup> —12 <sup>25</sup> 12 <sup>30</sup> —1 <sup>30</sup>	Шариат Шариат — — Маҳал. тил Маҳал. тил — —	— — Шариат — Маҳал. тил	Шариат — — Шариат — Маҳал. тил
Якшанба	9—10 10 <sup>5</sup> —11 <sup>5</sup> 11 <sup>25</sup> —12 <sup>25</sup> 12 <sup>30</sup> —1 <sup>30</sup>	Шариат Шариат Махал. тил Маҳал. тил — — — —	— — Маҳал. тил Тарих	— — Маҳал. тил Тарих
Душанба	9—10 10 <sup>5</sup> —11 <sup>5</sup> 11 <sup>25</sup> —12 <sup>25</sup> 12 <sup>30</sup> —1 <sup>30</sup>	Шариат Шариат Маҳал. тил Маҳал. тил — — — —	— — Арифметика География	— — Арифметика География
Сешанба	9—10 10 <sup>5</sup> —11 <sup>5</sup> 11 <sup>25</sup> —12 <sup>25</sup> 12 <sup>30</sup> —1 <sup>30</sup>	— Маҳал. тил Маҳал. тил — — — —	Шариат — География Арифметика	Шариат — География Арифметика
Чоршанба	9—10 10 <sup>5</sup> —11 <sup>5</sup> 11 <sup>25</sup> —12 <sup>25</sup> 12 <sup>30</sup> —1 <sup>30</sup>	— Маҳал. тил Маҳал. тил Арифметика Арифметика — —	Шариат — География	Шариат — География
Пайшанба	9—10 10 <sup>5</sup> —11 <sup>5</sup> 11 <sup>25</sup> —12 <sup>25</sup> 12 <sup>30</sup> —1 <sup>30</sup>	Маҳал. тил Маҳал. тил Арифметика Арифметика Маҳал. тил Маҳал. тил	Арифметика Тарих	Арифметика Тарих

1906 йил 31 мартда собиқ Маориф вазирлиги «Бегона халқлар ибтидоий мактаби» ҳақидаги янги қоидани маъқуллайди. Бу «қоида»га мувофиқ, маҳаллий халқ болаларига она тилидан хат-савод ўргатишни ҳам рус тили ўқитувчисига топшириш лозим эди, ерли муаллим эса факат шариатни уқитиши керак эди. «Қоида»нинг бу моддасини Туркистон рус-тузем мактабларига татбиқ қилиш анча кийин эди: ерли халқнинг тасаввур қилишича «мусулмонча хат» дин билан боғланган эди. Шундай бўлгач, мусулмонча хатни рус тили ўқитувчиси ўргатса, маҳаллий халқда рус-тузем мактабларига ишончсизлик ортиши ва исён кўтарилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам ўқитиш масалалари тез-тез муҳокама қилинган. 1905 йил 23 августдаги мажлисда иккя босқичли рус-тузем мактабларида янги фанларни ўқитиш ва таълим муддатини қисқартириш маса-

лалариг кўрилган бўлиб, унда «Аввали илм» китобини бир ой, «Бидон» китобини икки ой, «Фиқҳ Қайдоний» китобини эса 4 ой муддатда ўқитиш таклиф этилган. Шу билан бирга, Умар Насафийнинг «Мухтасар виқоя» ва «Ақоид» китобларидан диний маълумотлар ҳам бериш масаласи муҳокама этилган.

Тадқиқотчи олим Йўлдош Абдулаевнинг ёзишича, «Аввали илм» дарслиги савол-жавоб шаклида ёзилган 5 бетли диний китоб, «Бидон» бир босма табоқ ҳажмли араб ва форс тили грамматикаси дарслиги, «Фиқҳ Қайдоний» 16 бетли диний китоб, «Мухтасар виқоя» эса «Виқоя» китобининг қисқартирилгани бўлиб, унда таҳорат, намоз, рўза, ҳаж, мерос, талоқ ҳақидаги маълумотлар берилган. Умар Насафийнинг «Ақоид» китоби арабча ёзилган бўлиб, мадрасада ўқитилар эди. У идеалистик фалсафий асардир.

«Муҳиммотуддин» китобининг асл номи «Муҳиммотуддинли авлодул муслимин». «Мусулмон болалари учун диннинг энг муҳим йўллари» бўлиб, Тошкентдаги биринчи рус-тузем мактабининг ўзбек синфи муаллими Тошхўжаев томонидан ўзбек тилида ёзилган дарсликдир.

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1184—1291) нинг ахлоқий-фалсафий асари «Гулистон», «Бўстон», Мулла Муҳаммадрасул Расулийнинг «Раҳбари форсий», Муҳаммадамин ибн Муҳаммадкарим ҳожи (Фаҳриддин)нинг «Туркча қоида», «Жўроғиян риёзий», «Раҳбари аввал» каби дарсликлари рус-тузем мактабларида ҳам қўлланилар эди.

Чимкентлик Умаржон Абдуғафур «Устоди аввал» дарслигини ўрганиб шундай ёзган эди: Ушбу «Устоди аввал»ни ўқифон ёш шогирдлар эски тартиб билан ўқишини(нг) азоб ва машақ-қатларидан қутулиб, тез фурсатда муддаолариға ва мақсадлариға, яъни қора хатни ўқимоқ ва ёзмоқ давлатиға осонлиқ билан етиб, оз вақтда бу Туркистон музофотида турғувчи фуқароларни(нг) асарлари ёзадурғон ва қора хатни ўқийдурғон бўлиб қолсалар ажаб эмас деб умид қиласиз»<sup>1</sup>.

Рус синфларидағи таълим асосан таржима услуби (1884—1897 йиллар) ва кўрсатмали натурал услубида (1898—1917 йиллар) олиб борилган. Таржима услубида мавзулар аввал рус тилида, сўнгра ўзбек тилига таржима қилиб ўтилган.

Ўзбек синфлари учун Сандрасул Сайназизов яратган «Устоди аввал» дарслиги foят катта шухрат қозонган.

Туркистон ўлкасида 1886 йилда 4 та рус-тузем мактаби бўлиб, уларда таълим олган 116 нафар ўқувчининг ҳаммаси ерли миллат болалари эди. 1886 йил охирида мазкур мактаблар сони 28 тага, улардаги ўқувчиларнинг умумий сони 701 нафарга етган, уларнинг 650 нафари ерли халқнинг, 51 нафари русларнинг ўғил-қизлари эди. Лекин ўқувчиларнинг фақат ўн беш фоизи рус-тузем мактабини тўлиқ битириб чиқиб, гувоҳнома олган. Чунки дастлабки даврда ерли халқ рус-тузем мактабига

<sup>1</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1903 йил, 48 сон.

ҳадик билан қараган, шунингдек турли-туман иғволар болаларнинг ўқишини ташлаб кетишига сабаб бўлган<sup>1</sup>.

Рус-тузем мактабларини очишдан кўзланган мақсад мусулмон болаларига рус тилини ўргатиш эди. Чунки Марказий Осиёдаги ҳар бир фуқаро маъмурӣ раҳбарларнинг тилини билиши шарт эди. Шунга кўра, бундай мактабларнинг сони кўпайтирилиб, улардаги таълимнинг мазмуни такомилластириб борилди.

1891 йили Хивада, 1894 йили Бухорода, 1905 йили Тошкент шаҳрида икки босқичли рус-тузем мактаби ташкил қилинди. Бундай мактаблар сони аста-секин кўпая бошлаган. Тадқиқотчи олим Ф. Думенконинг илмий-тадқиқот маълумотларига кўра, Сирдарё вилоятида 34 та, Фарғона вилоятида 20 та, Самарқанд вилоятида 15 та, Еттисув вилоятида 19 та, Закасийда 10 та икки босқичли рус-тузем мактаблари очилган.

Рус-тузем мактабида бир киши фахрий мутавалли қилиб тайинланган. Фахрий мутавалли мактаб жойлашган шаҳар ёки қишлоқда яшайдиган ўша ернинг энг йирик бойларидан бўлган. Чунончи, Тошкентдаги 1- рус-тузем мактабига машҳур Сайдкаримбой, 3- мактабга Қози Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа Эшонов, икки босқичли рус-тузем мактабида Тошкентнинг йирик бойлари Маҳсудхон ва Орифхўжа Азимхўжаев фахрий мутавалли бўлган эди<sup>2</sup>. Фахрий мутаваллилар 1899 йил 29 марта қабул қилинган йўриқнома асосида иш олиб борганлар. Бу мактабларнинг ўқитувчилари семинарияни битириб чиқсан билимдон, ҳар тарафлама тарбияланган шахслар булиб, улар маълум буйруқлар билан ишга қабул қилинган. Маҳаллий ўқитувчиларнинг маоши рус ўқитувчиларнинг маошидан анча кам эди. Ўзбек синиф муалими бир йилда 240 сўм, мактаб мудири эса 600 сўм оларди. Ўқитувчиларнинг маоши етарли эмас эди, шунга қарамай, С. Сайдазимов, М. М. Орақулов, М. Расулов каби кўплаб ўқитувчилар жонбозлик билан меҳнат қиласидарлар.

Мазкур даврда Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй берди ва бунинг асосий сабаби халқнинг азоб-уқубатли ҳаёти бўлди. Мустамлакачилик мashaққатидан қутулиш учун 1892 йил 7 июнь куни Тошкентда, 1898 йили Андиконнинг Мингтепа кишлоғида ва Туркистоннинг Жиззах Самарқанд. Бухоро ва Хива каби вилоятларида халқ кўзғолонлари, аниқроғи, Чор Россияси ҳукмронлигидан норози бўлган руҳонийлар Эшон Муҳаммадали Халифа, Собир сўфи (дукчи эшон — Мадали эшон) бошчилигига мусулмонларнинг кўзғолонлари бўлди. Лекин уларнинг аёвсиз бостирилиши халқнинг икки томонлама эзилишига олиб келди. Ҳаёти янада оғирлашган халқнинг илму маърифатга интилиши сусайди.

<sup>1</sup> И. Абдуллаев. Эски мактабда хат-савод ўрганиш. Тошкент, 1960 75-бет.

<sup>2</sup> И. Абдуллаев. Эски мактабда хат-савод ўрганиш. Тошкент, 1960, 83-бет.

Маҳаллий болалар мактаблардан кета бошладилар.

Туркистанда 1895 йилда биринчи янги усул мактаби очилди. Унинг бошқа мактаблардан фарқи—бойлар ва камбағалларнинг болалари биргаликда ўқиши ҳамда диний илмлар билан бирга дунёвий фанлар ўқитилишида эди. Янги усул мактабларининг кўпайишига чор амалдорлари ва маҳаллий руҳонийлар тўсқинлик қилдилар. Янги усул мактабларини ҳимоя қилиш учун 1909 йилда З кишидан иборат комиссия тузилди. Комиссия маҳсус «қоңда» ишлаб чиқди ва чор амалдорлари ўртасида муҳокама этди. Губернатор маслаҳатчиси А. А. Семенов қуийдаги таклифни киритди. Янги усул мактаблари икки турдан иборат эди: Биринчиси масжидлар қошидаги мактаблар, иккинчиси товуш усулига асосланган янги типдаги мактаб эди. Янги усул мактабларининг бошқа мактаблардан фарқи: Дарсни синф тартибида ўқитиш, дарслеклар ўз она тилида бўлиб, фақат Куръони каримни араб тилида ўқитилиши, савод ўргатиш даврида болаларга ўқиш ва ёзишни ўргатиш, аниқ фанларни ўқув дастурига киритилиши, ўқувчиларни парталарда ўтказиб, кўргазмали дарслардан ҳам фойдаланар эди. Бу мактаблар дастлаб Самарқандда, Фарғонада ташкил этилган эди. Янги усул мактабларидан асосан ўқитиш она тилида олиб борилса-да, ўқитувчини миллати ва дарслекларни қайси тилда нашр этишга қараб ўқитилар эди.

Маҳаллий халқ фарзандлари рус-тузем ва билим юртларида турли миллатлар (рус, қозоқ) билан бирга таълим олар эдилар. 1870 йили Самарқандда маҳаллий миллат болалари учун ҳам рус-тузем мактаблари очилди. 1877 йили Тошкентда эрлар ва қизлар прогимназиялари (тўлиқсиз гимназиялар) очилди ва кейинроқ гимназияга айлантирилди. 1884 йил 19 деқабрда Тошкентда, 1887 йили Самарқандда ташкил қилинган биринчи рус-тузем мактаблари ҳамда 1889 йили Самарқандда очилган хотин-қизлар гимназияси маърифатчиликни тарғиб қилишга хизмат қилди.

XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда маърифатпарварлик ҳаракати кенг ривожланиб, бу ҳаракатнинг бошида Аҳмад Доңиш, Фурқат, Муқими, Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Абдуқодир Шакурий, Саидаҳмад Сиддиқий, И. Раҳматуллаевлар туриб ўқув дастурлари, дарслек ва методик қўлланмалар яратишда фаоллик кўрсатдилар ва янги мактаб — халққа хизмат қиладиган мактаблар ташкил қилишга ҳаракат қилдилар.

### АБДУҚОДИР ШАҚУРИЙ

Самарқанд шаҳрида биринчи янги усул мактабини ташкил қилган зиёлилардан бири Абдуқодир Шакурийдир. У 1875 йилда Ражабамин қишлоғида боғбон оиласида туғилган.

Шакурий ўзининг таржимаи ҳолида шундай деб ёзади: «Менинг туғилган жойим Самарқанднинг шарқ томонига жой-

лашган Ражабамин қишлоғидир. Хат-саводимни чиқарганимдан сўнг, Орифжонбой мадрасасига жойлашдим ва ўқитувчи Тұрахожа мударрис қўли остида ҳуқуқ илми, грамматика (сарф ва нахф) араб тили, логика (мантиқ) ва ақоид илмларини ўргандим. Ҳар ёз таътил вақтларида эски тартибда ўз уйимда мактабдорлик қиласр эдим. Аммо таълим-тарбия усулининг қийинлиги мени доим қийнар эди. Бир куни ўз ишим билан Самарқанд шаҳридаги гимназияга кўзим тушди. Очиқ деразаларидан муаллим ва шогирдларга диққат билан қарап эдим ва камоли интизом ила рафтору ҳаракатлари одоб ва ахлоқ доирасида эканлигини кўрдим. Таажжубланиб ўз-ўзимдан сўрар эдимки, «нима сабабдан биз мусулмонлар бу хилдаги мактаб ва мадрасаларга эга эмасмиз. Шу тариқа дилкаш жойлар қурниб мусулмон болаларини тарбия қилиш бизларга ҳам муяс-сар бўлармикан. Бу жиҳатдан кўп мутаассир эдим. Аммо на чораки, бу матлабимни ҳеч кимсага изҳор этишга журъат этолмас эдим».

Ушбу гимназиянинг кўриниши Шакурийнинг куз ўнгидан кетмайди, у маҳаллий ҳалқ болалари учун ҳам шундай мактаб ташкил қилишга ҳаракат қиласди.

Шакурий бир вақтлар соатини тузатиш учун Уста Баҳриддиннинг Растан Нав кўчасида жойлашган дўконига кирганлигини, соатсознинг бир варақ қофозни диққат билан ўқиётганлигини, унинг нима эканлигини сўраганида соатсоз «бу газета, бу орқали кўрларнинг кўзи очилади ва, ҳатто, бутун дунёни кўра олади», деб жавоб берди. Шакурий бу варақани соатсоздан олиб, ўқиб чиқади. У ўзбек тилида чиқадиган ягона «Таржимон» газетаси эди. Шу аснода Шакурийда газета ўқишга ҳавас туғилади. У газеталар орқали Озарбайжон, Татаристон ва Қрим мактабларидаги янги ўқитиш усусларидан хабардор булади. Бу тўғрида шундай деб ёзади: «Бир кун хабардор булиб, «Таржимон» газетасининг бир йиллик обунаси учун 4 (тўрт) сўм тўладим, газетани қизиқиш билан мутолаа қила бошладим. Мазкур газетада янги усул мактаблари ҳақида мақолалар ҳам босилиб турар эди. Мен бу мактабларни кўришни орзу қила бошладим. Охирида Қўқон шаҳрига бориб 10 кун давомида янги усул мактабида бўлиб, унинг таълим-тарбия усуслари билан танишдим. Самарқандга қайтаетиб, Қозонда ҳам шундай мактаблар борлигидан хабар топдим. Шундан сўнг ўз мактабим учун Қозондан баъзи дарслклар олдим». Шакурий шундан сўнг бутун фаолиятини янги усул мактаби ташкил қилишга сафарбар этган. Биринчи марта ўз қишлоғи Ражабамида 1921 йилнинг кузида янги усул мактаби ташкил қилган. У даврларда дарслк ва қўлланмалар бўлмагани сабабли, Шакурий ҳарфларни доскага ёзиб қўяр, ўқувчилар эса уларни ўз дафтарларига кўчириб ёзар эдилар. Шунингдек, у қисман татар тилида ёзилган китоблардан ҳам фойдаланар эди.

Татар зиёлилари Россия билан анча яқин алоқада эдилар. Бу ҳол тараққийпарвар кишилар учун жаҳон маданияти или

танишиш ва улардан қисман үз мактабларида фойдаланишда катта ёрдам берар эди. Улар турли дарслер үз мажмуалар асосида үз мактаблари учун құлланмалар яратардилар. Шунингдек, Шакурий ҳам татар педагоги Абдулходий Мақсудийининг «Муаллимі аввал», «Муаллимі соний» деб аталған дарслеридан үз мактабида фойдаланган.

Чор ұкуматининг маҳаллий амалдорлари бу мактабнинг очилишига расман қарши бұлып, унинг үқув дастурини қаттық назорат қылардилар. Улар мактабда үтиладиган диний дарслерлердегі әдебиеттегі түсінілік қымас, аммо дунёвий фаннинг үқитилишидан ташвишланар әдилар. Мактабда арифметика, география, тибиет каби дунёвий фанлар үқитиларди, холос. Ҳукуматнинг маҳаллий маъмурлари тез-тез келиб мактабни текширас, үқувчиларнинг китоб-дафтарларини күздан кечираради.

Шогирдларидан бирининг айтишича, Шакурий қийинчиликтер билан құлға кириптеган ягона глобусни фақат маңсус вакытта синфга олиб кирап, бошқа вакытта эса яшириб құяр экан. Болаларни олти ойда саводли қилиб чиқарадиган янги усул мактабнинг пайдо бўлиши айрим саводсиз ва ҳасадгўй маҳаллий амалдорларни ташвишга солиб қўйган, улар бундай мактабларнинг очилиши ва кенг тарқалишига қаттиқ қаршилик кўрсата бошлиғандар.

Шакурийнинг ёзишига кўра, у үз мактаби учун шаҳардан аравада доска ва парталар олиб келаётганида, беҳуда ғазабланган қишлоқ руҳонийлари «Энди уйингизга бир бутхона солинг» деб пичинг қиладилар. Жасоратли муаллим эса «Керак бўлса, уни ҳам қурамиз» деб жавоб беради ва қўрқмасдан ишини давом эттираверади.

Шакурийнинг таржимаси ҳолида яна қуйидагиларни үқиймиз: «Ағсуски, кишилар бу үқитиш усулининг фойда ва ҳақиқатидан воқиф эмас әдилар. Менинг үзим ва мактабимни баъзилар таъриф-тавсиф этсалар, баъзилар эса ёлғон хабарлар тарқатар әдилар. Болаларнинг үқишига келиш ва кетиш вақти тартибсиз бўлиб, шунга кўра, мактабда дуруст интизом йўқ эди. З—4 та доимий шогирдимдан ташқари, бошқа болалар сабрсизлик қилас, әдилар, баъзилари бир ой, икки ой, уч ёки тўрт ой үқиб, ҳеч қандай рухсатсиз мактабдан кетиб қолар әдилар».

Шундай бўлишига қарамай, мактаб кундан-кунга мустаҳкамланиб борар, борган сари күпроқ болаларни узига жалб этарди. Муаллим Шакурий үз үқувчилари учун йилда бир марта умумий имтиҳон ўюштирас, имтиҳонда ота-оналар олдида үқувчиларнинг билимларини синаб кўрар эди. Имтиҳонга одамлар тўда-тўда бўлиб келиб, үз болаларининг қисқа муддат ичида хат саводли, ҳисоб, география ва тибиетдан маълумоттага эга бўлганини кўриб ҳайратланардилар.

Ана шундай шароитда Шакурий болалар учун үз она тилидеги үқиши китоблари, дарслерлер яратиш зарурлигини яхши тушунди. У боланинг ўшига мувофиқ тарзда ахлоқ, одоб ва

турмуш қоидаларидан дастлабки маълумот беришни кўзда тутиб, дарслик тузишга киришди. Биринчи навбатда алифбе китобини тузиш ва нашр этиш лозим эди. Биринчи алифбени Шакурийнинг ўзи тузди. «Раҳнамои савод» («Савод чиқариш раҳбари») деб номланган бу китоб яхши қофозда настаълиқ хати билан ёзилган бўлиб, Шакурийнинг шогирди, ёзувчи Раҳим Ҳошимнинг айтишича, ундаги сўзлар бўғинларга ажратиб кўрсатилган, китоб охирида ўқиш учун кичик хрестоматия берилган. Шакурий кўп йиллик педагогик фаолияти натижасида болаларни ўқитишида «тovуш-ҳарф» усули (ҳар бир товушни алоҳида ҳарф билан ёзиш)нинг қулайлиги ва осонлигини аниклади ва 1913 йилда унинг раҳбарлигига, шогирдларидан бири Самарқанднинг машҳур педагогларидан бўлган Исматулла Раҳматуллаев товуш-ҳарф усули асосида янги «Алифбе тълимни» китобини тузди. Бу китоб Тошкент шаҳрида нашр қилинди. Дарслик араб алифбесида тоҷик тилида ёзилган бўлиб, у кўп йиллар давомида савод чиқаришда энг яхши қўлланма сифатида хизмат қилди. Унинг кириш қисмида тез ва осон савод чиқариш масаласи бўйича услубий маслаҳатлар берилган. Бу алифбе товуш-ҳарф услуби асосида тузилган. У 46 бетдан иборат бўлиб тахминан, 90 та дарсга мўлжалланган. Шунингдек, аналитик-синтетик усул асосида ёзилиб, З қисмдан ташкил топган. Болаларни ҳарфларнинг элементлари билан таништириш, ҳарфларнинг турли кўринишлари, тълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоя ва шеърлар араб тилида ёзилган эди. Алифбе китобининг сўнгги саҳифасида мажмуа қисми бошланади, унда кичик-кичик тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, ҳикоялар, шеърлар берилган.

Шакурий томонидан 1907 йилда ёзилган иккинчи китоб «Жомеъул ҳикоёт» («Ҳикоялар тўплами») дир. У қайта тузатилиб, тўлдирилиб, 1911 йилда иккинчи марта нашр қилинган. Китоб бошланғич мактабнинг иккинчи синфи учун хрестоматиядир. Унинг биринчи бетида шундай ёзилган:

«Бу рисола бошланғич мактабларнинг иккинчи синф шогирдларини ўқитиши учун тузилди. Китобни тузишда ўзбек ва тоҷик тилидаги китоблардан фойдаландим».

Етмиш икки бетли бу китобнинг матни нафис қофозда аниқ, чиройли хат билан ёзилган. Биринчи қисмига тарбиявий аҳамиятга молик 48 та кичик-кичик ҳикоялар киритилган. Иккинчи қисмида мумтоз ёзувчиларнинг асарлари ва таржималаридан олинган 15 та шеърий парча берилган.

Ўқувчилар диққатини аввало китобнинг тили: унинг соддалиги, равонлиги ва ифодалилиги ўзига жалб қиласди. Иккинчидан, китобда берилган материаллар бошланғич мактабнинг II ва III синфларидаги болаларнинг ёши ва савиёсига ғоят мосдир. Муаллиф китобнинг бошида янги усул мактабидаги ўқиш-ўқитиши ишларни ҳақида қатор услубий маслаҳатлар берган. Китобга, мумтоз шоирларнинг асарларидан қизиқарли матнлар танлаб олинган. Болалар зўр ҳавас ва қизиқиш билан ўқийди-

ган ҳар бир ҳикоя охирида ахлоқ ва тарбия бўйича қисқа-қисқа хуносалар чиқарилган.

Китобда Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомийнинг шеърлари, ҳикоя ва ғазаллари билан бир қаторда, рус классик ёзувчилигининг таржима қилинган эртак ва масаллари мавжуд эди. Жумладан, И. А. Криловнинг «Маймун ва қўзойнак», «Қарға ва тулки» масаллари, Л. Н. Толстойнинг болалар учун ёзилган «Бобо ва набира», «Икки ўртоқ», «Пётр биринчи» каби ҳикоялари киритилган.

Китобнинг таълим-тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, ундаги ўқув материалларининг ҳаммаси болаларда ахлоқий сифатларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Шакурий томонидан тузилган ва нашр қилинган яна бир китоб «Зубдатул ашъор» тўплами булиб, унда кўп шоирларнинг шеърлари берилган. 36 бетлик бу тўплам майда настаълик хати билан, шеърлар эса саҳифаларнинг четларига (ҳошияларига) шикаста хати билан ёзилган. Ҳар бир сахифада 40—66 мисра шеър бор.

Тўпламда Саъдий, Жомий ғазаллари, ўзбек, тоҷик ва озарбайжон шоирларининг асарларидан намуналар келтирилган. Китобнинг кириш қисмида бу намуналар ўқувчиларни уша замондаги билим ва маданияти билан таништиришда катта ёрдам бериши ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги сабабли тўпламга киритилгани қайд қилинган. Шакурийнинг бу тўпламни тузишдан асосий мақсади ўқувчилар олган билимларни такомилластириш ва мустаҳкамлаш, уларда шеъриятимизни ўрганишга ҳавас уйғотиш, мумтоз адабиёт намуналари билан таништиришdir. Китобдаги янги усул мактабига атаб ёзилган тоҷик тилидаги шеърда:— Эй муаллим, мактабинг тараққиёт топиб, сернур бўлсин, яхши номинг то абад дунёда машҳур бўлсин. Файрат қил, токи биз олиму доно бўлайлик,— ахир, биз савтия усулининг севгучиларимиз, тарбият қил, ҳар кишининг хотирини шод қил. Ҳар фандан бизга ўргат, биз баҳраманд бўлиб нодонликни нари қувайлик. Гарчи нодон кишилар сенга таъна-ҳақорат этсалар ҳам ғам ема. Албатта, душманлар шармисор бўлурлар!

Абдуқодир Шакурий биринчи бўлиб мактабда ўғил ва қизларни бирга ўқитилишини жорий этди. Дастлаб қизлар учун янги усулдаги мактаб ташкил қилиб, унга аёл киши муаллимлик қила бошлади. Шакурий маҳаллий халқ фарзандларини ўқитиш ва тарбиялаш учун жонбозлик кўрсатган адаб эди. 1921 йилда Самарқанд шаҳридаги 11-нчи мактабга мудир қилиб тайинланди. Кўп йиллар мобайнида шу мактабда мудир ва она тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. Уқитувчilar конкурсида қатнашди. 1923 йилнинг 8 июлида «Правда» газетасида конкурс натижалари ёритилди. Конкурсда 27 та илфор ўқитувчи биринчи ўринни эгаллайди. Шакурий ҳам «Энг яхши ўқитувчи» деган унвонга сазовор бўлган.

Шакурий маҳаллий халқ фарзандларини баркамол қилиб

тарбиялашда бошланғич таълим мазмунини бойитди, унинг тараққиётига катта ҳисса қўши.

### Мустақил иш

М. Фаттаев «Атоқли педагогларимиз» китобидан 6—27- бетгача ўқиб-ўрганиш.

### ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ

Бошланғич таълимнинг асосчиларидан, маорифимиз ривожига бутун умрини баҳшида этган жамоатчи олим ва фидойи педагоглардан бири Исламатулла Раҳматуллаев эди.

И. Раҳматуллаев 1883 йилда Самарқанд шаҳрининг Ражабмин қишлоғида камбағал оиласида туғилди. Унинг отаси қишлоқдаги бойларнинг узумзорлари ва ерларида ёлланиб ишлаган.

Исламатулланинг савод чиқариши, билимдон ва етук педагог бўлимида Абдуқодир Шакурий оиласи кучли таъсир кўрсатган. (уни хат-саводга ўргатган Шакурийнинг онаси — муаллима Биби Розия бўлган). Ёшлигидан ўқиш, билим олишга ҳавасманд Исламатулла эски мактабни тугатиб, 1901 йилда илғор педагоглардан бири ташкил этган янги усул мактабига кириб ўқийди. Уни муваффақиятли тамомлаб, 1905 йилдан машҳур педагог Шакурий очган янги усул мактабига ўқитувчи бўлиб ишга ўтади ва айни замонда рус педагоги Стакков томонидан очилган рус-тузем мактабида ўқиши давом эттиради. У ерда рус тили, арифметика, география ва бошқа дунёвий фанларни урганади. Худди шу йилларда Шакурий билан бирга Кўқон шаҳрига бориб, у ердаги янги усул мактаблари билан, узбек адабиётининг асосчиси, атоқли педагог Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан танишади.

И. Раҳматуллаев Шакурий мактабида ўқитувчилик қилар экан. Янги усул мактаблари учун дарсликлар, ўқиш китоблари, алифбе тузиш ва нашр этиш билан ҳам шугулланган. Жумладан, 1907 йилда Абдуқодир Шакурий II синф учун тузган «Жомул ҳикоят» ўқиш китобининг нашр этилишида бевосита қатнашган.

У Шакурий мактабида катта билим ва педагогик тажриба орттирганидан кейин Садриддин Айний ва Шакурийнинг маслаҳати билан ўзи мустақил равишда Самарқанднинг Регистон кўчасида меҳнаткашларнинг болалари учун янги мактаб очади. Унда дунёвий фанлар билан бирга, рус тили ўқитишини ҳам йўлга қўяди.

У 1915 йилда ўз амалий тажрибаларини умумлаштириб, рус педагоглари К. Д. Ушинский ва Л. Н. Толстойлар таъсири остида тожик тилида «Таълими алифбе ёхуд раҳбари мактаб («Алифбе таълими») китобини ёзади.

И. Раҳматуллаев Самарқандда маҳаллий миллат кишиларидан педагог кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган.

1922 йилгача маҳаллий ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этишга раҳбарлик қилган. 1922 йилдан 1926 йилгача Самарқанд шаҳрида ташкил этилган ўзбек инпроси (маориф билим юрти)нинг директори ва ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Уша пайтларда Самарқанд инпроси фақат ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юрти сифатида эмас, балки янги зиёлиларни етиштириб чиқарадиган муассаса сифатида ҳам катта обруға эга бўлган.

И. Раҳматуллаев юзлаб ёш мутахассисларни тарбиялаб, вояга етказди. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик фан, маданият, адабиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида машҳур кишилар бўлиб етишди.

Бир вақтлар Республика илк бор ташкил этилиши билан И. Раҳматуллаев Республика Халқ Маориф Комиссариати қошидаги илмий марказда жонбозлик кўрсатиб ишлайди, педагог сифатида ўзбек ва тоҷик мактаблари учун дарслерни тузиш ҳамда уларни таҳрир қилиш ишларига ҳисса қушади.

1926 йилда Ўзбекистонда биринчи марта «Ўзбек давлат китоб палатаси» ташкил этилиб, И. Раҳматуллаев унга директор қилиб тайинланади. Бу муассасада 1933 йилтacha ишлайди. Уша йиллар давомида унинг раҳбарлигига китоб палатасида катта илмий-библиографик ишлар олиб борилади.

И. Раҳматуллаевнинг халқ маорифи ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатларини ҳисбога олиб, Ўзбекистон ҳукумати 1935 йилда унга «Меҳнат Қаҳрамони» унвонини берди ва шахсий пенсия тайинлади. Халқимиз И. Раҳматуллаевнинг халқ маорифи ва маданий-оқартув соҳасидаги ишларини, маҳаллий педагог кадрлар тайёрлашдаги катта хизматларини ҳар вақт қадрлайди, ~~хеч~~ вақт уни ёдидан чиқармайди. И. Раҳматуллаев ўзининг педагогик фаолиятида баркамол инсонларни етиштириш мақсадида янги усул мактаблари учун яратган дарслерни ўзи 1915 йилда Регистон кўчасида очган мактабида синаб кўрди. У дарслерида рус, татар, озарбайжон олимларининг тажрибалари ҳамда Абдуқодир Шакурий, Ҳамза Ҳакимзодани дарслернинг давомчиси сифатида ривожлантириди.

И. Раҳматуллаев тузган Алифбе китоби З қисмдан иборат: дастлабки қисмида ҳарф элементларини ёзиш бўйича машқлар; иккинчи қисмида ҳарфларнинг турли кўринишлари; учинчи қисмида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоя ва шеърлар.

Дарслернинг мазмуни. Дарслерни 26 саҳифасида муаллиф араб, тоҷик алфавитининг ҳарфлари билан таниширади. Айниқса, араб алфавитидаги ҳарфларни ташкил этиширади. Айниқса, араб алфавитидаги ҳарф тўрт шаклга эга эканлиги, яъни ёлғиз шакл, бош, ўрта ва сунгги шакл. Китобнинг 26-дarsida шу шаклларни ўрганиш учун кичик-кичик жумлалар берилади. Сунгра товушлар ҳақида маълумот берилади. Раҳматуллаев китобининг 32 бетида 60 дарсда араб ёзувининг

хусусиятлари ҳамда ҳарфларни қандай сұзларда қаочи ишлатиши түшунтириб беради.

Дарслікнің алифбе қисми шу билан яқунланади. Сұнгра мажмұа қисми бошланади. Бунда тарбиявий характердаги ки-чики-кичиқ ұқоялар киритилген. Дарслікнің бұл қисмінде үқувчиларни одоб-ахлоқлы қылыш тарбиялашға доир мавзуларни қуидегіча тавсифлаш мүмкін: Ота-онага ҳурмат «Фаридун», «Ота ва үғил», «Панд» («Насиҳат»), табиатни өзөзлаш, гүзәллік, тұғриликка доир «Сүв», «Чор фасль» ва бошқалар.

Китобдаги ки-чиқ гап ва матнларда ҳам, ҳикматтың сұз ва шеърий парчаларда ҳам, хуллас қаламга олинаеттеган ҳар бир жумлада билим олишга мұхаббат, тозалик, үқитувчи ва ота-оналарни ҳурмат қилиш, дүстлик, биродарлық, садоқат каби ғоялар батағсыл ёрнілген:

### Ота ва үғил

...Үғли ялиніб отага чунон —  
Мактабдан, отажон, сұзлагин,— дерди.  
— У ерга борған ҳар бир бола,  
Нималар қиласы, сен айтғын менга,  
Отаси дедіким: эй, сен чироғым,  
Азиз болажоним, күзим қароғым.  
У ерда болалар китоб үқиша  
Илм ва ҳунарни билмоққа шошар...

И. Раҳматуллаевнинг ўзи яратған дарслікларыда мазмундор таълимий ва тарбиявий ғоялар билан болалар фикрини бойитиб бориши ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлди. И. Раҳматуллаев таълим берәётган болалар саводхонлиги бошқа мактаблардаги болаларга нисбатан юқори бўлганлиги ота-оналар эътиборини қозонған. И. Раҳматуллаев қўлида таҳсил олиб, илм даргоҳининг нурли эшикларини очган шогирдлари Юнус Ражабий, Толибжон Содиков, Ҳамид Олимжон, Воҳид Абдуллаев, Фотиҳ Ниёзий, Н. Валихужаев, Ҳабиб Юсуфий, Музайяна Алавия, Ф. Йўллоншев. Р. Ҳамроевлар ҳам устозларни каби ўзларидан яхши ном қолдирдилар. Раҳматуллаев ташкил этган янги усул мактаби бошланғич таълимнинг ривожи учун замин вазифасини бажарди. Унинг ёзған дарсліклари эса кейиниги дарсліклар учун асос бўлди.

Қатағонлик йилларыда И. Раҳматуллаевни ҳалқ душмани деб қамадилар. У 17 йил гуноҳсиз қамоқ азобини тортди. Педагог олим 1954 йили қамоқдан озод қилинди. Қамоқхонадаги камситишлар, тухматлар унинг иродасини буқолмади. Чунки у ҳақиқат ва келажак учун курашган инсон эди.

Самарқандда маориф ва маданий оқартув муассасаларини ташкил этишда, уларнинг фаолиятини намунавий йўлга қўйиншида, маҳаллий үқитувчиларни тайёрлашдаги хизматини ҳисобга олиб, Самарқанд шаҳридаги кўчаларнинг бирига И. Раҳ-

матуллаев күчаси ва шаҳардаги 56- мактабга унинг номи берилди.

### Мустақил иш

*И. Раҳматуллаевнинг «Алифбе» дарслигини ўқиб таҳлил қилинг.*

### САИДАҲМАД СИДДИҚИЙ

Саидаҳмад Сиддиқий 1864 йилда Самарқандда ҳунарманд оиласида туғилди. Унинг отаси Ҳасанхўжа ака асли туркистонлик бўлиб, бир вақтлар Самарқандга кўчиб келган ва ўша ерда яшаб қолган эди. У тўқувчи-косиб булгач, амал-тақал қилиб рўзгор тебратди. Оғир турмуш ташвиши уни эрта қаритди. Саидаҳмад 7 ёшга кирап-кирмас отаси вафот этди. У дастлабки саводини амакисининг уйида, янгаси қўлида чиқарди. Кейинн кийинчилик туфайли соатсозга шогирд тушади.

Саидаҳмад ўзи ҳақида шундай ёзади: «Оғир аҳволда қолган оилани боқиш учун онам мени соатсозга шогирдликка берди, у шундай хасис эдики, ҳатто, қаҳратон қишида ҳам иссиқроқ кийим бермасди. Тонг ёришмасдан бошлаб ярим кечагача тинмасдан ишлардим. Томларининг қорини кураган пайтларимда оғим совуқдан музлаб қоларди, ўтириб узоқ йиғлардим».

Сиддиқий соатсозликни ўрганиб олгач, у ердан кетади, тўқувчилик, соатсозлик, заргарлик билан шуғулланади. Худди ўша йилларда Самарқанддаги мадрасалардан бирига ўқишига киради. Аммо йўқчилик туфайли ўқишидан кетиб, ота касби — косиблик билан шуғулланишга мажбур бўлади. Билимга ташналиқ уни яна мадрасага тортади. У Бухоро мадрасасига бориб жойлашади. Дарсдан ташқари вақтида Ибн Сино, Навоий, Бедил асарларини мутолаа қиласди. Саидаҳмад табиий фанларни, тилни ўрганади. У мадрасада ўқиётган пайтидаёқ араб, форс, озарбайжон тилларида бурро гапирав, рус тилини ўрганишга ҳам қизиқар эди.

У мадрасани тугатгач, тезда кечки мактабга ўқишига киради. Сиддиқийнинг истеъоди кўп қиррали бўлган. «Инқилоб» журналининг 1924 йил 12-сонида унинг фаолияти ҳақида шундай ёзилган: «Бизнинг текширадиганимиз самарқандлик шоиримиз Ажзийдир, Саидаҳмадхўжа исми, унвони Сиддиқийдир. Узининг асосий касби бўлмиш эътибори ила ҳозир ҳам Самарқанд чегарасида Ҳалваи қишлоғида деҳқончилик билан машғулдир. Буюк бир истеъодога эга бўлганидан кўп санъатларнинг устозидир: аввало, Сиддиқий яхши техникдир, соат ва турли машиналарни тузатмоқ ишига моҳирдир, яхши тўқувчи ва тикувчиндир, яхши овчиндир, мусиқа билан анча шуғуллангандир, уз тылидан бошқа араб, форс, озарбайжон, рус тилларини биладур. Форс, араб ва рус адабиётлари билан ҳам ошнодур». Дарҳақиқат, унинг билим доираси бениҳоя кенг бўлган.

Сиддиқий 1901 йилда отасидан қолган боғни сотиб, уч йил-

лик саёхатга отланади. Араб мамлакатларини кезиб чиқади. Жиддадаги рус элчионасида бирмунча муддат таржимонлик қиласы. Сүнг Марказий Россиянинг қатор шаҳарларини кўради. Уч йиллик саёхат таассуротлари Сиддиқий дунёқарашининг шаклланишида, турмуш ҳодисаларига чуқурроқ қарашида катта роль ўйнайди. Шоир рус адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганади. Россиянинг иқтисодиёти, фани ва техникасига қизишиш кучаяди.

Саидаҳмад Сиддиқий 1903 йилда ватани — Самарқандга қайтиб келади ва уша йили ўз қишлоғи — Ҳалвоида дәхқон ва ҳунарманд болалари учун янги типдаги мактаб очади. Қисқа муддатда мактабнинг довруги узоққа кетади. Сиддиқийнинг мактабига ухшаган мактаблар кўпая бошлади.

Сиддиқий халқ орасида фан ва техниканинг янгиликларини ташвиқотчисига айланади. Бунинг учун у аввало ташвиқот ишларини ташкил этишни зарур деб ҳисоблайди ва ўзи очган мактабда ушбу вазифаларни йўлга кўяди. Сиддиқий мактаби ўқишиш-ўқитиши ақидалари жиҳатидан уша даврдаги рус мактабларига ухшар эди. Сиддиқий катта ёшли кишилар учун ҳам биринчи булиб кечки мактаб ташкил қилган ва бу иш уша даврда Самарқанднинг маданий ҳаёти учун тамоман янги ҳодиса бўлганди. Янги мактабнинг ақида ва усулларини халқ орасида яна ҳам кенг ёйиш мақсадида Сиддиқий 1914 йилда мактаб кўрсатмали қуроллари, дарслик ва журнallар сотиладиган «Зарафшон» дўконини очган. Сиддиқий мактаби бутунлай янги типдаги замонавий мактаб булиб, унинг жиҳозлари орасида партаю доскадан глобусгача мавжуд эди. Шунингдек, бу мактабда барча динга, барча миллатга мансуб болалар ўқиши мумкин эди. Мактабда барча фанлар — арифметикадан фала-киётгача, араб тилидан рус тилигача ўқитиларди.

1911—1914 йилларда Сиддиқийнинг халқ мактаблари шоҳобчаларини кенгайтириш, улардаги таълим-тарбия ишлари усулларини яхшилаш борасидаги фаолияти анча кучаяди. У 1913 йилда «Самарқанд» газетасига мақола ёзиб, унда Абдуқодир Шакурий раҳбарлигига ишлабётган янги усулдаги мактабнинг афзалликларини кенг тарғиб қиласы.

Сиддиқий янги мактабларни қишлоқ жойларда ҳам ташкил қилган. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида ва Челак қишлоғида шундай мактаблар очган. Энг ахамиятлиси шундаки, мактабларда фақат маҳаллий миллат — ўзбек ва тожикларнинг эмас, балки русларнинг болалари ҳам ўқиган.

Челак қишлоғида Саидаҳмад Сиддиқий томонидан ташкил қилинган мактабда И. П. Павлов номидаги Самарқанд Давлат тибиёт институти топографик хирургия кафедрасининг собиқ мудири, профессор Георгий Николаевич Александров ҳам ўқиган. У шундай ҳикоя қиласы: «Мен Биринчи жаҳон уруши йилларида Челак қишлоғида Саидаҳмад Сиддиқийда ўқиганман... Бизнинг мактаб 10—12 боладан иборат эди, ўқувчилар орасида ўзбек, тожик ва руслар бор эди, Сиддиқий болаларни рус тили

ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиётидан ўқитар эди. У юмшоқ табиатли киши бўлиб, болаларни жуда севарди ва ҳамма вақт кулиб тураади. У уста педагог эди... Унинг ўқитиши усуллари бошқа мактаблардаги усуллардан тамоман фарқ қиласар эди... Ўқитувчимиз дарсларни қатъий жадвал асосида ўтказар: бир кун рус тили, арифметика, география, тарих, табииёт фанларидан дарс ўтказса, иккинчи куни бу дарсларнинг ўрнини навбат билан алмаштиради. Мен ундан ўзбек тилини ва араб ҳарфидаги ёзувни яхши ўргандим, ҳозир ҳам араб ҳарфларини яхши ёза оламан. У табииёт дарси бўйича бизларни Булунғур дарёси ёқаларига олиб борар, табиат манзараси, ҳар хил қушларни кўрсатарди. География бўйича дунёдаги ҳар хил мамлакатлар, дарё ва кўлларни кўрсатар, глобус билан таништиради... У ота-оналар билан яхши алокада бўларди ва жуда камтарин эди. Болалардан тозаликка риоя этишини талаб қиласар, дарс олдидан қўлларимизни ювишга мажбур этар, дарсда диққат билан ўтиришни талаб қиласарди... Ўқувчиларга жисмоний жазо бермас, уларни ўз олдига чақириб олиб дустона сухбат ўтказарди». Саидаҳмад Сиддиқий ана шундай моҳир демократик қарашдаги педагог бўлиб, у яшаган даврда бу катта жасорат эди.

1926 йилда Узбекистон Маориф комиссарлиги унинг 25 йиллик педагогик фаолиятини тақдирлаб, «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонини берди ва нафақа тайинлади.

Саидаҳмад Сиддиқий ўзининг илфор педагогик ғояларини кенг тарқатиш учун пандномалар ҳам ёзган. Сиддиқий шоир сифатида халқнинг тортаётган азоб-уқубатини, мashaққатли турмушини юракдан ҳис этган. Унинг шеърлари кейинчалик «Миръоти ибрат» (1912, Тбилиси), «Анжумани арвоҳ» (1912, Тбилиси), «Ганжинаи ҳикмат» (1915, Тошкент), «Айнул адаб» (1915, Тошкент) тўпламларида нашр қилинган. Унинг асарлари ўзбек ва тоҷик тилларида босилган. Сиддиқий меҳнаткаш халқнинг аянчли турмушини унинг ўзига англатиш, унинг фикрига таъсир этишга катта аҳамият берган.

Сиддиқий оташин маърифатпарвар шоир сифатида майдонга чиқкан. Маърифат — тараққиёт белгиси эканини ошкора айтган:

Мен ақлга мурожаат қилдим:  
Эй билим эгаси! Менга нодонликдан  
қутулиш йўлини кўрсат. У айтди:  
Мактаб, мактаб, мактаб!  
ўқи, ўқи, ўқи!

Сиддиқий ўз шеърларида жаҳолатни, нодонликни қоралаган, халқ оммасини илм-маърифатни ўрганишга чақирган. Шоир булар билан чекланиб қолмай, ҳайтий воқеалар орқали ҳам жаҳолат билан маърифатнинг оқибатини ифодалайди ва халқ-қа ибрат деб кўрсатади, шунинг учун ўз асарини «Миръоти ибрат» ёки «Ибрат ойнаси» деб атайди. Бу достонда халқ

фожиасининг асосий сабаби маърифатсизликда экани қайд этилади. Масалан, у шундай деб ёзади (тожикча шеър бўлгани учун маъносини келтирамиз):

«Қачонгача қулоқларимизга фафлат пахтасини тиқиб, ибрат кўзларимизни кўр қилаверамиз?! Маърифат нурларидан баҳра ололмай, қачонгача илмдан хабарсиз қолаверамиз?! Шўр денгизидан токай жаҳолат сувини ичамиз?»

Саидаҳмад Сиддиқий (Ажзий) ўз асарлари билан ўзбек шеъриятининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Қодирий, С. Айний каби маърифатпарвар шоир ва ёзувчилар сингари халқ орасида илм-маърифатнинг тарғиботчиси сифатида хизмат қилди.

### Мустақил иш.

*Сиддиқийнинг «Миръоти ибрат» достонини ўқиб таҳлил қилиши.*

### САИДРАСУЛ АЗИЗИЙ

Сайдрасул Азизий 1866 йилда Тошкентда туғилган. Отаси Сайдазизхўжа илмли киши бўлган. Азизий бошланғич маълумотни эски мактабда олди. Сўнг Тошкентда Маҳмуд дастурхончи мадрасасида ўқиди. Шу билан бирга, рус тилини ҳам мустақил ўрганади.

Азизий мадраса билан баравар 1- рус-тузем мактабини ҳам битиради. Сўнг мазкур мадрасада мударрислик қиласи. 1900 йилда ўзи ўқиган рус-тузем мактабига ишга чақирилади. У ерда «Шарқия муаллимлиги»ни (ўзбек тилидаги дарсликни) олиб боради.

Азизий 1910 йилда Московда ва Петербург шаҳарларида бўлади. У ерлардаги музейлар, ажойибхоналар, тарихий обидаларни томоша қиласи ва унтилмас таассурот олади.

Азизий рус-тузем мактабида дарс берар экан, ундаги ўқитиш услуби ва таълим-тарбия тизими билан эски мактаб орасидаги фарқни кўрди. Уз тажрибасига суюниб, маҳаллий мактабларга мос таълим-тарбия усулларини ишлаб чиқди.

1902 йилда болалар учун зарур «Устоди аввал» дарслигини яратди ва нашр эттиради. Китоб ҳам педагогик, ҳам бадиий жиҳатдан бесатилган бўлиб, 1- синиф ўқувчилари учун алифбе сифатида яратилган. Унинг 1—18- бетларида дарс ўтиш усуллари, алифбени ўрганиш масалалари ифодаланган.

Китобга 20 га яқин ҳикоялар, шарқ, хусусан ўзбек мумтоз адабиётни намуналари, рус адабиётидан таржималар ва Азизий қаламига мансуб ҳикоялар киритилган. Шунингдек, «Усули савтия», «Муаллими соний» каби дарсликларни янада мукаммалаштириди. Бу дарсликлар ўзбек мактаблари тарихида, ўзбек педагогикаси ва методикаси тарихида ўзига хос ислоҳни амалга оширишга хизмат қилди.

Азизий ўз ижодини шоир сифатида бошлаган бўлса ҳам,

бироқ у маданиятимиз тарихида күпроқ ислоҳчи педагог сифатида шуҳрат топган.

Азизий ҳар жиҳатдан тұла-тұқис бұлған рус-тузем мектабларында үхшайдыган маҳаллій мектаблар ташкил қилиш учун ҳам күп күч-файрат сарфлади.

Маданиятимиз тарихида «усули жадид» деб қораланиб келған ўқитишининг янги усули — «усули савтия»нинг кашфиётчиларидан бири Азизий эди.

«Усули савтия» бүйича ўқитишини амалга оширишда қатор маърифатпарвар педагоглар — Исмоилбек Фаспирали, Беҳбүдий, Исҳоқхон Ибрат, Фитрат ва бошқалар катта ҳисса құшдилар.

Маърифат курашчиси Азизий Туркистан мактаб-маорифи тараққиетіда улкан из қолдирған педагог олимдир. У таълим-тарбия бүйича қимматли ғояларни олға сурди. Бунинг далили сифатида бириңчи галда унинг «Устоди аввал» дарслигини күрсатиш лозим. Юқорида айтилганидек, адабий асар сифатида 20 га яқин ҳикояни ўз ичига олган. Уларнинг учтаси шеърий ва қолғанлари насрій усулсяда ёзилған. Ҳикояларни мазмун ва хусусиятига күра қуйидагы түрліларға ажратылған мумкин:

1) ҳалқ-оғзаки ижоди, шарқ ҳамда ўзбек мұмтоз адабиёти на мунааларидан бевосита фойдаланып яратылған ҳикоялар («Матонат», «Хат», «Беодоб», «Икки ошно», «Чақимчи», «Ақлли кишилар» ва ҳоказо);

2) рус мұмтоз адабиётидан таржима қилинған ҳикоялар («Қишлоқи бирла боласи», «Тулки бирла узум», «Бола ва отаси», «Ёлғончи чұпон»);

3) муаллифнинг ўзи ёзған ҳикоялар («Ҳамоқат», «Бефаросат», «Ақлли ўғил», «Зулук бирла илон», «Дүстлик учун аждылған мусофиirlар», «Онага ҳұрмат», «Поклик» кабилар). Азизий ана шу ҳикояларни танлашда уларнинг таълимий ва тарбиявый ақамиятини назарда тутған.

Китобдаги Азизийнинг ўзи ёзған ҳикоялар бевосита таълим ва ахлоқ масалаларига бағишиланған бўлиб, улар мазмун ва шакл эътибори билан ҳалқ оғзаки ижоди асарига үхшаб кетади. Мисол тариқасида бир ҳикоясининг мазмунини курамиз.

Бир одам бир кишига шерик бўлиб ҳовли сотиб олган экан. Шернігига у айтибдурки, ман шул ҳовлидан ўз тегишимни сотиб, аниң пулига санинг тегишиңгни ҳам олуб бутун ҳовлилик бўламан». Одамлар унинг бемаъни гапидан куладилар. Ҳикоя охирида «Аввал ўйла, кейин сўйла» деган мақол келтирилған.

Азизийнинг шеърий ҳикоялари ўз моҳиятига күра, анча диққатга сазовордир. Масалан, «Зулук бирла Илон» ҳикояси масалга күпроқ үхшайды. Муаллиф унда жуда мухим ғояни — одамларга, ҳалққа хизмат қилишни илгари суради. Унинг мазмуни қуйидагы: Зулук билан дүстлашған Илон унга ўз аҳволидан, одамларнинг унга доимо ғазаб ва нафрат билан қарашпидан ҳасрат қиласы:

*Манга таажжуб кўринур икки иш,  
Кўрса мани халқ қочар ҳар қаён.  
Санга ажаб раҳму мурувват қилуб  
Бергай алар ўз жониоан тоза қон.  
Кўрса сани ҳар нечук одам агар,  
Яхши тутуб тарбия қилгай ҳамон.  
Гар мани бир кўрса қочиб аввало,  
Агар фурсат топса урап бегумон.  
Холбуки ҳар иккимиз касбимиз бир.  
Тишламоқ эрди баданни аҳли жон.*

Зулук унга қаратса шундай жавоб беради:

*Манки мараз аҳлига ёрдам учун,  
Жоними қурбон қилурам ҳар замон,  
Агар соғу саломатдир ҳар бадан,  
Учраса заҳринг сочурсан шул замон,  
Бир нечани заҳар солиб ўлдуруб,  
Бир нечалар этгай аламингдан фифон.*

Мазкур барча ҳикояларнинг қизиқарли бир жиҳати мавжуд. Муаллиф ўз ҳикояларига икки қарама-қарши қутбни олади. Улар эзгулик — жами яхши хислатлар ва буларнинг акси. Азизий мана шу иккала қутбни қарама-қарши қўйиб, уларни ўзаро солиширган ҳолда биттасини оқлайди, улуғлайди, кўкларга кўтариб мадҳ этади, иккинчисини қаттиқ танқид қиласди. Ҳикояларда одамларнинг ўзаро муносабатлари ақл нуқтаи назаридан қандай булиши керак, деган саволга жавоб бериш мақсад қилиб қўйилган. Азизий ахлоқий тарбияни ҳам санъатнинг, адабиётнинг вазифаларидан бири деб тушунади.

Азизий ўз ҳикоялари билан бой миллий анъанани муваффақиятли давом эттирган. Асrimiz бошларидағи халқчил ва миллий адабиётни шакллантиришда ўзининг муносаби ҳиссасини қўшган. Китобга киритилган 50 га яқин халқ мақоллари унинг аҳамиятини янада оширган. Дарслидан «Кўб бил, оз сўзла», «Ўйламай сўзлаган оғримай ӯлар», «Учқундан ўт чиқар», «Бирорга ўра ковлама, ўзинг йиқиласан», «Ҳар ким экканни ўрадур» каби халқимиз орасида кенг ёйилган мақоллар билан бирга муаллифнинг ўзи томонидан ижод қилиниб, искеъмолга кириб кетган «Илмсиз ақл, енгиз кийим», «Хат ёзмоқ ярим илм», «Ёд олғон йўқолур, ёзилса йўқолмас» каби мақоллар ҳам ўрин олган. Бу мақоллар турли сабабларга кўра, ҳикоялардан чиқарилган ҳисса сифатида, ҳикояларга тўғридан тўғри илова қилинган соддагина матнларда келтирилган.

Азизийнинг «Устоди аввал» китоби ўз даврида жуда катта шуҳрат қозонди ва 17 марта нашр қилинди. Китоб Туркистонда янги типдаги юзларча мактабларнинг очилишига сабабчи булди. Барча ўзбек зиёлилари Азизий бошлаб берган мактабларда савод чиқардилар ва унинг ишини муваффақиятли давом эттирдилар.

## Мустақил иш

Саидрасул Азизийнинг «Устоди аввал» дарслигини ўрганиши ва таҳлил қилиши.

### VI БОБ. ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ МАОРИФ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ҮРНИ

#### ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ОҚИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Маълумки, Туркистондаги жадидчилик оқими жамиятдаги ижтимоий-сиёсий эҳтиёж туфайли юзага келди. Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Кавказда пайдо бўлди ва унинг асосчиси машҳур маърифатпарвар Исмоилбек Фаспирали ўғли эди.

Жадидчилик оқимининг ижтимоий-сиёсий ва маърифий жиҳатларини чуқур ўрганган профессор Б. Қосимов ўз тадқиқотида бу оқимининг ғояларини, Туркистон ўлкасидаги илм-маърифат пешволарининг шу ҳақдаги қарашларини атрофлича ёритди.

«Туркистон вилоятининг газети»нинг 1908 йил 20 март сонида жадидчиликнинг мақсади баён қилинган. Унда «Усули жадид надур?»—деган саволга жавобан «Усули жадид» («янги усул») деб ёзилган.

Демак, жадид сўзи аслида «янги» дегани бўлиб, «янгилик тарафдори» деган маънони англатади. Туркистонда жадидчилик ҳаракати дастлаб мактабдан бошланган.

XIX асрнинг 80—90-йилларида жадидчилик ҳаракатини кенг ёйишда Мунавварқори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидаҳмад Сиддиқий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода ва бошқалар жонбозлик кўрсатган.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига чор ҳукумати маъмурлари ҳамда маҳаллий бойлар қаршилик кўрсатдилар. 1882 йилнинг 30 августидан миссионер Н. Остроумов директорлик қилган Ўқитувчилар семинариясида «Ғайри рус мусулмонлари маорифининг асосларини қандай ақидалар ташкил этмоғи керак» деган мавзусидаги маърузада жадид мактабининг лойихаси тушунирилди. Семинар Ўқитувчиларидан А. К. Абрамов, М. А. Муроциевлар Исмоилбек Фаспирали ўғлининг мазкур лойиҳасини маъқулладилар. Сўнгра лойиҳа Туркистон генерал-губернатори Розенбахга танишиб чиқиш ва бу ҳақда муносабат билдириш учун топширилди. Лойиҳага салбий муносабатда бўлган губернатор унинг остига «Оқибатсиз қолдирилсин» деб ёзиб, имзо чекди. 1893 йилда Исмоилбек Фаспирали ўғли Тошкентга келди. Уни Туркистон ҳарбий маъмурияти ва маҳаллий бойлар ёқтирадилар ва таклифларига хайриҳоҳлик билдирадилар. Исмоилбек Фаспирали ўғлининг ғоясини ёқлаган

ва ана шу ғоя бүйича Туркистанда мактаб очиш учун илтимоснома ёзган Мұнавварқори ҳам рад жавоби олди. Туркистанда усули жадид мактаблари XX аср бошларыда жуда күп қиинчиликтер билан очилди. Бу мактабларда Саидрасул Азизийнинг рус-тузем болалари учун ёзилган «Устоди аввал» ва Асқарали ибн Байрамали Қалинининг «Иккинчи муаллим» дарслеридан фойдаланилди. Бундай мактабларнинг ривожига тұсқынлик қылувчи муллалар уларнинг муаллим ва тарафдорларини «мұноғиқ», дахрий (динсіз) деб ҳақораттай бошладылар. Масалан, Сұғизодани янги мактаб очгани учун Чустдан бадарға қылдилар. Самарқандлик Саидахмад Сиддиқий 50—60 минг кишилик жамоа үртасида Улуғбек мадрасаси жомеъида «коғиғир» деб эълон қылдынди, тошкентлик Мирмухсин Шермухамедов Эскижұва бозорида халойиқ үртасида сазойи этилди.

Жадидчилик фақат маориф соҳасида кенг тус олиб қолмай, балки маданият, санъат ва инқилобий ҳаракатлар соҳасига ҳам үз таъсирини күрсатди.

«Қызыл Ұзбекистон» газетасининг 1927 йил 7 июнида Тошкент округ маданиятчилар қурултойида жадидлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Қурултойда музокарага чиққан Зиё Саид шундай деган эди: «Жадидларнинг инқилобға күлғон «раҳбарлик»лари миллатчилар билан бирга большевиклар фирмасига қарши туришдан иборат эди. Бизнинг мактабаримздаги оталар қўмитаси ичидаги мағкураси бузуқ бойлар ҳам йўқ эмас. Буларнинг мактаб ёнида бўлғон комсомоллар ячейкаси ва болалар ташкилотига таъсирни бўлмай қолмайди.

Оталар қўмитасининг мактаб очиб бериши бизни анча шубҳага қолдиради. Бундан мақсадлари болаларни миллый сармоя мағкураси билан тарбиялашдир.

Мактабларда ижтимоий дарс берадурғон баъзи муаллимлар ўзларининг таржимаи ҳолларини айтиб берар эканлар, шундай муҳим дарсларни бундай муаллимларга топшириб қўйиш чакки иш<sup>1</sup>.

Бундан кейин музокарага чиққанлардан Мұнаввар Қори Абдурашидхонов маъruzасининг бир неча моддалари устида тұхтаб, маълумот тариқасида қуйидагиларни гапирди:

«— Маъruzачиларнинг таъбири бүйича бизнинг муаллимларимиз ичидаги мактаб бошқаю, сиёсат бошқа, дейдурғон кишилар бор эмиш.

Мактаб қайси синф қулида бўлса, мактабларда шу синфнинг мағкураси тарқалади ва илгари сурилади. Бу гапга күнмаганларни янглишған, ўжар кишилар, деб айтишға жасорат қиласиз. Жадидчилика қандай баҳо бериш тұғрисида қуйидаги асосларни келтираман: жадид мактаби қай вақтда ва кимлар қули билан вужудға чиқди? Мана буни текшириш учун йигирма йил илгарига қараш, албатта, лозим. Хозирги пайтда үрта маълумотта эга бўлган кишилар Масков ва бошқа жойларға бориб ўқиши ҳавас қилса, аввалилари саводи чиққан бир

киши Бухорога бориб ўқишни ўзи учун бир шараф деб билар эди. Чунки улар илмни фақат диндангина иборат деб билар эдилар. Мұхит шуни тақозо қиласыр эди. Ұша вақтнинг ҳукумати ҳам шу фикрни құвватламаса, бұлмас эди. Жадид мактабини ташкил қылғонлар ҳам есқи мактаб, мадраса ва қориходаларнинг етиштирган кишилари эди. Улар ёлғыз Бағасаройда чиқадурғон Исаимбек Гаспиралининг газетасини ўқырдилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниси, китоблар олдирап эди. Буларга баҳо янгилиш ва ортиқча берилган. Чунки ұша вақтдаги жадид мактабига уламо, бой ва ҳамма қарши эди. Жадидлар шундай шароит ичида жасорат билан чиқиб иш бошлагон эканлар, буларға бериладурғон баҳо ҳам шундан ортиқ бұлмаслиғи лозим эди.

Жадидлар шу мактабга яхши назар билан қарағон кишиларни ўзига дүст куриб қучоғига тортар эди. Буларнинг бой, руҳоний, савдогар булишидан қатын назар, секин-секин жадидларнинг дүсти күпайиб, турли гурухлардан иборат бир жадидлар тұдаси ташкил қылдик. Иномовпі, жадидларни алоқида синф қилиб күрсатиши номағыл гап.

Жадидларнинг энг азоб тортғон даври Керенский вақтида бўлди. Керенский вақтида бошқариш ишлари уламолар қўлига ўтиб қолганди. Мактабга ёрдам бериши у ёқда турсин, чор ҳукумати даврида берилиб келган иш ҳақлари ҳам берилмади, тўхтади. Уламоларнинг ұша вақтдаги кучга молик бўлганларини жадидлардан думага 2 та, уламолардан 65 та вакил сайланishi билан исбот қиласман. Жадидлар ўз уламолари, бойларга қарши рус социалистлари билан бирга қўлга-қўл берип ишлади.

Қўқон мухториятини рус меньшевиклари тузди. Чўқоев унга жуда яқин эди. Убайдулла Хўжаев ва Ғизомиддинлар мухториятга қатнашди. Ұша вақтда жадидларнинг отаси бўлиб ҳисобланган мен ўзим лоақал миллат мажлисига аъзо бўлиб ҳам сайланмадим. Жадидлардан Қўқон мухториятига қисман аралашғон кишилар бўлса ҳам кўпчилиги четда турғон».

Гарчи Қўқон, Бухоро ва Хива мухториятлари жадидчилик ҳаракати ва унинг маърифий ғояларини бузиб ташласа-да, бир қатор маърифатпарвар шоир ва педагоглар бу ғояни Туркистонда амалга оширишга киришдилар. Булар Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидрасул Азизий, Исҳоқхон Ибратлар эдилар. Улар ташкил этган мактабларининг довруғи етмаган жой қолмади. Бундан илҳомланган Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний ва бошқалар Туркистонда ҳам шундай мактаблар ташкил қилиш зарур деб билдилар. Жадидчиликни ҳимоя қилувчи Мұхаммадхўжа Беҳбудийнинг жуда кўп мақолалари, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг ҳикоя, қиссалари нашр этилди.

<sup>1</sup> Қизил Ўзбекистон. 1927, 7 июнь.

## ИСМОИЛБЕК ФАСПИРАЛИ ҮФЛИ

Исмоилбек Фаспирали үфли үзининг дидактик ғояларини «Раҳбари муаллим ёки муаллимларга йўлдош» номли китобида (1898) ҳар томонлама асослаб берган. Унда, жумладан, қуидагиларни ёзганди: «Замонамида дунёда яшамоқ учун инсонлар зиёда билмая (бильмоққа) ва зиёда чолишмая (курамоққа) муҳтождирлар. Ҳар бир одам зарурати диниясини үргандиқдан сунг ҳар кун ишда ва муюмалада лозим ӯлан билук (билим), ҳунар, саноеъ ва камолоти соира (бошқа) билмаси (бильмоғи) лозимдир. Бунлар (булар) ҳам таҳсил ва таълим ила майдона келуб.

Бизим мусулмонлар ёлғиз бир миқдор каломи шариф ӯқумоқ ва баъзан бир-икки сатр қораламоқ таҳсили учун беш сана мактаба воруб келублар ва олажак бу таҳсил учун ўшлиғи ва замон таҳсили фавт (курбон) эдарлар. Агар мактаблар гузал бир усула кунлурса (утказилса), беш саналик таҳсил мукаммал ӯлароқ икки санада тамом эди, қолан уч санада хийла-маълумот ва илм қозанмоқ мумкин ӯлажакдур.

Бунга биноан 1884 санаси Боқчасаройда бир мактаби усули жадида қўймиш эдим. Самараси умидимдан зиёда ӯлди. Бир коч (қанча) мактаблар доҳо усулими қабул ила ислоҳ ӯлдилар. Соир вилоятлардан усул кўрмия келуб-кеданлар ӯлуб, бу сояда ҳар тарафдан икки юздан мутавожуз мактаблар усули қабул этдилар...»

Исмоилбек Фаспирали үфли уни «усули жадид» мактаби деб атади. У «усули жадид»ни аввалгиларига —«усули қадим»га зид қўйиш йўлидан бормади, аксинча, бир-бирининг давоми, замонга мувофиқлаштирилгани, деб ҳисоблади:

«Эски усул мактаб муаллимлари, ҳурматлу қариндошларимиза бу ёздикларимиз оғир келмасун. Ҳошо, биз кандимиз (ўзиғиз) эски усул ила ӯқудук... Ота-бобо кунларидин қолмиш миллий мактаблари ислоҳ этмак усули жадид демакдир, бош қа бир ӯқув, бошқа бир мактаб демак дагил (эмас)дир».

Ў қандай мақсадда ва нима сабабдан юзага келди? Ўни «усули қадим»дан ажратиб турувчи асосий хусусият нимада?

«Усули жадид оз вақтда зиёда ва доҳо мукаммал ӯқутмоқ ва ӯқумоқ йўлларини гўстирир (курсатади)».

Муаллиф мазкур китобида бундай мактабларнинг қурилиши режаси — лойиҳасидан тортиб, дарс хоналарининг ички жиҳоз ускуналаригача, муаллим курсисининг туриш жойидан ўтиргичлар — парталарнинг жойлашиш тартибигача, бўр-табоширдан ёзар-бузар — доскагача, қопу (эшик)дан панжара-деразаларгача ҳаммаси ҳақида батафсил тўхтайди. Дарс жадвалини тузишда нималарга риоя қилиш, танаффус — таътиллар, имтиҳонлар, дам олиш кунлари ҳақида фикр юритади. Чунончи, мактабнинг 12 моддалик «Риоя»сида қуидагиларни ӯқиймиз: «Беш соатда беш турли фандан дарс боқмоқ (бермоқ) оғир

дагилдир. Лекин беш соат ёлғыз бир дарс ила ўғрашмоқ зеҳни бузар... Шогирдлари урмия, сұмия ҳожат йўқдир...».

Ҳар олти ой имтиҳон қилиб, синфдан-синфга ўтказиш, билмаганларни қолдириш ва булар орқали шогирдларда ўқишига ҳавас уйғотиш хусусида сўзланади. Китобда асосий ўринни «усули жадид» мактабининг дарслерни ва «Дарс вермак усули қоидалари» эгаллаган.

Исмоилбек Фаспирали ўғли ишни 3—5 ҳарфни ўқувчига танитиб, шулардан сўз ясаш билан бошлишни, бир дарсни ўзлаштиришга эринмасдан, навбатдагисини бошламасликни уқтиради. Ҳарфларнинг сўздаги урнига қараб турли шакл олишига диққатни қаратади. Уларни 2 қисмга — олдидан келувчи ҳарфларга қўшилувчи («хуруфи мунфасила») ва ҳар икки томон билан қўшилувчи («хуруфи муттасила»)га ажратади. Шу тариқа савол чиқаришда ҳар бир ҳарфнинг «садосини, савтини, маҳражини баён этиш»ни талаб қилувчи «усули савтия» (товуш методи) атрофлича асосланади. Исмоилбек Фаспирали ўғли уни «усули савтияни тадрижия» деб атайди.

1881 йилда Симферопольда Фаспирали ўғлининг «Русия мусулмонлари» деган китоби босилиб чиқди. Унда мадрасаларни ислоҳ қилиш, дунёвий фанларни ўқитиши, рус тилини ўргатиш масалалари кўтарилиди. Жумладан, диний фанлар ва араб тили билан бирга тиббиёт, ҳикмат, кимё, наботот, нужум, ҳандаса фанлари, рус ва форс тилларини (жами 17 та фанни) ўрганиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди. Айни пайтда, Русиядаги мусулмонларнинг маърифати ўз тилларида, анъанавий воситалар билан олиб борилиши кераклиги қайд қилинди. Сўнг 1884 йилда — усули жадид мактаби очилган пайтда Исмоилбек Фаспирали ўғли маҳсус «Хўжа сибён» («Болалар муаллими») ўқув дарслигини ёзib чоп эттириди. Бошқача айтганда, ўқитишининг оврупча ҳарф-тovуш усулини биринчи маротаба русия мусулмонлари маорифига олиб кирди. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Мелодий 1881 санасида жидигим маълумотига кўра, Русияда 16 миллион мусулмон ўлуб, бунларнинг чернеслардан турк ўғли (Турк) эдилар... Ушбу туркларнинг 16 минг миқдоринда маҳалла мактаблари (ибтидоиялар) ва 614 та арабия мадрасалари бор эди. Ўрта ҳисоб ила ҳар мактабда 30 бола ўқимиш эса ибтидоиялар ва мадрасаларда ярим миллион бола ўқимоқда ўлдиғи англашилур эди».

«Зоҳирий куринишида бин умидли ўлан ушбу ҳисоб, ҳақиқат ҳолда бир алданишдан иборат эди. Зоро, 16 минг мактабда ўқимоқда ўлан турк болалари бешар сана таҳсил қилдиқлари ҳолда туркига беш-үн сатр қадар ўлсун ўқурға ва ёзарға ўргана олмазлар эди. Ушбу сабабдан ҳар сана болаларининг умрлари исроф бўлинур эди» («Турк оти» журналида 1912 йилда босилган «Русия Туркларинда усули савтия мактабларининг тарихи» мақолосасидан).

Қиёс учун яна бир насиба: Ойда 15 тийин хаҳ веруб, бола-

ларни ўқутурға одам қилмиш ота-оналарнинг ойда I сўм 15 ти-йин веруға ризолиқлари баним умидимни даҳи бир қат ортдирид».

«Янги усулнинг мўътабар ўлмоқи эски фикрлилар учун матлуб ўлмади, мактабни ва усулни халқ кўзиндан туширмоқ учун чораҳаларга кирдилар ва ҳар тарафдан ҳужум қилдилар. «Тез ўрганилмиш илм тез унтилур»,— дедилар, «диний мактаблар битар ва русча ўқилажак ишкўллар ўлурлар»,— дея сўйладилар».

«Илм-маърифат ўчоқлари ҳар ерда учарға бошлади... ёки «Ушбу жиҳатдан бир-бириндан ўғранмак тариқи ила муаллимлар етишитирмак чораси тобулди»<sup>1</sup>.

«Мактабда имтиҳон кунида қирқ бола ёзилди» (ортиқча мумкин эмас — группа бўлди!) Имтиҳонгача!».

...Дарслар мажона ўқулиб, ҳатто, китобу қофоз мактаб ҳисобидан верилажаги ҳолда, мактабга ишонмадиялариндан ёлғиз 12 бола шогирд ўлароқ ёзилди ва шулар ила дафтар ёзилуб дарс бошланди, кунда дўрд соат шуғулланиб қирқ беш кун давом этилди.

Қирқ кунлик дарсларнинг натижаси ўлароқ салбий болаларнинг туркча ўқир ёздиқларини, Қуръони шарифнинг очилиши, бу ериндан аҳрин-аҳрин (аста-аста) ўқурға кучлари етадиган кўрдилар. Бунинг асари (таъсири) или ҳозир ўланлардан кўплари кўз ёшлари ила оғладиқларида кўрилди. Хайрли кўз ёшлари бу ёшлар эди? Дарсларни, мактаб ва мадрасаларни ислоҳ этмак мумкин ўлажафини далилида ушбу ёшлар эди».

Исмоилбек Гаспирали ўғлиниң мероси Туркистонда жуда ҳам эъзозланар эди. Айниқса Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдурауф Музаффар ва бошқалар устознинг меҳнатига қойил қолган эдилар. Масалан, Абдурауф Музаффар қуидагиларни ёзган:

«Исмоилбек қрим-турк ўғли бўлғони сабабли ададий (кўп) даражада мунтазам таҳсил кўрмиш мақсади ила Парижга бормишdir. У туркча ўқиди. Туркия, Минер, Жазоир ва Тунис каби діёри исломни саёдат қилиб, аҳволини яқиндан танишди. Исмоилбекнинг бош фикри Русиядаги мусулмон туркларини бир-бирлари билан таништиromoқ ва улуғ бир турк миллати ташкил этуб, аларни тараққий қилдиromoқ эди. Лекин бунинг учун энг лозим бўлган нарса — турк қавмларининг ҳар бири англай оладурғон умумий бир шева ихтиро қилмоқ эди. Шунинг учун ул «Таржимон»ни нашр қила бошлади. «Таржимон» бошида ниҳоятда оз тарқалуб, ёрдам бўлмагани сабабли Зуҳро хоним ила Исмоилбек, ҳатто, ўзларининг қимматли кийимларини, зийнатларини ва уй асбобларини сотмоққа мажбур бўлдилар.

Ўн йилдан сўнг «Таржимон»нинг кичик бир юбилейи бўлди. Бу вақтда бор муштариylари бир ярим мингга етган эканлар.

<sup>1</sup> Узбекистон адабиёти ва санъати. 1990, 26 январь.

Татаримиз сартимизни, сартимиз қозофимизни күрдик ва танидик. Улуг отамиз «Таржимон» бизларға васийлик қилди, насиҳат берди. Құлларимизни бир-бирлариға құшди... Таълим-тарбияға әътибор беріб Қоқасаройда курслар очы да дарс китоблари ҳозирлади. Бу курсларға Русянинг узоқ шаҳарлардан талабалар келиб, усули савтия үрганиб кетар да үзларнинг шаҳарларыға қайтуб, мактаблар очар әдилар. Қоқасарой шаҳридан чиққан бу янгынның мактаблар тезда Русянинг ҳар тарафиға тарқаб, бутун Руся мусулмонлари мактаблы бүлділар. Руся мусулмонлари тил, адабиёт да матбуотнинг майдонға чиқуб, бу даражада такомили, ҳар түрли жамиятлар да ҳунар мактабларининг күндан-күн қупаймоғи, миллій театр, миллій музикаға ахамият этилмоғи ҳаммаси Исмоилбекнинг 32 санадан (йилдан) бери құрсаған ғайратлари соясида эканлиги ҳар бири мизга күн каби ошкорадир<sup>1</sup>.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Исмоилбек Фаспиралини үлишини Туркистан халқы учун унтутилмас жудолик эканини қуйидагича ифодалаганди:

#### Явмұл вафот

Бори ер юзинде тоторларғагина хос эмас, балки бутун аҳли исломга баробар таъсир қылған фурқат важқидалиғдан мотамлиқ бир күн етди десак-да, марҳум да мағфур Исмоилбек отомизнинг явмұл вафоти күни дур.

Үзини инсон эканлиғин ҳақиқиғиң күз била құрғондан бери бутун Руся мусулмонлари орасында маориф деңгизин оқузымоқ да тошзорларни сабзазор этмоқ муродида қоршудаги «садд» бүлғон нифоқ ғафлат да жақолат каби ҳисобсиз тизилғон энг зүр катта тоғларни ёлғуз үзи Фарғод каби ижтиҳод да ғайрат тешаси била бузуб текиз қылғон зотда бу Исмоилбек ҳазратлары әди.

Бу хүсусларда ҳар бир тарафдан келодурғон тиіри таңын да санғы маломатлар учунда: ҳамма диндош да миллатдошлардың ғондай аҳли Исмоилнинг ёшлары қалқон бүлуб, үзининг ҳаёти учун энг бириңчи даражада фарз да лозим үлғон тубандаги үй-қу да роҳатидан, тандаги тарбия да фароғатидан воз кечиб, узоқ йүлларимизни яқын да кечаларимизни күндүз қылғон зотда бу марҳум да мағфур Исмоилбек ҳазратлары әди».

#### Мустақил иш

Фаспирали Исмоилнинг «Раҳбари мұаллим» ёки «Мұаллим-ларга ійлідіш» асарини үқиб чиқиб тақлил қилинг.

#### МУНАВВАР ҚОРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Мунаввар Қори Абдурашидхонов 1878 йилда Шайхонтохур даҳасининг Дархон маҳалласында туғилди. Құп үтмай, падары бузруквори бандаликни бажо келтиради да онаси Хосиятхон

<sup>1</sup> Садои Туркистан, 1914, 42-сони.

маҳаллада отинлик қила бошлайди. У ўқимишли фозила аёллардан бўлиб, ўз фарзандларига дастлабки савод ва бошланғич илмдан сабоқ берган. Мунаввар ҳам илмга чанқоқ бўлиб, дастлаб Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида, сўнг Бухородаги мадрасалардан бирида таълим олади. Ўқиш билан бирга Ватан тақдири, халқ баҳти, унинг ижтимоий-иқтисодий турмуши, «оқ пошшо»нинг ўлқадаги ҳарбий зўравонлик тузуми, ўрнатган босқинчилик тартиботи ҳақида ҳам ўйлаган. Мунаввар қори Ватанинг озод бўлиб, мусулмонларга дунёвий билимлар беришнинг бирдан-бир йўли энг аввало мавжуд диний мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, янги маориф тармоқларини яратишини зарур деб ҳисоблади.

У 1901 йили биринчи жадид мактабини очиб, болаларни ўқитади. Бу мактабда 5 йиллик билимни 3 йилда беришга муясар бўлади.

Мунаввар Қори жадид мактаблари учун янги товуш усулида дарслеклари «Адиби аввал» («Биринчи адаб», 1907), «Адиби сони» («Иккинчи адаб» ўқиш китоблари) чоп этилди. Мунаввар қори номининг фақатгина Туркистондагина машҳур бўлмай, балки Марказий Осиё, Россия мусулмонлари учун табаррук эди. У 1906 йили Исмоил Обид муҳаррирлигига «Тараққий» рўзномасини ташкил қилди. Унинг саҳифаларида ислом, шариатга оид масалалар, иқтисодий-сиёсий муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтган эди. 1908 йили «Сабзавор» (бадиий асарлар тўплами) «Ер юзи» (географияга оид, «Тажвид» (Қуръони Карим)ни босиб жадид мактабларида тарқатди.

1910 йили Тошкентда 10 та жадид мактаби бор эди.

Жадид мактабига асос солган Мунаввар Қори жадидчилик ҳаракатини фақатгина маърифатчилик деб чегаралаб қўйгандарга қарши курашиб сиёсий ва иқтисодий масала эканлигини алоҳида таъкидлаган эди:

«Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларни тилагида бор эди. Сиёсий вазифасиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлишини яшириш эмас. Наники, биз жадид мактаби очиш билан савдо ҳизматчилари, бошқача таъбир билан антганд, дўконда ўлтириб насия ёзадурғон ходимлара етказсак. Шу ишга ақлли одам шу баҳони беришдан олдин у ёқни мулоҳаза қилсин»<sup>1</sup>.

Инқилобдан сўнг Мунаввар Қори ўрта маҳсус ва олий таълим асосчиси сифатида 1918 йил 9 апрелида Мунаввар Қори ўйида тўпланган жадидчилар Туркистон Халқ дорилфунунининг мусулмон бўлимини ташкил этиш юзасидан комиссия тузилди.

Мунаввар Қори раис, Бурҳон Ҳабиб, Исо Тўхтабоев, Содиқ Абдусатторов, Мухтор Бакир, Абдусамад Қори Зиябоевлар аъзо қилиб сайланади. 22 кун ичida Халқ дорилфунунини Мусулмон бўлими дастурини туздилар.

У уч босқичдан иборат эди.

<sup>1</sup> Қизил Ўзбекистон. 1927, 7 июнь.

**Туркистон Ҳалқ дорилфунун Мусулмон бўлимининг тузилиши**

Юқори босқич	Урта босқич	Кўйи босқич
Ўқитувчилар курси, кейинроқ олий илмгоҳ	Урта ҳунар мактаб- лари	Бошлангич мактаби- да режада 9 та, амалда 24 та очилди

13 май 1918 йил якшанба куни Дорилфунун (ҳозирги ўзбек ёш томошабинлар биносида) тантанали равишда очилди. Институтга Мунаввар Қори раис (ректор), Исо Тухтабоев биринчи, Бурҳон Ҳабиб иккинчи муовинлар қилиб тайинландилар. Дорилфунунни бошқаришда 15 та демократик ташкилотдан вакил сайданди. Ўқитувчилари сони 190 га етди. Улар орасида Фитрат, Камол Шамс, Ҳайдар Шавқий, Абдураҳмон Исмоилов ва бошқа кўзга кўринган мутахассислар бор эди.

Мунаввар Қори оврупча усуладаги дорилфунун ташкил этиш билан бирга қатор мадрасаларни ислоҳ қилишни ва уларда асосан дунёвий билимларни ўқитиб, миллий зиёлилар етказишини таклиф этди. Шу сабабдан 1923 йилда янги ўеъл бўйича 30 та мадрасада талабалар ўқитилганлиги маълум бўлди.

Қатағон йиллари Мунаввар Қори қилган ҳақ йўлидаги ишлари қораланди, «халқ душмани», «миллатчи»ликда айбланиб қамалди, 53 ёшида отиб ўлдирилди. Мустақил Ўзбекистон шарофати туфайли бу сиймо бамисоли булат ортида қолган қуёшдек хирадикдан ёруғликка чиқиб умумбашар ёғдуси билан ёшлилар тарбиясига хизмат қилмоқда.

Мунаввар Қори ижодий фаолиятида мактаб ташкил қилиш билан бирга қандай ўқитиш ва нимани ўқитиш назариясини ишлаб чиқди. 1907 йили нашр этилган «Адиби аввал», «Адиби сони» дарслекларини проф. Ю. Абдуллаев таҳлил қилган. «Адиби аввал» дарслиги 10 марта нашр этилган. Дарслекнинг қиммати шундаки, ўқувчиларга ҳарф ўргатиш дастлаб ҳарфлар шаклларини ўргатиш учун китобнинг 25 бетида муаллимлар учун қўйидагида курсатма берилган: «Ҳурматли муаллим афандилар. Сабоқ шу ерга етганда болаларга алифбои арабиядик ҳам ҳар куни бир сабоқдан ўқутуб, алифбои арабия томом бўлғондан сўнг китобига баробар Қуръондин ҳам охирги сураларни яхшилаб ўқитиб хафз айттурмоқда диққат этмоғингиз лозим».

Сунгра Мунаввар Қори қандай ўқитиш қоидалари ҳақида тўхтаб ўтади:

— ҳар ҳарфни таълим берганда кафага мойилроқ қисқа овоз или таълим бермоқ ҳам ҳар қайси ҳарфни ўз маҳрижидин чиқариб айттирмоққа диққат қилмак;

— ҳар сабоқни қора таҳтага оқ бўр или ёзиб бермак, болаларга шу таҳтага қараб баробар овоз или бир соат такрор қилмоқни буюрмоқ;

— бир соатдан сўнг болаларнинг ҳолига қараб шул 10 ё 15

марта китобдан күчириб ёзмокға буюрмак, эртасига сабоқ бермасдан аввал буюрилган миқдорда ёзган-ёзмаганларни дафтардан күриб, камроқ ёзганлар бўлса мактабда болалардан кейин қолдирмоқ жазоси или тарбия қилмоқ;

— сабоқ берурдан олдин кечаги сабоқларни ёддан ёздириб, ёзганларни бирин-кетин кўриб, фалатлари бўлса, ўзларига кўрсатиб тасхих этмак...;

— болаларга хушуулқлик, ширин сўзлик или муомала қилмоқ, ҳар кун озод қўяр вақтида муомалат ахлоқ-одобларини ва изза тариқа или ўргатмоқдир.

Мунаввар Қори болаларни саводхон қилишга қўйилган талаблари билан уларни ўқитиш орқали тарбиявий таъсирчаникни «Адиби сони» дарслигида танлаган мавзулар орқали амалга оширишни назарда тутди. Фикримизнинг далили сифатида китоб муқовасида ёзилган хадисни келтирамиз: «Шараф ул инсонни бил илми ва адаби или бил моли ва насаб» (Инсон шарафи унинг моли ва насаби билан эмас, илми ва одоби билан белгиланади).

Дарслернинг «Ота-она», «Оила аъзолари» каби бўлимларидаги ота-онани ҳурматлаш, ака-ука қариндош-уругни эъзозлаш каби ғоялар алоҳида ўрин эгаллади:

*Кишиңинг бор эрса ота-онаси  
Ғаниматдур анга оларнинг ризоси,  
Худони қошида қабул экандур  
Ота ва онанинг болага дусси.*

«Адиби сони» дарслигида ахлоқ, жўғрофия, табииёт каби фанлардан ҳам болаларга маълумот берилар эди.

Мунаввар Қори фақатгина раҳбар, ташкилотчи ва китоблар муаллифигина бўлиб қолмай, маҳоратли ўқитувчи ҳам эди.

Республикада хизмат курсатган ўқитувчи Раҳмат ака Азизхўжаев ўз устози ҳақида қўйидагича ҳикоя қиласиди:

... — Наримонов, собиқ Алишер Навоий номли Таълим-тарбия техникумидаги сабоқ берганлари ҳақида, қисқача бўлса-да, езиш учун қулимга қалам олдим.

Мен 1926—27- ўқув йилининг иккинчи ярмида, кечикиб бўлса-да, ўқишга кирганимда, Мунаввар Қори она тилидан сабоқ берганлар. У киши сабоқхонамидан мендан имтиҳон олгани, биринчисидан яхши утганим ҳали-ҳали едимда. Дарс утганларида, баъзи муаллимлар каби китоб-дафтарга қарамас, ортиқча бир оғиз сўз айтмас, қунт билан дарс тинглар, китоблардан кўра сабоқларидан кўпроқ баҳраманд бўлар эдик. Пухта билим олиш учун кўпроқ иншо ёздириб, уларни текширишдан зерикмас эдилар. Устоз бир сабоқда Қўқон хонлиги даврида Али ота исмли бир темирчинингadolatcizlik қурбони бўлгани ҳақида иншо ёзишни топширдилар. Дарс охиригача барча талабалар ёзиб топширди. Мен янги ўқувчи бўлганим сабабли устоздан ийманибгина сўрадим: «Қори ака, тугатолмадим, кейин

топширсам майлими?» У киши, майли, мумкин, дедилар-у дафтарга бир назар ташлаб, бош иргаб қўйдилар. Кейинги иншода ҳам мен янги мавзуни эмас, балки аввалгисини давом эттиредим. Устоз дафтарларни йиғишириб олаётib, менинг иншомга кўз югуртириб чиқиб яхши, кўп ёзибсиз, уйда ўқиб беролмайсизми, дедилар. Майли, Қори ака, дея жавоб қилдим ва бордим.

Тошканди азимнинг Шайхонтоҳур даҳаси ила ўтиб, кўп ҳам юрмай, устознинг уйларига кириб бордим. Қаттагина ҳовли, кунгай томонидаги ойнабанд айвонда суҳбатлашдик. Бўйдоргина, басавлат аёл, келин ойимиз бўлсалар керак, дастурхон ёздила, чой сўнг овқат ҳам бўлди. Мен «Адолатсиэлик қурбони» номли иншо-ҳикоямни ўқиб бердим.

Қори ака хурсанд бўлиб, келажагим, яхши асарлар ёзишим мумкинлиги ҳақида, бунинг учун алоҳида китоблар ўқишим зарурлигини таъкидладилар. Мен устозга «Утган кунлар» романини ўқиганлигим ва ундан ўзим тушунмаган баъзи арабфорс сўзларини ёзувчимиз Абдулла Қодирийга учрашиб, аниқлаб, яхши маслаҳатлар олиб келганимгача айтар эканман, у киши хурсанд бўлиб, бош иргаб, маъқулладилар. Сўнг жиддий тус олиб, дедилар: «Халқимиз уқирмикин, кўзлари очилиб, мактаб-маърифат йўлига астойдил бел боғлармикан?» Китоб, газеталарни орқалаган, турли таъқиблар остида қолган кунларни эсладилар. Сўнг чеҳралари ёришиб: «Мана сизлар, эндиликда халқимиз болаларига таълим беришда зиё тарқатувчилар бўлурсизлар», дедилар. Устоз талабалар ёзган иншолар ҳақида тўхтаб, менинг ёзган иншоимни намуна сифатида баҳоладилар. Қувонар эдим, аммо қувончимиз узоққа чўзилмади<sup>1</sup>.

### Мустақил иш

Мунаввар Қорининг «Адиби аввал ва Адиби сони» дарслигини ўқиб муносабат билдиринг ва ҳозирги «Алифбе» ва «Ўқиши» китобига солиштиринг.

### АБДУРАУФ ФИТРАТ

Абдурауф Фитрат шоир, ёзувчи, драматург, педагог олим—замон ва ижтимоий муҳит билан юзма-юз туриб ҳақиқатни, миллат тақдирини ифодалашга қодир, шижаотли инсон, ёлғон, алдов, ноҳақлик иллатларини хис этган ҳақ сўз толиби, имон фарзанди эди. У курашchan эътиқод кишиси бўлиб ғам-алам бўёқларини тасвирда асло соддалаштирмади. Элимизни номус ва обрўйини ардоқлашда ўз жонини ҳам аямади. 1956 йилгача Фитратни тилга олиш ва ижодини ўрганиш ман этилган эди. Мустақил Ўзбекистонда миллий мафкура истиқлолини шакл-

<sup>1</sup> «Фан ва турмуш». 1991, 7 сон, 29- бет

лантириш, унүтилган Фитрат, Чүлпон, Элбек, Беҳбуни, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовларни эслаш, уларни руҳи олдида таъзим қилиш, ижодини ўрганиб: «Бир ўчиб сўнган чироқлар»ни ёкиш — улар меросини ўрганиш вақти келди.

Фитрат 1886 йили Бухорода туғилган бўлиб, 1909—1914 йилларда эса Истамбулда таълим олади ва Туркия маорифининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган. Фитрат Истамбулда ҳам «Бухоро маорифи» жамияти номи билан расмий ва бир очик жамият тузган эди.

Бу жамият ўзининг номига мувофиқ Бухоро ва Туркистон маорифини ривожланишига доир мухим ишларни амалга ошириди.

Бу жамият орқали олға сурилган гояси ва иш режасида қўйидагилар мавжуд эди:

1. Бухоро амирлиги идорасида маълум ислоҳот — ўзгариш киритиш гояси.

2. Бухоро амирлиги ўрнига янги конституцион давлатни танқид қилиш гояси.

3. Мактабларда дунёвий билимлар бериш билан биргаликда эски адабиёт ва дин дарсларини ўз ичига олган «Усули жадид» деб аталган маориф тизимини ташкил этиш» гояси эди.

Фитрат амалиёти кўп қиррали бўлиб, унинг асоси жадид ҳаракати билан боғлиқдир.

XIX аср охирларига келиб Туркистон ўлкаларида ҳам буржуза мустамлакалари аста-секин пайдо була бошлайди. Натижада эскиликни янчидан ташлаб, рус фан ва техникасини ўрганиб, замон билан олға бориш ёки феодализм тузумида қола бериш керакми? муаммоси туғилади. Янгилик тарафдорларини, Абдулла Авлоний сўзи билан айтганда «Газета ўқуғувчиларни» муллалар жадидчи деб атаганлар.

Тошкентда Мунаввар Қори, Бухорода Фитрат бу ҳаракатни тўғри йўналишига раҳбарлик қилдилар.

Бу оқимнинг асосчиси мактаб ва маориф Пуриқномасини яратган Исмоилбек Фаспирали эди. Унинг гояси Марказий Осие, Қавказ, Туркистон, Ўрта Сибир халқлари орасида тарқалди. Туркистонда эса жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили Фитрат эди. У «Эл кўзини олғон қоронғи пардаларни йирттайлик» шиори остида ижод қилди. «Ўқитувчилар ютига» шеърида:

Ҳайданг, ўртоқ, қутқарайлик жаҳлдан Туронларни  
Ёрутайлик маърифат нури-да Туркистонларни.

каби мисралари ёки қўйидаги мисралар фикримизнинг исботидир:

Элларни ҳам маҳвдан қутқарғувчи илм эрур.  
Бизларни ҳам бу кундан унинг ўзи қутқарур.

Бу мисралар Фарбий Туркистон, Қрим, Қозон, Эронда кенг тарқалган эди. Фитратнинг ижодиётига бир назар ташласак

шоир, файласуф, маорифчи, педагог, тилшунос, адабиётчи, мусиқашунос олим, шоир, маърифатпарвар сифатида гавдаланиди. Унинг асарлари: «Мунозара», «Ҳинд сайёхи қиссаси», «Ҳинд сайёхи баёноти», «Бекжон», «Аҳволи ҳозира», «Мактаб керак», «Маориф ишлари», «Дин истиқлолчилари», «Чин севиши», «Абдулфайзхон», «Ўзбек адабиётидан намуналар», «Ўзбек мумтоз мусиқаси», «Раҳбари нажот», «Заҳронинг имони», «Қиёмат» кабиладир.

У ҳаётни, жамиятни янгилашга киришди. Илмий ва бадиий ижод соҳасидаги дастлабки қадамларини маърифат излашдан ва ҳаммани маърифатга даъват этишдан бошлади. Фитрат Истамбулда «Бухоро маорифи» номи билан расмий жамият тузди.

Фитрат 1916 йилда «Оила» номли фалсафий асарини ёзган. Унда оиласвий ҳаётни ислоҳотидан баҳс юритилган ва адаб наложт ўйлларини ахтариб, халқларнинг умуминсоний қардошлик ғоясини тарғиб этган.

Фитрат маърифатпарвар ёзувчилар, ўзбек ва тоҷик зиёлилари Васлий, Беҳбудий, Ализода, Ҳожи Муин ва бошқалар билан ҳамкорликда Самарқандда «Ҳуррият» газетаси таҳририятида фаолият кўрсатган, газетага муҳаррирлик қилган. Дастлабки, ўрта мактабларда, сўнгра олий ўқув юртларида таълим берган, миллӣ мактаблар очган.

### Фитратнинг ижтимоий-фалсафий дунёқараси

Фитратнинг ижтимоий-фалсафий дунёқараси асарларида ўз аксини топган. 1915 йилда ёзган «Раҳбари нажот» асари фалсафий руҳда ёзилган булиб, у ўзбек халқининг истиқлолини асослаб берган. Бу асарни у Бухоро хони Амир Олимхонга бағишлаб ундан маърифат йўлни очишига нажот истаган эди.

Китобнинг кириш қисмида, ўтмишда подшоҳлар раҳбарлигига илм-маърифат яшнагани ҳақида гапириб, Амир Сайд Мұхаммад Олимхонга умидворлик билдиради. Барча камтару фақир кишилар сингари ушбу ахлоқий мажмуага «Раҳбари нажот» деб ном берганлигини ёзади.

Фитрат диндорлар таъсирида қолган жамиятни тарақкий эттириш йўлларини излади ва ўзига шундай савол берди: «Нима қилмоқ керак? Ҳар не қилса худодан деб ўтирайликими? Фитрат бунга жавобни Қуръони Каримдан топди: «Худо мардумларга зулм қилмайди, лекин улар ўзлари ўз халқларига зулм этадилар. «Фитрат анъанавий фалсафага суюнган ҳолда жамиятнинг маънавий-ахлоқий сифатларини ишлаб чиқди. «Бадбаҳтигимизнинг жамият ҳаётидаги сабаби динимизни асл ахлоқий донишмандона ақидаларидан узоқлашиб кетганлигидандир»,— деган эди. Фитрат ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашида ўз замонасидаги шахсларга қўйидагича муносабат билдириган эди.

«Коинотни ҳаёт ташкил этади. Ҳаёт бўлмаган жойда, мод-

дийлик йўқдир». Фитрат фикрича, ҳаёт мазмуни икки дунё баҳтига етишмоқдан иборат. Дин толиблари саодати дорайн. Икки дунёга элтувчи илоҳий аҳкомлардир. Ҳаёт мазмуни шу баҳтга интилувдан иборатдир. Бас, шундай экан, ҳақиқий мусулмон бу дунё, ҳам охират дунё баҳтига мұяссар бўлишига ғайрат қилмоғи керак.

Бу ғайрат, виждоний мажбуриятларни адо этмоғига қаратилган, яъни ахлоқий покланиш камолоти йўлида тинимсиз интилиш. Шундан келиб чиқиб ахлоқий мажбуриятни З га бўлган эди.

### 1. Маънавий. 2 Инсоний. 3. Оилавий.

Маънавий мажбурият — инсон узи ва барчани ўйлаши. Кимни қалби яхши фазилатларга тўла бўлса, у одам хушахлоқ ҳисобланади. Фитрат инсон маънавий руҳиятида З хил қувват борлигини кўрсатган эди.

1. Ақл қуввати — инсоният ақл раҳбарлигисиз саодатга мушарраф бўла олмайди.

2. Ҳирс қуввати — бойлик, молу дунёга имонни алмаштириш. Бу ғояларнинг инсон учун зарарини у «Қиёмат» асаридағи Хорут ва Морут, «Заҳронинг имони» ҳикоясидаги Заҳро тимсолида ифодалайди.

3. Ғазаб қуввати — шайтоний ҳирс бўлиб, Фитрат инсонларни ёмонликдан қайтариш йўлларини кўрсатишга интилиб, ўзининг ахлоқий тарбияга доир ғояларини ҳар бир асарида ифодалаган эди.

### Фитрат таълим-тарбия ҳақида

«Баёноти сайёҳ ҳақида» асарида Фитрат маърифат ва таълим-тарбия ҳақидаги ғояларини илгари сурган. Асарда унинг юрт тақдирини учун, Бухоронинг маданияти, табобати, саноати, барча бойликларидан ҳалқ манфаати йўлида фойдаланиш учун қайғуриши акс этган. Мазкур асарда Фитрат Бухоро аҳолисини уч тоифага: уламо, умаро ва фуқарога ажратган.

Фитрат қандай оғир шароит бўлмасин инсон ақли билан уни енгиши керак, деб Ақл баркамоллигига алоҳида эътибор берди. У инсон ақлини 2 турга бўлган эди:

Қасбий ёки нисбий ақл — илм таъсирида ҳосил буладиган ақл. Фитратнинг фикрича, «Инсон ҳаётининг мазмуни икки дунё саодати ва саодат раҳбари. Ақлнинг қолиплигига эришиш. Ислом дини ҳеч қачон илм-фанга қарши бўлмаган, у фикрини исботи мақсадида Қуръони Каримдан ҳамда Ҳадиси шарифдан мисоллар келтиради: «Туғилгандан қабргача илм изла...».

Фитратни маърифий-дидактик қарашларида илмни тавсифлаб чиқиши диққатга сазовордир:

1. Наклли илм. Ақлий илм — диний ва дунёвий илм. Диний фанлар — тавсиф, ҳадис. Илм ривояти ҳадис, илми усули ҳадис, фиқҳ ва усули фиқҳ, илми қалом, улуми лисонин (араб тили, сарфи ва нақли).

**2. Дунёвий илмлар:** тарих, жүгрофия, муқаддас тарихи (дин тарихи, авлиёй-анбиёлар тарихи), цивилизация тарихи. Тамаддуң тарихи. Буни иккига бўлган эди — адабиёт тарихи, табиатшунослик тарихи. Сиёсий тарихни ҳам иккига бўлади: умумий ва хусусий тарих.

Фитрат ақлий фанларни бутун башарият кашфиёти натижасидир дейди. У яна фикрини мукаммаллаштириб, ҳар бир одам жинси, дини, мазҳабидан қатъи назар илм-фандан фойдаланиши керак. У ақлий фанларни Зга бўлади:

**1. Табиий фанлар. 2. Аниқ фанлар. 3. Фалсафий фанлар.**

Табиий фанлар қаторига: табобат (химия, физика), набобат (ботаника), ҳайвонот (зоология), маъданлар илми (геология); аниқ фанлар таркибиға: ҳисоб, жабр (алгебра), ҳандаса (геометрия), хайъат (фалакиёт); фалсафий фанларга эса: руҳ аҳволи илми (психология), ахлоқ илми (этика), мантиқ (логика) ва илоҳиёт (тасаввуф) фанлари киришни таъкидлаб ўтди.

Фитрат гарчи мактаб ва маориф тараққиёти учун ўз жонини фидо қилган бўлса-да, унинг қадрига ҳеч ким етмади. Бу борада у шундай деб ёзган эди: «Билмайман, не бадбаҳтиқмакни, бу кунгача менинг сўзларимни эшитадиган киши кўрмадим, бас баъзи ҳақиқатшунослар коғир дедилар. Булар бемаъни бўхтондир. Менинг вазифам эса мусулмонликни адо этишdir», деб фарёд чеккан экан.

У ватанини ривожлантиришнинг бирдан-бир чораси маорифни ислоҳлаш, янги конституция жорий қилиш ва маорифнинг янги тизимини яратиш деб билди. Етук саводхонлар тайёрлаш учун курашувчи жадид гуруҳи Тошкентда Мунаввар Қори, Сайдрасул Азизий, Самарқандда Шакурий, Саидаҳмад Сиддиқий, Фарғона водийсида Ҳамза, Бухорода Фитрат томонидан ташкил қилинган эди.

Амир Олимхон болаларини жадид мактабига берган отаоналар ва болаларни қатл этишга фармон берди. Жадид мактаблари ёниб қўйилгач, Фитрат бошлиқ жадидлар тарафдорлари маънавий ташвиқотни кучайтирилар. У драматургия билан шуғулланди. Унинг қаламига мансуб Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари асосида ёзган «Захоки марон» фожиаси, «Бекжон», «Чин севиши» пьесалари, «Ҳинд истилочилари» драмаси, «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Арслон», «Бедил», «Бир мажлисада» асарлари Масковда нашр этилди. Фитрат 1921—28 йилларда Самарқанд Педагогика институтидаги ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган вақтида тил тарихи ва мумтоз адабиётни ўрганишга катта эътибор берган. Бедил, Яссавий, Турди, Машраб, Умар Ҳайёмлар асарларини ўрганиб, уни барча қирраларини аниқлаб адабиётшуносгина эмас, балки мусиқашунос сифатида ҳам ўрганди ва «Ўзбек адабиётидан намуналар», «Ўзбек мумтоз мусиқаси ва унинг тарихи» дарслкларини яратди.

Фитрат инсонларни бир-бирини англатувчи восита имо-ишора деб ҳам таъкидлади. Сунгра, Мисрда пайдо бўлган «Хиба-

руғлиф» ёзуви фикрнинг расмлар орқали баёни эканлигини изоҳлаб беради.

Олимларнинг фикрига кура, Хибаруғлиф ёзувини З усул билан ўрганганликларини кўрсатади:

1. Ёзиш учун суратлар: уруш учун қилич, бир қўл — ўрмон, бир ёғоч дараҳт.

2. Ҳар сўз бўғини сурат усулидур. Сўзларни Хижоларга ажратиб ҳар бир бўғин нимани билдиrsa, шунинг расмини чизишган. Масалан: Таш-қари сузига. Бир тош ва бир қари одам суратини чизишган.

3. Ҳар ҳарф учун бир расм. Масалан: ҳўқизни Обис деганлар. О ҳарфи ўрнига ҳўқиз расмини чизгандар.

Бундай ёзув усувлари қийин бўлганлиги сабабли, олимлар савдо учун зарур бўлган ёзувларни соддалаштириб 22 ҳарфни танлаб олиш ҳақида Фикр юритганлар. Араб алифбоси келиб чиқиши, соддалаштирилган ҳамда берилиши таъкидланади. Шундан сўнг асарда араб алифбосидаги ўхшашликлар кўрсатилган. Фитрат араб алифбосидаги зеру забарлар қийинлигини кўрсатади. Бу асарида мусулмонларни куфи, насҳ ёзувлари ҳақида ҳам фикр баён этади. Қуръони карим дастлаб шу ёзувда бўлганлиги сабабли ўқиш қийин эди. Биринчи бўлиб ҳарфларни ислоҳ қилиш Абдумалик Мардон замонида бошланиб, у ҳарфларга нуқталар қўйган эди. Сунгра уни И мом Ҳамид қайтадан ишлаганлиги асарда эътироф этилган.

Бу билан Фитрат, шубҳа йўқки, одамлар нега дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар, бир отанинг фарзандидирлар, бошқача айтганда, бир-бирларига биродардирлар, деган эди.

У ҳадисларга мурожаат этиб Худо (одамларга) ўз хеш-ақраболарини, яқинларини эҳсон ва яхшилик ила зийнатланмоққа амр қилган. Шу сабабдан оила тарбиясида одоб, ахлоқ тарбиялашга алоҳида эътибор беради, фикр ва ахлоқ тарбияси зарур, леб хисоблайди. Ахлоқни бош она ва Ватан сўзидан бошламоқ зарур, чунки онани севган инсон Ватанин севади, деган эди.

### Фитрат ижодида маънавий-ахлоқий тарбия

Фитрат ижодида Ватан тушунчаси алоҳида ўрин эгаллади. «Сайха» асарида «Ватаним менинг саждагоҳим» деб Ватан мадҳини куйлади:

Ватанини зиёрат қилмоққа эрта тонгда кел,  
Хай-хай қандай Ватан бу, у менинг саждагоҳим.  
У менинг осмондаги ойим, осойишиим, шарафим,  
Ҳам қаъбам, ҳам қиблам, ҳам чаманимдир.

Фитрат соҳибқирион Темурнинг ҳайратомуз фаолиятига катта баҳо бериб, Темур салтанатидан сўнг Туркия аҳволини ўзининг «Темур сағонаси» драмасида:

«Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлиган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди»,— деб Темур руҳига мурожаат қилди. 70 йилдирки Темурни қонхўр хон, саркарда деб келдик. Мустақиллик Фитратнинг оҳу нолаларини юзага чиқарди.

У Ватан фирогида юрган кезларини шундай таърифлайди:

*Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда.  
Кўз юмсан миямда, кўз очсан қаршимда,  
Бир мунгли хаёл келиб туради...  
Оҳ.. Англадим менинг Ватанимсан.*

Фитрат Ватан истиқболини куйлади. Ёшларни Ватанига содиқликка чорлади. Имонли инсон Ватанли инсон. Имонга эътиқод Ватандан бошланади, деган эди. Имон руҳий ҳаётнинг асосидир. Бундай ҳаёт эса кишиларни фақат яхшиликка ундаиди.

Фитрат инсон учун хос булган ижобий, салбий ва ахлоқий фазилатларни асослаб беради. Иффат, карам, ҳаёт яхшиликка етаклайди; бухл (бахиллик), истроф, нифоқ эса ёмонликдир. Бу фазилатлар мазмунини очища ислом шароитида амалий анъана булиб келган қарашларга суюнади.

Фитрат ўзининг «Қиёмат» асарида ахлоқизлиқ ҳолатлари нималарга олиб келишини Хорут ва Морут тимсоли орқали яратди.

Морут: Худоё-худовандо!—«бандаларни яратмоқдан мақсадим ўзимга ибодат қилдирмоқдир», деб ўзинг айтган эдинг!

— Албатта, деган эдим. Букун ҳам шуни айтаман.

— Эй худоё мақсадинг бўлган ибодатнинг ҳаммасини биз қилиб турган ҳолда ер юзидағи ноз-неъматларнинг ҳаммасини одамларга бериб қўйганинг нечундир? Биласанки, улар сенга биз каби кўп ибодат қилмайдилар. Бунинг устига ўғрилик, хотинбозлик, қон тўкиш, шароб ичиш каби гуноҳларни ҳам қилиб қўядилар.

Бу савол худога оғирлик қилди, бирдан қичқирди:

— Бу нима гап? Одамни яратганимдан бери сиз. малаклар, шундай эътиrozлар қила-қила қулоқ-миямни единглар. Менинг ишимга эътиroz қилишга кимнинг ҳаққи бор?!

Хорут билан Морут қўрқидилар, титрадилар, қаёққа қочиш ҳисобини тополмай қолдилар. Ҳеч нарса демасдан қочиб кетиш ўринисиз бўлар эди. Хорут ботирлик қилди:

— Тасаддуғинг бўлай, эй подшоҳи банданавоз! Бизнинг мақсадимиз эътиroz эмас эди. Шу масала тўғрисида кўнглимида шубҳа пайдо бўлди. Бу шубҳанинг давоми ибодатларимизга ҳалал берар эди. Сенинг даргоҳингга келиб, шубҳамизни йўқотиб, хотиржамлик билан ибодатларимизни давом қилмоқчи бўлган эдик.

Худо бир оз юмшади:

— Хай, майли, энди сизнинг жавобингиз шу: рухсат бераман, иккалангиз ер юзига бориб, одамлар орасида яшангиз. Агар бир ой шулар орасида гуноҳ қилмасдан яшаб, қайтиб қолла олсангиз, ҳамма айтганларингизни қиласман. Бўлмаса, бундан кейин дамингизни чиқармай юришга мажбурсиз.

Малаклар рози бўлдилар. Жаброил чақирилди. Лозим бўлган бўйруқлар берилди. Расмий ишлар курилди. Жаброил Хорут билан Морутни олиб чиқди. Бутун кукларнинг дарбонларига бўйруқ бўлди: кўк эшиклари очилди. Хорут билан Морут бир ой қолмоқ учун ер юзида, бу кунги Бағдод вилоятида бўлган Бобил шахрига қўндилар. Бир неча кун одамлар билан яшагач, бир хотинни севдилар, шароб ичдилар, бир узукни ўғирладилар, ҳалиги хотиннинг эрини ўлдирдилар. Гуноҳлари туфайли қанотлари, парлари тўкилди. Малоикликдан чиқиб қолдилар. Биргина кечада бу қадар гуноҳ ишлаганларидан пушаймон бўлдилар, худога ялиндилар. Худо енгган эди.

— Мана, кўрдингизми, иш қандай бўлди? — деди.

Жаброилни юборди. Жаброил Бобил ёнида куруқ бир қудуқ топди. Хорут билан Морутни шу қудуққа киргизиб, оёқларидан осиб қўйди.

— Қиёматга довур шу қудуқда, мана шу вазиятда худога зикир айтиб қоларсиз. Қиёмат-қойим бўлгач, тавбангиз қабул қилинар, қанотларингиз қайтарилар, яна кўкларга учеб чиқарсиз! — деб кетди.

Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарининг бир қисми оила тарбиясига бағишлиган бўлиб, бутун олам ривожланиш қонуниятларига бўйсунишdir. Бу фикр авлодлар давомлилиги, яъни қонуний равишда туғилиш, яшаш, умуман ривожланишини назарда тутган эди.

Фитрат онлани ижтимоий вазифалари деб: «Авлод тарбияси», «Фикрий тарбия», «Ахлоқий тарбия» каби қисмларга бўлади.

Авлод тарбияси. Бунда ота-она фахри, бурчи, авлод-аждодга бўлган муносабат ҳақида фикр юритади. Ҳамма одам ҳам бир, чунки яратилиш бир гавҳардан олинган. Одам бирорнинг ғамига бефарқ бўлмаса, тарбияли бўлади.

Хуллас, келажак авлод Фитратдан нимани урганиш керак?

1. Фитратнинг кўп қиррали ижодиёти меҳнатсеварлик замираша бунёдга келганлигини.

2. Ўз ҳалқи Ватанини нечоғлик она саждагоҳ, Каъба, Мадина га тенглаштириб, уни севди ва севишга ҳалқни чорлади.

3. Фитрат ислом динининг муқаддас китоби Куръони Каримни урганиб унга амал қилди.

4. Ўтмиш тарихи ва тарихий шахсларга тўғри баҳо бера олди.

5. Айниқса, тилшунослик соҳасида фонетика ва фенология, ўзбек тилида сўз ясаш усуслари ҳамда лексикологиясини кенг ёритди.

6. Фитрат инсоншунос олим сифатида ҳам педагогика фа-

нидаги дидактика ва тарбия назарияси қисмларининг ривожига улкан хисса қўшди.

7. Фитрат имон-эътиқодли, яқин дуст, маслахатгўй ва меҳрибон мураббий сиймо сифатида асарлари янглиғ умрбоқийдир.

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ МАЪРИФИЙ-ПЕДАГОГИК КАРАШЛАРИ

(1874—1919)

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1874 йилда Самарқанд шаҳрида муфти оиласида дунёга келди. Зиёлилар оиласидаги мухит ўзидаги илмга, адабиётга, сиёсатга бўлган қизиқиш уни янги янги китоблар мутолаа қилишга ундар, ўз даврининг илфор фикрли кишилари билан учрашувлар эса дунёқарашини кенгайтириб, бойитиб борар эди. У дастлабки билимни ўз отасидан ва тоғаси Муҳаммад Содиқдан олади. Отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис ҳисобланиб, узининг бир қанча китоблари, рисолалари билан машҳур бўлган. Бу эса ~~Маҳмудга ҳам ўз таъсирни ўтказсан эди. Кейининда, у ўз~~ мақоласида отаси таҳсил берган «Ҳидоя», ислом ҳуқуқига шарҳлар унинг ўлка давлат тузумини ўрганишда катта роль ўйнаганлигини таъкидлайди.

Беҳбудий адабиёт, тарих билан бирга сиёсатшунослик билан ҳам шуғулланар, турли рўзномалардан жаҳонда рўй берадётган сиёсий ўзгаришлар билан танишиб борарди. У Маккага бориши учун бир неча йил жиддий тайёргарлик кўради, араб тилини ўрганади, ислом назариялари билан танишади, Ҳажни етуклик имтиҳони деб билади ва ниҳоят 27 ёшида Маккада бўлиб, муқаддас жойдан ҳожи ва муфти унвонлари билан қайтади.

1899 йилдан эътиборан Беҳбудий кўплаб саёҳатларга чиқади. Миср, Истамбул, Қрим, Қозон, Қавказнинг ўнлаб шаҳарларида булади. Туркистон халқларига маърифатни, жаҳон маданиятини тарғиб этиш ва аҳён-аҳёnda содир бўлаётган сиёсий чиқишиларнинг сабабини билиш ниятида Қозон ва Уфа шаҳарларига ўйл олади.

Дунёвий тараққиётни англааб етган Беҳбудий Туркистонда ҳам янгиликни кенг жорий этиш, янги мактаблар ташкил этиш, халқнинг ўзлигини англаши ҳамда иқтисоди яхшиланиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида матбуотда чиқишилар қила бошлади. Унинг «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Ҳуршид», «Шуҳрат», «Тужжор», «Осиё», «Турон», «Ҳуррията», «Нажот», «Ойина», «Самарқанд», «Меҳнаткашлар товуши», «Улуғ Туркистон» каби матбуот саҳифаларидағи юзлаб мақолаларида янги маориф, дунёвий фанларнинг фойдаси, комил инсоннинг тарбияси, Туркистон фарзандларининг ёрқин истиқболи, унинг келажаги ва иқтисодий муаммолари ётади.

Беҳбудийнинг Туркистон мактаб маорифчилигидағи хизмат-

лари ғоят катта. У ўлкадаги «усули жадид» мактабининг энг биринчи назарнётчи ва амалиётчиларидан, умуман, жадидчиклик ҳаракатининг эса тан олинган карвонбошисидир.

1908 йилда очилган Ражабамин қишлоғида очилган янги усулдаги Абдулқодир Шакурий мактабини Самарқандга, ўз ҳовлисига күчириб келди, унга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди.

У ўзбек ва тоҷик тилларида «Қитобул-афтол»—«Болалар учун китоб», «Мухтасари тарихи ислом»—«Исломнинг қисқача тарихи», «Амалиёти ислом», «Мадҳали жўкрофияи умроний»—«Аҳоли географиясиға кириш», «Мухтасари жўкрофияи Руссий»—«Россиянинг қисқача географияси» каби асарларни яратган.

«Беҳбудий нашриёти»ни ташкил этиб, унда ўзбек тилида дарслерлар, «Туркистон, Бухоро ва Хива харитаси»ни босиб чиқарди. Булар илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслер ва қўлланмалар сифатидагина эмас, тил-ёзув маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Самарқандда маҳаллий аҳоли учун кутубхона ва қироатхона очишга бошчилик қилди.

Драматургия соҳасида ҳам мувваффақиятли ижод қилган Беҳбудийнинг 1913 йилда босилган «Падаркуш» драмаси унга жуда катта шуҳрат келтирди. Бу драма қисқа вақт мобайнинда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кўқон, Андижон, Наманганд, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда илк театр труппаларида оммавий суръатда саҳналаштирилди. Бу соҳада ҳам Беҳбудий карвонбоши сифатида тарихга кирди.

Беҳбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналини чиқарди. Газета дастлаб 2, сўнг 4 бетлик бўлиб, ҳафтада 2 марта чиққани ва моддий танглик туфайли 45 сонидан кейин тухтагани маълум. «Ойина» ўлкадаги ўзбек тилида чиққан биринчи журналdir. У халқ орасида анча машҳур бўлган. Бошида ҳафтада бир, 1914 йилдан эса ҳар 15 кунда чиққан.

1916 йилда Тошкентга келган шарқшунос академик А. И. Самойлович драматургия соҳасидаги ютуқларни кўриб шундан ёзади:

«Туркистондаги янги адабиётнинг маркази Самарқандда бўлса керак, ёш адилларнинг бош илҳомчиси сифатида эса на тоҷик, на турқ, асли «хўжа» самарқандлик муфти Маҳмуд Беҳбудийни эътироф этиш керак бўлади».

У жадидизм ғояларини тарғиб қилиб чиққан бўлиб «Туркистон вилоятининг газети», «Тужжор», «Тараққий», «Хуршид», «Самарқанд» газеталари, «Шўро» ва «Ойина» журналларида босилган мақолалари, дарслер ва бошқа асарларида халқни илм-маърифатни эгаллашга чақирди, аёлларнинг илм олиш ҳукуқини ҳимоя қилди, янги усулдаги мактаблар очишга, дунёвий фанларни ўрганишга унади, табиат ҳодисаларини, Ернинг юмалоқлиги, ўз ўқи атрофида айланиши ва муаллак туриши, ой ва кун тутилишини илмий нуқтаи назардан тушунтиришга

ҳаракат қилди. Бунинг учун реакцион руҳонийлар уни «даҳрий» деб эълон қилиб, 1919 йили қатл этди.

### Беҳбудий таълим-тарбия ҳақида.

Беҳбудий Туркистон болаларига таълим-тарбия бериш зарурлигини ўз дўстларига бундай баён этган эди: «Уртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурбий ва Акобир маҳзум ва ўғлонларим — Вадуд маҳзум ва Абдулқодир Шакурий! Сизларга васият қиласман... Туркистон болаларини илмсиз қўйманглар! Ҳар иш қиссангиз жам бўлиб қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатинглар!»

Унинг фикрича, ҳар бир инсон «Арабий билмасак дин, русча билмасак дунё қўлдан кетар», «Икки эмас тўрт тил лозим» деб илмнинг боши—тилни чуқур ўрганишга даъват этди. «Биз мусулмонларга алалхусус бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олимий диний; дигари олимий замоний; олимий диний; имом, хотиб, мударрис, қози, муфти бўлиб ҳалойикни диний ва ахлокий, руҳоний ишларини бошқарар бу синфа кирагурғон талабалар аввало Туркистонда ва Бухорода илмий, диний ва арабий ва бир оз русча ўқуб, сунгра Макка, Мадина, Миср ва Истамбулга бориб, умумий динияни хатм қиласалар керак ёки комил мулло бўлсунлар.

Олимий замони бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмони хат ва саводини чиқарув, заруряни диния ва ўз миллатимиз тилини биладурғондан сунгра ҳукуматимизни низомли мактабларинга бермоқ керакдур, яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилғонлардан сунг, Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, докторлик, қонунчилик, инженерлик, судьялик, илми саноат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир. Доимо илм билан шуғулланадиган инсон жохил бўлмайди. Бас, шундай экан, янги усул мактабларини кўпайтириш ва ҳақиқий илмли инсонларни етказиш зарур» деб ҳисоблади Беҳбудий. Ва у ўз замонасининг қарама-қаршиликларига қарамай усули жадидия мактабини моҳияти қандай ва уни кимда эканлигини қўйидаги-ча баён этди:

«Усули жадид деган қаердан чиқди:  
Бу нечук. Масалан, ота-боболаримиз  
усули қадим ила ўқув мулла бўлганлар  
Ва биз усули қадим ила ўқув бир  
нима билиб эдик. Усули жадид деган  
бир тариқ бидъатдирки, яқин фурсатда  
чиқмишдур. ...Усули жадид мактаблар  
дурус бўлса ривож берсунлар, нодуруст  
булса далил ила исбот қиласунлар:

Бундан кейин ҳам кўп мактаблар очажакмиз»<sup>1</sup>, деб жамоат аҳлига мурожаат қилди. Беҳбудий ташкил этган мактаби учун ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқди. Ўқув режасини амалга ошириш учун таҳсилни икки босқичга ажратди:

Ҳар бир ўқув босқичи 4 йилдан иборат эди.

**Биринчи йил** (1-синф). 1- босқич мактабининг мазмуни:

Форсча, арабча алифбени ёзиш ва ўқишни ўргатиш. Ҳисоб дарсидан кўшиш ва айришни. Болаларни зеҳни ва нутқини ўстириш учун оғзаки ҳисоб, сұхбат усулидан фойдаланган.

Қуръон сураларидан ёд олиш ҳамда намоз ўқиш ўргатилар эди.

**Иккинчи йил** (2-синф). «Ҳафтияк дарси», «Имон ва эътиқод дарси» (Бу дарснинг мақсади ота-она ва Ватанига меҳрли ва содик қилиб тарбиялашдир).

**Учинчи йил** (3-синф). Калому Шариф китоб — ислом ибодати дарси, тажвид қоидалари, адабиёти форсий ва туркий. Саъдийнинг «Насиҳатнома» асари асосида форсий ва туркий тили ўтилгани ҳисобидан тақсимлашин ўрганар эдилар.

**Туртинчи йили** (4-синф). Калому Шариф китобининг давоми — ислом ибодати дарснинг давоми, форсий ва туркий адабиёт (назм ва наср ўргатилар эди). Форсий ва туркий тил; ахлоқ ҳисоб (тўрт амални бажарган), тарих, ислом тарихи, жўғорфия каби дарслар ўтилар эди.

Мактабнинг бу босқичини битирган ўқувчилар форсий ва туркий тилда саводлари чиқиб, араб тилидан ҳам билимга эга бўлиб, Қуръони Каримни тажвид асосида ўқир эдилар. Беҳбудийнинг фикрича, тўрт синфли «усули жадид»да ўқиган толиб, ўн сана эски мактабда ўқиган толибдан пухта билимга эгадур.

I босқич мактабнинг 4- синфини битирган болалар II босқич мактабга қабул қилинар эди. Мактабнинг бу босқичи ўрта хиобланар эди.

II босқич мактаби:

**Биринчи йили** араб тили, жўғорфия, шафақия (фалакиёт), форс тилидан туркийга таржима, тарих, ислом тарихи, Саъдийнинг «Гулистон»и, форс ва туркий тиллар ўқитилар эди.

**Иккинчи йили** араб тили, шифоҳия (медицина), тарих, ислом тарихи, ахлоқ дарси, форс, туркий тиллари, ҳисоб каби дарслар ўтилар эди.

**Учинчи йил** — араб тили, ҳисоб, ислом муҳокамасига оид дарс, умумий тарих, рус тили (хат ва турли ҳужжатларни ёзиши машқ қилганлар). Туркий тилда иш юритиш қоғозлари ҳам ўргатилган.

**Тўртинчи йили** — араб тили, рус тилида иш юритиш, таълим (педагогика), адабиёт, мактаб ва ҳаёт, табият дарсларидан сабоқ олар эди.

Саккиз йиллик мактабни битирган саводли, ҳатто адабий

<sup>1</sup> Н. Авезов. Махмудхўжа Беҳбудий — маърифатпарвар. Тошкент, 1993, 15- бет.

мақолалар ёзиш қобилиятига эга бўлган исломшунос, юксак ахлоқий шогирдлар эдилар. Бу шогирдлар хоҳласа тижорат, миrzолик, муҳаррирлик ва усули жадид мактабида муаллимлик қилишга қодир эдилар.

Беҳбудий ўзбек ва тоҷик тилларида ўз мактаби толиблари учун дарсликлар яратди.

Дунёга танилган ҳалқ илм воситаси ила тараққий қиласи. Илмнинг зарурлигини у ўзининг «Болалар учун китоб» дарслигига асослаб берди. Бу дарслик форс ва ўзбек тилларида ёзилган. Дарсликнинг асосий мазмуни иш юритиш тартиб-қоидаларига қаратилган. Беҳбудийнинг фикрича:

«...Оврупо ила савдо қилатурғон киши аввало ун сани замона илми ўқимоғи лозим». Бу йўлда бойларга ҳам мурожаатим шулким, бошқа миллатларнинг бойлари, фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилғуннлар солдуурлар, уларнинг ўқимоғи учун пул тайин қилурлар». Беҳбудий келажак авлод — Оврупа, Туркия ва бошқа хорижий давлатлар билан алоқа қилиш, улар ҳаётини ўрганиш, тижорат ишларида иш юритиш қонун-қоидаларини ўрганиши, зарур деб хисоблади.

**Дарсликда (5 бет) хат ёзмоқ шартлари берилади:**

- Хатни камсўз, сермазмун ёзмоқ;
- Мактабда ҳақорат, таъна, ҳазил, гуноҳга тааллуқ сўзлар асло ёзилмаслиги;
- Хат бориб тегадурғон одамни мулоҳаза қилиб, они фаҳм ва билишига мувоғиқ бўлмоғ лозим;
- Котиб ҳар муддаони ёзмоқчи бўлганда ўшал муддаони ўзи яхши тушуниб ёзиши керак;
- Газаб, хирадлик ва ё ниҳоят хурсанд ва беҳушлик вақтларда хат ёзмаслик, ўзини олдинги ҳолатига келганда ёзмоғи керак.

Бу дарсликда яна хусусий хатлар, расмий хатлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Айниқса, ёзган хатларда ва хужжатларда тиниш белгиларидан тўғри фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Беҳбудий ўз замонасида мадрасалар аҳволини ўзининг 1907 йилда ёзган «Фарёди Туркистон» мақоласида шундай таърифлаган эди:

«Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноақл мударрис сайдланур, бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур». Беҳбудий фикрини давом эттириб, бу мударрис, муфти ва қозиларни саксон фоизи қариялардир. Улар ёшларга қандай билим ва тарбия бера оладилар, дейди.

Беҳбудий «Падаркуш» драмасида бойнинг уйдирма гапларига ишонган ўғли отасини ўлдирганини илмсизлик ва тарбиясизлик оқибатидан деб кўрсатади. Отаси ўлади, ўғли қамалади, уйда ёлғиз қолган онага домла тасалли бериб айтади:

«Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб, жаҳолат ва нодонликдир, беъманилик ва тар-

биясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Сизни бейлмлик хонавайрон қилди. Ўғлингизни бейлмлилик Сибирга юборди. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айртадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўқитмади. Охири балога учради, ёмон одамлар йўлдан чиқардиларки, құрбони жаҳолат бўлдингиз.

Номақул ўғил ота-онанинг эркалатишларидан талтайиб, бекорчиликдан ёмон кишиларга қўшилиб, ёмон йўлларга юриб, охир-оқибатда узининг ва қолган оила-аъзолари умрини хазон қиласди...

Знёли: «Илм ва тарбиясиз болаларнинг оқибати шундадир. Агарда буларни отаси ўқитса-да эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибирга бормас ва қиёматга, жаҳаннамга қолмас эди. Агарда булар ичкилик ичмаса эди, дунё ва охиратда ила ал-адаб азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби азобийга гирифтор қилган бейлмликлар. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди килғон тарбиясизлик ва жаҳолатдир; беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликни меваси ва натижасидир.»

Беҳбудий ижодий фаолиятидаги бош масала Туркистонда маориф тараққиётидир. У «—дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур!»—деган шиорга содик ҳаракат қилди.

Мустамлакалик Туркистонни илмсизлик жаҳолатидан қуткариши учун эски мактабни ислоҳ қилишни зарурлигини исботлаб, яъни усули жадидия мактабларини ташкил қилди. У бу мактаблари учун режа, дастур ва дарсланклар яратган олим эди. Олим ва педагоглар уни ижодини ўрганиб ниҳоятда улуғлаган эдилар:

«Илгор фикрлар ва илмларнинг ёйплишида, усули жадид мактабларининг очилишга, ҳалқнинг уйғонишида илк ташаббуслар билан чиққан сиймолардан бири Махмудхўжа Беҳбудийдир»— деган эди Иброҳим Ёрқин (Турк адио).

### Мустакил иш

*Н. Авазовнинг «Махмудхўжа Беҳбудий — маърифатпарвар» рисоласини ўрганиш.*

### ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Ўзбек педагогикаси тарихида сезиларли из қолдирган забардаст педагог олимлардан бири Исҳоқхон Ибрат 1862 йилда Намангандаги Тўрақўргон қишлоғида туғилган. Отаси Жунайдуллахўжа билимли, миришкор боғбон бўлиб, адабиётга, хусусан, шеъриятга ихлосмандлиги сабабли «Ходим» тахаллуси

билин шеърлар ҳам ёзган. Онаси — Ҳурибиби ўз даврининг ўқи-мишли, оқила аёлларидан бири бўлган, қишлоқ қизларини са-водини чиқарган ва ўзи ҳам шеърлар машқ қилган. Лутфий, Навоий, Жомий, Бедил, Машраб ва бошқа шоирларнинг асар-ларини ўқиган. Ана шу оиласдаги адабий муҳит Исҳоқхонда ада-биётга қизиқиш ўйғотган.

1870 йилда отаси вафот этиб, оиласнинг ташвиши ёш Исҳоқ-хон билан онасининг зиммасига тушган. У беш йил маҳалла мактабига қатнаб саводини чиқара олмаган. Бу ҳақда Исҳоқхон «Мезонул замон» номли асарида қўйидагиларни ёзган: «Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида 5 йилда Задад муаллимда ўқуб, охиригина саводим чиқмай, кейин қизлар мактаби, ўз уйимизда во-лидаи марҳумамда ўқиб савод чиқардим. Икки сана ҳусниҳат машқ этдим».

Исҳоқхон ёшлигидан ҳусниҳатдан хабардор булиб, буш вақт-ларини ана шу санъатни ўрганишга бағишилаган. Кейинчалик, Исҳоқхон Қўқондаги мадрасада ўқиган, Муқимий билан дўстона муносабатда бўлган. Мадрасада араб, форс тиллари билан бир-га рус тилини ҳам урганган. Исҳоқхон 1886 йилда мадрасани битириб, ўз қишлоғида мактаб очган ва унда, иисебатан илғор хисобланмиш усули савтиядан фойдаланган. Табиийки, мактаб қора гуруҳлар томонидан ёпилган ва Исҳоқхон асар ёзиш билан шуғулланган. У «Лугати сittat ал сина», «Жамоъул хотут», «Девони Ибрат», «Тарихий маданият», «Тошкент мусулмон мактаб-лари ҳақида» каби асарларини яратган. Исҳоқхон истеъоддли билимдон шахс эди. У жуда кўп тилларни мукаммал билар эди. Бу борада Иброҳим Даврон қўйидагиларни ёзган: «Қози Тўра жаноблари арабча, туркча, форсча, ҳиндча лисонни билиб, яна русча, французча, арманча ва бошқа хатлар ёзмоққа моҳирдур-лар» (117- бет).

У 1886 ва 1907 йилда янги усулдаги мактаб ташкил этди. 1914 йили Тўракўронда янги мактаб очади, уни «Ўқитувчи» номи билан атади. 1916 йили бу мактаб ёпиildi.

1918 йили яна мактаб очиб барчани маърифатли булишга хизмат қилди. Сермаҳсул шоир, ёзувчи, мусиқашунос педагог Исҳоқхон Ибрат 1937 йили 75 ўшида вафот этди.

### Исҳоқхон Ибрат таълим-тарбия ҳақида

XIX асрнинг охирилари ва XX аср бошларига келиб реак-цион гуруҳлар қаршилигига қарамай янги усул, рус-тузем мактаблари ва рус тилини ўрганишга қизиқувчилар сони бирмун-ча ортди. Бу мактабларда дунёвий фанлар ва она тили билан бир қаторда рус тили ҳам ўқитилар эди. Исҳоқхон Ибрат рус тили билан бирга унга яқин шарқ, гарб тилларини анча мукаммал билган. У олти тилдаги арабча, форсча, ҳиндча сарт-ча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Лугати сittat ал-сина» номли мукаммал луғат китобини яратди.

Исҳоқхон Йибратнинг мазкур асари «Луғати синта ал-сина» (луғатли китоб) бир неча йиллик саргузаштлардан сунг 1901 йили Тошкентдаги В. И. Ильни босмахонасида нашрдан чиқди. Исҳоқхон бу асарини яратишда анча вакт илмий иш олиб борди, чет эллардан материал туплади. Асар кичкина мукаддима билан бошланади.

Асар иккى қисмдан иборат булиб, биринчи қисмида феълларнинг иккйинчи қисми 37 босқичдан иборат булиб, унда феълларнинг бошка шакллари, отлар, кишилик олмошлари, кун, ой номлари, одам аъзолари, ҳайвонлар, паррандалар, озиқ-овқат ва бошқа буюмларнинг номлари берилган.

Мингдан ортиқ кўп кулланиладиган сўзларни ўз ичига олган Исҳоқхон Йибратнинг бу асари кўп мактабларда фойдаланиб келинди. Исҳоқхон Йибрат инсон камолотида илм урнини алоҳида таъкидлади: «Мадрасалар гарчи илм-маърифат макони бўлса-да, унинг мазмуни бечораларни билим олишга қаратмаган эди». Йибрат халқ фарзандларини ҳам дунёвий билимлардан баҳраманд килишга чорлайди:

Ўқингиз илми ҳикмат сизга бу иш катта ибратдур.

Гар илм ўрганурсиз барча ишда сизга нусратдур.

Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдадур.

Маданиятни топадурғон ва юргузадурғон асбоби илм экан, илм бўлса мактаб бирла бўлур. Мактаб бўлмаса олами вахшият тутиб, ҳамма хароб бўлуб иш қулдан кетар. Энди лозим бўлдики, маданият илм билан, илм эса мактаб билан бўлур... Мактаб бўлмаса бу оламда маданият жорий бўлмайдур. Исҳоқхон Йибрат илм, маърифат маскани бўлган «Мадраса» ҳакида ва мактаб ҳақидаги фикрларини Мулло Ҳусанхўжа домланинг ўз мактабини ислоҳ қилиш ҳақидаги мақоласида қўйидагича баён этган эди:

«Мулло Ҳусанхўжа эшон ўғли ушибу 1907 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб биз сартия болаларига ўқтирадиган усули қадимиюмизни усули тариқа мактабида мактаб болаларининг тез фурсаатда саводлари чиқиб, кўп фойдалар ҳосил бўлур экан, сабаб шулки, бешинчи жамоа бирла тамом бўлур экан. Биринчи жамоа «Ҳафтияки шариф», иккинчи жамоа «Қаломи шариф», учинчи жамоа «Чор китоб» билан «Фузулий ёки Навоий». Тўртинчи жамоа «Илми фаройиз» ўқуб тамом қилиб, муддати икки ёйинки уч йил миёнасида мадрасаларда ўқимоқни хоҳлаганлари мадрасаларга чиқиб ўқимоқга кодир бўлур эканлар. ...Муаллим бечора азиз фарзандларимизни калтак, қамчи йўқ баҳонасида беш ўн саналар осмонга қаратиб, «алиф, базавар, бе бебазор» деб шовқин килдириб-қилдириб бир ҳарф ҳам уқу-ёзув билдиримайинга... умрларини барбод қилиб ётмоқга тақвиятгина буладур<sup>1</sup>.»

<sup>1</sup> Туркистон вилояти газетаси, 1907 йил.

Некокхон Ибрат 1886 ва 1907 йили кишлоқ болалари учун мактаб очади. Мактаб бенул, янги товуш усулига асосланған зди. Мактаб дарслик ва құллаималар билан таъминланған зди. Бу мактабда Некоқхон Ибрат дарслик ва құлланма си-фатида үзининг «Луғати сittа ат-сина», «Санъати Ибрат қалами», «Мирражаб Бандий» асарларыда хамда С. М. Граменицкийнинг уч кисмдан иборат «Книга для чтения» (укиш китоби), Сандрасул Азизйининг «Үстоди аввал», Али Асқар ибн Байрамали Қалининнинг «Таълимус соний» каби дарсликларидан фойдаланадилар.

Чор хукумати Марказий Осиёда рус-түзем мактаби толиб-ларини кенгайтиришга катта эътибор берди. 1902 йилда Тұрақтурғон қишлоғида ҳам мактаб очылди. Маҳаллий халқ коғирлар мактаби деб фарзандларини бу мактабга юбормадилар.

Исхокхон ўзининг педагоглик фаолигида хат-савод чиқариш жараённида ҳуснинатга алохида эътибор берди. У буни ўзининг «Санъати Ибрат, қалами Ибрат» номли шеърларида асослаб берган эди. Ўзининг «Буулубдур» радиифли шеърида баъзи мадрасалардаги холатни шундай ифодалаган эди:

Мадрасалар ичинде куб фитна  
бирла шуриш (фитна)  
Хар кунда ун хил уруш, оқ  
салла ион булубдур.  
Қассобу құпфурушлар, жангу  
жадал урушлар...  
Элликбоши деганлар, уй бошидан  
еганлар.  
Ұз мансабига мағрұр гүёки  
хон булубдур.

Бу билан у тенгсизлик ва адолатсизликни қоралайди. Ибрат маърифат ва маданият нурини сочувчи муаллимлик касбига катта аҳамият берди. Муаллимлик касбини улуғлаб унда қўйидаги фазилатлар мужассам бўлиши зарур деб ҳисоблади: илм-маърифат сирларни ўргатувчи билимдон, болаларнинг меҳрибони нажоткори, зиё тарқатувчи, юксак ахлоқли бўлиши. У муаллим — устозга аталган шеърида қўйидагиларни ёзади:

... Жохилни(нг) күзларини очди илм  
йүлида.  
Кулига берди илм чирогин, йул курсатди  
мұаллим...

Исҳоқхон Ибратнинг ижоди фан, маданият ва маориф тараққиёти тарихида улкан аҳамият касб этмоқда.

Маърифатпарвар шоир-педагогнинг ижодини ҳисобга олиб Тўракурғондаги 44- ўрта мактабни унинг номи билан аташга карор килинди. Исҳоқхон Ибрат асарлари қайтадан нашр этилмоқда.

## Мустақил иш

Ибратнинг «Фарғона тарихи» (303 бетдан — 325 бетлар) асарини таҳлил қилинг. Тошкент. Камалак, 1991.

### КОРИ-НИЁЗИЙНИНГ МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Академик Қори-Ниёзий 1897 йил 2 сентябрда Хўжанд шаҳрида дунёга келган. Болалик йиллари 1909 йилгача шу шаҳарда, сўнгра Фарғонада ўтган. Унинг отаси ўқимишили киши бўлиб мадрасада қориликка ўқиган. У ўғлининг тарбиясига алоҳида эътибор берган ва доимо: «Кеккайма ўғлим! Одоб ва камтарликни унутма!» деб ўқтирган. Қори-Ниёзий эски мактабда таълим олган. У ўз устида тинимсиз, мустақил ишлар, ижодий фаолиятини тобора кенгайтиради. Ўз сўзи билан айтганда «мустақил ишлаш изланишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам баъзи масалалар устида гоҳо ҳар тарафлама ўйлаб юришга тўғри келади». Ўзга мактаб дастурини мустақил ўрганишга киришган ва бунга мусассар бўлган.

Қори-Ниёзий 1920 йилда ёш авлод учун «Табиатдан бир парча» дарслигини ёзди, уни ўзи таҳрир қилди, харажатларни ҳам тұлади ва тарқатди.

Уша пайтда Қўқонда «Дорилмуаллим» деб аталган таълим-тарбия курси, ва бир интернат ҳам бор эди. Қори-Ниёзий уларнинг хаммасини қўшиб «Фарғона мудофаат билим юрти»ни ташкил қилди. 1924 йили унда биринчи битириш маросими ўтказилди. Кори-Ниёзийдан таълим-тарбия олган машҳур 13 нафар қадирғоч учирма қилинди. Қори-Ниёзий уларга аниқ фанлардан чуқур билим берган. Қўқон таълим-тарбия билим юрти Узбекистон Маориф халқ комиссарлигининг 1925 йил 14 марта даги қарори билан «Намунали техникум» деб аталди.

Қори-Ниёзий 32 ёшида икки дорилғунунни битирди, уларнинг бири «Ҳаёт», иккинчиси «Илм» дорилғунуни эди. Унинг ижодий фаолияти мутахассислар тайёрлашга қаратилган эди. Ўзининг серқарра ишоли билан жаҳон фани ва маланиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган машҳур олим, мутафаккир Қори-Ниёзий ўзбек мактабини ташкил этиш ва ундаги таълим-тарбияни яхшилашда, ўқитувчи кадрлар этиштиришда жопбозлик кўрсатди. Узбекистон мактабларининг ташкилотчиларидан бири сифатида хизмат қилди, республикада халқ маорифининг ривожланиши тарихидан ажойиб илмий таддикот ишларини амалга оширди, муҳим тарихий аҳамиятга молик катор асарлар яратди. «Ҳаёт мактаби», каби муҳим дарсликлар ёзди. Мазкур асарларида Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида маданиятнинг ривожланишини ҳамда унинг таркибий кисми бўлмиш халқ маорифи тарихини илмий ва назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берди.

Мадрасалар ҳам эски мактаблар сингари ўқув режаси ва дастурларига эга бўлмагани учун уларда аниқ белгиланган

таълим муддати бўлмас, натижада талабалар вақтдан ютқазар эди. Лекин, Қори-Ниёзий мадрасалардаги таълимнинг мазмуни нималардан иборат бўлганини, уларда ўқитилган китобларнинг турларини ҳам таърифлаган. Масалан, «Ақонд» дарслигида борлиқ, худо ва охират масалалари, «Ҳикматулайн» (метафизика) да Мулла Жалолиддин ақидалари, «Мухтасари викоя»да шариат қонунлари, «Фиҳқи Қандоний»да савоб, фарз, суннат, макруҳ ва гуноҳ ишлар ифодаланганини баён қилган.

Кори-Ниёзий 1917 йилги тұнтарапшыға қадар Туркистан улка-сидаги халқ маорифи тарихини уша даврдаги ижтимоий тузумнинг самарааси ва маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида талқин этган. Узбекистон Республикаси мактаблари ривожланишининг тарихий ролини кенг ва чуқур маънода ёритган.

Узбекистонда умумий мажбурий бошланғич таълимни амалга оширишда республикадаги барча жамоатчилик ҳамда умумий таълим қўмиталари иштирок этган. «Умумий таълимни жорий қилиш соҳасидаги жуда катта вазифалар яна шунинг учун ҳам тез фурсатда бажарилди,—деб ёзган эди Ниёзий — республикадаги бутун мамоз таълимниң дикқат-эътибори ва кучи бу вазифани бажаришга қаратилди, умумий таълимга ёрдам комитети тузилди, бу комитетларнинг иши натижасида мактаблар сони кескин даражада кўпайди».

Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш иши ўз самарасини бера бошлиди: 1928—29 ва 1930—31 ўқув йилларида қисқа муддатли курсларни (катта ёшдагиларни билим савияларини янада ошириш) 23 минг киши тугатди. «Саводсизликни битириш» мактаблардаги ўқитувчиларнинг тахминан 40 фоизини ана шу курсларда тайёрланган ўқитувчилар ташкил қилган.

Олий, маҳсус ўқув юртларигининг ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳам маърифий ишларга жалб этилди, улардан унумли фойдаланилди. Қори-Ниёзий янги очилган мактабларга методик ёрдам кўрсатиш ишига ҳам муносаб ҳисса қўшган.

Кори-Ниёзий 1979 йили вафот этди.

Қори-Ниёзийнинг таълим-тарбия масалаларига доир таълимоти дастлаб унинг «Ҳаёт мактаби» номли асарида баён қилинган эди. Шу асардан айрим парчалар келтирамиз: «XIX асрнинг 80-йилларида Туркистанда чор ҳукуматининг фармонига кўра, рус-тузем мактаблари очилди. Бу мактабларнинг, айниқса улардаги ўқитувчиларнинг моддий ахволи жуда оғир эди... Шашхидаги рус-тузем мактабининг ўқитувчиси В. Орлов (1906) ёзган мақоласида бундай деган эди: «Заррача инсофи бўлган ҳар бир ҳўжайин ҳам шуни жуда яхши биладики, ҳатто, ҳайвонни ҳам тўқ бўлгандагина ишлатиш мумкин. Лекин фақат сизлар, жаноб амалдорлар бу ҳақиқатни эътиборга олишини хоҳламайсизлар ёки била олмайсизлар қандай уят ва шармандаликни, сизларнинг минглаб оладиган маошларингиз, хўрланган, фарнб ва оч ўқитувчи хисобидадир». «Бу мактабларнинг вазифаси таржимонлар тайёрлаш бўлган... Шу сабабли бўлса керак,

бойларни болалари жуда кам бўлар эди, чунки улар болаларининг таржимон бўлиб ишлашини ўзларига муносиб кўрмас эдилар. Ҳатто, булардан айримлари эса кўпинча мактабни битирмай чиқиб кетар эдилар, чунки бойлар одатда болаларга «конвертга адрес ёзиши ўргансанг, бўлади» деб уларни мактабдан олиб савдо ишларига қўяр эдилар» (77- бет).

Табиий, рус-тузем мактабларидағи ўқитиш иши турли жойларда турлича бўлиб, унинг сифати асосан ўқитувчиларнинг савия ва малакасига боғлиқ бўлса керак. Бу мактабда рус тили, бутун сонлар билан турт амал доирасида арифметикадан, тарихдан, географиядан (acosan Россия географиясидан) ва табииётдан бошланғич маълумот берилар эди, шу билан бирга «маҳаллий (ўзбекча) савод» ва ислом динининг асослари ҳам ўқитилар эди.

«Рус-тузем мактаблари учун маҳсус тузилган дарслкларда» «Ўқиши китоблари»да табиат, одамлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳаётидан энг оддий бошланғич маълумотлар келтирилар ҳамда рус адабиёти намояндалари — Пушкин, Лермонтов, Кривлов ва бошқаларнинг шеър ва ҳикояларидан намуналар киритилган буларди. С. Граменицкий тузган ва 1898—1899 йилларда нашр этилган биринчи, иккинчи ва учинчи «Ўқиши китоблари» методика ва мундарижа жиҳатидан энг тузук дарслклар деб ҳисобланар эди.

Масалан, «Учинчи ўқиши китоби» турт бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида: Ушинскийнинг «Болалар дунёси»дан олинган «Шамол билан қоёш», Л. Толстойнинг «Зийрак деҳқон» ҳақидаги ҳикояси, Кривловнинг «Меҳнатсевар айиқ», Демьянининг «Балиқ шўрваси», «Эшак ва булбул», «Қарға билан тулки», «Гришканинг камзули» масаллари, Пушкиннинг «Балиқ ва балиқчи эртаги» ва бошқалар бор эди.

Иккинчи бўлимида Россия тарихига бағишлиланган маълумотлар...

Учинчи бўлимида Россия ва Оврупа қисми, Сибир ва Туркистон ҳақида географик маълумотлар.

Тўртинчи бўлими «табиатдан сiddий маълумотлар» бор. Қори-Ниёзий ўқитувчилик фаолияти ҳақида, жумладан, қуйидагиларни ёзган: «Ёш авлодни тарбиялаш фахрли ва олижаноб вазифа бўлиши билан бирга, ғоят даражада мураккаб ва масъулиятлидир. Бу вазифани музваффақиятли бажариш учун ўқитувчи аввало ўз ишининг шайдоси, ташаббускори бўлиши керак. Шунинг учун ўқитувчиликнинг «сабаби овқат» учун расман «касб» қилиб олиш — жуда хавфли бўлиб, ҳатто, ёш авлоднинг тарбиясига зарарлидир.

Айниқса, ўқитувчи қандай маълумотга, қандай заковатга эга бўлмасин, у ўзининг савиясини, педагогик санъатини ривожлантириш учун тинмай ишлаши керак.

Қори-Ниёзийнинг ахлоқий, жисмоний тарбияга, меҳнат тарбиясига доир ғоялари, ўткир фикр-мулоҳазалари ва чиқарган аниқ хulosалари унинг рисолаларида баён қилинган. У, ма-

салан, «Ақл-идрокка суюниб», «Орзу ва савия», «Ҳар бир ёмонликда бир яхшилик бор», «Табиатдан бир парча», «Ҳам юрак, ҳам ақл-идрок амрича», «Хушомад ва ҳурмат», «Фан ва онг», «Бахт ва меҳнат», «Ғаразсиз содиқ дўст» ва бошқа асарларида баркамол инсонларни вояга етказиш масалаларини таҳлил қилган. Олим фаннинг афзалликларини ва инсон ҳаёти учун зарурлигини қўйидагича таърифлайди: «Фан минглаб, ўн минглаб, ҳатто юз минглаб йиллар мобайнида заррама-зарра, томчилаб вужудга келган ва халқ хизматига қаратилгандир. Фани эгаллаган инсоннинг онги ва виждони поклиги, тили ва дилининг бирлиги унинг маънавий шахс эканлигидан далолат беради.

Ҳақиқий фаннинг ўзи ёрқин ахлоқнинг намунасиdir. Фан борасидаги таълимотни билатуриб унга хиёнат қилиш ахлоқсизликдир. Бунинг учун аввало адолатсиз бўлиш лозимдир. Адолатлилик — ахлоқий фазилат ва юксак онгни талаб этади. Баркамол инсоннинг энг муҳим белгиси ахлоқийликдир.

Олимнинг фикрича, ахлоқийлик онг ва виждон замирида шаклланади. Юксак ахлоққа эга бўлиш инсонга бахт келтиради. Бахт ва унинг моҳиятини тушуниш кишининг онгига, виждонига ва маънавий савиясига боғлиқдир.

Умуман, Ўзбекистонда мактаб ва маориф ишларини йўлга қўйишида фаол қатнашган ва бунга ўзининг жуда катта ҳиссанни қўшган, академиклик даражасигача эришган файласуф, фалакиётшунос, математик ва ахлоқшунос олим Қори-Ниёзийнинг мероси республикамиизда илм-фан, таълим-тарбияни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

### Мустақил иш

*Султон Акбарийнинг Қори-Ниёзий ҳақидаги «Устод» (Тошкент, 1970) асарини таҳлил қилиши.*

### ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙНИНГ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йили Қўқонда туғилди. У 7 ёшидан мактабда хат-савод ўргана бошлади. Мактабни битиргач, мадрасага ва И. В. Орловнинг кечки рус-тузем мактабига ўқишига кирди. Ҳамза мадрасада ўқиган чоғларидаёқ Фирдавсий, Ҳайём, Саъдий, Низомий, Хоқоний, Жомий, Фузулий, Бедил ва бошқаларнинг улкан шеърияти билан танишди, шунингдек, Шарқ олимларининг асарларини ўқиди.

1908 йилда Ҳамза ота-онасининг норозилигига қарамай, мадрасани ташлаб кетди. Унинг ўзи ўзганидек, ота-онасининг ўжарлиги, маъмурларнинг зулми, камбағаллик туфайли дунёвий билимларни эгаллаш тўғрисидаги орзусини амалга оширолмади.

Китобни жон-дилидан севган Ҳамза мадрасадан кетса ҳам, мустакил билим олиш билан муттасил шуғулланди. У Ватанга хизмат қилиш, маърифат соҳасида жамиятга фойда келтириш бурчнин яхши англагани ва меҳнатсеварлиги туфайли кенг ва чуқур билимлар орттириди.

Ҳамза 1910 йилда Қўқондаги маҳаллий рус-тузем мактабида муаллим булиб ишлади ва 1911 йилда янги мактаб очди, таълим-тарбия ишларига баъзи ўзгартишлар ~~киритиши~~ Үқувчи-ларни ўрганаётган материалларини қуруқ ёд олиши нафсиз эканлигини айтди, синфдан ташқари машғулотларга алоҳида эътибор берди, она тили дарсини кўпайтириди, янги дарслерлар жорий этди. Үқитган фанини жуда яхши билганилиги, ёшларга меҳр билан қарашни ва мулоим педагог бўлгани туфайли, үқувчиларнинг зўр хурмати ва муҳаббатини қозонди.

Болаларнинг ўқув қўлланмалари, овқат ва кийим-кечак билан тўлиқ таъминланмагани бу хилдаги мактабларнинг ишлашида катта қийинчиликлар туғдириди. Аммо Ҳамза бўш келмади у «Жамияти хайрия» ташкил қилди ва ўз мактабини сақлаб қолиш учун курашди. Унинг ишлари ҳақидаги шов-шув Қўқон шаҳридан ташқарига ҳам тарқала бошлади. Маҳаллий маъмурлар бундай «хавфли таълим-тарбия манбани»га тоқат қилмадилар ва 1913 йилда мактабни ёпиришга муваффақ бўлдилар. Ҳамза ўз она юртини ташлаб чет элга кетишга мажбур буди.

У 1914 йилда Қўқонга қайтиб келди ва камбағал етим болалар учун мактаб очишга ҳаракат қилди. Ниҳоят, «Дорил ятим», яъни «етимлар мактабини очди. Мактаб Қўқонда 1914 йил сентябридан ишга тушди. Унга Қўқоннинг ҳар тарафидан келган фақир ва етим болалар пулсиз қабул қилиниб, ҳатто баъзи бечораҳолларга дафтар ҳам берилган.

Ҳамзанинг «Дорил ятим» мактаби учун ўзбек тилида тузган дарслиги табиатга, ё халқлар тарихига оид ҳикоялардан иборат булган. Шунга кура, руҳонийлар уни оллога ва подшоға карши чиқишида айбладилар.

Кўп ўтмай «Дорил ятим» мактаби ёпиб қўйилди, Ҳамзанинг сиёсий жиҳатдан ишончсиз ва миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчиси деган мулоҳаза билан миршабнинг маҳфий назорати остига олинди.

Ҳамза 1915 йилда Марғилонга келди. У ошкора равишда янги мактаб очишга, лекин эҳтиёт билан иш кўришга ҳаракат қилди. Шу тариқа, Марғилоннинг тинч ва хилват кўчасида янги мактаб пайдо бўлди. Унинг биноси Қўқондаги мактаб биносидан ҳам ёмонроқ эди.

Ҳамзанинг педагогик фаолияти анча мураккабdir. Яъни у чор Россияси амалдорлари ва маҳаллий руҳонийлар янги мактабларни ва ижобий ғояларни янчидан ташлаётган даврда ишлади. Ҳамзанинг маърифатпарварлик ғоялари эса халқни оғир аҳволдан қутқаришга, унинг илм-маърифатини юксалтиришга қаратилган эди.

З. Миртурсуновнинг тадқиқотида қўйидагилар аниқланган. 1914 йилда Туркистонда 106 та бошланғич рус мактаби бўлиб, уларда 14 мингдан ортиқ рус болалари ўқиган. 50 дан ортиқ рус-тузем мактабларида 10 мингдан зиёд маҳаллий халқ болалари таълим олган. Шунингдек, Туркистон улкасида рус болалари учун маҳсус гимназия ва прогимназиялар хизмат қилинган. Булардан ташқари, товуш методи билан хат-савод ўргатиладиган ўзбек «савтия» мактаблари ҳам ташкил қилинган. Эски мактаблар «усули Қадимия» деб юритила бошланган. Янги ташкил қилинган «жадид» мактабларига болалар насленасабига қараб қабул қилинган. Қамбағалларнинг фарзандларини «ақлий меҳнатга оқиз, ўқишига қобилиятсиз» деб ҳисобланган.

Мана шу ҳолнинг шоҳиди бўлган Ҳамзанинг таълим-тарбия ва маърифатга доир ғоялари буржуа миллатчиларига қарши қаратилган эди. У ўзининг «Фақирлик қайдан ҳосил бўлур» сарлавҳали мақоласида, «Миллий роман ёхуд саодат» номли қиссасида халқ фарзандларини ўқитишга чорлаган ва бойларга мурожаат қилиб, шундай деган:

*Мактаб очинг боёнлар, бўлинг ҳимматли!  
Бўлсин ўқиб сибёнлар олий ғайратли!*

Ҳамзанинг бутун фикру хаёли халқ оммасини ўқитиш ва илм-маърифатли қилиш эди. У халқ орасига илм-маърифатни кент ёйиш зарурлигини исботлар экан, ҳукмрон синфлар бу масалага лоқайд қарашини ифодалайди:

*Иёқ экан ҳисси миллият қалонларда,  
Ҳаммасин эркан даъвоси забонларда...  
Уламо, шайх, эшон, бой, имом, қози, мингбошилар,  
Ҳаммаси бир дому камон ичра...*

Ҳамза халқ маорифи тўғрисида фикрлар экан, «илм-маърифат шундай бир воситаки, унинг ёрдамида бутун ижтимоий тузумни яхши томонга ўзгартириш мумкин, лекин бунинг учун маърифат ишларида ҳамманинг манфаатларини бирга қўшиш керак», деб хулоса чиқарган. Халқ орасида илм-маърифатни кент ёйишни, ижтимоий парокандаликни бартараф этишининг энг самарали воситаларидан бири деб билди.

Ҳамза очган мактабларда ақлий, жисмоний, эстетик, ахлоқий ва меҳнат тарбияси уйғулаштириб олиб борилар, бу таддивир ўз замонаси учун илгор бир воқеа бўлиб, мазкур мактабларда ўқитиш ишлари болаларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ақидаларига асосланган эди.

Ҳамза эстетик тарбияга катта эътибор берди. Ўқитишда болаларга санъатдаги, инсоний муносабатлардаги гўзаликка муҳаббат билан қараш хиссини сингдирди. Уларга мусиқа, рақс, ашула, халқ қўшиқларини, зўр муҳаббат билан ўргатди.

XIX аср охиридан бошлаб, Ўзбекистон Россия империясигининг капиталистик хўжалиги доирасига тортилиши сабабли унинг турмушдаги ижтимоий-иқтисодий негизлари жадал емирила бошланди. Натижада Туркестонда миллий-озодлик ҳаракати кучайди.

Ҳамза Завқий бошчилигидаги зиёлилар гуруҳига қўшилиб, Ўзбекистондаги мазкур ҳаракатда фаол иштирок этди. У үзининг педагогика соҳасидаги тажрибасини ўзбек ҳалқининг муҳим ишига, она тилида бошланғич мактаблар очиш, дарсліклар тузиш ва камбағалларнинг болаларига хат-савод ўргатиш ишларига бағишлианди.

Ҳамза ўз ҳалқининг билимсизлигига қарши она тилидаги мактаблар ҳамда, яхши дарсліклар ёрдамида курашин мумкин деб билган.

Ҳамза ўқувчилар оладиган қуруқ китобий, жонсиз, схолостиқ, пассив билимларни жуда ёмон кўриш билан бирга, китобни билим ва фикрнинг энг бой манбани сифатида, инсоният ақлий самараларининг буюк ҳазинаси ва ҳаётининг кўзгуси сифатида кадрлаган. Лекин ҳамма гап китобга тўғри муносабатда бўлишда эканини, фақат хотирани эмас, балки кўпроқ тафаккурни ҳам ишга солиши кераклигини уқтирган:

Ҳар қўнгилнинг орзуси шул эрур обиҳаёт,  
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб.  
Ҳар муроднинг бошидўр, ҳар муддаонинг гавҳари,  
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни Луқмондир китоб.  
Қўзни нури, дил ҳузури, дилларнинг дармонидур  
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳи тобондир китоб.  
Ҳар балодан асрагувчи энг муҳим қиймат яроғ,  
Тири ваҳшат, ҳанжари зиллатга қалқондур китоб.

Ҳамза таълим ва мустақил ўқиши билан ҳосил қилинадиган билимлар турли-туман ва мукаммал бўлишини истаган. Ўсмир аклининг усив бориши учун хилма-хил маънавий озиқ олиши, турли соҳалардан хабардор бўлиши зарур, бу эса уни маҳдудликдан сақлайди, унда дунёқарашнинг таркиб топишига кумаклашади, деб билган.

Ўз замонидаги дарсліклар болаларнинг ёш хусусиятларини хисобга олмай тузилгани, улар учун тушуниш қийинлиги, кўп дарсліклар болаларга ёт тилда ёзилганини қоралаган. Ҳамза дарсліклар ва ўқув қўлланмалари юксак савияда бўлиши, болаларда ўқишига қизиқиши ва китобга муҳаббат ўйғотиш лозим, деб таъкидлаган. Унинг узи «Енгил адабиёт», «Ўқиши китоби», «Қироат китоби» ва бошқа дарслікларни яратган. Уларни тузишда ўзининг педагогик тажрибасидан ва илғор мактаблар тажрибасидан фойдаланган. Бу дарслікларнинг ҳаммаси педагогика ва болалар психологияси талабларига мувофиқ ёзилган. Муаллиф дарслікларида бевосита билим беришга хизмат қиласидиган материаллардан ташқари, ахлоқий тарбияяга оид матнларга ҳам катта ўрин берган. Масалан, ўқувчиларни ха-

лоллик, ростгүйлик руҳида, ёлғончилик ва адолатсизликка нафрат руҳида, саҳиyllик, ожизларни қўллаб-қувватлаш, ярамас эҳтирослардан тийилиш, очкўзлик ва шуҳратпастликка муросасизлик, мулойимлик, фан ва маорифга садоқат, Ватанини севиш ва катталарга ҳурмат, ота-онани иззат қилиш, ҳаётдаги машаққат ва қўйинчиликларга бардош бериш, мардлик, инсонни гўзаллашгирувчи меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш масалалари Ҳамзанинг ахлоқ-одоб тўғрисидаги таълимотининг асосий мавзулари бўлиб, унинг дарслекларида жуда кенг ва ёрқин ифодаланган.

Ҳамза дарслекларни ёзар экан, таълим-тарбия мақсадини кузлаб ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан моҳирона фойдаланган. Үқиш китобида ибратли масалаларни келтирган.

Ҳамзанинг болалар учун ёзган шеърлари ажойиб хусусиятларга эга бўлиб, улар ғайрат-шижоат тўлиб-тошган, завқ ва илиқ туйғулар билан сугорилган, оддий, эркин, енгил тилда ёзилган, узининг равонлиги билан яшнаб турган асаллар эди. Мазкур шеърлар ҳалқ тилининг талаффузи ва оҳангини сақлаб қолган жонли ва шўх тил билан ёзилиб, улардаги сатрлар қиска-қисқа, ҳар бир байт аниқ, равшан ифодаланган, тарбиявий таъсир кўрсатиш учун танланган энг муҳим сўзлар бир-бира қофиядошdir.

Ҳамза таълим-тарбия масаласини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши билан бирга Туркистонда мактабларни қайта қуришнинг амалий масалаларини ҳал қилишда фаол қатнашди. У 1916 йилда Завқий, Аҳмадали Алиев ва бошқа жамоат арбоблари билан биргаликда «Фарғона водийсидаги мусулмон аҳоли орасига хат-савод ёйиш жамияти» тузди. Жамият пул тўплаб, бошланғич мактаблар очди, уларда дарслар ўзбек тилида олиб борилди.

Ҳамза илм-маърифатнинг кучига жуда катта аҳамият берди. Унинг фикрича, билимларни ҳалқ оммаси орасига ёйиш омманинг онгини уйғотишга ёрдам бериши мумкин.

Ҳамза инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини, асосан, унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди, деб ҳисоблаган. Агар яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг учун чинакам баҳтсизликка, ҳатто, ҳалокатга айланишини уқтирган. Шунинг учун мактаб тарбияси билан бир қаторда онла тарбиясига ҳам жуда катта аҳамият берган. Болалар ижобий ва салбий таъсиргага айниқса гудаклик чоғларида жуда берилиувчан буладилар. Буни яхши билган Ҳамза уларга ёшликтан тўғри тарбия бериб бориш лозим, оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададдир ва, аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳол мактабнинг таълим-тарбия ишини жуда қўйинлаштириб қўяди, деб ёзган. Айрим ота-оналар ўз болаларининг фаровон яшашини таъминлаш тўғрисида жон куйдирса ҳам, уларни тарбиялаш билан мутлақо қизиқмаслигини қоралаб, тарбия бўлмаса, моддий жиҳатдан таъминланганлик яхши оқибатга олиб бор-

маслигини, моддий жиҳатдан таъминланган, лекин тарбия кўрмаган болалар яхши одам бўлиб етишмаслигини ўқтирган.

Ҳамзанинг педагоглик фаолияти умуман ўқувчиларда тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик каби юксак фазилатларни тарбиялашга қаратилган. У ана шу ахлоқий идеалларни ўзининг бадиий асарларида умр бўйи тарғиб қилди.

### Мустақил иш

Ҳамза Ҳакимзода драмаларидан бирини ўқиб, унинг ахлоқий тарбияга доир ғояларига муносабат билдиринг.

### АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ МАЪРИФИЙ-ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Абдулла Авлоний 1878 йили Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Авлоний бошланғич таълимини ўқчиидаги мактабда олгач, Шайхонтоҳурдаги Абдулмаликбой мадрасасида таҳсил кўргац. Авлоний бўш вақтларида Навоий, Фузулий, Саъди Шерозийларнинг асарларини севиб ўқиган. Шеърлар ҳам ёзган. 1904 йилдан бошлаб Авлонийнинг ижодий фаолиятида кескин ўзгаришлар содир бўлган. У Миробод маҳалласида янги усул мактаби очган. Унда ўқиган талабалар товуш методидан фойдаланишар ва 6 ойдан сунг, саводлари чиқиб, имтиҳон топширап эдилар.

Авлоний ижодининг бош масаласи баркамол инсонни тарбиялашдан иборат бўлган. Ана шундай инсон ҳақидаги ғоялар унинг фақат дарслкларида эмас, балки бутун ижодида, айниқса, «Садоий Туркистон» газетасида эълон килинган «Иzzатли инсонлар», «Ғалат», «Диққатман», «Ўз майшатимиздан», «Истиқболдан орзулирим», «Жаҳолат», «Сафоҳат балоси» каби мақолаларида яққол акс этган.

1908 йилда Авлонийнинг мактаби ёпиб қўйилди. Бунинг сабабини Авлоний қуидагица изохлайди: «Мактабимда ер, одамлар, төғ-төшлар, дарё, осмон дақида сухбатлар утказмоққа ҳаракат қилганимни Миробод маҳалласининг айрим жоҳил кишилари билиншиб, мени коғир бўлдинг, деб мактабни ёпдилар».

Авлоний 1909 йилда Дегрез маҳалласида яна мактаб очган. Бу мактабнинг ўқувчиларини янгича таълим мазмуни асосида ўқитишини зарур деб ҳисоблаган.

Авлоний ўз мактабидаги ўқувчилар учун товуш методикасига асосланган дарслклар ёзди. Унинг 1912 йилда «Биринчи муаллим» (алифбо), «Иккинчи муаллим» (Алифбодан сунг ўқимак учун) 1913 йили «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (юқори синф ўқувчилари учун дарслик), «Мактаб гулистони дарслиги» асарлари Туркистон мактаблари учун зарурий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Бу борада: «Муаллим афандилар ва адабиёт муҳиблари баним бу асари ноҷизоналарими илтифотсиз қолдурмадилар. Тур-

кистоннинг энг машҳур муаллимлари дарс жадвалига киритуб, майдони таълима қўйдилар. Булардан бошқа, уз қаламим ила майдони матбуотда жилвагар уран «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Адабиёт Туркий гулистон» номли асарларим мактабларда ўқилмоқда. Миллат болалари баним бу асарларимдан истифода қилмоқда экан, баним бу хусусдаги ғайрат ва жасоратим дақо зиёда улмоға бошладим»<sup>1</sup>.

Абдулла Авлонийнинг «Мактаб жуғрофияси», «Ҳисоб масалалари», «Учинчи муаллим» каби босилмай қолган дарслеклари узи ва янги усул мактабларида кенг фойдаланилди. 1933 йили 7-синиф ўқувчиларни учун адабиёт мажмуаси тузиб пашр эттириди.

Абдулла Авлоний 1921 йилдан бошлаб маориф соҳасига ўтади: дастлаб улка билим юртида, 1923 йилда хотин-қизлар билим юртида мудир, 1924 йилда ҳарбий мактабда ўқитувчи, 1925—30 йилларда Марказий Осиё давлат университетидаги дарс беради.

Абдулла Авлоний шоир сифатида ҳам танилган эди. Авлонийнинг «Иштирокион» газетасида эълон қилинган асарлари: «Рузал баҳор», «Ишчиларга тортиқ», «Жамилларга оралашма-ган дангаса тилидан», «Мактаб марши» кабилар саналарди.

Авлоний 1913 йилдан бошлаб театрчилик ишлари билан шуғулланган ва биринчи «Туркистон» театр труппасини тузган. Труппа 1914—1915 йилларда Туркистон ўлкасининг турли жойларида Авлонийнинг «Икки севги», «Биз ва сиз», «Португалия инқилоби», «Бадбахт келин» сингари пьесаларини намойиш қилган.

Авлоний 1943 йилда вафот этган. У халқимиз учун қилган бекиёс хизматлари билан, яратган асарлари билан ўзининг номини агадийлаштирган.

### А. Авлоний таълим-тарбия ҳақида

Абдулла Авлоний ижодий фаолияти кўп қиррали булиб, унинг фалсафий-ижтимоий дунёқарашида миллат истиқтоли, халқ ғами, келажакдаги маънавий ҳаёт алоҳида урин эгаллайди. Абдулла Авлоний ўзининг «Мактаб марши» шеърида янги усул мактаблари афзаллигини куйлади:

Яшасун мактаб, биз ҳам яшайлук,  
Биз ҳам яшайлук, яшасун мактаб!

Абдулла Авлоний ташкил этган мактаб ўзбек миллатига хос янги усул эди. Туркистонда бир қатор маърифатпарвар, жадид ҳаракатининг фаоллари: Сайдрасул Азизий, Мунаввар Қори, Абдуқодир Шакурий, Саидахмад Сиддиқий, Исҳокхон Ибрат, Ҳожи Мунн Шукрулло, Ҳамза, ? (... ва ...) Раҳматуллаевлар янги

<sup>1</sup> Б. Қосимов. Абдулла Авлоний, 10-бет.

усул мактабларини Туркистон бўйлаб очдилар. Бу мактаблар эр-жин ва инсонпарварлик асосида тузилганлиги, дунёвий илмларни болаларга ўргатиш, таълим мазмунини миллыйлаштириб, товуш методидан кенг фойдаланилганлиги билан эски мактаблардан ажралиб туарди. Мактабларда таълим-тарбия бирлигига алоҳида эътибор берилди. Янги мактаблар учун жуда кўп алифбо дарслклари ёзилди. Хожи Муин Шукрулло ўзининг «Туркистонда алифбо тарихи» рисоласида булар сонини 25 та деб тахлил килган эди. У алифболар рўйхатини тузганда биринчи ўринга Сайдрасул Азизийнинг «Устоди аввал» дарслигини, сунг Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» алифбосини қўйган эди.

Абдулла Авлоний ўз дарслкларида, ҳалқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган, ҳамда бошқа ҳалқлар ижодидан намуна олиб, уни таржима қилиб дарслкларига киритган. Авлоний «Муаллими аввал» алифбосини талабларга мослаштирган эди: «оддийдан мураккабга муаллиф сўзи билан айтганда, «тадрижий суръатда тартиб этилди», яъни ҳарфлар алфавит тартибида берилди, кейин қайси ўринда қандай ёзилишига қараб кичик-кичик мисоллар келтирилган. Бош ва охирги ҳарфларнинг ёзилиши ва талафузи ҳақида маълумот берилиб кейин ўқишига утилади. «Биринчи муаллим» алифбосидаги «Мактаб», «Ямонлаш—жазоми?», «Баҳтила ва баҳтсиз бола», «Қаноат», «Зар қадрини заргар билур», «Яхшилик ерда қолмас», «Тўғрилик», «Иттифоқ» каби ҳикоя ва шеърлар охира тарбиявий холосаси берилган. Масалан, «Яхшилик ерда қолмас» ҳикоясини қўйида-гича якунлайди:

Яхшилик қилсанг бўлур жонинг омон,  
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,  
Яхши сўз билан илон индан чиқар,  
Сўз ёмон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

Авлоний бошланғич таълим мазмунини миллатнинг истиқболига қараб белгилаган. Унда инсонон миллий ғурурини ифодалайдиган, ҳалқ яратган сўз санъатидаги дурдоналар ўз аксити топган, инсон қалбига зисбагишилайдиган аждодларимизнинг мероси асоси ўрин олган. Шунингдек, у буюк сиймоларнинг ва ўзининг асарларидан кенг фойдаланган. Унинг бошланғич мактаб учун ёзилган дарслкларида мазмун нозик нафосат пардаси билан ұралган. Масалан, Сайдрасул Азизийнинг «Устоди аввал» дарслиgidаги «Ёлғончи» ҳикоясининг асосий ғояси Авлонийнинг «Биринчи муаллим» дарслигига ёлғон гапиришининг ёмонлигини қўйида-гича қизиқарли қилиб берилган:

- Дунёда энг хор киши кимдур?
- Ёлғончи кишидур.
- Ҳар кимга нима лозим?
- Рост сузлик ва хушфеълик.

Авлонийнинг «Ёлғончи чўпон» шеъридаги «Тўғри сўз қутқарар балолардин, доғи ҳижрон ва можаролардин» мисраси ҳам Азизийнинг ғоясига ҳамоҳангдир. Бундай ўхашаликлар Ав-

лонийнинг «Биринчи муаллим» дарслигида кўп учрайди. Умуман, унинг дарсликлари га халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган, буюк халқ педагогикаси га асосланган ва замон руҳига, бошлангич синф ўқувчилари га мослаштирилган «Тақсим», «Икки девона», «Очкўзлик», «Ақлли боғбон» каби ҳикоялар, эртаклар, шеърий ривоят ва бошқалар киритилган. У яратган иккинчи дарслиги «Алифбодан сўнг ўқутмак учун ёзилган» ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган эди. Ҳикоялар танлаш ва баёнида Абдулла Авлоний қўйидаги усуллардан фойдаланган: ҳикояларнинг ҳаётйлиги, қизиқарлилиги, соддалиги, унинг ўз сўзи билан айтганда, «Энг осон усул ила», «Очуқ тил ва осон таркиб ила» яратилган. Бу дарсликни ёзишда халқ оғзаки ижодидан, Шарқ шеъриятидан мутафаккир ва маърифатпарвар шоирларнинг асарларидан фойдаланди. Дарсликда «Гайрат қилиб ўқинг, ўғлон», «Сахийлик», «Бахиллик», «Нафси бузук ҳайитда ўлар», «Ақлли қарға», «Ҳасад балоси», «Ақлли бола», «Ёлғон дўст» каби ҳикоя, шеърлар берилган. Абдулла Авлоний ижодий ва педагогик фаолиятида тарбиянинг етакчи ўрнига алоҳида эътибор берди:

«Тарбия «педагўгия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндин шул хусусда бироз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия килмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмоқ, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсмакдур.

Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги қасалига даво қилғони каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳз марказига «яхши хулқ» деган давони ичидан» «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмоқ лозимдур.

... «Бешикдан то қабргача илм изла» деймишлар. Бу Ҳадиси Шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳакимлардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур, демиш. Ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмоқ фарзи кифоядир» (25- бет).

Авлоний тарбияни қўйидаги қисмларга бўлган эди: фикр тарбияси, бадан тарбияси, ахлоқ тарбияси ва интизом тарбияси.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида баркамол инсоннинг ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор берди.

Ахлоқ «Инсонни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар билан баён қиладурган китобни ахлоқ дейдилар. Ахлоқ илмини ўқуб, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганини билур. Киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас» (23- бет).

Абдулла Авлоний ахлоқий фазилатларни икки турга бўлган

Эди: яхши хулқлар: «мәҳр-шафқат, мұхаббат, садоқат, хайри-хөхлик, олижаноблик, иффат, ҳаё, дүстлик, меҳрибонлик, сабрли, қаноатли, сахийлик. Емон хулқлар: ғазаб, бузуқлик, сафо-ҳат, ялқовлик, хасислик, таъмагирлик кабилардир.

Абдулла Авлоний ахлоқий тарбиянинг бош масаласи инсоннинг Ватанга мухаббатидир деб ҳисоблади ва ҳар бир ёш қалбни Ватанида яшашга, унинг баҳтидан қувонишга, шодлигига шерик булишга ургатмоқ ва уни эътиқодига айлантирмоқ лозимлигини төбкайдади.

Ватанин севган ҳалқ тилини ардоқлайди, чунки «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ҳаёт кўзгуси—тил ва адабиётидир», деб миллий тил ва адабиётни ўрганишга алоҳида эътибор берди.

«Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозудур» деб ёзади.

Абдулла Авлоний чақимчилик, ғийбат, ҳасад, мунофиқлик, ёлғончилик, иккюзламачилик ҳаёда алоҳида тўхталиб изоҳ берган эди. У ғийбатчи ва чақимчиликнинг бузоқбошига ўхшатади. Бузоқбоши дараҳт илдизини кемириб қуриғани каби чақимчи ва ғийбатчилар ҳам кишилар ўртасидаги мәҳр-муҳаббат дараҳтини емирадилар. Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлок» асарининг «Тарбиянинг замони» бўлимида тарбияни дастлаб уйда, сўнгра мактаб-мадрасада олишни мақсадга мувоғиқ, деб ҳисоблайди.

А. Авлонийнинг ижодида оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, ота-ғонанинг бурчи ва вазифалари алоҳида ўрин эгаллайди. «Оила мунозараси» шеърида ота-она баҳси берилади. Бунда қиз болаларни ҳам илм, маърифат билан баҳрамаңд қилиш фояси илгари сурилади.

Абдулла Авлоний болаларнинг ақлий таълимига ҳам алоҳида эътибор беради: фикрлаш иқтидорини эгаллаш олижаноб ғоялар томон интилишdir, деган эди. Абдулла Авлоний болалар фикрининг «куввати, зийнати, кенглиги» йўқ жиҳатдан муаллимларни «диққатларига суюнга, виждонларига юкланган» вазифадир. лейли. Аблулла Авлоний ақлий тарбиянинг моҳияти ва мазмуни кенглигини ҳисобга олиб унинг қирраларини қўйидагича тасвирлаган эди:

«Ақл ила иш тутиш — матонат, саъи ғайрат, ризоят:

Покизалик — назокат, сабр-қаноат, интизом, виждонли бўлиш.

Туплаган билимларини бирорларга ургатиш, хайрихөхлик, сахийликдир. Ақл — илм ва тарбияга суюнади. Халқимиз айтганидек: ҳар нарса кўпайса арzon бўлур, ақл эса илм соҳасида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур.

Абдулла Авлоний айтганидек, илм олиш соғломликни талаб этади. «Баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур, чунки ўқимоқ, урганмоқ ва ургатмоқ учун инсонга кучлик, соғлом вўжуд лозимдур».

## A. Авлоний меросининг аҳамияти

Биз А. Авлонийни меросини қандай ўрганишимиз керак? Аввало, ҳар бир миллат вакили ўзи мустақил равишда А. Авлоний ижодини ўрганиши лозим.

Дарсликларда берилган материаллар мазмунини бойитиш мақсадида Авлонийнинг шеър, ҳикояларидан ижодий фойдаланиш керак.

«Аждодларимиз меросига ихлос» туркумидаги «Чўлпон» нашриёти чиқараётган «Боболардан болаларга» китобчаларини ўрганиб болаларни ўқиш ва ёд олишга руҳлантириш. А. Авлоний ижодига бағишилаб сухбат, утқир зеҳнлилар мушонраси, шеърхонлик кўриги ташкил қилиш талабга мувофиқдир.

А. Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари ҳар бир хонадонга қут-барака келтирувчи, инсонларни яхши йўлга бошловчи асар бўлганлиги сабабли, биз зиёлилар уни тартибли равишда ташвиқот қилишимиз зарур (мактаб ота-оналар мажлисида, маҳалла-кўйда, радио, телевидение орқали).

А. Авлоний шуҳрат ва юксакликка машаққатли меҳнати, эътиқоди орқали эришиди. Оқибатда аждодларга жуда катта меросини барҳает қолдирди.

## Мустақил иш

*А. Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарини ўқиб таҳлил қилинг (Тошкент, «Ўқитувчи», 1993).*

## САДРИДДИН АЙНИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Буюк адаб, файласуф-шоир ва педагог Садриддин Айний 1878 йил 15 апрелда Бухоро вилоятининг Фиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида камбағал дәҳқон оиласида туғилди. Отаси Сандмуродхўжа меҳнатсевар ва инсонпарвар, фан ва адабиётга ҳавас қўйган киши бўлган. У иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўз болаларини мактаб ва мадрасада ўқитиб, уларнинг маърифатли кишилар бўлиб улғайиши учун ҳаракат қилган.

Садриддин мактабда тўрт йил ўқиган, лекин таълимнинг эски усули унинг саводли бўлишига имкон бермаган. Шунга қарамай, отаси унда шеъриятга муҳаббат уйғотган.

Ота-онасининг вафотидан кейин моддий ва маънавий қийинчиликларга қарамай, С. Айний Бухоро мадрасасига ўқишга киради. Муҳтоҷлик ва турмушнинг оғирлиги сабабли, мадрасадаги муллавачча ва бошқаларнинг хизматини қилиб кун кечирди ва ўқиди. У узининг «Эсадаликлар» китобида: «... қор-ёмғирли кунларда кучага чиқсан, ковушимнинг ичи сув билан тўлиб, оёғимнинг ёрилган жойларидан пичоқ билан тилинган каби қон сизилиб чиқар ва ёриқларга кирган муздай сувнинг таъсири билан яра қиздирилган бигиз санчилгандай чидаб бўлмас даражада оғирдид», — деб ёзганди.

Мадрасада моддий аҳвол ёмонлиги сабабли Айний қози Шарифжон Маҳмуд (адабиётда Садри Зиё таҳаллуси билан маш-

хур) ховлисида хизмат қилган. У ерда Абдулмажид Зуфунун, Яҳёхўжа, Содиқхўжа Гулшаний каби шоирларнинг хафтада 3—4 марта бўлиб турадиган илмий ва адабий мажлисларида қатнашиб турди. У мажлисларда, бир томондан, амир амалдорларининг ёмоилиги, уларниң ножуя харакатлари түргисида гапирилса, иккинчи томондан, машхур олимлар ва ёзувчилар түргисида гап кетар эди. Бу сухбатлар Айний қарашларига таъсир этмай қолмасди.

С. Айний Аҳмад Доинининг «Номус ал аъзам», «Наводир улвақос» каби асарларини уқиб чиқади ва қаттиқ таъсирланади.

1905 йил «Бухорои шариф биродарлиги» жамиятнинг топшириғи билан С. Айний Самарқандга бориб, Абдулқодир Шакурий ташкил этган янги миллӣ мактабнинг таълим-тарбия ишлари билан танишди. Ана шу маълумотлар ва тажрибалар асосида дўстি Мирзо Абдулвоҳид Мунзим билан унинг ховлисида янги типдаги мактаб очган. Улар мактабни моддий жиҳатдан таъминлаш учун ўзига тўқроқ оиласлардан уч сўмдан ўқиш ҳақи олиб, камбағалларнинг болаларини пулсиз ўқитишган.

«Бухорои шариф биродарлиги» жамиятнинг таклифи билан С. Айний япги миллӣ мактаблар учун «Таҳзиб ус-сибён» («Пок бола») ўқиш китобини тузади. Ўзи мазкур китоб ҳақида шундай деганди: ««Таҳзиб ус-сибён» китоби адабий хусусиятга эга бўлиб, унинг материали болалар учун қизиқарли эди. Тўғри, ўша замон шароитига мувофиқ китобда диний нарсалар ҳам бор эди. Лекин, нима бўлса ҳам янги бир билим берар эди».

С. Айний урушдан кейинги йилларда тўрт жилдан иборат йирик асари — «Эсадаликлар»ни ёзди. У С. Айнийнинг ёзувчилик маҳорати камолотга етганлигидан далолат берувчи ва таълим-тарбиявий фикрларни акс эттирувчи асар бўлди.

С. Айний Самарқанд давлат дорилғунунида ҳам жуда катта хизмат қилди. 1946 йилдан 1950 йилгacha ўзбек адабиёти кафедрасига мудирилик қилди ва бир гурӯҳ олимларнинг етишиб чиқишига мадад берди.

С. Айний Тоҷикистон фанлар академиясининг биринчи президенти бўлиб умрининг охиригача шу вазифада ишлади. У 1954 йил 15 июлда вафот этди.

С. Айнийнинг ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун намунадир. У ёшларни меҳнат қилишга, меҳнат аҳлини севишга, кучли ирода эгаси булишга, қийинчиликлардан қурқмасликка ургатди. Шунинг учун ҳам ёш авлод С. Айнийни узининг устози ва мураббийиси деб севади ва ҳурмат қилади.

С. Айний ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берди. У узини, «Таҳзиб ус-сибён» асарида тарбия ва илм маскани ҳисобланган мактаб ҳақида шундай ёзган:

... Мактаб ... Юзинг ўғирма мактаб эшигидан:  
Одам боласи нега илмдан қочадур?  
Хой, сен узоқлашма мактаб эшигидан  
Қимёю фан, саноат омили или

*Ешилгандир хамма ишининг тугуни  
мактаб эшигидан.*

С. Айний дарслукларида танланган матнлар таълим-тарбия мақсадига қаратилган булиб С. Айний ижодининг ҳар бир йуналишида Ватан ва инсонга мухаббат алоҳида урин олган. Унинг ёшларга қарата доимий шиори «Ўқишига ғайрат қил, одам бўл. Кейин кучинг етгунча ўз Ватанингга хизмат қиласан...». С. Айний ватаинпарварликнинг бош ўйли она тилига мухаббат деб ҳисоблаган. Шу сабабли мактаб очиб болаларни ўз она тилида уқитган. Шунингдек, С. Айний ўзининг «Қиз бола ёки Холида» номли ўқиши китобининг «Одобли қиз бола», «Яхши қиз бола», «Қўй билан қўзи», «Қўй ўз қўзиси учун жонини фидо қилди» каби бобларида инсонпарварлик ғояларини олға суради. У таълим-тарбия жараёнида меҳнат тарбиясига катта эътибор бериб, бунинг асосини ҳалққа хизмат қилиш деб тушунган. Масалан, «Таҳзиб ўс-сибён» дарслигида меҳнат кишига баҳт келтиради, унинг ҳаётини безайди, деб ёзган. Дарслукдаги Йулдош тимсоли орқали бу ғояни ифодалаб, Йулдошнинг ёмон ўқиши, дангасалиги унинг доимо мухтоҷликда яшининг сабаби эканини курсатган.

С. Айний меҳнат тарбиясининг мақсади меҳнатсеварликни, ўқишига ва жисмоний меҳнатга онгли муносабатни, меҳнат ахлига ҳурматни шакллантиришдан иборатлигини айтади ва «Ятим» номли асарида меҳнат тарбиясини оиладан бошлаш кераклигини таъкидлайди.

С. Айний оиладаги меҳнат тарбиясида ота-оналарнинг шахсий намуна бўлишлари, ўз болаларига меҳнат ва меҳнат талаблари ҳақида хикоя қилишлари, шеърлар ўқиб беришлари каби меҳнат тарбиясига доир методлар юзасидан фикр юритган, ялковлик, ишёқмасликни қоралаган, меҳнат болаларнинг ёшига мос бўлиши зарурлигини қайд этган. Меҳнат тарбиясида бажариладиган ишнинг натижаларини болалар олдиндан билиш керактигини, бу эса уларни меҳнатга рағбатлантиришини уқтирган.

С. Айний мактабдаги меҳнат тарбияси масаласига ҳам алоҳида эътибор берган. «Қиз бола ёки Холида» номли асарида қўл меҳнати дарсларининг мазмунини ифодалаган. Унинг ўзи Самарқанд шаҳридаги I- мактабда ишлаган вақтида меҳнатга доир қизиқарли амалий машғулотларни мунтазам равишда ўтказган. Баъзи манбаларда курсатилишича, С. Айний соат 12 гача мактабда, соат 12 дан кейин мактабнинг тажриба участкасида машғулотлар олиб борган. Бу вақтда болалар мевали боғларни парвариш қилишган, гуллар ўстиришган. Шу жараренда устознинг суҳбатини ҳам тинглашган.

Умуман айтганда, атоқли адиб, заковатли олим ва донишманд устод С. Айний маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Унинг ёрқин қиёфаси ва ёзган ажойиб асарлари кишиларни меҳнатга, ижод зафарларига даъват этди, ёш авлоднинг таълими ва тарбиясига ижобий таъсир кўрсатди ҳамда кўрсатмоқда.

## Мустакил иш

С. Айнийнинг «Таҳзиб ус-сибён» номли асарини таҳлил қилинг.

### ОҚИЛХОН ШАРАФИДДИНОВ — БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЖОНКУЯРИ

Оқилхон Шарафиддинов 1898 йилда Тошкентда ўртаҳол дәхқон оиласида туғилди. Унинг отаси ўз даври, шароитига күра ҳар томонлама билимдон булиш кераклигини тушунган идрокли киши эди. Шунинг учун ўғли Оқилхонни маҳалладаги мактабдор домла ҳузурига етаклаб борди ва: «Тақсир, Оқилхон бугундан бошлаб сизнинг фарзандингиз, эти сизники, суюги бизники»,— дея унга топшириди. Ёш Оқилхон ўша эски мактабда бошқа болалар қатори бир неча йил ўқиб кўп қийинчиликлар билан зўрға ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди. Шундан сўнг ўз билимини ошириш ниятида Хўжа Аҳрор мадрасасига бориб ўқиди.

Отахон мураббий Оқилхон aka кўп йиллар мобайнида билимга чанқоқ болалар билан ишлади. Аниқроғи, бир неча ўн йил давомида ёш қалб әгаларига «Алифбе» ўқитиб, хат-савод ургатиб, илм-маърифатдан кенгроқ баҳраманд булиш, ҳаётни тўғри ва чуқур англашга қимматли йўлланма берди. Уларга инсоннинг фазилати, ҳаётнинг гўзаллиги, илм, маданият, меҳнат, фан ва техниканинг қудрати, меҳнат кишиларининг қаҳрамонлиги ва ҳоказолар ҳақида сўзлаб, чуқур маънавий таъсир кўрсатди.

Синфдаги қувноқ, озода кийинган, одобли, интизомли, ўз мураббийларига кўз тикиб ўтирган ўғил-қизлар, уларнинг зўр умид ва ишонч тўла қўзлари Оқилхон aka кексайиб қолганида ҳам унга янгидан-янги куч-кувват, ғайрат, навқиронлик бахш этган. Синфдаги бундай жўшқин ҳаёт, ўқитувчининг соғ виждени, ўткир педагогик ва психологияк диди, ўкувчиларнинг ички дунёсини, руҳини яхши билиши ва чуқур инсонпарварлик билан сугорилган мусомаласи, талабчанилиги, меҳрибонлиги ҳар қандай шогирдни ўзига мафтун этмай қолмайди. Ўқитувчи-тарбиячига зўр ҳурмат ҳам ана шундай синфда вужудга келади. Бунга Оқилхон аканинг фаолияти яққол мисолдир. Унинг ўқувчилари ҳар куни меҳрибон мураббий ўргатган қимматли сўз, тушунча таассуротлари нашъаси билан уйларига қайтардилар.

Оқилхон Шарафиддинов узоқ йиллар асосан биринчи синflарни ўқитди, чунки у ўқув ёшига етиб мактабга келган болаларга илк бор таълим-тарбия беришни севар эди. «Мактабга янги келиб, биринчи синф партасида ўтирган қувноқ болалар билан шуғуланиш мени чексиз қувонтиради. Уларнинг авжи ниҳоллик пайти, қайси томонга йўлласанг, шу томонга эгиладиган вақти. Улар қалам тутиш, хат ёзиш, китоб ўқишини дастлаб биринчи синфда ўрганадилар, одоб-ахлоқ тўғрисида тушунча

оладилар, илк меңнат малакасы ҳосил қыладилар, жамият учун фойдалы кишилар булиб етишиш йўлларини ўрганадилар», деган эди.

Дарсларни ҳар томонлама тўғри ташкил қилиш, унинг юкори савияда, ўқувчилар учун тушунарли, таъсирчан, фойдали, мақсадга мувофиқ бўлиши, аввало ўқитувчининг пухта тайёрланнишига боғлиқдир. Шунинг учун Оқилхон aka қўп йиллик, жуда бой тажрибага эга бўлишига қарамай, кундалик дарсларга атрофлича тайёрланарди. Унинг дарслари ўқувчиларда меңнатсеварликни тарбиялаш, уларда ижтимоий фойдали меңнатга иштиёқ ва ҳавасни кучайтириш билан мустаҳкам боғланарди. Чунки у тажрибали ўқитувчи сифатида ёшлиарни меңнатсеварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамиятини жуда яхши тушунарди. Барча моддий ва маънавий бойликлар манбаи меңнат эканини, меңнат кишиларни ақлий, ахлоқий ва жисмоний томондан тарбиялашнинг кучли воситаси, кишиларнинг қадр-қиммати, орномуси, юксак маънавий гўзаллигининг белгиси эканини, ёшларда меңнатсеварликни тарбиялашга доимо эътибор бериш—уларга чинакам мураббий бўлишининг энг муҳим шарти эканини **зхни билар** эди.

«Ўқитувчининг биринчи синфда меңнат тарбиясига эътибор бериши,— деган эди Оқилхон aka,— мактабга келган боланинг оиласдаги илк меңнат кўнникмасини такомиллаштиради, унда назарий билимларни турмушга татбиқ қила олишни, меңнатга онгли муносабатнинг асосларини таркиб топтиради, меңнат аҳлига ҳурмат, ижтимоий фойдали ишларда иштирок этишга ҳавас уйғотади, уни ақлий, зеҳний, жисмоний жиҳатдан ўстиради. Шу билан бирга, меңнат тарбияси болаларни ўқиш-ўрганиш, билим ва ҳунарни ҳавас билан эгаллашга қизиқтиради. Уларда дарсларни тўлиқ ўзлаштириш иштиёқини оширади, ҳаётда жамоатчилик, ҳамкорлик, дўстлик, ўз масъулиятини чуқур англашни кучайтиради.

Ўқиши ўқувчиларнинг асосий вазифасидир. Бу ишда ўқувчилар эришадиган барча мувваффақиятлари уларнинг шу муҳим вазифани бажаришга қандай муносабатда бўлишларига боғлиқдир. Менимча, бу муносабат ижобий бўлиши учун ўқувчилар ўртасида мустаҳкам интизом, ўқишида онглилик ва фаолликни кучайтириш керак. Албатта, ўқувчиларда бундай хислатлар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Чинакам ахлоқнинг муҳим жиҳатларидан бўлмиш маънавий сифатлар мактаб ҳаётида ўқитувчининг тарбияси, ғамхурлигига шаклланади».

Ўқувчилардаги онгли интизом, фаоллик ва мустаҳкиллик уларни ўқитувчи берган билим, тушунчаларни яхши идрок қилишга, ўз савияларига яраша хulosалар чиқаришга йўллайди, шу билан бирга уларнинг ўқитувчи олдида фақат тингловчигина бўлиб қолмай, масалани ҳал этишида фаол қатнашувида, мустаҳкил фикр юритишида ва тегишли хulosалар чиқаришида ҳам катта ёрдам беради. Натижада ўқувчилар билимнинг, ўқиш-ўрганишнинг киши ҳаёти, жамияти учун ниҳоятда зарур ва

жуда фойдали эканини чуқур ҳис қиласиган бўладилар ва шундай онг билим оладилар. Интизом, фаоллик ва мустақиллик ўқувчиларнинг ўқишига онгли муносабатда бўлишларини ҳамда тезроқ билимдон, иродали, аниқ мақсадни кўзловчи, ҳар томонлама қобилиятли, ташаббускор бўлиб улғайишларини таъминлайди. Шунинг учун Оқилхон Шарафиддинов дидактиканинг энг муҳим ва асосий жиҳатларидан бири ўқишига онгли муносабатда бўлишга асосланиб, ўз ўқувчиларида интизом ва фаоллик сифатларини тарбиялашга ҳаракат қилди.

Меҳнатсевар Оқилхон aka узоқ йиллик педагоглик фаолиятининг натижалари сифатида бошланғич мактаблар учун қимматли дарслик ва методик қулланмалар яратди. Унинг 1-синфлар учун «Меҳнат болалари» (1930), «Билим ва меҳнат» (1929), «Алифбе» (1938), «Чиройли ёзув» (1941), «Ўқиши китоби» (1944), «Катталар алифбеси» (1939) ана шулар жумласидандир.

Мактабда таълим-тарбия ишларини ғоят самарали олиб боришдан ташқари, Оқилхон aka кенг ўқитувчилар жамоатчилигига жуда катта ёрдам берди. Умуман, Оқилхон Шарафиддинов Республикаизда бошланғич таълимни ривожлантиришда салмоқли ҳисса қў shedi.

### УЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МАҚТАБЛАРИНИНГ ТАШҚИЛ ЭТИЛИШИ (1917—1920 ЙИЛЛАР)

Миллатпарвар олим Мусо Туркистоний ўзининг «Улуғ Туркистон фожиаси» асарида она-Ватани Туркистонни шундай мадҳэтган эди: «Туркистондур, динга ихлос, Ватанга муҳаббатdir.

Фоямиз — жаннатдан бир парча ва ёхуд Осиё жаннати деса арзийдурғон файзлик, баракатлик тупроқла, турли маъданлар, оқар сувлар, боғ-боғчалари ва шуҳратланган, жаннат осмонда бўлса, ости Туркистон, агар жаннат ер остида бўлса, усти Туркистон бўлғон азиз Ватанимизни мудофаа қилишдир».

Афсуски, шундай тенги ўйқ жаннат маконимизга бирмунча вақт Россия ҳукмронлик қилди. Туркистоннинг янги генерал-губернатори маҳаллий халқقا қарата шундай деб мурожаат қилган эди: «Россия сиз — арман, татар, ялудпій, мұсулмонларни — барчангизни волидангиздир».

Россиянинг Марказий Осиёдаги «волида»лиги 130 йил давом этди.

Октябр тұнтарапишининг дастлабки күнларидан бошлаб Туркистон мухториятини тузиш борасида маҳсус съезд чақирилиши керак эди. Бу съезддан олдин большевик П. Полторацкий сұзға чиқиб «Биз камбагаллар мухториятига қарши эмасмиз» деб мунофиқларча уни химоя қилди. Туркистон мухториятининг давлат сифатида ташкил этилишига тарафдор булғанларни мусулмонлар Бутунrossия қурултойи «Миллий шуро» ижроқуми қўллаб-қувватлadi. У 1917 йил май ойида Мусулмонларнинг I Бутунrossия съездидан ташкил этилди.

1917 йили Турк адами марказият фирмасининг маромномаси қабул қилинди. Маромноманинг бош қисми «Ихтор маҳсус» деб

номланган эди. Бунда Туркистонда мухторият ва федерация идорасини вужудга келтирмоқ учун бирдан-бир чора Туркистонда қувватли бир адами марказият фирмаси яратилиши лозим деб топилди. «Туркистон учун миллий ва маҳаллий мухторият истағон ҳар бир мусулмоннинг шу фирмага аъзо бўлиб киришиши лозимдир»— деб уқтирилди.

Бу маромнома 19 бўлимдан иборат бўлиб «Маориф ишлари» деб номланган. «Маориф ишлари адами марказияти» усуглига мувофиқ қонун узра таъсис ва ташкил қилинур.

1. Илм ва маориф ишларида жумла аҳоли, дин ва миллатга ойирилмасдан, эркак ва хотунлар баробардур.

2. Макотиб (мактаб) ишларида хусусий шахсларнинг ғайрати ва маҳаллий идораларнинг ташабbusи ила ишланмиш ишларида хеч важҳ (мабаб) ила таҳдид қилинмас.

3. Тадрисот (дарслар)нинг озод ва сарбаст (эркин ва боғлиқ) ўлмоқлиги лозимдур.

2. Макотиб орасида иртибот (боғлиқликлар) бўлиб, ибтидоийлардан (бошланғич мактаб) рашидийларга (тўлиқиз ўрта мактаб), рашидийлардан аъдодийларга (ўрта мактаб) ва аъдодийлардан олийларга олий мактаб қўйлайлик ила талабалар қабул қилинадурғон усулда бўлур.

5. Дорилфунун ва бошқа олий мактаблар жумласи дохилий ички ишларида ихтиёрий ва тадрисотда озод бўлурлар.

6. Олий мактабларнинг авом орасида илм ва маданият хусусиндаги ҳаракатлариға мумонеъат кўрсатилмайдур.

7. Маҳаллий идораларнинг таълим ва тарбия хусусиндаги ғайрат ва ҳаракатлариға мумонеъат кўрсатилмайдур.

8. Таълим ибтидоси умумий, бепул ва мажбурий бўлмоғи керакдур.

9. Маҳаллий идоралар тарафидан катта ва буюклар учун очиладурғон мактаб, кутубхона ва қироатхона ишларига кенгчилик берилур.

10. Ҳунар ва саноэй (санъатлар) тараққийсиға ғайрат ва ташабbus этилмоғи керакдур.

11. Ибтидой ва аъдодий мактабларда тадрис тили (дарс) ҳар бир мухториятли аёлут (мухтор вилоят)нинг аксарият аҳолисининг сўзлайдурғон тили ва шевасида ўлур.

12. Рашидий ва аъдодий мактабларда рус тили ва умумий турк шеваси лисон ўлунуб, дарс берилмоғи мажбурий ўлур.

13. Олий мактабларда жумла туркларнинг умумий адабий тили ва шеваси илан дарс берилур.

14. Қирқ бола йиғилса, аваллиятда (озчиликда) қоладурғон миллатлар учун очилмиш ибтидой усул мактабларда дарс ўз тилларида ўқулмоғи мажбурийдир.

15. Етарлик даражада талаба бўлур эса, аҳаллият ташкил қилғон миллат болалари учун тадрисот дарслар ўз тилларида бўлмоқ шарти ила рашидий ва аъдодий мактаблари очилур.

Маромномада баён қилинган жумла мақсадларга етишмак

учун фирмә аввалан жаноби Ҳақға ва сониян (иккинчидан) та-  
моми меҳнаткаш ва миллатпарвар ватандошларга суялуб ва  
такя килур.

5 зулқъада сана                    1335 хижрий сана  
11 сунбула (11 сентябр)            1917 миллиодий<sup>1</sup>.»

Маромномадаги маориф ишларини жонлаштириш мақсадида  
Туркистон вилоятларида қатор мактаблар очила бошланди

1918 йилда Фарғонада ҳалқ маорифи хусусида съезд чактирилди. Унинг қатнашчилари Уъезд ҳалқ маорифидан, ўқитувчилар иттифоқи, ота-оналар кумиталари ва ҳалқ маорифи назоратчиларидан иборат эди.

Съезд куп тартибига ҳалқ маорифи тизимига оид кўйидаги масалалар қўйилди:

1. Вилоят мактабларини бирлашган ҳалқ мактаби руҳида қайтадан ташкил қилиш.
2. Тузем мактаби.
3. Мактабдан ташқари маълумот.
4. Махсус техник маълумот.
5. Ўқитувчилар учун курслар.
6. Вилоят ҳалқ маорифи Кенгашини ташкил қилиш ва бошқалар.

Съезд эски мактаб масаласини четлаб ўтди, чунки унинг асосий мақсади ҳалқ манфаатини кузлайдиган янги миллий мактабни қайта қуриш масаласини ҳал қилишдан иборат эди. Фарғона вилоятида бу масала тулиқ ҳал қилинди. Ана шундай съезд 1918 йилда Андижонда ҳам ўтказилди. Натижада, Андижон вилоятида янги ҳалқ таълими тизими ташкил топди ва ривожлана бошлади. Масалан, уша йилинёк Андижонда 2 та болалар боғчаси, 2 та болалар уйи, 13 та миллий мактаб, 7 та рус мактаби, 2 та политехникум ташкил қилинди ва ишга туширилди.

1917 йилда Фарғонада биринчи мактаб очилган ва унда Қори-Ниёзий ва Ҳамза Ҳакимзода ўқитувчилик қилган эдилар. Уша мактаб кенгайиб ўқувчиларнинг сони 40 нафарга етганди.

1918 йилда Тўйтепада бошланғич мактаб ташкил этилди. Унда Оқилхон Шарафиддинов ва Имомхон Ҳусанхўжаев фаолият курсатганлар. Тошкентда тажриба-намуна мактаблари вужудга келди. Масалан, Карл Либкнехт номидаги тажриба-намуна мактаби Туркистонда мактабларнинг ривожланишида турткى бўлди. Унга дастлаб В. Ф. Лубенцов раҳбарлик қилган. Мактабда камбағал ва етим болалар ўқитиларди.

Мактабдаги меҳнат турлари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ўзига-ўзи хизмат, мактаб устахонасида ишлаш, аҳоли учун керакли ижтимоий фойдали ишлар ва бошқалардан иборат эди.

Меҳнат болаларнинг ёш хусусияти ва кучига мослаб ташкил

<sup>1</sup> Фан ва турмуш. 1990. 7-сон. 8-бет.

қилингган. Таълим-тарбия жараёнида ўқиши мөҳнат билан қўшиб олиб боришга алоҳида эътибор берилган. Фанлардан олинадиган билимларни амалда қўллаб ўрганилган. Ўқитишнинг асосий методи назарияни амалиёт билан боғлашдан, билимларни фақат ўқитиш йўли билан эмас, балки ўқувчилар иштирокида амалий қўлланилиши билан олиб борилган.

Умуман, мактаб билимли ишчилар ва деҳқонларни етказишга хизмат қилган.

1918 йил сентябрда Бешёғочдаги рус-тузем мактаби биносида янги мөҳнат мактаби очилди. Унга маҳаллий миллат фарзандлари қабул қилиниб ўқиш ўқувчиларнинг она тилида олиб борилди. Мактабда дастлаб ўн иккита етим бола таълим олган. Сўнгра бутун Тошкентдан қирқтacha боқимсиз болалар йиғилиб мазкур мактабдаги машғулотларга жалб этилган. Мактабда ўғил болалар билан бирга уларга нисбатан камроқ қизлар ҳам ўқитилган. Мактабни мөҳнат мактаби ёки 3- интернат деб аташган. Унга Алмай ташкил қилган бошланғич мактаб бирлаштирилиб Алмай номли мөҳнат мактаби деб аталган. Мактабда 6 та синф хонаси ҳамда 2 та фан хонаси мавжуд бўлган.

Мактабда мөҳнат тарбияси яхши йўлга қўйилгани сабабли уни 1921—1923 ўқув йили ўлка бўйича мөҳнат-тажриба намуна мактаби қилиб ўзгартирилди. Натижада ўқувчилар сони 150 нафарга етади. 1918—19 ўқув йили Тошкентда собиқ Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлигининг педагогика лабораторияси ҳузурида Н. Г. Чернишевский номидаги биринчи босқич тажриба мактаби ташкил этилди. Лаборатория таркибинда педагогика музейи, консультация-методика хонаси, педагогик тадқиқот муассасаси мавжуд эди. Шунингдек, мактаб ҳузурида бир неча кабинет ва комиссиялар ишларди. Айрим сабабларга кўра, педагогика лабораторияси ёпилгач, мактаб яна Чернишевский номи билан мустақил ҳолда ишлай бошланган.

Мактабнинг энг муҳим жиҳати унда болалар кўпроқ амалий машғулотлар билан шуғулланар эди. Бошланғич синфларда расм чизишган, лойдан турли буюмлар ясашган. Ўрта синфлардаги мөҳнат дарслари кўпинча ёғоч билан ишлаш мақсадида устахонада ўтказилган. VI—VII синфларнинг ўқувчилари асосан физика асбобларини ясаш билан шуғулланган. Мактабнинг яна бир афзаллиги, унда болаларга муайян ихтисос берилгани эди. Унинг юқори синфларини ихтисослаштириш учун ўқувчилар иккни гуруҳга бўлинган. Масалан, 1924—25 ўқув йили VII синф ўқувчиларининг бир гуруҳи ўз хоҳишларига кўра дарсдан бўши вақтларида алоҳида соатларда қишлоқ хўжалтк ишлари билан, иккничи гуруҳи эса маданий-оқартув ишлари билан шуғулланган. Шу тариқа мактаб қишлоқ хўжалик ва маданий-оқартув соҳалари учун мутахассислар тайёрлашга мослаштирилган.

Туркистон маданий-маънавий ва иқтисодий-сиёсий ҳаёт тар-

Зини юксалтириш мақсадыда тегишли қатор мутахассисларни тайёрлаш эхтиёжи туғылғанлыгы сабабы дастаны, 1896 йилда пахта заводи куриш мақсадыда хунар техникумы, кейинчалик, 1909 йилда темир йүл техникумы, 1912 йилда авиация мактабы, Ашхободда гилам түкиш ва Туракурғонда мева күритеши курслари ташкил этилиб, малакали мутахассислар тайёрланы бошланды.

1900—1917 йилларда тиббиёт, санъат соҳасидан курслар ва техникумлар очиш эхтиёжи туғылғыб, аёллар учун техника билим юртлари, гимназия ва прогимназиялар очилган ва уларда бичиш-тикиш, түкиш билан боғлиқ хунарлар ўргатила бошланган.

Туркистоннинг учинчи съездиде олий мактаб ташкил қилиш масаласи кўрилди. 1918 йил 21 апрелда «Олий мактаб муасасаларини ташкил қилиш туғрисидаги Низом» мухокама қилинди. Тошкентда ҳалқ университетини очиш масаласи юзасидан фикр алмашинди. Университет таркибида тикиш-бичиш тўгараги, турли куллиётлар, кутубхона ва музей бўлиши ҳақида келишиб олиниди. Ҳалқ университети базасида 60 га яқин асосан ўрта мактаб ўқитувчиларини ҳамда турли техник мутахассисларни тұплаб, Тошкент университетини ташкил этишига қарор қилинди. Бу университет тизимида ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари учун қисқа муддатда кадрлар тайёрлаш ва «Америка типида» ўрта политехника курсларини очиш, уларга 1200 нафар ёшларни қабул қилиш режалаштирилди. Университет раҳбари А. В. Попов таълимий ишларни яхшилаш учун жонбозлик курсатган олимлардан эди.

1918 йилда Тошкентда Шарқшунослик институти ташкил этилди. Институттинг иккита: илмий-назарий ва амалий бўлими мавжуд бўлиб, уларда ўқиш муддати 4 йил қилиб белгиланганди. Жами 5 нафар ўқитувчи ва 21 нафар ходимлар ишларди. Бу институттинг ташкилотчиси шарқшунос олим В. В. Бартольд бўлиб, 1920 йил май ойида университет қошида мусулмонлар секцияси барпо этилди.

1920 йилда Марказий Осиё давлат университети ташкил этилди. Унда 43 нафар профессор ва 43 нафар ўқитувчи Москвадан келиб ўқув-тарбия ишларини олиб борди. Университетда Фитрат, Авлоний, Қори-Ниёзийлар ҳам фаолият кўрсатган эдилар. Университет тобора кенгайиб борди. Унда 1925 йилда ҳаммаси бўлиб 504 нафар талаба таълим олишга муваффақ бўлди.

### Мустақил иш

Тошкент марказида ташкил қилинган меҳнат-тажриба мактабларига доир адабиётлар тўпланг.

## VII БОБ. ЧЕТ ЭЛ ВА РОССИЯДАГИ ИЛГОР ПЕДАГОГИК ФОЯ НАМОЯНДАЛАРИ ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ

Чехословакиялик машхур донишманд, инсонпарвар педагог Ян Амос Коменский башарият тарихидан демократик педагогиканинг асосчиси сифатида ўрин олди. У ўзининг онгли ҳаётини ва амалий-педагогик фаолиятини, яратган илмий асарларини халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялашдек олижаноб ишга бағишилади. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги фан педагогиканинг вазифаларини англабгина қолмай, балки педагогика илмининг пойdevорини ҳам қурди, унинг кейинги ривожланиш йўлларини ҳам курсатиб берди.

Коменский Моравиядаги «Чех қардошлари» жамоасига таллуқли бир оиласда туғилди. Лотин мактабини тутатди. Германиядаги Гарифарис ва Гейдельберг университетларида таълим олди.

Коменский дунёқарашининг кўп хусусиятлари ҳаётни севиш, инсонпарварлик ва ҳоказолар ўз даври таъсирида вужудга келди. Унинг фикрича, инсон табиатнинг энг гўзал мавжудотидир. Инсон табиатга эргашиб, ҳамма нарсани билиб олиши мумкин, унинг хотираси ҳамма нарсани қамраб олади, тиклайди, лекин ҳеч қаҷон тулиб-тошиб кетмайди.

Коменский тарбия ҳақида фикр юритиша индуктив методга асосланган, яъни тажрибага таянган фактлардан холосалар чиқарган.

Коменский ўз асарларидаги педагогик ғоялари билан схоластикага қаттиқ зарба берган. Бироқ билишнинг манбай илоҳий китоблардир деб ҳисоблаган. У мактаб болани маърифат оламига бошлаганида, уни ҳиссий билишга, сунгра эса, ақлий билишга ўргатиши лозимлигини, бундай ўқитиш жараёнини ҳиссий идроқдан бошлаш керак,— деган материалистик талабни илгари сурган.

Коменский «Буюк дидактика», «Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшигиги», «Физика», «Фалакиёт», «Оналар мактаби», «Лотин тили муқаддимаси», «Тилларнинг энг янги методи», «Ўйин — мактаб», «Ҳислар билан идрок қилинадиган нарсалар нинг суратлари», «Тинчлик фариштаси» каби асарларида ўзининг муҳим педагогик ғояларини ифодалаган.

«Буюк дидактика» жаҳон педагогикасининг нодир асарларидан биридир. Унда таълим назариясига доир фикрлар билан бирга мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш усууллари ҳам баён этилган. Барча ўғил ва қизларга таълим бериш учун мактаблар очиш, болаларни ўз она тилида ўқитиш, тарбиялаш, амалий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, хусусий методикаларни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, таълим-тарбиянинг мақсади, шарт-шароитлари, имкониятлари ва амалий аҳамияти ҳам кенг ўрин олган.

«Буюк дидактика» чех тилида ёзилиб, унинг «Буюк дидактика» деб аталиши ҳам тасодифий эмас; китоб унда тилга олинган ва ҳал этилган масалаларнинг кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатдан буюк мумтоз асардир.

Коменский умрининг сўнгги йилларини ҳалқлар ўртасида тинчлик үрнатиш учун хизмат қилишга бағишилади. У 1667 йилда үзининг «Тинчлик фариштаси» номли асарини ёзди. Унда давлатлар ўртасида хайриҳоҳлик ва тинчлик бўлиши зарурлигини баён қилди ва бунга эришишнинг муҳим омилларини тавсия этди.

Коменский 1670 йилда вафот этди.

Коменскийнинг ижоди педагогика фанининг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Хусусан, унинг «Буюк дидактика» номли асари жаҳон тилларига, шу жумладан, педагогика фанлари доктори, профессор М. Очилов томонидан ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб нашр этилди (1975).

Коменский, аввало: «Биродарлик ташкилоти» қошидаги мактаб таълимининг мазмунини, болаларнинг камолот даврини асослаб берган. Болаларни ҳалқнинг донолигидан ибрат олган ҳолда ўқитиш лозимилигини таъкидлаган. Унинг ўқтиришича, ёшларга илм ўргатиш учун мактабда маълум муддатни белгилаш ва бола ана шу муддатда (бир неча йилда) мактабни битириши, маълумотли, ахлоқли бўлиб чиқиши керак. Бу даврда бола илмларни эгаллаши, ўз руҳий лаёкатларини ўстириши лозим. Тулиқ маълумот олиш учун кишининг бутун ёшлик даври (24 ёшигача) талаб қилинади.

Я. А. Коменский боланинг камол топишини қўйидаги даврларга бўлади ва шу даврларга хос мактабларни кўрсатади.

### Ян Амос Коменскийнинг мактаб тизими ва таълим мазмуни

1. Гўдаклик даври — она мактаби.
2. Болалик даври — бошланғич мактаб ёки она тили ҳалқ мактаби.
3. Ўсмирлик даври — лотин мактаби ёки гимназия.
4. Етуклик даври — академия ва саёҳат.

Она мактаби ҳар бир оиласда; она тили ҳалқ мактаби ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда ва аҳоли яшайдиган ҳар бир жойда; гимназия ҳар бир шаҳарда, академия эса ҳар бир давлатда ёки каттароқ ҳар бир вилоятда бўлиши зарур.

«Бу мактаблар,— деб ёзади Коменский,— тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласа ҳам, лекин уларнинг ҳаммасида айни бир хил материал ўқитилишини, фақат ўргатиш усулни турлича бўлишини истаймиз, яъни ёшларни ҳақиқий инсон қилиб; христианларни ҳақиқий христиан, донишмандларни ҳақиқий донишманд қилиб етиштирадиган материал ўргатилиши лозим, фақат у боланинг ёши ва тайёргарлик даражасига

мос равиша мұраккаблаша борсін. Биз тавсия этаёттан та-  
бий метод қонунларига біноан, яғни дараҳт бир жойда юз  
йил турганды ҳам уннинг бутун танаси бу йил ҳам, келаси йил  
ҳам баравар үсіб, етила борғани сингари, үқитиладиган фан-  
ларнинг бирини иккінчисідан ажратмаслик, балки ҳамма фан-  
ларни биргаликта үргата бориш зарур.

Оналик мактабида боланың ташқы сезгиларини үстиришга  
күпроқ әзтибор берилади, чунки бола үз атрофидаги нарса-  
ларни билиб, улар билан түғри мұомала қилишни үрганиши,  
она тиля мактабида ички сезгилар, хаёл ва хотирани үстириш-  
га күпроқ әзтибор берилади, үқиши, ёзиши, расм солиши, ашула  
айтиши, ҳисоблаш, узунлик ва оғирлік үлчовлари кабиларни  
бажариш йўли билан қўл ва нутқ машқлари күпроқ үтказилади,  
гимназияда нима? нима учун? каби саволлар ёрдамида үрганиладиган  
диалектика, грамматика, аниқ фанлар ҳамда санъат  
воситасида сезиб, билиб олинган нарсалар ҳақидаги тушунча-  
ва фикрлар үрганилади. Ниҳоят, академияда иродага оид хис-  
латларни, чунончи, кишида гармонияни сақлашга ёрдам беради-  
гандан қобилиятларни үстиришга күпроқ әзтибор берилади.  
**Инесоннинг руҳига доир бундай хислатларни илохият үргатади,**  
аклга доирларни — фалсафа, тананинг яшаш функцияла-  
рига доирларни — тиббиёт, осойишталық ва тартиб-интизомга  
доирларни педагогика үргатади.

Бу ақлни тезроқ үстиришнинг түғри усулилдири. Аввало таш-  
қы сезгилар нарсаларнинг үзлари билан олинади, чунки нар-  
салар бевосита сезгиларга таъсир этади. Сұнгра, үз навбати-  
да, бошқаларга бошчиллик қила оладиган кишилар битириб  
чиқади, шундай қилинса, черков, мактаб ва ижтимоий мұас-  
сасаларга раҳбар танлашда танқисликка асло үрин қолмайди.

Коменский мактабларининг түрт турини йилнинг түрт фас-  
лиға үшіштап. «Она мактаби» хүшбүй үсімлікларнинг ғұнча  
ва гулларига бурканған ажайиб баҳорни эслатади. «Она тиля»  
мактаби айрим әртәнги меваляр пишган ва етилған ёзға үшшайди.  
Гимназия далалар, бое ва теракзорлардаги мұл ҳосилни йи-  
ғиб, уни ақл ҳазинасига жойлаётган куз фаслини эслатади.  
Ниҳоят, академия йиғилған ҳосилни умр бүйі сарфлашни мұл-  
жаллаб тақсимлаётган қишидир. Я. А. Коменский «Она мактаби»-  
да қүйидаги фанлардан маълумот олишни тавсия этган:

1. Метафизиканы умумий тарзда билиб оладилар, чунки бо-  
лалар аввало нарсаларни умумий ва ноанық тарзда идрок этади,  
күрган, әшиштап, еб күрган, сезаёттап нарсаларнинг бар-  
часи мавжуд эканини пайқаб олади-ю, лекин жумладан, улар  
німа эканлыгини фарқлай олмайды ва буни фақат кейінчалик,  
секин-аста тушуна бошлайди.

2. Табиатшүенослик (физика) соҳасида олти ёшли бүлған  
болалар сув, ер, ҳаво, олов, ёмғир, қор, муз, тош, темір, дараҳт,  
үт, құш, балиқ, ҳұқыз кабиларнинг нималығини билиб олиши  
мүмкін. Шунингдек, хеч бүлмаса үз танасидаги ташқы аъзо-  
ларнинг номини ва ишлатылышини билиши керак. Олти ёшігача

буларни билиб олиш қийин эмас ва бу табиатшуносликнинг асосини ташкил этади.

3. Бола ёруғлик ва қоронгиликнинг фарқини ва номини, шунингдек, соя, оқ, қора ва қизил каби турли рангларнинг фарқини билиб олади, булар оптикага доир билимларнинг негизини ташкил этади. Осмон, Қүёш, Ой, юлдузлар нималигини билиб олиш ва улар ҳар куни чиқиши ва ботишини пайқаш фалакиётга доир билимларнинг бошланғичидир.

4. Бола узи яшаётган ва тарбия олаётган жойнинг хусусиятига мувофиқ тоғ, водий, дала, дарё, қишлоқ, шаҳар, қалъа нима эканлигини билиб олади, бу географияга доир билимлардир.

5. Соат, кун, ҳафта, йилнинг номини, шунингдек, баҳор, ёз, куз, қиш ва кечак, утган кун, эрта, эртадан сунг кабиларни бола тушуна борса, демак, унда вақтни тартиб билан англай бориши асослари таркиб топа бошлади.

6. Бола яқинда булиб ўтган воқеани, маълум бир одам бирор ишни қандай бажарганини эсда сақлаб, жуда содда тарзда бўлса ҳам гапириб бериши тарихни ўргана бошлашидир.

7. Бола оз, кўп сўзларни тушунади, камида ўнгача санай оладиган бўлади, уч иккidan кўплигини, уч битта ортирилса 4 булишини тушунади ва ҳоказо. Булар арифметикага доир билимларнинг асосидир.

8. Бола нутқидаги катта ва кичик, узун ва қисқа, кенг ва тор, йўғон ва ингичка сўзларини, шунингдек, чизиқ, доира кабиларни тушунса ва маълум бир нарсалар қарич, қулоч, саржин билан ўлчанишини кўрса, геометрия элементлари билан танишган хисобланади.

9. Бола нарсаларнинг торозида ўлчанишини кузатса ва қулида бирор нарсанни кўтариб кўриб оғир ёки енгиллигини аниқласа, статистиканинг асосларини ўргана бошлаган хисобланади.

10. Механик санъат (меҳнат) соҳасида дастлабки тажриба ҳосил қилиш учун боланинг бирор ишни бажаришга рухсат этибгина қолмасдан, балки ҳамма вақт унга ниманидир бажаришни ўргатиб ҳам бориш лозим. Масалан, нарсаларни у ёқ-бу ёққа кучириш, уларни тартибга келтириш, бирор нарсанни бузиш ва қуриш, бирлаштириш ва ҳоказо. Кичкентойлар бундай ишларни завқ билан бажарадилар. Чунки болада нарсаларни сунъий равишда қайта қуришга интилиш иштиёқи табиатан мавжуд, шундай экан, боланинг бундай ишларни бажаришига тўсқинлик қилмаслик, балки, аксинча, уни қўллаб-қувватлаш ва унга оқилона кўмаклашиш зарур.

11. Бу даврда бола диалектик санъат соҳасида ҳам билим ҳосил қила бошлади. У катталарнинг савол-жавоб йўли билан гаплашаётганини кузатади, шунингдек, узи ҳам нималарнидир сўраш ва саволларга жавоб беришни билиб олади. Фақат тўғри келадиган саволлар беришни ҳамда саволларга тўғри жавоб беришни болага ўргатиш лозим, токи болалар маълум мавзуу-

соҳасида фикр юритишга, мавзудан четга чиқмасликка одатлансин.

12. Она тилида түғри гапириш, яъни, ҳарф, бўғин ва сўзларни аниқ талаффуз қилиш натижасида бола грамматиканинг асосларини ўзластира бошлайди.

13. Бола оиласидаги кишиларга тақлид қилиб, улар нутқида учрайдиган кўчма маъноли сўз ва ибораларни ўрганиб олса, демак, у нотиқлик санъати асосларини эгаллаб олади. Бунда энг муҳими талаффуз нутқнинг характеристига мос булиши керак, чунончи, сўроқ маъносида ишлатиладиган сўзнинг охирги бўғини чузиброқ талаффуз этилиши, жавоб берадиганда овозни пасайтириши лозим. Бу табиатнинг тақозосидир. Бола талаффузда бирор хато қиласа, катталар ўз вактида кумаклашиб, уни тузатишлари қийин эмас.

14. Болалар назм билан ҳам танишадилар, бунинг учун она тилида ёзилган, кўпинча ахлоқ-одоб мавзусидаги вазнили кичик-кичик шеърларни иложи борича кўпроқ ёдлатиш лозим.

15. Кичкинтолар мусиқаны ҳам ўргана бошлайди, бунинг учун (маросимларда айтиладиган қўшиклар) баъзи бир осонроқларини болага ўргатиш керак. тушунчалар ҳам ҳосил

16. Хўжаликка доир дастлабки тушунчалар ҳам ҳосил қилинади. Бунинг учун бола оиласидаги кишиларнинг номларини, отаси, онаси, энаси, хизматкор ва бошқаларнинг кимлигини, шунингдек, уйидаги хоналар: даҳлиз, ошхона, молхона номларини ва стол, идиш, пичоқ, чутка каби уй анжомларини эсда саклайди ва ишлатилишини билиб олади.

17. Сиёсатга доир билимлар камроқ ўргатилади, чунки кичик ёшдаги болалар уйда курганларидан ташқари нарсаларни тасаввур эта олмайдилар. Шунга қарамай, сиёсат билан ҳам таништириш мумкин, бунинг учун болалар шаҳарнинг баъзи гражданлари думага тўпланишлари ва кенгаш аъзоси деб аталишини, улардан кимdir шаҳар бошлиғи, бошқа бирори шаҳар судъяси, учинчиси нотариус ва ҳоказолар деб аталишини англаб олиши лозим.

18. Бола яхши тарбия олиб, фазилатлар унинг қалбида чуқур жойлашсни десак, бу даврда ахлоқ (этика) ҳақидаги таълимот асосларини айниқса пухтароқ ўргатишга алоҳида эътибор бериш керак.

Коменский ўқувчига билим бериш билан бирга унда қийидаги сифатларни таркиб топтириш зарурлигини уқтирган:

1. Овқат еганда ҳам, кийинишида ҳам тозаликка риоя қилиш, уйинчоқларни авайлаш.

2. Қатталарни ҳурмат қилиш.

3. Буйруқ ва тақиқларга тез ва сидқидилдан итоат этиш.

4. Ҳамиша түғри сўзлаш, ҳеч қачон ёлғон гапирмаслик.

5. Адолатли бўлиш, эгасининг розилигисиз бирор нарсани олиб кетмаслик, ҳеч кимга, ҳеч қачон ёмонлик қилмаслик, ҳеч нарсага суқланиб қарамаслик.

6. Бошқаларни севиш, мұхтожликдан ёрдам сұраган үртогидан үз нарсасини аямаслик.

Одамлар билан мұомала қилиш, саломлашишни, алик олиш, бирор нарсага мұхтож бұлғанда кәмтарона илтимос қилиш, берган ёрдам учун одоб юзасидан әгилиб миннатдорчилік билдириш.

### Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбия тизими

Ян Амос Коменский таълим-тарбия тизимида, мактабларни түрт босқынчга бұлған әди: оналик, она тили, лотин тили ва академия: у она тили мактабини қуйидагича бұлишини таклиф этган әди: бу мактабнинг доираси ва мақсади шундан иборатки, олти ёшдан (ёки үн уч ўшгача бұлған) ҳамма болалар бутун умр буйи зарур бұладыган барча нарсаларни үрганиб олсинлар.

Чунончы: Барча құлөзма ва босма ёзувларни она, тилида бемалол үқий олсин. Она тили грамматикаси қоидаларига би-ноан, аввал чиройли қилиб, сұнгра тез ва индоят хатосиз ёзиш, буларни үқувчиларга оддийгина қилиб тушунтириш ва уны үзластириб олишга ёрдам берадыган машқлар танлаш лозим.

Заруратга қараб, рақамлар ёрдамида ва чұтда ҳисоблашни билиш.

Ҳамма нарсаны турлы үсуллар билан: бүйи, эни, масофаси кабиларни түғри үлчаш.

Ишлатыладыган барча күйларни айтиш, қобиляти кучлироқ болаларга бадий мусика асосларини ҳам үргатищ лозим.

Үқувчилар қоидаларда ифодаланиб, боланинг ёшига мос мисоллар билан баён этилган ахлоқ ҳақидағи таълимотин ёдлаб олишлари, уни тушунишлари ва амалда құлланишга интилишлари керак.

Сиёсий ва пәннисодий ақвол ҳақида болалар уйда ва шаҳарда ҳар куни уларнинг күз олдида содир бұлаёттан ҳодисаларни тушуниш учун зарур бұладыган даражада билишлари лозим.

Бундан ташқари, космография асосларини, осмоннинг юмалоқ шаклда эканлигини, ернинг шарсисимонлигини, ернинг атрофини океан үраб турғанлигини, денгиз ва дарёларнинг әгри-түрилигини, каттароқ қитъаларни, Оврупада жойлашған асосий давлатларни билишлари, үқувчилар айниқса үз ватанларидаги шаҳарлар, тоғлар, дарёлар ва бошқа барча диққаттаға сазовор нарсаларни билиб, үрганиб чиқышлари зарур.

Нихоят, үқувчилар барча оммавий касбларнинг йүл-йүриғини билишлари керак, бу қисман, хұжалик ишлари масаласыда үқувсиз бўлиб қолмаслик учун, қисман, ҳатто келгусида бирор соҳада табиий қобиляти кучли эканлигини осонроқ аниқлаш учун зарур.

Она тили мактабида шу айтилғанларнинг барғаси күнгил-

дагидек бажарылса, фақат лотин мактабида уқиши мұваффақиятли давом эттиради.

Лотин тили мактабида бола 6 йил уқиыйди. Олти йилга мулжалланған таълимнинг вазифалари турлича бұлғанлиги сабабли олти синф таъсис этиш мүмкін:

### Синфлар:

- |               |               |
|---------------|---------------|
| 1. Грамматика | 4. Ахлок      |
| 2. Физика     | 5. Диалектика |
| 3. Математика | 6. Риторика.  |

Бундай үқитиши тартибини Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарининг XXX боб 4- булимида көнг таҳлил этилган (219—222-бетлар).

Академия — бу олни мактаб хисобланиб, асосан қуийдаги факультетлардан иборат ёди.

Геология — табиат

Юридик — адлия — фикұ

Медицина — табобат.

Ян Амос Коменский бу академияда кимлар үқиши керак-  
лигиниң қуийдагы тасвирланаған ёди:

Академияга фақат ақли үткір ёшлар сарасини қабул қи-  
лиш.

Хар кимни табиаттан нимага лаёқатли эканлигини унинг  
ташқи белгиларига қараб билиц олиш мүмкін.

Кобиляти кучли болаларни хар томонлама қувватлаш.

Академиянинг вазифаси меҳнатсевар, виждони пок киши-  
ларни тарбиялаб етказсін.

Ян Амос Коменскийнинг дарс бериш тартиби. Синфлар үқув  
машғұлотлари олти йил давом этадиган она тили мактабининг  
барча үқувчилари олтита синфға ажратилиши лозим, бири  
ииккінчисінше халақт бермаслығы учун иложи борича, хар бир  
синф машғұлотни алоқыда хонада үтказиши керак.

Алоқыда синфларнинг үз дарсلىклари булиши лозим, бу  
китоблар шу синф учун зарур бұлған барча илмий, ахлоқий ма-  
териалларни үз ичига олсін, шу синфда үқиётганды бола бошқа  
хеч қандай китобға зарурут сезмасын ва шу китоблар ёрда-  
мında янглишмасдан, күзланған мақсаддага эриша олсін. Албат-  
та, бу китоблар она тилининг барча масалаларини, яғни шу  
ёшдаги болалар үзлаштира оладиган барча нарсаларнинг ном-  
ларини ва нутқда күпроқ ишлатиладиган асосий ибораларни  
үз ичига олни зарур.

Түрли синфлар учун ёзилған китобларнинг мазмуннайни  
бир хил бұлади, улар фақат шакл жиҳатидан фарқ қиласы.  
Демек, синфларнинг сонига қараб бундай китоблар олтита бу-  
лайди, улар бир-биридан мазмуний жиҳатидан әмас, балки шакл  
жиҳатидан фарқ қиласы. Бу китобларнинг ҳар бирида ҳамма  
нарса түғрисида фикр юритилади, лекин олдин үқиладиган ки-  
тобларда нарсалар ҳақида умумийроқ, ҳамма биладиган, осон-

роқ фикр юритилади, кейин үқиладиган китобларнинг ҳар бири жузъийроқ, нотанишроқ, қийинроқ нарсаларни тушунишга имкон беради ёки шу нарсаларнинг ӯзини қизиқиб эсда қолдириш учун бирор янги метод қўлланиши лозим бўлади. Бундаги фикрларни биз кейинроқ батафсил тушунтирамиз.

Барча нарсалар болаларнинг ёш хусусиятига мос булиши лозим. Шуни назарда тутиш лозимки, бола табиати қувноқлик, ҳазилкашлик, шўхликка мойил бўлиб, жиддийлик ва раҳмисизликни хуш кўрмайди. Демак, турмушида қачондир зарур буладиган жиддий нарсаларни ўрганиши, шунда ҳам осон ва мамнуният билан ўрганиши учун фойдали нарсаларни қизиқарли шаклда баён этиш, шу йўл билан бола ақлини биз истаган томонга қаратиш лозим.

Ўқувчилар диққатини жалб этиш учун китобларнинг номи қизиқарли бўлиб китобнинг мазмунини тўлиқ ифодалаб берсин. Менимча, бу соҳада мавжуд нарсалардан энг чиройлиси боғнинг турли манзараларидан намуна олиш мумкин. Масалан, мактабни боғ билан таққослашни олиб кўрайлик. Нега энди биринчи синф учун битилган китобни гунафша жўяги деб, иккинчи синф китобини — атиргул тупп деб, учинчи синф китобини — истироҳат боғи ва ҳоказо деб аташ мумкин эмас?

Техника терминларининг барчаси она тилида ифодаланиши лозим. Нега? Лекин, бу китобларнинг мазмунни ва шакли масаласида бошқа жойда батафсилоқ тўхталамиз. Бу ерда қуйидаги фикрни таъкидламоқчимиз: бу китоблар она тилида ёзилгани учун техника терминларини ҳам лотинча ёки грекча сўзлар билан эмас, балки она тилидаги сўзлар билан ифодалаш зарур. Бу фикримизнинг далиллари.

Биз ёшларни ҳамма нарсани тез фаҳмлаб олишига ёрдам беришини истаймиз. Чет тилидан олингани сўзларни билиб олиш учун эса аввало уларнинг маъносини тушунтириш зарур, ҳатто тушунтирилгандан сунг ҳам, бола уни тўла англай олмасдан, бу сўз шу маънони билдиради деган гапга ишониб, уни зурға эсда сақлаб қолади. Вахоланки, бирор буюмни ифодалаган сўз она тилида тушунтирилса, бола уни тез тушуниб олади ва дарҳол эсда қолдиради. Бизнинг (мақсадимиз) уқитилишнинг бу биринчи босқичида ҳар хил тўсиқ ва қийинчиликлар иложи борича камрок булиб, ҳамма нарсани болага мумкин қадар осон ўргатишдир.

Бундан ташқари, биз она тилини француз тили сингари халқ тушунмайдиган грекча ва лотинча сўзларни зурма-зўраки ишлатиш йули билан эмас, балки ҳамма нарсани халқ тушунадиган сўзлар билан ифодалаб ривожлантиришнинг тарафдоримиз.

1. Мактабда ўқув машғулотлари ҳар куни фақат тўрт соат (икки соат эрталаб ва икки соат тушдан кейин) давом этсин: қолган вақтда ўқувчилар уй-рўзғор ишларини (айниқса қамбағал болалари) бажариши ёки тузукроқ ҳордиқ чиқариши мумкин.

2. Эрталабки машғулотлар пайтида боланинг ақлини ва хотирасини ўстиришга, тушдан кейинги машғулотларда құли ва овозини ривожлантиришга эътибор қилиш зарур.

3. Албатта, эрталабки машғулотларда муаллим ҳамманинг диққатини жалб этиб, сабоқни ўқиб беради ва тақрорлайди, агар бирор нарсаны тушунтириш лозим бўлса, жуда оддий қилиб шундай тушунтириш керакки, тингловчилардан бирортаси ҳам уни тушунмай қолмасин. Сўнгра навбат билан ўқувчилар ҳам шуни тақрорлашади, бу иш ўқувчилар овоз чиқариб аниқ ва равshan қилиб ўқий олгунча давом этади, бошқалари эса, ўз китобларига қараб товуш чиқармай ўқиб боради. Машқ ярим соат ёки кўпроқ давом этгач, зеҳни уткирроқ болалар машкни ёддан айтишга ҳаракат қиласи да натижада ҳатто зеҳни пастроқ ўқувчилар ҳам буни ёдлаб олади. Ахир бир соат давомида бу материални ўзлашириб олиш, айниқса бола хотирасининг ўтқирилиги эътиборга олинадиган бўлса, ўқувчилар учун хеч бир оғирлик қилмайди.

Тушдан кейинги машғулотларда ҳам шу материал мустаҳкамланади, янги машқлар ўтилмайди, балки ўшанинг ўзи тақрорланади: тақрорлаш қисман уша ~~китобдан~~ кўчириб ёзиш йўли билан, қисман мусобақа усулида (ким машқнинг ҳаммасини тезроқ ёдлаб олади ва айтиб бера олади ёки ким тўғри ва чиройлироқ кўчира олади, ким тезроқ санайди, ким яхшироқ айта олади ва хоказо) бажарилади.

Ўқувчилар дарсликдаги материалларни пложи борича чиройлироқ қилиб кўчириб чиқсинлар дейишишимизнинг сабаблари бор, албатта. 1. Кўчириб ёзиш китобдаги барча фикрларни тўғрироқ эсда қолдиришга ёрдам беради, чунки бунда боланинг диққати шу материалга кўпроқ жалб этилган бўлади.

2. Ўқувчилар ёзишни ҳар куни машқ қилавериши натижасида чиройли, тез, тўғри ёзиш малакасини ҳосил қиласи, бу эса юқори синфларда ўқиш учун ҳам, хаёт учун ҳам жуда зарур.

3. Бу мактабда бола нима ишлар қилиши лозимлиги ва нималар қилаётганини ота-оналарга яққол кўрсатиш имконини беради. Улар болаларнинг кундан-кунга ўзгариб, илгарилаб бораётганини куриб, уларнинг ўқищдаги ютуқлари ҳақида фикр юритишлари осонлашади.

### Ян Амос Коменский ўқитишининг қоида ва методлари ҳақида

Коменский ўқитиши қондаларини қуйидагича тавсифлаган эди:

1. Онглилик ва активлик қоидаси. Бунда ўқувчига бериладиган билим равshan, чуқур ва асосли булиши керак.

2. Қўрсатмалилик қоидаси. Ўқитишида курсатмалилик қондасини бола сезгисини ташқи олам билан боғланувчи олтин калит деб баҳо берган эди.

Кўрсатмали ўқитишини қўйидаги тартибини белгилаган эди:

1. Мавжуд нарсаларнинг ўзини кўрсатиш ёки табиий ҳолатини кузатиш.

2. Нарсалар моделини кўрсатиш.

3. Тасвирланган суратлар.

Бунинг учун ўқувчи диққатини марказлаштириш, соф ақлга өга бўлиш, кузатиш — лозим бўлган нарсаларни кетма-кет кузатиш.

4. Ўқитишида изчиллик ва системалик қоидаси. Коменский ўқитувчиларга қўйидагиларни тавсия этади: материални мантиқан тўғри тақсимлаш; ўқитишини нимадан бошлаб охирига етказишни билиш; янги материал билан кейингисини боғлаш.

Ўқитувчини ҳар бир бериладиган билими қейингиси билан боғланиб, тулдирилиши керак деб таъкидлайди.

5. Машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллаш. Ўқувчи билимини мустаҳкамлаш учун: тақрорлаш ва машқларни тартибли олиб бориш. Шу сабабдан, тақрорлаш — ўқитишининг онаси, деб баҳо берган эди.

Бу қоида ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллигини оширишга ҳам хизмат қиласди.

### Ахлоқий тарбия

Коменский ахлоқий тарбияга доир ғояларини ўзининг «Буюк дидактика», «Яхши йўлга қўйилган мактаб қонунлари» асарларида асосслаб берди.

Инсоннинг ўз-ӯзини бошқариши, ижобий хатти-ҳаракатлари унинг ахлоқийлигидан далолат беради. Коменский ахлоқий фазилатларга донишмандлик, мардлик, матонатлик, одиллик, соғлом фикр юритишини киритган эди. У, ахлоқ тарбиялашнинг асосий масканларидан бири, мактабдир, деган эди. Мактабда ахлоқий тарбия юқори даражада берилиши лозимки, токи мактаблар «Инсонлар тарбиялашадиган устахона» деган номга муносиб бўлсин. Мактабда ахлоқий тарбия бериш учун қўйидаги қоидаларга амал қилишини тақлиф этади.

Тарбия жараённада яхши фазилатларнинг барчасини эътибордан қолдирмай бериш керак.

Пойдеворсиз уй қуриб бўлмаганидек, ахлоқий тарбияни ҳам пойдевори бўлмиш донолиқдан бошлаш лозим. Ҳар бир инсон ёшлиқдан бошлаб нарсалар ҳақида тўғри фикр юритишини ўргансин.

Мактабда болаларни ҳар қандай шароитда ҳам мұътадил булишга ўргатиш, яъни ҳар бир ишни меъёрида олиб бориш.

Бола доимо ўзини тийиш ва бошқарнишга ўргансин. Коменский буни қўйидагича шарҳлаб берган эди: «Ахир инсон ақлли мавжудот, демак, у ақл билан иш тутиши, нима учун, қандай қиласа тўғри бажарилишини ўйлаб олишга одатлансан». Инсон ўз хатти-ҳаракатларига чиндан ҳукмронлик қиласин».

Мактабда ахлоқий тарбияга доир фазилатларни тарбия-

лашда адолатли бўлиш, жасурлик, самимийлик, меҳнатсеварлик бўлиш лозим.

Коменский ахлоқин тарбиялаш методлари сифатида қўйнадигиларни кўрсатган эди:

1. Ота-оналар, ўқитувчилар ва болаларни ўртоқларини шахсий намунаси болаларни ҳаёт йўлини ёритади.

2. Коменский фикрича, бола табиатан тақлидчан бўлганинги туфайли ота-она доимо ўзлари уй интизомларига қатъий риоя қилишлари, ўқитувчилар эса жамиятдаги энг яхши хушахлоқ кишилар бўлмоғлари керак.

3. Болага панд бериш орқали мустаҳкамлаш методлари.

4. Эҳтиёткорлик методи, яъни болани ахлоқий бузук одамлар даврасидан эҳтиёт қилиш (яъни бекорчилиқдан, бузук ўртоқдан, маънисиз катталардан...)

Ян Амос Коменский ахлоқий тарбиянинг асоси булган интизом тарбиясига катта эътибор бериб, «Интизомсиз мактаб — сувсиз тегирмон» деган эди.

Ян Амос Коменский интизом тарбияси мақсадини қўйида-гича кўрсатган эди:

1. Интизом ўрнатиш учун уни қонун-қоидаларини ўрганиб амал қилиш керак.

2. Интизом ўрнатишдан мақсад нима эканлигини англай олиш зарур.

Унинг фикрича, «Интизомни тартиб бузувчиларга нисбатан қўлланиши керак» деб ҳисоблаймиз. Лекин бирор киши гуноҳ қилиб қўйгани учун эмас, балки гуноҳкор келгусида бундай хатога йўл қўймаслиги учун интизомга буйсундириш керак. Интизомни ўrnатаётган пайтда жаҳл, нафрат, ғазаб қилмаслик, балки табиий ва сидқидил бўлиш лозим.

### Интизомни тарбиялаш воситалари:

1. Мактабнинг ҳамма соҳасида доимий шахсий намуна кўрсатиш;

2. Тушунтириш, панд-насиҳат;

3. Танбех бериш;

4. Жазо бериш.

Юқоридаги воситалардан яна бир муҳимроғи ўқитувчилар самимий кайфияти, яхши намунаси, ширин сўзи, самимияти ва очиқ кўнгиллиги билан тарбияланувчиларни тарбияласа қўйилган мақсадга албатта эришади.

Коменский педагогик меросини ўрганиш ҳар бир ўқитувчи учун қўйнадиги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради: педагогика илмий-назарий асослари, дидактика оламидаги сирасорлар — таълим-тарбия тизими, таълим мазмуни, дарс-синф тартиб-қоидалари, ахлоқий тарбия масалалари, ўқитувчи — шахси.

Коменский мероси жаҳон педагогика фани ривожланишида йўлчи юлдуздир.

## Мустакил иш

Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарининг XVIII—XIX, XX, XXI бобларини ўқиб ўрганиши.

### И. Г. ПЕСТАЛОЦЦИ

Швейцариялик машҳур педагог Иоганн Генрих Песталоцци 1746 йилда Цюрих шаҳрида шифокор оиласида дунёга келган. Бошланғич ва лотин (урта) мактабини тамомлаганидан кейин юқори мактаб (Колледжум Каролинум)да ўқиган. Асосан ижтимоний фанлар ўқитиладиган бу мактаб XVIII аср Франция маърифатчиларининг таъсири остида ривожланган Швейцария буржуа-демократик фикрларининг маркази эди. Унда Песталоцци Швейцариядаги буржуа-демократик ислоҳотлар ўтказилишинни талаб қилган илғор талабалар сафига қўшилган. Бу соҳада тарғибот юргизгани учун у ва яна бир неча талаба қамоққа олинган.

Песталоцци замонасида Швейцария ахолиси қашшоқ яшаган қолоқ мамлакат бўлиб, айниқса дехқонларнинг ахволи оғир, улар орасида ери йўқ камбағаллар кўп эди. Халқ маорифи, хусусан, халқ мактаблари ачинарли ҳолда бўлган. Шу сабабли XVIII асрнинг иккинчи ярмида дехқонлар оммаси ва шахар меҳнаткашлари ўртасида норозилик кучая борган ва феодал аслзодалар ҳокимиятига қарши кураш кенг тус олган.

Песталоццининг дунёқараши халқ оммасининг мashaққатли ҳаётини яхши билиш ва уни бевосита кузатиш ҳамда француз маърифатчиларининг, хусусан, Ж. Ж. Руссонинг foялари билан танишиш натижасида шаклланди. У ўз умрини халқ хизматига бағишилади, дехқонларнинг ахволини енгиллаштиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда у «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади», «Оналар китоби ёки оналар учун ўз болаларига кузатиш ва гапиришини қандай ўргатиш бўйича қўлланма», «Кузатиш алифбеси» ёки ўлчаш ҳақида курсатмали қўлланма, «Сон тўғрисида курсатмали таълим», «Оққуш қушиғи» каби китобларни яратди. Песталоцци дастлаб 1761 йили Нейгоф қишлоғидан нарида Мартина плантойда мактаб ташкил қилди. Сунгра Песталоцци үзининг ижодий фаолиятини амалда синаш учун 1774 йилда «Нейгоф»да «Камбағаллар муассасаса»сини очиб, унга 50 нафар етим ва боқимсиз болаларни тўплаб, уларни ўқитиш билан меҳнат таълимини боғлаб олиб борди.

Бу етимхонада болалар ўқиши, ёзиш ва ҳисоб ўрганиш билан бирга ип йигириш, тўқиши ва дехқончиллик билан шуғулланишиди. Мазкур муассасани сақлаб қолиш имкони булмади, чунки болаларнинг меҳнати эвазига яшаш оғир эди. Шу сабабли Песталоцци етимхонани ёпишга мажбур бўлди. У 18 йиллик фаолиятини дехқон болаларининг ҳаётини ўрганиш ва улар учун мактаблар очишга бағишилади.

Иоганн Генрих Песталоццининг буюк кашфиётларидан бири Швейцарияда дастлабки халқ мактабларини ташкил эти-

шидир. Унинг фикрича, халқ мактабининг мақсади: болаларга кейинчалик улар эсларидан чиқариб юборадиган маълум дара жада муайян билимлар бериш эмас, балки мактаб, ўз теваракларидаги табиатга ва ижтимоий муносабатларга онгли қарашни уларда табиий суратда вужудга келтириш ва уларни мустақил равишда оқилона ҳаёт кечириш ва ишлашга қобилиятли кишилар қилиб етиштириш эди.

Песталоццининг бу ғояси Швейцарияда дастлаб қаттиқ қаршиликка учради. Четдан туриб «Нейгоф»да ташкил этилган мактаблардаги ғалати, содда уринишларини курганлар ундан кулдилар. Лекин унинг замондоши Фелленбергнинг Гофвиль мактаби бу ғояни ривожлантирувчи даргоҳга айланади. «Нейгоф»даги мактаб тажрибасини Песталоцци қўйидаги рисолаларида баён этган эди: («Қишлоқ камбағал ёшлар тарбияси ҳақида»), 1777 йил, («Кишилик ҳаёти тарихидан лавҳалар»), 1777 йил.

Песталоцци 1798 йил декабр ойндаги Швейцария инқилоби натижасида етим қолган 80 болага мұлжалланган етимхона очади. Бу етимхонанинг иш мазмуни уни 1799 йили ёзган «Стандан бўлими туғрисида дўстларидан бирига жат» рисоласида шундай дейилади: «Эрталабдан то кечгача уларга узим ҳамроҳ эдим... Улар йиғласа, мен ҳам йиғлар эдим, улар кулса, мен ҳам кулар эдим... Улар нима еса, мен ҳам шуни ейман, ни ма иссалар, мен ҳам шуни ичар эдим. Менинг ўшалардан бошқа ўйим ҳам, дўстим ҳам, хизматчим ҳам йўқ эди»...

Песталоцци етимларнинг севимли отаси эди. Уруш ҳаракати бошлангандан кейин етимхона ёпилди. Песталоцци ўзининг педагогик ғояларини, айниқса элементар таълим назариясининг 1800—1804 йилларда Бургдорфда, 1805—1825 йилларда Ивердон шаҳрида амалий равишда ривожлантириди. Песталоцци дастлаб кичик ёшдаги болалар шаҳар мактабига (5—8 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўқир эди) ишга жойлашди. Асосий эътиборини бу ёшдаги болаларда нутқ ва математик тасаввурини ривожлашишига қаратди.

1800 йили Песталоцци раҳбарлыгида институт ташкил этилди. Институт таркиби, интернат шаклидаги ўрта мактаб ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш семинарияси киритилган эди.

Песталоцци Ивердондаги институтида элементар таълим назариясига асосланиб ўқитишин ишлаб чиқариш ва меҳнат тарбияси билан боғлаган ҳолда ўқув-тарбия жараёнида уз ғояларини амалга ошириди. 1825 йили Ивердон институти ўқитувчилари орасидаги келиб чиқсан келишмовчиликлар натижасида у ўз қишлоғи «Нейгоф»га қайтади. Олим 1827 йили вафот этади.

Песталоццининг дунёқараси Кант фалсафаси таъсири остида ривожланди. Песталоцци ҳам билим сезги органларини кузатишдан бошланади ва тасаввурлар қайта ишлаш йўли билан ғоялар даражасига кўтарилади, ғоялар эса, гарчи равшан бўлмаса ҳам, одамнинг онгидаги таркиб топтирувчи куч тариқасида

мавжуддир. У Худога ишониб инсон учун ато этган «Куз күриши, қулоқ эшиши, оёқ юриши, құл ушлаши» истайди. Ақтүрк фикрлашни истайди. Яратувчининг ўзи одамни у дүнёга келган бириңчи кундан бошлабоқ жисмоний ва маънавий фаолиятга интиладиган қилиб яратган тарбия эса шу интилишни рүёбга чиқаришга ёрдам беради.

Тарбиянинг мақсади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини бир-бирига үйғун қилип үстиришдан иборатдир. Тарбиянинг болага күрсатаётган таъсири табиат билан үйғун булиши керак. У Ян Амос Коменский, Жан Жак Руссоларнинг тарбияни табиат билан үйғунлик гоясига амал қилди. Уларнинг таълимотидан устунлиги шундаки, у Руссо каби бола табнатини үйғунлаштирумади. Аксинча... инсоний кучларнинг ўсиши учун табиат қилаётган ҳаракатга ёрдам берилмаса, бу ҳаракатлар одамларни хайвоний-хиссий хусусиятлардан секинлик билан қутқаради. Түгри тарбия эса уларни, яъни барча инсоний кучларни үстиришга ёрдам беради. Шу сабабдан барча инсоний кучлар ва қобилият куртакларини табиий тартибда элементларидан бошлаб ривожлантироқ лозимдир.

Песталоцци дидактикасида таълим элементар - назарияси асосий ўрин әгаллайди. Бу таълимотга кўра, тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб аста-секин мураккаблаштиришдир.

Элементар тарбиянинг бош масаласи болани жисмоний жиҳатдан тарбиялашдир. Унинг фикрича: «Хаёт... етилган жисмоний ниҳолларнинг үйғонишидан бошқа нарса эмас, бу ниҳоллар энди ўзининг бутун кучи билан, ўзининг ҳамма навдалари билан ўсишга ва камолотга етишга интилади ва инсонга айланishi лозим бўлган жоноворнинг үйғонишидан бошқа нарса эмас». Шунинг учун кундалик боланинг жисмоний кучларини машқ қилдириш ва ривожлантириш мухимдир.

Песталоцци жисмоний тарбияга боланинг барча жисмоний кучларни ривожлантириш учун уни турли ҳаракатларга йуналтиришга алоҳида эътибор берган. Жисмоний тарбияни ақлий, ахлоқий ва мөдна тарбияси билан чамбарчас бөглаб олиб бориш зарурлигини уқтирган, ўзи эса жисмоний баркамолликтининг асоси меҳнат тарбияси деб тушунган. Шунинг учун: «Меҳнат ишга дахли йўқ сўзларга эътибор бермасликин үргатди ва болада юксак инсоний фазилатларий шакллантиради. Тўгри ташкил қилинган жисмоний меҳнат болаларнинг ақлий ва ахлоқий кучларини үстиради», — деб ёзган.

Песталоцци болани ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда аввало онага меҳр үйғотишини зарур ҳисоблаган.

Онани севган бола инсонларни севади, инсонларни севган бола ватанни севади. Песталоцци ахлоқий тарбиянинг энг оддий масаласи инсонга муҳаббатдир, бу муҳаббат оиласдан бошланади. «Ота-онанинг уйи ахлоқ мактабидир», деган эди.

Песталоццининг фикрича, ҳар бир фазилат тўғрисидаги гаплардан кўра шу фазилатларни жонли равиша сиздириш бола-

ларнинг ҳиссиятларига чуқур таъсир кўрсатиб, уларнинг ахлоқий майларини ўстиради.

Болаларнинг ахлоқий кучларини мактабда давом эттириш лозимдир. Песталоцци ахлоқий тарбияни дин билан чамбарчас боғлайди ва бу тўғрида шундай ёзган эди: «...Худони одамлар бир-бирига меҳру муҳаббат кўрсатаётган жойдан қидиргин». Агар одам Худони севса, у ҳамма одамларни ҳам севадиган бўлиб қолади, унинг учун ҳамма одам бир отанинг боласи каби ака-ука ва опа-сингилдир, дейди. У болаларни ишоний меҳрли бўлишга даъват этади.

Песталоццини педагогик системасида ақлий таълим алоҳида ўрин эгалтайди. Песталоцци ақлий таълимни ахлоқий тарбия билан боғлашни зарур деб ҳисоблайди, чунки интизомли, ахлоқий хатти-ҳаракатлари шаклланган болаларнинг ақлий тараққиёти ҳам юксакдир.

Песталоцци болаларнинг ақлий камолотини ўстирувчи қўйидаги дидактик қоидаларни олға сурди:

1. Таълимнинг табиат билан уйғунлиги.
2. Оддийдан мураккабга йўналтириш.
3. Боланинг күч ва қобиљиятига мөслаштириш.
4. Курсатмалилик.

У бундай дидактик қоидалардан бошланғич таълим жараёнида кенг фойдаланишин пазарда тутди.

Песталоцци бошланғич таълим хусусий методикасининг асосини яратди. Бунда у она тили, ҳисоб, география, ўлкашунослик фанларидан элементар таълим бериш мазмунини асослаб берди.

Она тили дарслари бола нутқининг равонлиги ва бойлигини таъминлаши лозим. Бола тилини бойлиги учун география, табииёт фанларини ҳам узвий равишда олиб боришини тавсия этган эди. Ҳисоб дарсларида улчашни ўргатмоқ учун Песталоцци дастлаб тўғри чизиқ, квадрат чизишни ва квадратни булакларга бўлишни ўргатиш, болаларда геометрик шакллар ва уларни ўлчаш малакаларига эга бўлишини таъқидлаган эди. Мехнат бола фаолиятининг оддий турларидаги уриш, кутариш, ташлаш, иргитиш, қулоч ёзиш, курашиб ва бошқа жисмоний ҳаракатларни ўз ичига олиши керак эди.

«Бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш,— деган эди Песталоцци, ўқитувчига боғлиқдир. Ўқитувчи дастлаб болаларни севиши, улар учун оталик ёки оналик вазифасини бажарishi, ҳар бир дарсни курсатмалилик асосида ўтиши лозим. У она тили, тарих, география, арифметика, табииёт фанларининг билимдони бўлиши ва улардан тўғри сабоқ берishi лозимдир».

Песталоцци педагогика фани тараққиётига катта ҳисса қўшиди. Унинг улуғ кашфиёти шундаки, тарихда биринчи марта камбағал халқ фарзандлари учун мактаб очди ва уни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлади.

Бошланғич таълим методикасини яратиб, унда элементар таълим назариясидан фойдаланиш йўлларини асослаб берди.

К. Д. Ушинскийнинг таъбирича, Песталоццининг ўша даврдаги ижоди содда кўринса-да, ўша вақтда унинг бу фояси унинг кашфиёти эди, бу кашфиёт инсоният учун Американинг кашф этилишидан кўра кўпроқ фойда келтирди ва келтирмоқда. Песталоцци мактаб ва таълим-тарбия ҳақидаги фояси жамиятни ҳаракатга келтирувчи оз миқдордаги ҳаётий ва фаол фоялар қаторига қўшиш учун ўзининг бутун азоб-уқубатли ҳаётини бағишилади. Песталоццининг педагогик фоялари унинг шогирди Фелленберг томонидан ривожлантирилди. Россияда эса К. Д. Ушинский унинг фояларидан ижодий фойдаланишни қўйидаги-ча ёзган эди: «Мактаб учун Песталоццининг сон жадвалини топганимда қандай хурсанд бўлганим ва узоқ вақт бу жадвал билан дурустроқ натижага эриша олганим эсимда». Песталоцци дунё педагогика фанининг тараққиётига катта ҳисса қўшиб ўз асарлари билан ўзига ҳайкал яратган олимдир.

### Мустақил иш

*Песталоццининг «Лингард ва Гертруд» асарининг педагогика тарихини хрестоматия китобидан ўрганинг.*

К. Д. УШИНСКИЙ

Рус миллий педагогикасининг асосчиси Константин Дмитриевич Ушинский 1824 йилда Тула шаҳрида туғилди. 1812 йил урушида иштирок этган отаси ҳарбий хизматдан бушагач, ўзиға қарашли 30 та крепостной деҳқон билан Новогород-Северскдаги кичик мулкида яшаган. Ушинский уша жойдаги гимназияни тамомлаб, Москва университетининг юридик факультетига ўқишга кирди, ўша даврда маълум ва машҳур булган профессор Редкиннинг бевосита раҳбарлиги остида таълим олиб, илмий дунёқарашини кенгайтирди.

Ушинский 1845 йилда Ярославль лицейига камераль (юридик) фанлар профессори вазифасини бажарувчи бўлиб хизматга кириб, муваффақият билан иш бошлиди. Аммо Россия ҳукуматининг 1848 йилги инициативадан кейин ўтмай чиқарган фармойиши Ушинскийнинг ўқитувчилик фаолиятига катта зарба берди, чунки фармойишда рус ҳукумати профессорларни ўз лекцияларининг тўла матнини ва уларда ўқиладиган кўчирмаларни ёзиб беришини талаб қилган эди Ушинский лицей кенгашида ҳукуматнинг бу фармойиши нотўғрилигини айтиб, унга мутлақо қарши чиққани ва уни бажаришдан бош тортгани учун лицейдан бушатилди.

Ушинский 1854 йилда Ярославль лицейи собиқ директорининг тавсияси билан Гатчино институтида тил-адабиёт ва қонуншунослик ўқитувчиси бўлиб ишга кирди ва тез фурсатда шу институтнинг класслар инспектори вазифасига кутарилди. Унинг педагогик фаолияти том маъноси билан ўша вақтдан бошланди. У 1859 йилда Смольний институтининг класслар инспектори вазифасига тайинланиб, унга институтнинг жуда ачинарли

ҳолга тушиб қолган илмий булими ишларини қайтадан тартибга солишдек муҳим вазифа юкланди. Ушинский бу вазифани пухта бажариб, педагогик жараённи уюштириш бүйича катта қобилияти борлигини кўрсатди. Шунингдек, Ушинскийнинг педагогика масалаларига бағишилаб ёзилган назарий ишлари унинг фақат амалиётчи эмас, балки ўз ихтисоси бүйича кучли назариётчи эканлигидан ҳам далолат беради.

Ушинскийнинг 1857 йилдан бошлиб аввал «Тарбия журнали»да, сўнгра «Халқ маорифи журнали»да жуда мазмундор қатор мақолалари эълон қилинди. 1860 йилда у «Халқ маорифи журнали»нинг муҳаррири қилиб тайинланди. Ушинский 1861 йилда ўзининг биринчи асари—«Болалар дунёси» номли ўқиш китобини нашр эттириди. Бу китоб ўша йилнинг ўзидаёқ икки марта нашр этилди.

Ушинскийнинг самарали педагогик фаолияти 1862 йилда унинг устидан ёзилган имзосиз хат сабабли тўсатдан тўхтаб қолди. Бу хатда уни атеист ва сиёсий жиҳатдан ишончсиз киши деб айбланган эди. Натижада Ушинский чет эллардаги хотин-қизлар маорифининг аҳволини урганиш ва педагогикадан дарслар ёзиш учун чет элларга ижодий сафарга кетишга мажбур будли.

Ушинский чет элларда ўзининг энг муҳим асарларини нашрга тайёрлади. 1861 йилда унинг I ва II ўқиш йиллари учун «Она тили» дарслиги нашр эттирилди ва унга «Муаллимлар учун қўлланма» деган методик асари илова қилинди. 1870 йилда эса яна «Муаллимлар учун қўлланма» илова қилинди. Шу ўқув йили учун ҳам «Она тили» дарслиги босилиб чиқди. Бундан ташқари, Ушинскийнинг педагогика соҳасидаги асосий назарий асари ҳисобланган «Киши — тарбия предмети сифатида» («Педагогик антропологиядан тажриба») номли асари айрим томларга бўлинниб нашр қилина бошланди. 1867 йилда бу асарнинг I томи, 1869 йилда II томи босилиб чиқди.

К. Д. Ушинский таълим-тарбияга доир бир қатор мақолалар ҳам ёзган эди. «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи тўғрисида», «Педагогик адабиётнинг фойдаси ҳакида», «Мактабнинг уч элементи», «Она тили» кабилар.

«Она тили» рисоласи тилни ўрганишнинг тарбиявий ахамиятини ёритишга бағишиланган. Ўнда, Ушинскийнинг ёзишича, она тили неча асрлардан бўён давом этаётган халқ ҳаётининг маҳсулидир. Ёш авлод она тилини ўзлаштиришда халқнинг минг-минг йиллик тарихидаги маънавий тараққиёти самараларини ана шу тил билан бирга билиб олади, деган фалсафий-психологик қарашни илгари сурди.

«Таълимнинг психологик ва мантиқий асослари» асарида муаллифнинг диққат, хотира, тафаккур тўғрисидаги назарий қарашлари баён қилинган.

Ушинский халқни ҳар томонлама тарбиялаш учун ўзининг умуминсоний тарбия ғоясини олға сурди.

Ушинский «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи» номли асарида

таъкидлашича, оила болалар организмида ота-оналар характерининг такрорланиши ва янада ривожланишга имконият яратади. Ижтимоий тарбияда халқнинг руҳи шу қадар кучли бўладики, инсонда мавжуд барча олижаноб ҳислар йўқолса, халқнинг руҳи ҳам аста-секин йўқолиб кетади. Халқ руҳи ватани, тилни ва ўтган авлодлар меросини сақлашга боғлиқdir.

### К. Д. Ушинский асарларида дидактика

К. Д. Ушинский халқ маорифи соҳасига бағишланган «Мактаб-маориф ишларини ўрганиш учун Швейцария бўйлаб саёҳат» рисоласида Берининг маориф соҳасидаги ишларига хатлар орқали ўзининг муносабатини билдиради.

Ушинский Бери томонидан тузилган мактаб реформаси асосида мактабларни чуқур ўрганиш, ўқитувчилик қилиш учун маҳсус тайёргарлик кўрган кадрлар камлигини кўрсатган эди:

«Болалар бир неча ўқитувчи томонидан ўқитилганда ўқитиш, ўзининг болаларини тарбиялаш ва камолотга етказиш кучини йўқотади» (бошланғич мактабни назарда тутади).

К. Д. Ушинский чет эл мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбияни ўрганиб ўзининг «Бошланғич таълим методикаси» асарини ёзди.

Унда бошланғич мактабдаги таълим мазмунини асослаб бериш билан бирга унинг қонда, қонун, тартиб, метод ва воситаларини ҳам ишлаб чиқиб дидактика фанига катта ҳисса қўшди. Бу эса ажойиб янгилик сифатида муҳим аҳамият касб этди. У энг аввало ўқитишни болалар меҳнати билан боғлашни тавсия қилди. Ушинскийнинг фикрича, ҳар бир фанин ўқитишда, тарбияланувчининг ҳиссасига тушадиган меҳнат унинг ёши ва кучига лойик бўлиши керак. Шифокор беморни даволар экан, унга ёрдамлашади, холос; шунингдек, мураббий ҳам тарбияланувчига маълум бир фанин ўрганишда учрайдиган қийинчиликларни енгиз учун курашуvida ёрдам бериши лозим. Болани ўқитиш эмас, балки унга уқиб-урганиб олишда кумаклашиш зарур. Ўқувчига ёрдам беришга асосланган мана шу таълим усулининг яхши томонларидан ташқари, яна бир афзаллиги ҳам борки, бу усул ўқувчини ақлий меҳнатга ўргатиш билан бирга, шундай меҳнатнинг оғирлигини енга олишга ва ундан завқланнишга ҳам ургатади. Ақлий меҳнатни энг оғир меҳнат деса бўлади. Хаёл суриш осон ва ёқимли нарсадир, аммо ўйлаш анча қийин иш. Фақат болаларгина эмас, катта ёшдаги кишиларда ҳам мияни ишлатишдан қочиш ҳоллари кўп учрайди. Бола бир неча дақиқа жиҳдий фикрлашдан кура кун бўйи жисмоний меҳнат қилишни ёки китобнинг бир бетини очиб қўйиб, ақл ишлатмай, соатлаб қуруқ ёд олишни афзал куради.

Тарбияланувчининг дам олишини ҳам ана шу жиҳатдан фойдали йўсинда ташкил қилиш мумкин.

Ақлий меҳнатдан кейин дам олиш ҳеч иш қилмай, вақтни бекор ўтказиш, деган сўз эмас, балки ишнинг турини ўзгарти-

ришдир. Ақлий мәхнатдан кейин жисмоний иш қилиш күнгилли ва фойдалидир. Дам олишнинг бундай йўли фойдалилиги Германиядаги кўпчилик ёпиқ ўқув юртларида тўғри тушунилади, улардаги тарбияланувчилар ўқишдан бўш вақтларида атанин белгиланган ишлар: хўжалик икнор-чикирлари, синф хоналарини тозалаш, боғ ёки экинзорларда ишлаш, дурадгорлик, токарлик, китобларни муқовалаш ва ҳоказолар билан бажонидил шуғулланадилар. Бу ишларни танлаш тарбияланувчининг майл ва ҳавасига зид бўлмаслиги керак, ана шундагина ишнинг узи ҳақиқий ва фойдали дам олиш бўлади. Тарбияланувчиларнинг ёшига қараб ўйин учун ҳам вақт берилиши, аммо у чинакам ўйин булиши, боланинг жошига тегиб бездирмаслиги, ишга утиб талаб қилинганда бола уни мажбуриятсиз, бемалол ташлаб кетишга аста-секин одатланиши керак. Ҳаммадан ҳам тарбияланувчи қўлида бир иш, бошида бир фикр йўқ бекорчи одамлар каби ўз вақтини бекорга лақиллаб ўтказишга ўрганмаслиги лозим, чунки қўл ҳам, мия ҳам машғул бўлмаган пайтда инсоннинг фикри ва ахлоқи бузилади.

Ёшлиқдан ўрганилган бу ёмон одат кейинчалик улфатчилик билан вақтни бекор ўтказишга айланиб қолади.

Ушинский, Коменский ва Песталоци каби буюк педагоглар таълимнинг дидактик жиҳатларини қўйидагича белгилайдилар:

**Таълимнинг болалар кучига мослиги ва изчиллиги.** Бу қондага риоя этишда болани ўқув материали билан ҳаддан ташқари банд қилмаслик керак.

**Таълимнинг кўрсатмалилиги, онглилиги ва пухта ўзлаштирилиши.** Дарс жараёнида ана шу дидактик қоидалардан ўрида фойдаланиш унинг сифати ва самарадорлигини оширади.

Ушинский дарсни ўқувчилар таълимий фаолиятини тўғри йўлга қўйининг шартларидан бирни деб ҳисоблаган ва синф-дарс системасининг ўзига хос хусусияти, ўқувчилар гуруҳи, унинг доимийлиги, мактабнинг асосий бўғинини ташкил этувчи синфдан иборатлигини таъкидлаган. Синфдаги машғулотларни қатъий жадвал асосида олиб бориши, ўқитувчи ҳамма ўқувчилар билан умумий машғулот олиб бориши ва бунда ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда машғулот ҳам ўтказиши, унинг етакчилик вазифасини бажариши зарурлигини ўқтирган ва дарсларни янги билим бериш, машқ қилиш, тақрорлаш, ўқувчилар билиммини ҳисобга олиш дарслари ва бошқа турларга бўлган эди.

Ушинский ўқитишнинг учта асосий вазифаси мавжудлигини улар болалар нутқини ўстириш, уларга тил хазинасидан онгли равишда фойдаланишни ўргатиш ва тилнинг мантиқини ўзлаштиришдан иборатлигини баён қилган. Шу вазифаларни амалга ошириш учун у ўзининг «Она сўзи» асарини яратган. Унда боланинг қалбига нур зиёсини тарқатувчи улуғ зот ўқитувчига катта баҳо берган.

К. Д. Ушинский «Педагогик адабиётнинг фойдаси» номли

асарида ота-онанинг тарбиячилик санъати, маҳорати, мақсад ва вазифаларини ҳам асослаб берди.

Яхши тарбия олган одам, деган тушунча жуда кенг бўлиб, уни ҳар ким ҳар хил тушунади. Ҳар қандай ота-она ўз боласига ҳар жиҳатдан яхшилик истайди, лекин унинг мазмунини турлича тушунади.

Ота-оналар ўз болалари учун муносаб тарбия йўлини белгилаш учун фарзандларини чуқур ўрганиши, уларнинг хоҳиш истакларини билишлари керак.

Бола гўдаклик пайтида теварак-атрофдаги нарса-ҳодисалар ҳақида жуда ёрқин ва асло унтилмайдиган таассуротлар олади.

Оиласда бола билан тарбиячи ўртасида жуда яқин ва самимий муносабат ўзининг табиийлиги ва оддийлиги, мазмундорлиги, илиқлиги, ҳеч қандай расмиятчиликнинг йўқлиги билан ажralиб туриши учун ҳам Ушинский оила тарбиясига юқори баҳо берган эди.

Ушинский аёл кишининг педагогик қобилиятларини ҳамда тартиб-қоидаларни яхши кўриш, меҳрибонлик, матонатлилик, интизомлилик, сабр-тоқатлилик, диққатини бир ерга тўплаб олишлик, одблилилк, дидли-фаросатлилик болаларга нисбатан туғма муҳаббат сингари характер хусусиятларини эътироф этиб, оила тарбиясида онанинг ролига ғоят катта аҳамият беरар эди. Характернинг факат ана шу хусусиятларининг ўзи аёлга оналик бурчларини адо эта олиш учун асло кифоя қил маслигини Ушинский яхши тушунар эди.

Ушинский аёлларга оиласда ва жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилишига уларнинг болалар тарбиясига доир ўз муқаддас бурчларини бажариш имконини берадиган омил деб қаради. Ушинский «аёллар тарбияси индивидуал ва оиласий аҳамиятга эга эканлиги ва фан ҳамда маданият ютуқлари факат аёллар воситасидагина ҳалқ ҳаётига кириши мумкин» деб ҳисоблади.

Ушинский аёлларнинг педагогикани ўрганишларига алоҳида аҳамият берли У педагогикани аёллар гимназиялари юқори синфларининг ўқув дастурига киритиш ғоясини илгари сурди. У педагогика дастурини тузди ва дарслик ёзмоқчи булди. Ушинский, қизлар педагогикадан ташқари физиология, психология ва гигиенани ҳам ўрганишлари лозим, шундагина булаҗак она инсон ҳақидаги мукаммал билимларни эгаллаб болаларини муваффақиятли тарбиялай олади, деган хуносага келди.

Ушинский оила тарбиясига юқори баҳо бериб, оила тарбиясини ота-оналарнинг хусусий иши эмас, балки уларнинг фуқаролик бурчи деб қаради. Ушинский болалар тарбияси ва таълими ҳақида ғамхўрлик қилишни бутунлай мактаб зиммасига юклаб қўйишга интиладиган ота-оналарни қоралади. Шу муносабат билан у бундай деб ёзган эди: «Ота-оналар болаларни тарбиялаганларидан кейин тарбиячи кузатиб боришдек муқаддас бурчдан қутулмайдилар».

Шу билан бирга, Ушинский оила тарбиясига бирдан-бир тарбиявий күч ролини бермайды, балки унга ижтимоий тарбия-га узвий алоқадор бир нарса, халқ умумий тарбиясининг ажрал-мас қисми деб қаради: «Ижтимоий тарбия халқ учун ўзининг оила тарбиясидир. Ижтимоий тарбия масалалари ҳамма учун ижтимоий масалалар ва ҳар бир киши учун оилавий масалалар булиб қолган тақдирдагина у ҳақиқий ижтимоий тарбия бўлиши мумкин».

Бунда оила пойдевор қўйиб, мактаб шу пойдевор устига иморат солади. Оила билан мактаб бир-бирига ўзаро ёрдам қилган тақдирдагина умумий ютуққа эришиш мумкин.

Ушинскийнинг, ота-оналар таълим-тарбияяга оид билимлар олишлари зарур, деган фикри ғоят қимматли фикрdir. У бундай деб ёзган эди: «Ота-оналар ўз болаларидан нималарни талаб этишлари мумкинлиги ҳақида тўғри ва аниқ тушунчаларга эга бўлмоқлари керак». Ўлар «тарбиянинг бўлажак муваффақиятлари ва муваффақиятсизликларининг дастлабки уруфларини сочадилар. Бунда улар учун таълим-тарбияяга доир билим олишнинг қанчалик муҳим эканлигини тушунтириб ўтиришнинг хожати ўйк».

Ушинский таълим-тарбияяга доир маҳсус адабиётни ўрганишни ота-оналарнинг тарбия санъатига оид билим олишнинг энг муҳим йўлларидан бири деб таъкидлади. У бундай деб даъват этган эди: «...киборлар оламига мансуб бўлган бека расм бўлган майда-чуйда безакларини бир чеккага бир оз суриб қўйиб, болаларнинг бирор дарслигини ёки таълим-тарбияяга доир янги китобни, жилла бўлмагандан, ўша безакларнинг ёнига қўйисин, димоғдор жаноб янги раққосанинг кечаги катта ўйини ҳақида, мукофот олган йўртоқ отлар тўғрисида виқор билан гапираётганида ўзининг болалари ўрганаётган алифбе ҳақида ҳам биринки оғиз жиддий гап айтиб қўйишдан уялмасин».

Шундай қилиб, К. Д. Ушинскийнинг оила тўғрисидаги тарбия ғояси илмий ва тарихий аҳамиятга эгадир.

### **Мустақил иш**

К. Д. Ушинскийнинг «Педагогик адабиётнинг фойдаси» ва «Ўқитувчилар тайёрлаши семинариясининг проекти» мақолалари-ни ўқиб чиқиб муносабат билдириш.

### **Л. Н. ТОЛСТОЙ**

Рус халқининг улуғ ёзувчиси, олимii, шарқшунос, педагог ва танқидчи Лев Николаевич Толстой 1828 йилда Ясная Поляна қишлоғида таваллуд топди. Унинг кучли истеъоди баркамол инсон даражасига кўтарилишига сабаб бўлди.

Толстойнинг педагогика соҳасидаги фаолияти 1849 йилдан бошланган. У ўша вактда Ясная Полянада деҳқон болаларини ўқитган.

1862 йил ёзида Толстой Ясная Полянада йўқлигига жандар.

ма унинг мактабида тинтув ўтказган. Бу воеа Лев Николаевични жуда қаттиқ хафа қилган ва уни педагогикадан четлаб туришига сабаб бўлган.

Толстой педагогик ижодининг сўнгги даври 1890—1900 йилларга тўғри келди. У Ясная Полянадаги мактабида болаларга ўқиш, ёзиш ва хисоблашни ўргатибина қолмай, балки тарбиявий ишларни ҳам олиб борди.

Толстой «Педагогиканинг критериуми — фақат эркинликдир» шиорини олға сурдл, аммо у бу эркинликни болаларнинг ихтиёри ўзида бўлиши керак, деган маънода тушунди.

Толстой болалар психологиясини жуда яхши билар эди. Н. К. Крупская таърифича, Толстой болаларнинг ҳам, «жахолат панжаси»даги Аюнотканинг ҳам қалбини, ҳиссиётини тушунарди, Ясная Поляна болаларининг қалби, ҳиссиётини ҳам ўқий олар эди.

Толстой ўзининг дидактика түғрисидаги фикрларини баён қилишда бошланғич таълим китоблари қандай бўлиши ҳақида кўрсатмалар берди. Китобга киритилган материаллар болаларни қизиқтирадиган ва уларнинг тушуниши учун қулай бўлиши, содда тил билан ёзилиши, кўп сўзлни бўлмаслиги керак.

Толстой ўзининг дидактик қарашлари ва дарслик китобларга қўйган талабларига асосланиб 1872 йилда нашр этилган «Ўқиш китоби»ни тузди. Кейинчалик у китоб икки марта қайта ишланиб 1875 йилда «Янги ўқиш китоби» номи билан нашр этилди. Толстой 4 та «Ўқиш китоби» ва арифметика дарслигини ҳам ёзган. Юксак бадиийлик, ифодалилик, қисқалик ва соддалик, материалнинг болаларга тушунарлилиги ва жозибалилиги Толстой тузган китобларнинг муҳим белгиларидан эди. Педагогик матбуотда бу дарсликлар юксак баҳоланди.

1862 йилда Толстой томонидан ташкил этилган журнал саҳифаларида болалар учун «Ясная Поляна» мақоласида Лев Толстой ўзи ташкил этган мактаби ҳақида ёзади:

«Эрталаб соат 8 да қишлоқ ўқувчилари учун мактабда қўнғироқ чалинар, ўқувчиларнинг мактабга келишини куриб ҳайратда қоласан, ўқувчилар ўзлари билан на китоб, на дафтар олиб келарди. Ўйга топшириқ берилмас, болалар ўтилган мавзулар ҳақида ҳам бошини қотирмас, ўзларни мактабга келсалар бас. Болалар йиғилмагунича дарс бошланмас, кечикиб келгандарга жазо ҳам берилмасди. Бундай ўқиш болалар учун жуда осон эди. Улар ўқитувчини кўришлари билан синф хонасига кирадилар. Ўқитувчи хонага кирди, ерда болалар ўтиришарди. Салом болалар! Салом Пётр Михайлович! — деб жавоб қайтардилар. Ўқитувчи шкафдан китобларни олиб болаларга тарқатди. Шу тарниқа ўқиши бошланди. Болалар хонада тартибсиз ўтиришар, хоҳлагани ўқир, хоҳламагани чиқиб кетар эди. Хар куни синфда 7 та дарс, лекин ўқувчилар эркинлик асосида хоҳлаганини ўқир эдилар...»

Толстой Ясная Полянадаги мактабдан жуда хурсанд эди. Гарчи қаттиқ интизом ўрнатилган бўлмаса-да, болаларда ўқиши-

га хоҳиш, истак уйготди. Уларнинг ўқишига қизиқиши ҳар қандай қийинчиликларни олиб келди.

### Лев Толстойнинг эркин тарбия назарияси

Толстотай ўз замонидаги мактабни қаттиқ танқид қилди ва унга боланинг шахсини ҳурмат қилиш, унинг фаоллиги ва ижодкорлигини ўстиришга асослашмоқчи бўлган ўз тарбия тизмини қарама-қарши қилиб кўйди. Аммо у боланинг шахсини идеаллаштириб юборди ва ўзининг педагогикасини нотўғри, анархизм назарияси бўлган «эркин тарбия» назарияси асосида қурди.

Толстой 19 аср 60-йилларнинг бошида ўзининг педагогика соҳасидаги изланишларида, тарбия боланинг шахсига зулм қилишдан иборат, шунинг учун тарбияга йўл қўйиш керак эмас, фақат катталарнинг болага билим беришларигина кифоя қилади, деганди. Тарбияни билим беришдан ажратиш каби сунъий, турмушда амалга ошириб бўлмайдиган фикрни Толстойнинг ўзи ҳам ўзининг сўнгги даврдаги педагогик фаолиятида хато деб эътироф қилди. У ўзининг Ясная Полянадаги мактабида болаларни фақат ўқиш, ёзиш, арифметика ва шунга ухашаш фанларга ўқитибгина қолмай, ўзининг педагогика соҳасидаги қарашларини ҳам шакллантирди. Ҳақиқатда у умуман тарбияга қарши бўлмай, балки ўша даврдаги мактабларда олиб бориладиган тарбияга қарши эди.

«Ясная Поляна» журналида нашр этилган эртак ва хикоялар диккатга сазовор эди. Масалан, «Бор эканда, йўқ экан, Францияда Николай номли дурадгор бор экан. Унинг хотини ўлиб 4 ёшли ўғли етим қолибди. Николай камбағал эди... Николай ўғлини ўқитиши учун ҳаракат қилди. У ўғлига яхши ўқигин, менинг қилган ҳаракатларим зое кетмасин деди. Николай ўғлини билим юртига берди. Ўғли яхши фарзанд бўлиб етишди»...

Шу тариқа Лев Толстой болалар учун «Матвей», «Робинзон», «Семазе тоғи ва 40 қароқчилар» каби жажжи ҳикояларини, «Ясная Поляна» журналида нашр этган эди.

Толстойнинг ўзи ташкил этган Ясная Поляна мактабидаги таълим мазмунига муносабати қарама-қаршиликдан ҳоли эмас эди.

У дастлаб «Биз ўзимиз билганимизнинг озгинасини бўлса ҳам, Марфутка билан Тараскага ўргатиш» кифоя қилади, деб ҳисоблаган бўлса, кейинроқ болаларнинг ёши билан савияларини ҳисобга олиб таълим мазмунини такомиллаштириди.

Толстой кичик савод мактаблари очишни тавсия қилди. Таълимнинг мазмунини белгиловчи асосий мезони болаларнинг қизиқиши ва ҳаваси бўлмаслиги, балки деҳқон болаларнинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилиши лозим деб уқтириди. Бу унинг хатоси бўлиб, у ҳамма деҳқонлар эҳтиёжидан келиб чиқди

Толстой мактаблар учун 12 та фанин тавсия этган. Унинг

Фанларни ўқитиш ҳақидаги қарама-қарши фикри — «12 та фани ўқитиш керак, аммо уларнинг ҳажми ва уларни ўқитиш учун ажратилган вақт ўқувчиларга боғлиқ бўлиши керак». «Халқ мактабларида фақат рус ва славян тилларида савод, ҳисоб ва дин дарси ўтилиши лозим», деган эди.

Толстой кейинроқ таълим мазмуни ҳақидаги ғояларини яна ўзгаририб: Таълимдаги энг асосий омил унинг «диний («Соф христианлик») руҳдаги ахлоқий тарбиядир», деб ёзганди.

Толстой ўқитувчи арифметика, грамматика ва имлони юзаки, механик равишда ўргатиш билан чекланадиган мактабни қуруқ, бефойда нарса деб ҳисоблаган. У таълим билан тарбия ажралмас бир нарсадир — деб ўқтирган.

Ўқувчилар билимининг онглилиги ва пухта ўзлаштирилиши принципини амалга ошириш учун ўқувчига бериладиган билим аниқ ва фактларга таяниши кераклигини таъкидлаган.

Ўқитиш принципларидан яна бири ўқувчига бериладиган билим унинг кучига мос бўлиши зарурлигидан иборатлигини қайд қиласди.

Толстой фикрича, ўқитувчи ўқувчилар миясини кўп чарчат-маслиги, ҳар бир дарсни ўзлаштириш ўқувчининг кўлидан келадиган бўлиши лозим.

Ўқитиш жараёнининг ҳаётйлиги принципини амалга ошириш учун Толстой ўз мактабида экспкурсия ва тажрибаларни тез-тез ташкил этган. Кўрсатмали таълим принципига суюнган ҳолда ҳар бир дарсни кўрсатмали қурол асосида ўтказган.

Умуман, Толстой дидактик фикрларида айрим зиддиятлар мавжуд бўлса-да, ўқитувчилар ва ўзидан кейинги авлодлар учун дидактик қоидаларга асосланган дарслклар ва методик қўлланималарни мерос колдириди.

### A. С. МАКАРЕНКО

Антон Семёнович Макаренко Харьков губернасиининг Белополье шаҳрида темир йўл устахонасининг бўёқчилик цехи устаси оиласида туғилди.

У Кременчуг шаҳридаги мактабни ва педагогика курсини тамомлагандан кейин 1905 йилдан бошлаб Крюководаги йкки йиллик темир йўл мактабида халқ ўқитувчиси бўлиб ишлади. Макаренко ишлаган мактабда ишчиларнинг болалари ўқир, Макаренко уларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алокада бўлиб турар эди. Мактабда тез-тез мажлислар ўтказиларди.

1920 йилда Полтава губернасиининг халқ маорифи бўлими А. С. Макаренкога Полтава яқинида балоғатга етмаган қонун-бузар болалар, ёш жиноятчилар учун колония ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишини топширади. Бу жуда қийин иш эди. У тарбиялайдиган болалар жиноятчи, интизомсиз ва меҳнатга кўниkmаган ўсмирлар ва йигитчалардан иборат эди. А. С. Макаренко ана шундай ёшлардан интизомли, меҳнатни севадиган ва иш биладиган хақиқий фуқароларни етиштира олди.

У 3—4 йил мобайнида намунали тарбия муассасаси — Горь-

кій номидаги Мехнат колониясінні вужудга келтирди. Үнда тарбияланувчи болалар соң 1926 йылда 120 нафарга етди. Үша йили Горький номидаги колония Харьков яқинидаги Куряжга күчирилди, у ердаги қаровсиз болалар 280 нафар әди. Антон Семёнович Горький номидаги колонияда тарбияланувчи болалар ёрдамида Куряждаги болаларни ҳам тез орада худди Горький колониясы болаларидек интизомга, уюшқоқлик ва мекнат-севарликка үргатди. Куряжга күчіб келиш Макаренконинг педагогик фикрлари туғрилигінін ва уларни амалда құллашнинг фойдалылығын яққол курсатди.

А. С. Макаренконинг педагогик фаоліятіга мансабдор бүрекрат педагоглар душманлық билан қараб, уни мазкур колониядан кетишига мажбур қыладилар. Кейин Макаренко Ф. Э. Дзэржинский номидаги меңнат коммунасида раҳбарлық қылади. Үнда үзиннінг тажрибасыда синалган ва тұлық бир усулыңа айланған тарбия методларини татбиқ қылышни давом эттиради. Шунингдек, меңнат тарбиясіннін янғын методларынан фойдаланағы.

Коммунада театр, клуб ҳамда түрлі тұғараллар мавжуд булып, жилем-хана маданий ва сиёсий-сәктергүй ишләри олиб борылған. Жисмоний тарбия машғулотлари ҳам үтказылған, 60 га яқын коммунарның үз ичига олған духовой оркестр ташкил этилған.

Меңнат фаоліятини ва бошқа фойдалы ишларни бажарып учун коммунарлар 10—15 кишилік отрядларга бұлинғанлар, ҳар бир отряднінг командири бұлған. Улар Макаренко билан бирга коммунаның барча ишларында раҳбарлық қылған. Коммунарларнің умумий йигитлиши коммунаның олий идорасын хи-собланған.

1933—35 йылларда Макаренконинг «Педагогик поэма»си, 1937 йылда оның тарбиясы масалалари ёритилған бадий-педагогик асары —«Ота-оналар китоби» нашр этилди.

А. С. Макаренко үзиннін педагогик фаоліятіда тарбияның бузилған инсонниң қайта тарбиялаш ғоясінні назарий ва амалий жиһатдан асослаб берди. Мана шу ғояни амалға оширишиңдегі бирдан-бир воситасы соғлом болалар жамоасын ташкил қылыш эканини үқтирилди. А. С. Макаренко үзиннін «Таълим-тарбия тажрибасынан баъзи бир холосалар» номлы асарыда жамоаларнің тарбиявий таъсирини күчайтиришда тарбиячин-үқитувчи ҳамда болалар жамоасын бир-бираға яқынлаштириш, шунингдек, үқитувчилар ва болалар жамоалари битта жамоа, яғни таълим-тарбия жамоасы булиши зарурлығын алохіда таъкидлаган.

У коммунадаги болаларни ҳайрон қоладиган даражада ижодкор, талабчан, интизомли қилиб етиширилди. Макаренконинг таълимотика, бунга буйруқ бериш билан эришиб бұлмайды, бундай жамоани иккі йылда ҳам, уч йылда ҳам яратиб бұлмайды, бундай жамоа бир неча йыллар мобайнида бунёдга келади.

Болалар жамоасын мустаҳкамлашнинг бир воситасы бола-

ларга жазо бермаслик ёки қандай жазо беришга боғлиқдир. «Шахсан мен,— дейди А. С. Макаренко,— кўп жазо берилмаслиги керак, деб хисоблайман, бироқ бошқа бир мантиққа кўра, жазолар бутун бир жамоани гангитиб қўймаслиги ва унинг ҳаётида одат тусини олмаслиги керакки, натижада бутун жамоага берилган жазо болаларни диққат ва эътиборини тортсинг.

Болалар жамоасини шундай ташкил этиш керакки, унда шахснинг ҳаёлий хислатлари эмас, балки ҳақиқий, чинакам, реал хислатлари тарбияланиб борсин (92-бет).»

«Ўқитувчи, тарбиячи, деган эди Макаренко,— яхшигина оддий ходим була олмас экан, у ҳеч қачон яхши раҳбар ҳам була олмайди. Жамоада унинг барча аъзоларининг ҳурмат ва ихлосини қозонган жамоа раҳбари, тажрибали педагог асосий роль йўнаши керак.

Чинакам жамоа жуда мураккаб нарса. Чунки кишининг ҳақлиги ёки ноҳақлиги масалалари шахсий ғурур ва манфаатлар учун эмас, балки жамоанинг манфаатларини кузда тутиб ҳал қилиниши керак.»

А. С. Макаренконинг жамоани ташкил этиш ҳақидаги таълимотини В. А. Сухомлинский юқори баҳолаганди: «А. С. Макаренко сингари амалиётчи педагогни билмайман. Унга бўлган муҳаббатим ва ҳурматим чексиз. Мен ўттиз икки йилдан бўён мактабда ишлайман ва ўттиз икки йилдан бўён унинг иш тажрибасидаги назарий хулосаларнинг мағзини чақишга ҳаракат қиласман. Мен унинг маҳмадонагарчилик ва сафсатабозликка кескин муросасизлиги, педагогик жасорати, дадиллиги билан фахрланаман».

А. С. Макаренко баркамол инсонни тарбиялашда оила ва унинг тутган урнига алоҳида эътибор бериб, «Ота-оналар китоби», «Ота-оналарга болалар тарбияси ҳақида лекциялар» асарларини яратган. У ёшларга мурожаат килиб: «Отангни ҳам, онангни ҳам иззат-ҳурмат қил, роҳат кўрасан ва ер юзида умринг узоқ бўлади.

Ота деганинг обрўйи бўлмоғи лозим! Отанинг мартабаси улуғ бўлиши керак! Отага ҳеч нарса тенглаша олмайди! Обрусиж қандай тарбия бўлиши мумкин?

Ота билан ўғил дўст бўлишлари мумкин ва дўст бўлишлари керак. Лекин ота ҳар ҳолда ота, ўғил, ҳар ҳолда ўғил, яъни тарбия қилиниши лозим бўлган ва уни айни отаси тарбиялайдиган боладир: шу сабабдан, ота ўз боласининг дўсти бўлиши устига, яна қўшимча баъзи сифатларга эга бўлиши керак. Агар қиз билан она дўст бўлишдан ташқари, яна бир-бири билан худди тенгқур дугонадек бўлишса, ота билан ўғил дўст бўлишдан ташқари, яна апок-чапоқ ўртоқ бўлишса, у ҳолда ҳалиги қўшимча сифатлар, яъни тарбиячилик сифатлари ўз-узидан йўқолиб кетади. Бу каби ота-оналар ҳеч қачон интизом урната олмайди. Болалар ота-оналаридан қўрқадилар, холос. Бинобарин, уларнинг назаридан, уларнинг ҳукм-измидан нарироқ юришга ҳаракат қиласидилар. Онладаги интизом техникасининг

ташқи жиҳатини на қайсаrlык, на ғазаб, на бақириб-чақириш, ялиниб-ёлвориш, на ўтиниб сўраш йўли билан, амалга ошириб бўлади, балки ётиғи билан, жиддий туриб, вазифа юклайдиган оҳангдор амр берниш йўли билан ифодалаш мумкин. Ҳар бир ота-она амр беришини ўрганиб олиши лозим, бундай амр бернишдан ўзини четга олиб қочмасликнинг уддасидан чиқа билиши, на бехафсалалик баҳонаси билан ва на оилавий пацифизм (сохта осойишталик сақлаш) мулоҳазаси билан бундай амр бернишдан қочиш йўлига кирмасликнинг уддасидан чиқа билиши лозим. Шу вақтдагина амр бериш одат тусига киради, мақбул ва анъана шаклини касб этади, шу вақтдагина сиз бу амрни жуда нозик турли хил оҳангда беришни: фармон бериш оҳангидан бошлаб маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш оҳангига ўтиш, кесатиқ, ҳазил, ўтинч ва имо-ишора оҳангига кўчишни ўрганиб оласиз.

Оила — одамзод ўзининг дастлабки ижтимоий йўлини босиб ўтадиган энг муҳим соҳадир! Бундай онлада ота-оналар билан болалар ўртасида маълум маънода иззат-ҳурмат ва дилдан ишонч каби чегара бўлади. Ана шу негаре тарзи билан болалар ўзаро бир-бирларини тушуна оладилар: ўз вақтида айтилган ҳар бир сўз, мардлик ва иффат тўғрисида, ҳаётнинг гўзаллиги ва бу ҳаёт фазилати тўғрисида айтилган ихчам ва жиддий сўз, келажакда ҳаётнинг ижодий кучи бўлган зўр муҳаббат туғилишинга ёрдам берадиган сўз таъсири ва ҳикматли бўлади.

Оила болаларининг узга бир оиласида «ётиб қолишига» ҳеч бир ҳолда сира йўл қўймаслиги керак, бола ётиб қоладиган жой аниқ, таниш ва ишончли бўлган тақдирдагина истисно бўлиши мумкин. Бугина эмас, бола, ҳатто кундуз кунлари бир неча соат ҳаяяллаб қолиши мумкин бўлган ҳар қандай жой ҳам ота-оналарга яхши маълум бўлиши лозим. Оиласида фарзанд яхши тарбияланса, ота-онанинг баҳти, ёмон фарзанд эса ота-онага кулфат келтиради.

### **A. С. Макаренко меросининг аҳамияти**

А. С. Макаренко педагогика фанининг тараққиётига ўзининг қимматли меҳнати билан қайта тарбиялаш назариясини яратиб, ғоят катта ҳисса қўшиди.

У ташкил қилган коммуна ва колонияларда болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг бирдан-бир омили болалар жамоаси эканлиги исботланди. Шунга таяниб заҳматкаш педагог жамоа тарбиясининг назарий ва амалий асосларини яратди. Колониядаги қонун, анъана, тарбиявий таъсири кўрсатиш усулларини ҳамда истиқболларини аниқлаб берди. Макаренко-нинг «Педагогик поэма», «Ота-оналар китоби», «30-йиллар марши», «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар» китоблари қайта-қайта нашр этилиб, мактаб, болалар уйлари ва интернат-мактабларда фойдаланилмоқда.

## **ВІІІ БОБ. ХХ АСРНИНГ 60- ЙИЛЛАРИГАЧА ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВРЛАРДА УЗБЕҚИСТОНДА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ТАРАККИЁТ ЙУНАЛИШЛАРИ**

Республикада 50—60-йилларга қадар педагогик муаммолар бўйича тадқиқот ишларини амалга оширадиган бирорта ҳам марказ мавжуд эмас, олий илмий малакага эга бўлган мутахассислар ниҳоятда оз ва илмий ходимларнинг бир қисми ўтмиш маданий меросга нотўри муносабатда бўлар эди. Шунга қарамай республикамиз педагог олимлари қийинчиликларни енгиг муважиятларга эришдилар. Ўруш арафасида биринчи булиб тадқиқотчи педагог Сиддиқ Ражабов «XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди. Ана шу шлмий изланиш Узбекистон педагогларига илҳом бахш этди. Ўзбекистон олимларининг етишиб чиқишларида Марказий Осиё республикаларидағи педагог олимлардан А. Измайлова, Т. Бердиев, М. Р. Болтабоев, А. Қурбонов, Т. Тожибоев ва бошқаларнинг ҳам меҳнатлари сингган эди.

Дастлаб Узбекистонда педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотлар учта мұхим йұналишда амалга оширилиб, улар: 1. Педагогика тарихи. 2. Тарбия назарияси. 3. Таълим назариясидан иборат жағынан да болған.

Түркистон тарихига доир дастлабки илмий изланишлар, ма-  
салан, К. Е. Бендриковнинг «Түркистонда халқ таълими тари-  
хидан очерклар». И. И. Умняковнинг «Бухорода янги усул мак-  
таби тарихига доир» каби асарлари педагогика тарихини ўрга-  
нишдан келиб чиқкан.

Ўзбекистонда педагогика фани босқичма-босқич ғоят самаралии йўсинда ривожланди.

1924—1945 йиллар жуда катта аҳамиятга эга бўлган маданий-маърифий ишларни амалга ошириш даври, 1946—1974 йиллар эса Ўзбекистонда педагогика фани ривожланишининг энг сермахсул даври бўлди.

Олимлар илмий тадқиқотларни турли йұналишларда давом эттиридилар. Ұша изланишларга бош-қош бўлган сермаҳсул олим педагогика фанлари доктори, профессор, академик Сиддик Ражабов эди.

СИДДИК РАЖАБОВ

Ўзбекистонда педагогика фанининг ривожланишига салмоқли хисса қушган, республикадаги биринчи педагогика факултети доктори С. Ражабов 1910 йилда Авлиёота (ҳозирги Жамбул) шаҳрида камбағал косиб оиласида дунёга келди. Ота-онаси тұнғыч фарзанди Сиддиқнинг ўқиб, билимдон киши бўлишини орзу қиласидилар. Бошланғыч ва тулиқ маълумот олган ўспирин 1930 йилда Фарғона педагогика билим юртига ўқишга кирди. Уни тамомлагач ўша ердаги институтда таҳсил олди. 1934—1937

йилларда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти аспирантурасида ўқиб, «XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1943 йилда С. Ражабов республиканинг «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига масъул муҳаррир қилиб тайинланди. Илмга ташна ва таълим-тарбия соҳасини жондилидан севган мутахассис 1947 йилдан бошлаб ўзининг севимли касбини давом эттириш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика кафедрасига мудир бўлиб ишга ўтди. У педагогика ва унинг тарихини, сирасорларини чуқур ўрганиш, самарали илмий-тадқиқотлар олиб бориш асосида «Ўзбекистон мактаблари тарихи» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Олим 1959 йилда Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси қилиб сайланди. 1960 йилда унга профессор унвони берилди.

1961 йилда С. Ражабов Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтига директор қилиб тайинланди. Яна 1966 йилдан умрининг охиригача Низомий номидаги педагогика институти педагогика кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. У кишининг илмий раҳбарлиги ва кўмагида юзларча аспирантлар ва тадқиқотчилар педагогика фанлари номзоди бўлди, кўплаб фан докторлари етишиб чиқди. Умуман С. Ражабов педагогика илм-фанини ривожлантириш ва юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди.

С. Ражабовнинг шогирдларидан М. Очилов, С. Х. Файзуллина, Р. А. Мавлонова, К. Ҳошимов, З. Миртурсунов, Х. Хуррамов, М. Мирқосимов, А. Азизхўжаев ва бошқалар педагогика фанини ривожлантириш, мутахассислар тайёрлаш соҳасида самарали меҳнат қилиб республикамизга танилдилар.

С. Ражабов машҳур чех тарбияшунос олими Я. А. Коменскийнинг жаҳон биладиган «Буюк дидактика» китобини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр қилиш ишларига бош-қош бўлди. Мазкур асар унинг таҳрири ва сўзбошиси билан 1975 йилда чоп этилди. С. Ражабов таҳрири остида ва раҳбарлигида олий ўқув юртлари учун яратилган «Педагогика» дарслиги бир неча марта қайта нашр қилинди. Олим бу дарсликдаги бир қанча бобларнинг муаллифиидир.

С. Ражабов ижодининг маҳсуллари орасида «Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари», «Тарбия ва ўқитишида классик таълимот», «Педагогик антология»нинг бир қанча қисмлари, «Халқ маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари» каби асарлар, шунингдек, долзарб мавзуларда ёзилган неча ўнлаб рисолалар, илмий тўпламлар, ўзбек қомусига киритилган ҳамда газета ва журнallарда босилган сон-саноқсиз мақолалар бор. Таълим-тарбия мавзусидаги мазкур материаллар кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилганди.

С. Ражабов Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиё мамлакатларидаги педагогик жамоатчиликларга ҳам танилган,

фаолияти күп қирралы олим эди. У «Халқ маориғи ва педагогика фанининг буюк алломалари» номли рисоласида қуйидагиларни ёзади: «Утмишдаги илғор педагоглар ўз замонининг баркамол зиёлилари сифатида инсон шахсини улуғладилар, унинг келажаги хақида қайғурдилар. Улар хар бир шахснинг камол топишни фақат биологик омил — насл-насабга, ирсият қонунларига боғлиқ эмаслигини, балки бунда тарбия ва муҳитнинг ҳам роли катта эканлигини тушуниб. биринчى галда инсонпарварлик гояларини олға сурдилар ва ўз жүшкін фаолиятларида ҳақиқий инсонпарвар эканликларини намойиш қылдилар». Рисолада умуман утмишдаги педагогика фани ва халқ маориғи захматкашларининг фаолияти ёритилган, уларнинг қылган ишлери объектив баҳоланған. Боланың ақлий ва жисмоний үсишини, физиологик ва психологиялық ұрдатларини үрганишда педагогика, психология, физиология ва антропология фанлари соҳасидагы илмий-тадқиқоттардан чиқарылған илмий хуносаларга катта әзтибор берилеётгани ва шу соҳада амалга оширилаётгандык ишлар баён қилингандык.

«Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари» асаридан таъкидланишича, үқитувчи қанчалик кенг маълумотли, ўз касбини пухта әгаллаган бўлса, ўзининг малакасини доимо ошириб борса, у мактабда ва мактабдан ташқари олиб борадиган ишларда шунчалик муваффақиятга эришади. Масалан, синфдан ташқари дарсни педагогик ва дидактик талаблар асосида тұғри ташкил қиласы, ҳар бир үқувчининг психологиялық хусусиятларини, истеъод да қобилиятини ёки дарсдан ултурмаслигининг сабабларини, унинг ички дүнёсини яхши билиб олади. Бу эса синфда, умуман мактабда таълим ва тарбия ишларини яхшилаштыра катта ёрдам беради.

Жамоада аҳиллик ва ягона талаблар бўлмаслиги таълим-тарбия ишларидан интизомсизликни, үқувчиларнинг билим савиаси пасайнишини вужудга келтирди. Агар тарбиячилар битта жамоага бирлашмасалар, болаларга бир хил талаб қўймасалар, бундай шароитда тарбия жараёни муваффақиятли булиши мумкин эмас...

Мактабда ҳар бир үқитувчига, унинг иши ва педагогик фаолиятига иззат ва ҳурматда бўлиш билан бирга, мактабнинг таълим-тарбия ишини яхшилашга қаратилган танқид ва ўз-үзини танқидга ҳам катта ўрин берниш, ундан тұғри ва оқилюна фойдалана билиш ҳам зарур.

Юқори малакага эга бўлган олий мактаб үқитувчилари асосан таълимнинг қуйидаги тұрт шартыга амал қилиб келадилар:

1. Фанни аъло даражада билиш.
2. Ўз фанини севищ ва талабаларда ҳам муҳаббат уйғотиши.
3. Эксперимент ёки амалий ишларни ўтказиш.
4. Чуқур илмий билимларга эга бўлиш каби.

С. Ражабов умрининг охиригача Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика кафедрасида фаолият кўрсатди. Педагогика фани ва тарихига доир кўп илмий

тадқиқотларга раҳбарлик қилди. С. Ражабов бутун Ўзбекистонда педагогика фанини ривожланиши ва педагог олимларни етишиб чиқишига салмоқли ҳиссасини қўшди.

\* \*

\*

Педагогика тарихи фанининг ривожланишини урганишга ўз ҳиссаларини қўшган ва илмий изланишларни амалга оширган К. Е. Бендриков, И. И. Умняков, 70-йилларда эса Э. Қодиров, А. Бобохонов, Н. М. Таканаев, Ж. Ўринбоев, Ю. Умаров ва бошқалар педагогика фани тарихидан сезиларни из қолдирдилар.

### ЭМИНЖОН ҚОДИРОВ

Эминжон Қодиров 1916 йил 29 декабрда Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида туғилган. Бошланғич, ўрта маълумот олгач, Фарғона педагогика институтини муваффақиятли тугатган. Дастрас мактабда, сўнгра педагогика билим юртларида ўқитувчилик қилган.

**Унинг илмий тадқиқоти асосан Ўзбекистонда халқ маорифининг ривожланиши муаммоларига бағишиланган.** У тинимизиз илмий изланишлари туфайли фан номзоди, сўнгра педагогика фанлари доктори илмий даражаларини олишга мусассар бўлган. Э. Қодиров бутун ҳаётини халқ маорифининг тарихий тараққиётига, маориф тизимини бошқаришга бағишилади. У «Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг ривожланиш тарихи», «Ўзбекистонда умумий таълим мактаблари тараққиётига доир очерклар», «Халқ маорифи 30 йилда» каби жуда кўп педагогик асарлар ёзган.

Эминжон Қодировнинг «Ўзбекистон умумтаълим мактабарининг ривожланиш тарихи» (1917—75-йиллар) асари халқ таълими соҳасидаги тарихий манбадир. Унда халқ маорифининг долзарб муаммолари асослаб берилиган. Туркистон ва Ўзбекистонда меҳнат, политехника мактабининг вужудга келиши, такомиллашуви ва ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар, республикада бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта таълимнинг йўлга қўйилиши, аёлларни ўқитиш муаммоларининг халқилиниши, ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг шакл ва йўллари, ўқув дастурларининг яратилиши, уларнинг мазмуни баён қилинган.

Марказий Осиёдаги қомусий олимлар, илм-маърифат асosчилидан Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн-Синоларнинг ўзбек халқи маданияти ривожидаги тутган урни ифодаланган. Маърифий ишларга доир маълумотлар келтирилган. Хусусан, мактабдаги таълимнинг мазмунига алоҳида эътибор берилиган.

Муаллифнинг фикрича, ўқитишни ташкил қилиш ва унинг методларини такомиллаштириш таълимни техника билан боғлашни талаб қиласди. Аммо республика мактабларида таълим-

нинг техник воситаларидан фойдаланишни ўрганиш бу борада ҳали қатор камчиликлар борлигини кўрсатади:

1. Кўп мактаблардаги ўқитувчилар таълимнинг техник воситаларини қўллаш бўйича етарли ташаббускорлик қilmайдилар.

2. Республикада турли аппаратларни ишлаб чиқариш ва тузишининг моддий базаси йўқ.

3. Кўпчилик ўқитувчилар техник ва методик жиҳатдан етарлича тайёргарлик кўрмаган.

4. Мактаблар хусусан ўзбек тилидаги ўлкашунослик материалларини ўз ичига олган техник воситалар билан таъминланмаган.

5. Таълимда техник воситаларни қўллаш масалалари бўйича ўқитувчилар учун зарур қўлланмалар ишлаб чиқилмаган (312—313- бетлар).

Республикада таълимнинг кабинет системасини ташкил этиш мақсадида қўйидаги ишлар бажарилди.

1972 йил 14 апрелда Ўзбекистон маориф министрлиги коллегияси кабинет системасида ўқитиш масаласини кўриб чиқди:

Ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва уларни касб танлашга иуллашда қишлоқ хўжалик меҳнати дастури ва кўрик кўрсатмалари ишлаб чиқилди. Мактабларда махсус клублар очилди, уларда ўқувчилар ўзларини қизиқтирадиган касблар билан яқиндан таниширилди. Бироқ мактабларда меҳнат таълими ва касб танлашга йўналтиришни янада такомиллаштириш учун қўйидаги ишлар: педагогика институтларида ўқитувчилар мала-касини ошириш меҳнат таълими ва касб факультетларини ташкил қилиб кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш учун зарур эди (317- бет).

Сўнгра китобда мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги ёш авлодни муваффақиятли тарбиялашнинг асосий шартларидан бири, дейилади.

Тарбия фақат мактабда ва оиласигина содир бўлмайди. У ҳамма жойда: ҳовлида ва кучада, жамоат тўпланадиган жойларда ва ишлаб чиқаришда рўй беради. Педагог билимларининг болалар билан бирор йусинда муомалада бўладиган, ёшларни тарбиялаш билан қандай бўлмасин алоқадор бўлган ҳамма кишилар учун зарурлиги кўриниб турибди. Ҳозирги замонда педагогика билимларининг оммабоп соҳасига айланмоқда, ҳар бир катта ёшли одам касби кори ва ким эканлигидан қатъи назар педагогика фанидан хабардор булиши керак.

Ўзбекистонда педагогик билимларни тарғиб қилувчи 400 дан ортиқ ҳалқ университетлари бор: улардан неча минглаб отоналар тарбия методларини ўрганмоқда (338- бет).

Умумий психологик-педагогик қонуниятлар муайян ёшдаги болаларни тарбиялашдаги билимларини умумлаштириш миллий тилларда ўқитиладиган мактаблар ишини яхшилашга ёрдам берниб, мактаб билан оила ҳамкорлигини мустажкамлайди.

Эминжон Қодиров Ўзбекистонда маориф тараққиётига катта

хисса қүшибгина қолмай, педагогика соҳаси бўйича ёш олимларни етишиб чиқиши учун тинимсиз меҳнат қилган инсон эди.

### РАҲИМЖОН УСМОНОВ

Професор Раҳимжон Усмонов одоб-ахлоқ мавзусига оид жуда кўп китобларнинг муаллифи эди. Унинг «Ҳаёт — устоз, халқ — муаллим» китобида 40 йиллик ўқитувчилик фаолиятидаги ишларининг холосалари жамланган. Инсонга хос фазилатлар худди маржондек терилганди. Унда ёзилишича, ўқитувчи бўлиш учун боланинг тили ва диалини билмоқ керак. Ўқитувчи шогирдига панду насиҳат қилиши яхши, лекин уни қуруқ насиҳатгўйликка эмас, балки панд-насиҳатдан туғилган ғояларни амалга ошириш учун курашадиган қилиб тарбиялаш керак.

«Ҳаёт — устоз, халқ — муаллим» рисоласида «Эътиқод ва ирода», «Ватанпарварлик», «Меҳнат ва меҳнатсеварлик», «Вижонийлик ҳаққоният», «Жамоатчилик, дўстлик ва чин муҳаббат», «Камтарлик, манманлик, шахсиятпарастлик», «Сўзга эътибор — элга эътибор» бўлимлари киритилган.

Муаллиф ҳар бир бўлимнинг мазмунига қараб насиҳатомуз, тарбиявий фикрларини жамлаган.

Мактаб — ёшлик гулшани, болалар эса унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз ўқитувчилар бу боғнинг оқил, миришкор, меҳрибон боғбонларидир (12- бет).

Ўқитувчи дарсга бепарво қарайдиган ўқувчини доимо кўздан кечириб туриши керак, чунки бундай ўқувчи бошқа болаларнинг диққатини чалғитади (15- бет).

Хунар эгаси бўлган киши билан фан муҳлиси бўлган киши эгизаклардир, чунки ҳозир ҳунарни илмдан, илмни ҳунардан айrim тасаввур қилиб бўлмайди.

### ИМОМХОН ХУСАНХЎЖАЕВ

Педагогика соҳасидаги забардаст олим, педагогика фанлари номзоди, доцент, бошланғич мактабнинг асосчиларидан бири Имомхон Ҳусанхўжаевдир. У Тошкент шаҳридаги қадимий усулария, сўнгра рус-тузем мактабларида таълим олди. 1921 йили ўлка эрлар институтига кириб, уни 1925 йилда тугатган. Имомхон ака ўша йилдан бошлаб «Үрфон» бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Бошланғич синфларда ишлаган даврини Имомхон ака шундай ҳикоя қилган эди:

«Мен жуда ёш эдим. Ўқитувчиликка тайинландим. Юпунги на кийимда бўлганим учун кийимларимни эҳтиёт қиласр эдим. Биттагина калишим борлиги туфайли мактаб эшигигача уни кўлтиғимга солиб, сёёқ яланг борар эдим. Мактаб эшигига яқинлашгач калиш кийиб, синф хонасига кириб, болаларга сабоқ

берар эдим». Анчагина машаққат тортган Имомхон ака ўқитувчилик фаолиятини шундай бошлаган эди. У дастлабки Туркистон мактаблари учун дарслык ва қулланмалар яратган. Ўнинг асарлари ичida «Ўсмир» («Ўсмирлар мактабининг биринчи ўқув йили учун), «Ўқиш китоби» дарслиги (катталарнинг бошланғич мактаби учун), «Ўқиш китоби» (бошланғич мактабнинг биринчи синфи учун), «Ўқиш китоби» (2-синф учун), «Алишер Навоий таълим-тарбия ҳакида (монография), «Педагогика» дарслиги айниқса диққатга сазовордир.

Имомхон аканинг фаолият йўли кўп қирралидир. У ўқитувчилик билан бирга илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борган. Унинг раҳбарлигига 5 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Устоз умрининг охиригача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бошланғич таълим кафедрасига бошчилик қилди.

### ЗОКИР МИРТУРСУНОВ

Зокир Миртурсунов 1913 йилда Жамбулда дехқон оиласида туғилди. Мактабни, сўнг Тошкентдаги З-педагогика техникумини битирди. 1933 йилдан бошлаб Ҳакимбоев номли мактабда ўқитувчи, 1934—1938 йилларда Наманғандаги бир неча мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. 1940 йилда Тошкент педагогика институтини тутатди. 1940—42 йилларда Наманғандаги 15-мактабга директорлик қилди. 1942—1943 йилларда армия сафида бўлди. 1943—1949 йилларда Турақурғон район Ҳалқ маорифи бўлими мудири, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли Наманған педагогика институтида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлади.

З. Ф. Миртурсунов жуда кўп мақола, монография ва «Педагогика» дарслигининг муаллифидир. «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг педагогик қарашлари» (1961), «Педагогика» дарслигининг VII, VIII, IX, X боблари, «Ўзбек ҳалқ педагогикаси» (1973) монографияси унинг қаламига мансубдир. У 12 нафар педагогика фанлари номзодларини тайёрлади ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашди.

З. Миртурсунов республикада биринчи бўлиб «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳалқ маорифи ва таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари» мавзусида илмий тадқиқот олиб борди ва бу ишнинг натижасини рисола қилиб ўқувчиларни Ҳамза ижодидаги нодир ғоялардан баҳраманд этди. Рисолада баён қилинишича, атоқли шоир, драматург, бастакор, жамоат арбоби моҳир педагог Ҳамза ўзбек ҳалқининг маданиятини равнақ толтиришга катта хисса қўшди. Унинг бой ижодий мероси орасида ҳалқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари алоҳида ўрин тутади.

Бу асар Ҳамзанинг таълим-тарбия соҳасидаги ғояларини ёритишда биринчи тажрибадир. Шубҳасиз, унда Ҳамзанинг

текшириб ўрганилмаган педагогик фикрлариға оид жуда күп материаллар бор. Уларни ўрганиш ва мукаммал асарлар яратиш педагогика фани мутахассислари олдида турган мұхым вазифалардандир. Улар мустақил Ўзбекистон маорифини заң авлод тарбиясини янада яхшилаш ҳамда такомиллаштиришга ўз илмий тадқиқотлари, яратған дарслік ва құлланмалари билан ҳисса құшишлари лозим.

### МАЛЛА ОЧИЛОВ

Педагогика фанлари доктёри, профессор Малла Очилов 1931 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида туғилған.

У 1949 йилда Қарши педагогика билим юртини битирди. 1958 йилдан буён Қарши педагогика институтида ишлаб келмоқда.

Педагогика ва унинг тарихини, сир-асрорларини чуқур үрганған олим бўлажак ўқитувчиларни тарбия жараёнига доир 45 та оригинал илмий-педагогик, 32 та илмий-оммабоп асарлар муаллифидир. Шунингдек, у 10 дан ортиқ педагогик ва методик китобларга мухаррирлик қылған. Ҳар бир ўқитувчининг доимий маслаҳатгўйи бўлмиш машҳур чех педагоги Ян Амос Коменскайининг «Бүюк дидактика» асарини биринчи маротаба ўзбек тилига таржима қылған маориф жонкуярларидан ҳисобланади.

М. Очилов педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун нашр этилган «Педагогика» («Ўқитувчи») дарслигининг муаллифларидан биридир. Унинг «Ўқитувчи одоби», «Студентларнинг ахлоқий тарбия жараёни», «Студентларнинг илмий-тадқиқот ишлари» каби китоблари республика олий ўқув юртларининг талабалари, мактаб ўқитувчилари ва кенг китобхонлар оммаси учун фойдалидир.

М. Очилов ўзининг «Бўлажак ўқитувчини ахлоқий шакллантириш» номли китобида ахлоқ хаётининг күп қирралы ҳодисаси ва ижтимоий онгнииг шаклларидан бири эканини. унга шахснинг жамиятга, қишиларнинг бир-бирларнга муносабатларини белгиловчи талаблар, қоида ва меъёрлар киришини ифодалаған.

Китоб педагогика олий ва ўрта мактаб ўқитувчилариға, талабаларга, ҳалқ таълими ходимларига мулжалланган бўлиб, унда ахлоқий тарбиянинг мұхим масалалари баён қилинган. У тўрт боб ва умумий хуносалардан иборат.

Биринчи бобда ахлоқ ва ахлоқийликнинг моҳияти, ахлоқий тарбиянинг ижтимоий-педагогик асослари, файласуфлар ҳамда социологларнинг ахлоқий фазилатлар ҳақидаги фикрлари баён қилинган. Бўлажак ўқитувчилар ахлоқий тарбиясининг тузилиши ёритилган. Ахлоқ тарбиясининг оммавий ва гуруҳий шакллардаги қисмлари: маъзуза, мунозара, сиёсий ахборот, анжуман, учрашув каби оғзаки лаборатория ишлари, талабаларнинг курилиш ва ижтимоий-фойдали меҳнат отрядлари, мактабдаги педагогик практика, институтдаги ижтимоий касбларга йўнал-

тирилган амалий тадбирлар: музейлар, кургазмалар, мавзули стендлар тайёрлашдан иборат кўрсатмали машғулотлар ифодаланган. Ана шу тарбиявий тадбирлар ўзаро боғланган тақдирдагина кутилган самараларни бериши таъкидланган.

Иккинчи бобда талабаларни ўқув фаолияти жараёнида ахлоқий тарбиялаш муаммолари ҳал қилинган ва педагогика олӣ ўқув юритидаги таълим талабаларни ахлоқий тарбиялашнинг омили эканлиги яхши, намунали ташкил этилган таълим жараёни, ахлоқий билимлар беришда муҳим роль ўйнаши, маъруза, семинар, лаборатория-амалий машғулотлар, талабалар мустақил ишларининг шакл ва услублари ёритилган.

Шунингдек, педагогика ва психология фанлари бўйича ўқув материалларининг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти, педагогикнинг ахлоқий тарбия соҳасидаги иш услублари, шахсий ибрати таҳлил қилинган.

Учинчи бобда ўқишдан ташқари ишларнинг ахлоқий тарбиядаги роли, талабаларнинг ўқишдан ташқари фаолиятини ахлоқий тарбия мақсадига йўналтириш баён қилинган.

### САЛОМАТ ТЕМУРОВА

Саломат Темурова 1926 йилда туғилган. 1941 йилда еттийиллик мактабни тугатиб, қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиган ва бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, 1947 йилда Республика хотин-қизлар педагогика билим юртини, 1951 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика-психология факультетини битириб, шу институтда ўқитувчилик қила бошлаган.

Ўшандан буён С. Темурова кўплаб илмий мақолалар, китоб ва рисолалар яратди. Асосан ёш авлодни тарбиялаш масалалари га бағишланган 50 дан ортиқ илмий ишлари нашр этилди. Улар орасида «Хотин-қизларда уз қадрини билиш хиссини тарбиялаш», «Оила тарбиясида ҳалқ анъаналаридан фойдаланиш», «Ўқувчиларда онг ва хулқ бирлигини тарбиялаш», «Болаларни прогрессив традициялар намунасида тарбиялаш», «Хотин-қизлар орасидаги ирим-сиримлар», «Ҳалқ анъаналари ва диний урф-одатлар», «Синф раҳбарининг фаолияти», «Болаларда мустақилликни тарбиялаш» каби асарлари алоҳида эътиборга лойиқdir.

С. Темурова «Педагогика» дарслигига бешта йирик бобнинг, «Ўқитувчи ихтисосига кириш бўйича методик тавсиялар», «Педагогик амалиёт» ва «Педагогика дастурлари», «Узлуксиз педагогик амалиёт», «Педагогик амалиётга доир йўриқнома»нинг ҳам муаллифиdir. Унинг ёзишича, исталган касб-ихтисос вакилидан факат ўзига юклатилган меҳнат топширигини шунчаки бажаришни эмас, балки билимдонлик ва маҳорат билан бажариш талаб қилинади.

Ихтисос маҳорати — юқори даражада ривожланган ташаб-

бускорлик, ихтисос тайёргарлиги ва юксак сиёсий савия демакдир.

Ихтисос билан бағлиқ мәҳнат фаолияти жараённанда одам үзи ўқиган вақтда олган билимнің ва амалий фаолиятта әгаллаган малакаларига таянади. Ихтисос шахснинг хулқига, фикрларига, дунёқарашига, ҳатто, ташқи қиёфасига ҳам таъсир этади. Ихтисос маҳорати жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига таъсир күрсатадиган мұхим омилдир.

Педагогика соҳасидаги әнг зарур тадқиқотлар баркамол инсонни тарбиялашда катта ёрдам берди ва ёрдам бермоқда. Ана шу жиҳатдан тарбия назарияси бўйича Н. Валиева, А. Аҳмедов, З. Валиева, Ю. Юнусхўжаев, Р. Ашурев, С. Х. Файзуллина, Д. Алимова, Э. Нишонов, О. Мусурмонова, Э. Тўқмуродов, М. Аҳмедов ва бошқалар; таълим назарияси бўйича Р. Салкаев, Р. Мавлонова, К. Р. Ёдгоров, К. Ҳошимов, О. Муҳаммаджонов, Н. Холиков ва бошқалар, оила педагогикаси бўйича О. Тураева, С. П. Мунавваров ва бошқалар; мактабни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш бўйича К. Зарипов, Т. Муминжонов, М. Мирқосимов, А. Зубаиров ва бошқалар амалга оширган тадқиқотлар тоят аҳамиятлидир.

### РАҲИМА МАВЛОНОВА

Раҳима Мавлонова педагогика фанининг ривожланишига ўз дарслеклари билан ҳисса қўшаётган малакали мутахассислардан биридир. Педагогика фанлари доктори, профессор Р. Мавлонованинг қаламига мансуб «Бошланғич синф ўқувчилини мәҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш», «Бошланғич синф ўқувчиларининг мәҳнат тарбияси», «Болаларнинг мәҳнат тарбиясида мактаб ва оиласнинг ўзаро ҳамкорлиги» монография ва рисолаларнинг ҳам муаллифидир.

Шунингдек, у «Ўзбекистонда бошланғич таълим тараққиети», «Мәҳнат таълимни методикаси», 1, 2 ва 3-синф мәҳнат дарслекларини ҳамда мәҳнат таълимни қўлланмаларини ҳам яратган.

### ОЙША ТУРАЕВА

Профессор Ойша Тураева Республикада таниқли олима, оила педагогикасининг билимдонларидан биридир. У 1927 йилда Тошкентда туғилган. Унинг отаси Туражон қори мадрасада таҳсил қўрган, ўз замонининг саводхон кишиларидан бўлган. Қизидаги зеҳн, куюнчаклик, ўқиш-ўрганишга ҳавасни пайқаган ота унинг муаллима бўлиш орзусини қўллаб-қувватлаган. Шунга кўра Ойша саккизинчи синфи битириб, педагогика билим юртида ўқиган, кейин бошланғич синфларга дарс берган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида, Ленинград аспирантурасида таҳсил олган. «Педагогика курсини ўқитиш жараённанда талабаларда ўқитувчи касбига ҳавас-иши-

ёқни тарбиялаш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлажан.

Олима 1956 йилдан бошлаб узи ўқиган институтда педагогика фанидан дарс бериб, кафедра мудирлиги вазифаларини бажариб келмоқда. Шунингдек, у жамоат ишлари билан бандлигига қарамай, педагогика фанининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Оила педагогикасининг турли жиҳатларини ёритнига ўчинг муаммоларини шарқона ҳал этишга биринчилар қаторида қўл урган.

«Оила педагогикаси» (1973 й.), «Бола азиз, одоби ундан азиз», «Оилада болалар тарбияси» (1986), «Оилавий муносабатлар этикаси ва психологияси», «Олий ўқув юртларининг талабалари учун қўлланмана» (1990), мактабларининг V—VI синфлари учун «Одобнома» дарслекларининг муаллифи сифатида танилган.

Олиманинг ўзбек оиласига хос хусусиятларни ҳисобга олиб ўрта мактабнинг X—XI синфлари учун ёзган «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» дарслиги таҳсинга лойиқdir. Ўнда оиланинг жамиятдаги ўрни, оилавий муносабатлар, ёшларнинг маънавий дунёси, фарзанд тарбияси, янги турмуш қурган кељин ва куёвларнинг ўзаро муносабатлари, оиланинг баҳти каби оилавий муаммолар очиб берилган. Муаллифнинг қайд қилишича, оила инсонлар ижтимоий ҳаётининг мухим бүғинидир. Жамият мазмунан ўзгариши, янгича шакл касб этиши мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳаётйлигини сақлаб қолган оила мавжуд бўлади. Бунинг боиси шуки, биричидан, оила янги авлодларни тарбиялаб этишириш манбаидир. Иккинчидан, оилада инсон шахс сифатидаги ўзлигини яратадир.

Кейинги йилларда Ойшахон Тўраева ўз ижодини мустақил Ўзбекистондаги ёшлар тарбиясига қаратди. У оила ва жамоада болаларни тарбиялашда шарқона урф-одатлар, расм-руsumлар ва аиъаналардан фойдаланишининг шакл ва йўлларини излашмоқда. Ойша Тўраева талабаларни маслахатгўйи ва тарбияшуносликнинг маҳорат ва санъатини ўргатувчи олимадир.

### МИРҚОБИЛ МИРҚОСИМОВ

Мирқобил Мирқосимов 1930 йил 3 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У ўрта умумий таълим мактабини тутатганда сўнг, Тошкент шаҳридаги Белинский номидаги давлат педагогика (кечки) институтнинг табиёт-география факультетига 1955 йилда ўқишига кириб, мазкур институтни 1960 йилда тутатиб, олий маълумотли география ўқитувчиси бўлиб этишади.

У ўзининг педагогик фаолиятини 1955 йилдан, яъни Аброр Ҳидоятов номидаги Тошкент шаҳар 14-ўрта мактабда бош пионервожатийликдан бошлаган.

1960 йилдан 1968 йилгача Тошкент шаҳридаги Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактабда география ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Айни вақтда у, 1963—1966 йилларда Тошкент шаҳар ўқитувчи-

лар малакасини ошириш институтининг тарих-география кабинетининг методисти ва мудири булиб, 1966 йилдан Ўзбекистон маориф вазирлиги Республика ўқув-методика кабинети мудири булиб, 1967 йилдан то 1974 йилгача Ўзбекистон маориф вазирлигининг марказий аппаратида ҳудуд инспектори, кечки мактаблар ва малака ошириш институтлари бўйича бўлим бошлиғи, мактаблар Бош бошқармасининг бошлиғи ва айни вақтда вазирликинг коллегия аъзоси лавозимларида фаол меҳнат қилган.

М. Мирқосимов 1966—1973 йилларда «Ўзбекистон кечки қишлоқ мактабларида ишлаб турган ёшларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзуидаги илмий-тадқиқот иши билан шуғуланди ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. 1974—1984 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти мактаб раҳбарлари малакасини ошириш факультетининг декани ва айни вақтда умумий педагогика кафедрасининг доценти лавозимларida ишлаб, республика мактаблари раҳбарларининг илмий-методик, умумий педагогик ҳамда мактабшунослик бўйича билимларини ва педагогик кадрлар малакасини оширишни янада такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. 1984—1987 йилларда Абдулла Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида илмий-методик ишлар бўйича ректор ўринбосари лавозимида ишлади ва институтнинг илмий-методик ва умумий педагогик имкониятини анча яхшилашга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг умумий педагогика кафедрасида ишлаб келмоқда.

### **СҮНГГИ ИИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАОРИФ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ТАРАККИЁТИ**

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. У мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».

Хақиқатан ҳам, мустақиллик баркамол инсон учун бебаҳо қадр-қимматимизни тиклаш, ўзлигини чуқурроқ англаш, унтуилаётган маънавий-ахлоқий қадриятларимизни ҳаётга татбиқ этиши, шу юртнинг фуқароси эканлигидан фахрланиш, она тилининг соҳиби бўлиш каби бахтни ато этди. Мустақилликнинг максади, моҳияти ва вазифаларини ёшлар онгига сингдириш, комил инсонларни вояга етказиш, ҳалқ таълими тизимини янада ривожлантириши талаб қилади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилган ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий

қоидалари; халқ манфаатларини күзловчи мустақил иқтисодий сиёсатнің амалга ошириш;

Халқларнинг маънавий ва ахлоқий ривожланишида уларнинг эркинлиги, ҳуқуқ ва бурчини одилона асослаб берилганини гидир.

Ўзбекистон жамиятининг кичик бир қисми бўлмиш оиласда болани тарбиялашда дастлаб умумий инсоний қадрият, маънавий меросга содиқлик ҳис-туйғусини шакллантиришдан бошлаш зарурдир. Шунингдек, ҳар бир фуқарони ўзбеклиги ва ўз она тилиси билан ғурурланишини тарбиялаш лозимдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқ таълими-нинг ривожланишида алоҳида ўрин тутади. Унинг ІХ боб 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир»— дейилган. Шу қоидага асоссан фақат Ўзбекистонда эмас, балки чет эллардаги мактаб ва олий ўкув юртларида ҳам таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тавсия этган чет тилларни чуқур ўрганиш асосида Ўзбекистондаги 21 та мактабда курик-танловлар ўтказилиб иқтидорли болалар саралаб олинди, уларнинг 15 нафари АҚШга таълим олиш учун юборилди.

Ўзбекистон ёшлиарининг таълим олиш эркинлиги улардан келажакда илм ва маънавият муаммоларини ҳал қила оладиган илм соҳибларини етиштиришга хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳужжатларига асосланиб таълим Қонуни ишлаб чиқилиди ва у Республика олий раёсати сессиясида қабул килинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тўғрисидаги қонуни-нинг вазифалари фуқароларнинг илм олиш ҳуқуқини ва Ўзбекистон Республикасида таълим эркин ривожланишининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беришдан иборатдир. Унда таълим соҳасидаги сиёсатнинг асосий қоидалари қатори қўйидаги янги қоидалар ифодаланган: «Таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устуворлиги». «Давлат таълим стандартлари доирасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганини. «Таянч (тўққиз синф ҳажмидаги) таълимнинг мажбурийлиги».

Таълим муассасаларида чет тилларни урганиш, дип тарихи ва жаҳон маданияти бўйича билим олиш учун шароитлар яратиш ҳамда педагог шахсини, унинг ижтимоий малакасини хурматлаш ва ҳоказолар.

Халқ таълими тизимининг мақсади жамиятининг ақлий куч-қудрати, илмий-ижодий имкониятларини оила, жамият ва давлат олдидаги ўз бурчини англаб етадиган, ҳар томонлама баркамол шахсни етиштиришdir.

Ўзбекистон Республикасининг халқ таълимига доир асосий ҳужжатлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни туғрисидаги қонун;
- 3) Президент фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳуматининг қарорлари;
- 4) Халқ таълим министри давлат режаси;
- 5) Таълим ва тарбия бўйича давлат дастури.

#### **Таълим тизимининг тузилиши:**

- мактабгача тарбия;
- умумий таълим;
- бошланғич таълим (I—IV синфлар);
- таянч таълим (V—IX синфлар);
- ўрта таълим (X—XI—XII синфлар);
- мактабдан ташқари таълим ва тарбия;
- ҳунар-техника таълимни;
- ўрта маҳсус таълимни;
- олий таълим;
- илмий ва илмий-педагогик мутахассислар тайёрлаш;
- малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш;
- онла тарбияси;
- фуқароларнинг мустақил таълим олиши.

#### **Таълим муассасалари:**

- республика ва маҳаллий давлат бошқарув идоралари;
- мулкчиликнинг барча шаклларидағи ташкилотлар, корхоналар, муассасалар;
- жамият бирлашмалари;
- диний ташкилотлар;
- айрим фуқаролар.

Халқ таълимни вазирлиги халқ таълимни тизимини янада ривожлантириш ва дунё стандартига кўтариш мақсадида 1992—1995 йилларда қўйидаги тадбирлар бажарилишини белгилади:

1. Умумий ўрта таълимга давлатнинг мажбурий талаблари туғрисидаги Низомни тузиш (1992).
2. Умумтаълимий фанларнинг ўқув режаларини тузиш.
3. «Қишлоқ мактаби», «Бошланғич мактаб» дастурларини яратиш.
5. Ўқув режаларига яниғи фанларни ўргатишни киритиши.
6. Она тили ва адабиёт. Ўзбекистон халқлари тарихи, умумий тарих, Ўзбекистон географияси фанларини ўқитишнинг мазмунини қайта кўриб чиқиши.
7. Шиддатли корона усулда тил ўрганишнинг илмий асосларини яратиш.
8. Ўқувчиларнинг умумтаълимий фанлардан олган билимлар савияси давлат талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқиши.

**Барча турдаги умумий таълим мактабларининг ҳозирги  
замон тараққиёти қўйнадаги кўрсаткичда ифодаланади.  
(1993 йил 1 январда олинган кўрсаткич)**

IV жадвал

Умумий таълим мактабларининг тури	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони
Кундузги умумий таълим мактаб- лари, шу жумладан:	8963	476,660,5
— бошлангич таълим мактаблари	174	11,873
— таянч-таълим мактаблари	1586	340,102
— ўрта умумтаълим мактаблари	7117	4,393,924
— куни узайтирилган гуруҳларга эга бўлган мактаблар	5176	761,483
Фанларни чуқурлаштириб ўргатади- ган мактаблар	1541	573,124
Шу жумладан:		
— гимназиялар	56	22,671
— лицейлар	83	18,556
— кечки (навбатли) умумтаълим мактаблари:	188	64,462
Бундан ташқари:		
— кечки синифлар ташкил этилган умумий таълим мактаблари	223	
— ақлий ва жисмоний носоғлом болалар учун маҳсус таълим мактаблари	83	20,706
— Болалар уйлари	25	
Етим болалар интернат-мактаби	4	2,5000 719

Республикамиз «Давлат тили тўғрисидаги Қонун»га мувофиқ-  
лаштирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида Республика Давлат тили — ўзбек тили деб белгиланган. Лекин шунга қарамай, мустақил Ўзбекистоннинг бутун дунё мамлакатлари билан алоқа боғлаши ва ҳамкорлик қилишини назарда тутиб ёшлиарнинг турли чет тилларни ўрганишига жиддий эътибор берилмоқда. Қўйида умумий ўрта таълим мактабларида чет тилларнинг ўқитилиши ифодаланган. Унда биринчи рақам мактаблар сони ва иккинчи рақамда ўқувчилар сони (минг нафар) кўрсатилган.

инглиз тили — 3803 (1327,6)

немис тили — 2901 (917,4)

француз тили — 1617 (465,1)

испан тили — 97 (22,8)

араб тили — 51 (20,4)

форс тили — 17 (5,4)

урду тили — 4, (2,2)

хитой тили — 3 (982 киши)

ҳинд тили — 2 (1,8)

Ўзбекистонда таълимнинг мақсади ёш авлодни босқичма-  
босқич ҳалқчиллик рухида тарбиялаб, буюк давлат учун маъ-  
лумотли, маданиятли қилиб вояга етказишдир;

— оила, жамият давлатимиз олдидағи масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантириш;

— ахлоқий пок жисмоний бақувват Ватан түйфуси билан тарбияланган фидой инсон, ташаббускор соғлом авлодни шакллантириш;

— таълимни фақат маълумот, савод ўргатишгина эмас, уни ҳаётга татбиқ қиласынан шахсни тарбиялаш...

Ўзбекистон мактаблари олдига қўйилган таълим мақсадини амалга оширишда мутахассисларни тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади: Президент И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Ёшлир, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавияти тушуниб етиш бошланади. Бунда давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илфор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади. Ба энг аввало Ўзбекистоннинг ўзида юкори сифатли таълим учун шароитлар яратади.

Ўзбекистонда педагог мутахассисларнинг тайёрлаш тизими:

Ўрта маҳсус таълим

Олий таълим :

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш.

Ўрта маҳсус ўқув юртларида кўп сонли урта босқич мутахассисларни тайёрлайди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўқув муассасалари тўғрисида Низом» асосида 245 та ўрта маҳсус ўқув юртларида мутахассислар тайёрланмоқда. Булар: қишлоқ хўжалик, санъат, саноат, қурилиш, спорт, ҳуқуқшунослик. Шулардан 33 тасида, яъни педагогика билим юртларида 3 та индустрисал-педагогика техникумидаги ҳам ўқитувчилар тайёрлайди.

Республикамизнинг олий малакали ўқитувчи — мутахассислари Ўзбекистондаги 55 та олий ўқув юртида тайёрланади:

16 — университет.

7 — тиббиёт.

6 — педагогика.

4 — қишлоқ хўжалик.

3 — маданият.

1 — темир йўл.

1 — алоқа институтлари мавжуд.

Ўзбекистон таълим тизимида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ягона давлат тизими мавжуддир.

Республикамизда ҳалқ таълими тизимида қўйидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари мавжуд:

1. А. Авлоний номидаги Республика ўқитувчилари малакасини ошириш Марказий институти (14 та вилоят ва шаҳар ўқитувчилар малакасини оширади).

2. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги малака ошириш факультети.

3. Олий ва ўрта маҳсус ўқув юрти ходимларининг малакасини

ошириш Олий педагогика институти. М. Улуғбек номли ТошДУ қошида мутахассисларнинг малакасини оширишининг қўйидаги шакллари мавжуд:

қисқа муддатли курслар, эркин тингловчи курслар, сиртқи ва қатнаб ўқийдиган курслар, муаллифлик курслари...

Мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш қўйидаги режа асосида олиб борилади:

Ўқитувчи касбий маҳоратини шакллантириши, янги педагогик муаммолар ҳақида билим бериш, ўзаро тажриба алмашиш, ўз устида мустақил ишлаш.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги туфайли ҳалқ таълими ҳам янги-янги босқичларга кўтарилиди ва қўтарилимоқда.

#### **МУСТАҚИЛЛИК, МАЪННИЯТ, КЕЛАЖАҚ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУХИМ ОМИЛДИР**

Биз асрлар давомида орзу қилган мустақил давлатни барпо этиб уни моддий ва маънавий томонларини мустаҳкамлаш учун меҳнат қилмоқдамиз. Бу борада иқтисодий устуворликка алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақилликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш иши миллат, бозор муносабатлари каба бир катор омиллар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилимоқда. Бу соҳада маънавият, маданият ва руҳият каби масалаларнинг моҳиятлари ҳам очиб борилмоқда. Ўмуминсоний маънавият, маданият ва руҳият деганда, биз дастлаб ёш авлодларни миллий маънавият тарбиясининг асосини англаймиз. Ушбу масала муайян фаолият тизими орқали амалга оширилади. Миллий истиқлол мафкураси мана шу фаолият тизимининг дастури булиб хизмат қилмоғи лозим.

Мустақиллик мафкурасини яратишда Ўзбекистон Республикасида тузилган таълим маркази ибратли ишларни амалга оширимоқда. Таълим Маркази томонидан мустақиллик мафкураси ва унинг ғоялари ёш авлодлар онгига сингдирилмоқда, ҳалқ таълимнинг ҳар бир босқичи миллий маънавий-маданий ғоялар асосида қайта ишлаб чиқилмоқда. Концепциялар, уқув дастурлари, янги дарсликлар яратилмоқда. Улар давр руҳи билан мослаштирилмоқда. Бу соҳада «миллий мерос» марказининг ибратли ишлари алоҳида ахамият касб этмоқда.

Республикамизда ташкил этилган маънавият маркази ходимлари ҳамда ҳалқ таълими вазирлиги республика мактаб ўқувчиларини, олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги эса талабаларни миллий меросни ўрганишларига катта эътибор бермоқдалар.

Ҳалқ таълими тизимидағи барча таълим босқичларида миллий меросни ўрганишни янги режаси ишлаб чиқилди. Ҳар бир синфа «Маданий ва тарихий меросимизни ўрганамиз» бурчаги ташкил этилди.

Мактабларда ўқувчиларни она Ватан меросини ўрганишга бағишлиланган илмий сафарлар ташкил этилди. Олимпиадалар

ташкил қилинди. Сүнгги пайтларда шаҳарлар, маҳаллалар, жу-  
чаларимиз тарихи хақида баҳслар юритилмоқда.

Шунга биноан Ҳалқ таълими тизимининг ҳамма босқичла-  
рида мероснинг ўрганишнинг алоҳида-алоҳида йўналишлари  
қўйидагича белгиланди.

Улар:

Ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий тадбирларни;

турмуш маданияти;

ўзбек тилини соғлигини сақлаш;

ўзбек миллий урф-одатлари, расм-русум ва маросимлари;  
санъат ва маданий меъморчилик;

ислом динидаги маънавият — инсоний қадриятлар;

боболардан болаларга насиҳат ва пандлар;

ўзбекона инсоний юксак ахлоқий сифатлар;

инсонга меҳр, миллий фурур ва бошқалар.

Меросга ихлос фазилати дастлаб оиласда сўнгра мактабда  
бала қалбига сингдирилади. Бошланғич мактабда миллий таъ-  
лим-тарбиянинг дастлабки асоси шакллантирилади. Тўрт йил-  
лик бошланғич мактабнинг йўриқномаси («концепцияси») лойи-  
ҳаси (1992 йил 11 апрель «Маърифат» газетасида эълон қилин-  
ган) яратилди. Бунда бош масала бошланғич таълим, миллий  
таълим-тарбиянинг асосий белгиси эди. Концепцияда миллий  
мактабларнинг таълим мазмуни унинг шакли ва мундарижаси,  
қандай маънавий қиёфага эга эканлиги кўрсатилди. Концеп-  
цияда янгилangan миллий истиқлол мағкурасига суянган бош-  
ланғич мактабдаги таълим-тарбиянинг бош вазифаси ҳам  
белгиланди. Улардан асосийлари бола руҳида зоҳир бўлган  
адолат ва эзгуликни барқарорлаштириш, болани илм-хунарга  
ургатиш. Бола руҳиятини соғломлаштириш, шунингдек, қўшиқ-  
чилик, рақс, расм чизиш, жисмоний тарбия, мусиқий дарслари-  
га жиддий эътибор бериш жуда зарур. Мазкур концепция — ке-  
лажакни ёрқин истиқбол режаси бўлиб, у қўйидаги бўлимлар-  
дан иборатdir:

## 1. Бошланғич таълимнинг мақсад ва вазифалари.

Асосий мақсад таълимни инсонпарварлаштириш. Ўқишига  
қизиқиш, хоҳиш ва эътиқод уйғота олиш.

## II. Бошланғич мактабнинг тузилиш принциплари:

1. Болалар мактабга 7 ёшдан қабул қилинади;

Бошланғич таълим икки босқичда булиши. 1—2- синфлар қўйи  
босқич. 3—4- синфлар юқори босқичи бўлиб узвий боғланган бу-  
лиши;

2. Бошланғич мактабнинг ўқув режасида: «Савод одоби»,  
2-синфдан бошлаб «Эски ўзбек ёзуви»;

Жамиятшунослик, ўлкашунослик, ҳайвонот ва ўсимликлар ола-  
мидан ҳам дастлабки билим бериш;

Таълим сабоқи дақиқалари, күнлик ва ҳафталик соатларни қис-қартириш кўзда тутилсин.

3. Бошланғич таълим-тарбия услубиётининг тадқиқот ишларини Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФиТИ бошланғич мактаб бўлими қошида илмий-методик кенгаш бошқаради.

4. Бошланғич мактаб бўлими қошидаги амалий-илмий ижодий гурух Халқ таълими томонидан тасдиқланган «Низом» асосида фаолият кўрсатади.

5. Бошланғич мактаб бўлими қошидаги «Маърифат көрхонаси» ташкил этиш.

**III. Бошланғич таълим мазмуни.** Бошланғич мактабнинг янги мазмуни кичик мактаб ёшидаги мактаб ўқувчиларини умумий ривожлантириш, таълим-тарбия бериш ишларини такомиллаштириш учун аниқ йўналишларни белгилаган.

#### **IV. Бошланғич мактабларда таълим воситалари**

Бу бўлимда ўқув-тарбия жараёнини компьютерлаштириш, ўқузчиларни дарслардан тўла қониқишига эришиш, дарсларда тежамкорликка ўргатиш ва бошқаларга эътибор берилади.

**V. Бошланғич мактабларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш.**

Бу бўлимда ота-оналарни фарзандларини хоҳлаган мактаб, ўқитувчи ва дарслеклардан фойдаланиш имконига эга эканлиги ўқтирилади. Сўнгра 1—2- синфларда дарсларнинг давомийлиги 25—30 дақиқа, 3—4- синфларда эса 35—40 дақиқа булиши. Берилган синфларда ўқув ҳафтаси 5 кун, шундан бир кун сайдир ва саёҳатларга олиб бориш. Сўнгра бу бўлимда табиат қўйнидаги дарслар, куни узайтирилган гурӯҳ фаолияти, тўгараклар ва ижтимоий жамият учун фойдали меҳнатни ташкил қилиш масалалари берилади.

#### **VI. Таълим бериш йўллари ва касб-кори.**

Бу бўлимда янги таълим мазмунидаги усул ва методлар янги-ча шакл кўринишида баён этилади.

**VII. Бошланғич синф ўқитувчиси.** Бу бўлимла ўқитувчининг маҳоратига қўйилган талаблар мужассамлаштирилади.

**VIII. Бошланғич мактаб йўл-йўриғининг амалиёти ва мала-ка ошириши.**

Бошланғич таълим мазмунини қайта куриш, ўқув дастур ва режалари; Шу билан бирга бу бўлима I—IV синф ўқув дастурларини илмийлигини таъминлаш, илмий амалий анжуманлар малака ошириш масалалари акс эттирилган.

Республикамизнинг Умумий таълим мактабларида ҳар бир ўқитиладиган фан учун алоҳида концепция тузилган. Бунда умумий қоидалар янги ўқитиладиган фанларни зарурлиги, вазифалари, методологияси ва маълум фанни асосий мазмунни ёритилган. Шу тариқа урта маҳсус ва олий таълим тизимида хам ҳар бир фанни ўзига хос концепциялари тузилганлиги мустақил Ўзбекистонни янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

Табиийки, ахлоқ мажмун ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар асосида шаклланмоғи керак.

Юртбошимиз И. А. Каримовнинг, «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган шиори кўп жиҳатдан мактабдаги тарбиявий тадбирларга боғлиқdir.

Қори-Ниёзий номидаги УзПФТИ олимлар гуруҳи ва ҳалқ тизими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» концепцияси (йуриқномаси) ҳам тарбиявий ишларни назарий ва амалий жиҳатдан тўғри режалаштириш имконини яратади.

Мазкур концепцияда тарбиявий ишларнинг асосий йуналишлари, мақсад ва вазифалари қўйидагича берилган:

Инсон ва унинг атрофини қуршаб турган муҳит: оиласи, отонаси, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Боланинг ривожланиш жараёнини бошқариб бориш керак. Инсонни биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи, ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришувчи ғояси асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви, бу унинг айрим қирралари ёки хислатларининг тўлақонлигини, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Жумладан:

— ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўз ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

— ўқувчиларни умуминсоний ва ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш;

— ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг табиий билим-донликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

Инсонпарварлик ахлоқи меъёрларини шакллантириш (меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларига тоқатсизлик), муомала одоби, зиёлилик маданияти каби тарбия чоралари (ноҳақликка, ёлғончилик, туҳмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланиши лозим;

— қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий маъсулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният та-

раққиётини барқарор сақлаб қолиш йўлида ғамхўрлик, экологик тарбиялаш;

— ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, маданият арбобларига бўлган алоҳида муносабат ва уни үрганиш, ўз халқига, давлатига унинг ҳимояси учун ҳамиша шай булиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзлари га хурмат билан қараваш;

— турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш, меҳнатга ижодий ёндашиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби хислатларини тарбиялаш, амалий муносабатлар — тадбиркорлик, тўғри сўзлик ва масъулият ҳиссини тарбиялаш;

— соғлом турмуш тарзи учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносаби оила соҳиби бўлишга интилиш. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва уларнинг оқибатига масъулият билан қараваш хислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш. Инсонни атроф-муҳитга таъсири, одамларни ўзаро муносабатларга амал қилиш руҳида тарбиялаш;

— мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга үргатиши. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички сиёсатига аралашмаслик, бетарафлик, ошкора — очиқ ташқи сиёсати ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, уни ижтимоий ҳимоя қиласидаган ички сиёсатини тўғри тушунмоқ ва тушунтируммоқ керак.

Тарбиянинг асосий тизими қўйидагилар бўлиши лозим:

— тарбияда улгаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлиги эътиборга олинниши;

— миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий «бунёдкорлиги» ёш авлод яшаши лозим булган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишиларини, интилишиларини инкор қиласмаслик лозим;

— ўқувчилар ҳаётий фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш. Бола, ўсмир, йигит ва қизлар билим юритидаги пайтида нафақат бўлгуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар.

Ўқувчилар кунгиллари тусаган ишга қўл урсиллар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин;

— шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш.

Бу масалаларнинг барчасини зарур шароитлар юзага келтирилган ҳолдагина, таълим ва тарбия жараёни қушиб олиб борилган тақдирдагина амалга ошириш мумкин.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён

умумий ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни қамраб олсин, мажмуий (инсон ҳаётий фаолияти барча жиҳатларини акс эттирувчи, турли услубларни ўзаро боғлаб турувчи, унга таъсир ўтказувчи, ривожлантирувчи, йўлловчи воситалар, умуман, тарбиянинг барча томонлари ҳамоҳанглигда) тарзда бўлсин, турли ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муасасаларининг шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мұжассамлашсин.

Тарбиявий ишларни режалашда ўқитувчи — тарбиячи қўйидаги ахлоқий сифатларни тарбиялашни назарда тутмоғини лозим деб ҳисобладик:

1. Имон-эътиқод тарбияси.

2. Ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбияси.

Она-Ватанга муҳаббат, инсонга меҳр, табиатни муҳофаза қилиш, инсон ҳуқуқларини асрар, умумий инсоний қадрият, миллатлараро ҳамкорлик, инсонларда муруватли сахийлик фазилатларини шакллантириши.

3. Меҳнатсеварлик.

Меҳнатга меҳр, хунарни фойдаси, илм-меҳнатни асоси. Бозор иқтисодиети ва меҳнат, меҳнатни қадрлаш. Жамоа меҳнати. Ҳалқ маънавиятида меҳнат.

Экологик тарбия (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш).

Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида боболар ўғитлари. Мен ва табиат. Табиат гўзаллиги. Ҳайвонлар ҳам яхши яшашни истайди. Табиат инъомларини эҳтиёт қиласайлик.

Иқтисодий тарбия.

Бозорга бориш ва харид қилиш одоби. Бозор дегани нима? Тежамкорлик яхши фазилат, оила даромади ва уни режалаштириши.

Гўзаллик тарбияси.

«Инсон учун ҳамма нарса гўзал булиши керак» шиори остида гўзаллик ҳиссиятини, яшаш жойи, кийиниши, атроф-муҳит, меҳнат, муомала гўзаллигидан бошламоқ лозим.

Ота-оналар билан ишлаш.

Бунда ота-оналарни тарбиявий тадбирлар режасидаги мавзуларга ҳамкорлик қилишга чорламоқ керак.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар концепциясида иқтидорли болаларни тарбиялашга алоҳида тўхталган.

## ИСТЕДДОДЛИ БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Истеъдод ўз вақтида намоён булишга, тарбияга ва қўллаб-қувватлашга муҳтождир. Ўз навбатида ҳар қандай тараққий-парвар жамиятга истеъдодли шахслар зарур. Шу нуқтаи назардан истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитиш республиканинг бўлажак ақл-заковатли ва ижодий фикрловчи кучларини тайёрлашнинг ягона жарайёнидир.

Истеъдодларнинг сонини ошириш учун шаронт яратиш мақсадида аввалги ютуқ-тажрибаларни ривожлантириш, иш ус-

лублари, йиллик фан олимпиадаларни ўтказиш, «Санъат байрами», китобхонлар ҳафталиги, болалар ижодкорлиги каби тадбирлардан фойдаланиш муҳимдир.

Ўқувчи ёшларни ижодий ривожлантириш мақсадида истеъдод ва иқтидорни оигли рағбатлантириш, мукамаллик учун шароит яратиш, уларнинг ижобий қизиқишилари ранг-баранглигини ошириш, турли курсатмали тадбирларда иштирок эттириш, олимпиадалар, танловлар, кўргазмалар, учрашувларга жалб этиш лозим.

Истеъдодли болаларни таниқли шоир, ёзувчи, рассом каби санъат намояндадарига ижодий «боғлаб» қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай истеъдод ривожланишида ахлоқий, маънавий тарбиядан баҳраманд бўлмоғи зарур.

Болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда оила ва муҳитнинг аҳамияти каттадир. Айниқса, республика-нинг қишлоқ жойларида иқтидорли болаларни излаш, топиш ва изчил муттасил касбий таълим ва тарбиясини йўлга қўйиш муҳимдир.

Истеъдодли болаларни жойларнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий камол топтиришда диагностик услубиятлар, ўқув режалари ва ўқув услубий, тарбия ва таълим дастурлари билан таъминлаш лозим.

Шунингдек, замонавий моддий-техник ва молиявий жиҳатдан иқтидорли болаларни излаш, топиш ва тарбиялаш учун тулиқ таъминот зарур.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун унинг таркибиغا Халқ таълими, Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирликлари ходимлари, етакчи олимлар ва мутахассислар, ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилар, тугарак раҳбарлари киритилган Республика методик кенгаши тузилиши лозим.

Турли ёшдаги гуруҳлар истеъдодлари ва иқтидорларини қидиришининг умумий дастури зарур. Оммавий ўқув юртларида бўлганидек, мактабдан ташқари муассасаларда ҳам бу бора-да ўқув дастури режаларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш куйидаги омилларга:

— ушбу аниқлашнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг республиканинг заковати, ижодкорлик куч-кулратини тайёрлашнинг истиқболи билан боғлиқлигини тушунишга;

— руҳий-диагностик услубият, услубий материаллари бўлгани ҳолда турли ёшдаги гуруҳларда аниқлашнинг умумий дастурлари яратилишига;

— истеъдодли болалар (маҳсус тайёрланган режа, дастур, илмий асосланган услубият ва ҳоказо бўйича) билан ишлаш учун ихтисослашган муассасаларнинг ягона тармоғини тарғиб этишга;

— оммавий ўқув юртларида истеъдодли болалар билан ишлаш учун зарур ўқув-дастурний қўлланмаларини ишлаб чиқишга;

— жойларда маҳсус гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган

халқ таълими, давлат ва жамоат муассасалари ижодий уюшмалар томонидан тасдиқланган дастурларга (бу дастурларда истеъдодли болалар билан ишлашнинг истиқболлари ва босқичлари, ўз ҳудудида бундай фаолият ва кўпгина бошқа тадбирлар учун маблағ ажратиш), уларни таъминлашга;

— қўйилган вазифаларни ҳал қилишга кенг жамоатчилик диққатини жалб қилишга, республика методик кенгашининг тузилишига (бу кенгаш таркибига Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирликлари, ҳалқ таълими бошқарув органдарни ходимлари, етакчи олимлар ва мутахассислар, ижодий уюшмалар, амалиётчи ўқитувчи, мактабдан ташқари муассасалар) каби тўгарак раҳбарлари кирадилар;

— илмий тадқиқотлар мактаблар учун норматив материалларни синф ишланмалари мажмуига истеъдодли ўқувчилар ҳақида маълумотлар манбани яратишга, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг (табақалаштириш, индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш) ягона услугубий асосини яратишга боғлиқ.

Истеъдодли ва иқтидорли болаларнинг ўқитувчи ҳамда тарбиячилари алоҳида истеъдодлар учун турлича ўқув режа ва

~~дастурларни эга бўлишлари маъсайдага мувофиқ~~

### Маҳаллада тарбиявий ишларни ташкил этиш

Мавжуд вазифаларни ҳал қилишда маҳаллага алоҳида эътибор керак. Чунки у ижтимоий тарбиянинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Маҳалланинг устунлиги шундаки, кўп ийллар давомида бирга яшаган кишилар ягона дўст оиласга уюшганлар. Улар ота-оналарнинг мавқелари ва имкониятларини яхши билишади. Маҳаллада анъанавий тарбиянинг ҳалқона услублари таркиб топган. Масалан, ҳашар усули билан ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилинади, оғир дақиқаларда бир-бирларига ёрдам беришади. «Навруз», «Олтин тўй», «Кумуш тўй», «Мучал тўй» ва қатор бошқа миллий тантаналарни биргаликда байрам қилишади. Бу эса ҳеч сўзсиз катта тарбиявий аҳамиятга эга ва ахлоқийликни ривожлантиришга, жамиятнинг бошланғич негизи сифатида оиласи мустаҳкамлашга ёрдам беради.

## МУНДАРИЖА

Кириш	3
<b>I боб. Қадимги Шарқ ва Фарб халқлари педагогикаси. Қишилик жамияти ривожланишининг турли даврларидаги мактаб, тарбия ва педагогик гоялар</b>	6
Тарбиянинг пайдо булиши ва тарихий ривожланиши	6
Марказий Осиёда дастлабки тарбия	7
Қадимги Юнонистондаги файласуф олимларининг педагогик гоялари	10
Қадимги Римда таълим-тарбия (педагогика) ва методика қоидаларининг ишланиши	13
<b>II боб. VII—VIII асрларда Мовароуннаҳрда маданият ва педагогиканинг яратилиши</b>	14
Ислом дини ва ҳадисларда таълим-тарбия	18
«Қуръони Карим»да ифодаланган тарбиявий гоялар	19
Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом инсон тарбияси ҳақида	20
Ат-Термизий ҳадисларida таълим-тарбия	22
Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий	23
«Ал-адаб ал-муфрәд»да («Адаб дурданалари») таълим-тарбия	24
Шарқ машойихларининг таълим-тарбия ҳақидаги таълимотлари	28
Хўжа Абдухолиқ Фиждувоний	29
Аҳмад Яссавий	32
Носир Хисрав	35
Баҳовуддин Нақшбанд таълим-тарбия ҳақида	36
<b>III боб. Шарқ уйғониш даврида таълим тарбия ва маданият</b>	38
Уйғониш давридаги ижтимоий ва маданий тараққиёт	38
Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг дидактик қарашлари	39
Форобий таълим-тарбия ҳақида	41
Беруний таълим-тарбия ҳақида	45
Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида	51
Рӯдакий таълим-тарбия ҳақида	59
Фирдавсий тарбия ҳақида	61
Абушукур Балхий тарбия ҳақида	63
Үнсурулмаолий Қайковус тарбия ҳақида	64

Умар Хайём тарбия ҳақида . . . . .	67
Июсуп Хос Ҳожиб таълим-тарбия ҳақида . . . . .	70
Аҳмад Юғнакий тарбия ҳақида . . . . .	72
Замахшарий тарбия ҳақида . . . . .	76
 IV боб. Темурийлар даврида маданият ва таълим-тарбия масалалари . . . . .	79
Амир Темур ҳаёти ва салтанатининг вужудга келиши . . . . .	79
Амир Темур ва замондош алломалар. Сайфи Саройи . . . . .	88
Ҳусайн Вониз Кошифий . . . . .	89
Насриддин Бурхониддин ўғли Рабгузий . . . . .	91
Жалолиддин Давоний . . . . .	92
Пошшахожа . . . . .	93
Мирзо Улуғбек таълим-тарбия ҳақида . . . . .	94
Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида . . . . .	99
Захириддин Муҳаммад Бобур тарбия ҳақида . . . . .	109
 V боб. Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши даврида мактаб ва педагогик фикрлар . . . . .	113
 Ах . . . . .	117
Фурқат таълим-тарбия ҳақида . . . . .	119
Мунис Хоразмийнинг маърифий ғоялари . . . . .	122
XIX асрнинг 80—90 йилларида Туркистонда ижтимоий-педагогик фикрлар . . . . .	124
Абдуқодир Шакурий . . . . .	129
Исматилла Раҳматуллаев . . . . .	134
Сандиҳмад Сиддиқий . . . . .	137
Сандрасул Азизий . . . . .	140
 VI боб. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва унинг маориф ривожланишидаги ўрни . . . . .	143
Туркистонда жадидчилик оқимининг вужудга келиши . . . . .	143
Исмоилбек Ғасипали ўғли . . . . .	146
Мунаввар қори таълим-тарбия ҳақида . . . . .	149
Абдурауф Фитрат . . . . .	153
Маҳмудхўжа Беҳбудий . . . . .	161
Исҳоқхон Ибрат . . . . .	166
Қори-Ниёзий . . . . .	170
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий . . . . .	173
Абдулла Авлонийнинг маърифий-педагогик қарашлари . . . . .	178
Садриддин Айнийнинг педагогик қарашлари . . . . .	183
Оқилхон Шарафиддинов — бошлангич таълим жонкуяри . . . . .	185
Ўзбекистонда меҳнат мактабларининг ташкил этилиши (1917—1920 йиллар) . . . . .	188
 VII боб. Чет эл ва Россиядаги илғор педагогик ғоя намояндалари	
Ян Амос Каменский . . . . .	193
И. Г. Песталоцци . . . . .	204
К. Д. Ушинский . . . . .	208

Л. Н. Толстой . . . . .	213
А. С. Макаренко . . . . .	216
<b>VIII боб. XX асрнинг 60-йилларигача ва ундан кейинги даврларда Узбекистонда педагогика фанининг тараққиёт йўналишлари</b>	
Сиддиқ Ражабов . . . . .	220
Эминжон Қодиров . . . . .	223
<b>Рахимжон Ҳосмонов</b> . . . . .	<b>225</b>
Имомхон Ҳусанхўжаев . . . . .	225
Зокир Миртурсунов . . . . .	226
Малла Очилов . . . . .	227
Саломат Темурова . . . . .	228
Рахима Мавлонова . . . . .	229
Ойша Тўраева . . . . .	229
<b>Мирқобил Мирқосимов</b> . . . . .	<b>230</b>
Сўнгти йилларда Узбекистонда маориф ва педагогика фанининг тараққиёти . . . . .	231
Мустакиллик, маънавият келажак авлод тарбиясида мухим омилдир Истеъоддли болаларни аниклаш ва уларни тарбиялаш . . . . .	236





ОИША ҲАСАНБОЕВА,  
ЖАЛОЛИДДИН ҲАСАНЬОЕВ,  
ҲАМИДЖОН ҲАМИДОВ

## ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

Ўрта маҳсус ва олий ўқув юрглари  
талаabalari учун кўлланма

Тошкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудири *С. Очил*

Муҳаррир *К. Дўсматова*

Бадиий муҳаррир *З. Абдурасулов*

Техник муҳаррир *С. Турсунова*

Мусаҳҳих *С. Абдусаматова*

ИБ № 7036

Теришга берилди 28.10.96. Босишга руҳсат этилди 30.07.97. Формати 60x90<sup>16</sup>.  
Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитура. Юқори босма усулида бо-  
слиди. Шартли б. л. 15.5. Шартли кр.-отт 15.63. Нашр. л. 15.03. 3000  
нусхада босилди. Буюртма № 49.

«Ўқитувчи» нашиёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси 30. Шартнома  
12—104—96.

Узбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабри-  
каси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1997.

X 31

Ҳасанбоева О. ва бошқ.

Педагогика тарихи: Үқув құлланма / О. Ҳасанбаева, Ж. Ҳасанбоев, Х. Ҳамидов.—Т.: «Үқитувчи», 1997.—248 б.

1.1,2 Автордош

ББК 74.03 (5У) я73

